


РАҲИМ ҲАСАНОВ

ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСОСЛАРИ

РАҲИМ ҲАСАНОВ ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСОСЛАРИ



РАҲИМ ҲАСАНОВ

ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСОСЛАРИ

БАДИИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ КАСБ – ҲУНАР
КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ
ЎҚУВЧИЛАРИ ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ
ТАЛАБАЛАРИ УЧУН
ҚЎЛЛАНМА
(Қисқа курс)

Тошкент – 2008

Аннотация

Мазкур қўлланма бадий йўналишдаги коллеж ҳамда лицейларнинг ўқувчилари ва олий ўқув юр்தларининг бадий йўналишдаги факультетларининг ва бўлимларининг талабалари учун мўлжалланган.

Маълумки, тасвирий санъатнинг тараққиёти, назарий асосларини шакллантириш ниҳоятда узоқ ибтидоий жамоа давридан бошлаб катта йўлни босиб ўтди. У айрим давлатлар билан чегараланиб қолмасдан ер шарининг барча қитъаларида, барча даврларда ривожланиб борди. Шу асосда санъатшунос ва тарихчилар томонидан ниҳоятда катта материаллар тўпланди.

Афсуски, мазкур қўлланмада уларни барчасини тўлиқ ўрганишнинг имкони йўқ. Шунини ҳисобга олиб мазкур тасвирий санъатнинг назарий асослари билан бирқаторда унинг тараққиёт босқичида буюк бурилишлар ясаган мамлакатлар санъати, уларни жаҳонга машҳур расомлари ва ҳайкалтарошларининг ҳаёти ва ижодига доир материаллар қўлланмага киритилди. Бу материалларни иложи борица қисқа ва лўнда қилиб акс эттиришга ҳаракат қилинди. Қўлланманинг охирида берилган тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати ўқувчиларнинг шу соҳадаги билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга имкон беради деб умид қиламиз.

Қўлланмадан нафақат “Санъат тарихи” курсида балки “қаламтасвир”, “Рангтасвир”, “Композиция” машғулотларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ишда матн қисм билан иллюстратив материалларнинг биргаликда берилиши ўқувчилар томонидан ўрганиладиган мавзунини тез, чуқур, аниқ ўзлаштиришни осонлаштиради.

Қўлланма умумий ўрта таълим мактабларининг тасвирий санъат ўқитувчилари мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячилари, олий педагогик ўқув юр்தларининг меҳнат таълими факультетлари (“Сервис” бўлимлари) талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Кириш

Маълумки, санъатнинг турлари нихотда кўп бўлиб, улар адабиёт, музика, кино, театр, меъморчилик, амалий – безак, цирк, телевидение, тасвирий санъат ҳисобланадилар.

“Тасвирий” атамаси “тасвирилаш” сўзидан олинган бўлиб, унда турли материал, хусусан, бўёқ, тош, гипс, ёғоч шунингдек, бошқа бадиий ва ташландиқ материаллар ёрдамида ҳар хил образларни ва нарсаларнинг расми, ҳайкалини ифодалаш тушунилади.

Тасвирий санъат илм – фан каби дунёни, ҳаётни, табиатни, халқлар тарихини билишга хизмат қилади. Тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа даврига бориб тақалади. Бу вақтда кишилар воқеаларни, одам ва ҳайвонларни тошларга тасвирини чизиб, уларни кесиб турли кўриниш ва мазмунда ҳайкаллар ясаганлар. қадимдан кишилар санъат, табиат ходисалари ва кишиларнинг ўзаро муносабатлари, фаолиятларига, хулқига ижобий таъсир кўрсатади деб ҳисоблаганлар.

Шу қатори тасвирий санъат асарлари кишиларга катта куч билан таъсир кўрсатиш имкониятига ҳам эга. Кишилар тасвирий санъат асарларини томоша қилиш орқали уларда ифодаланган гўзалликни кўриш орқали ўз ҳаётига ана шундай гўзалликни киритишга ҳаракат қиладилар, асарлардаги қаҳрамонона ҳаракатларни кўриб уларга ўхшашга интиладилар. Санъат асарларидаги хунук воқеалар, ҳаракатларни кўриш орқали улардан жирканадилар.

Айниқса, тарихий жанрдаги санъат асарларини томоша қилганда ўша даврдаги табиат манзаралари, нарсалар, кишилар ҳаёти, меҳнат ва жанг қуроллари, уларнинг кийимлари, урф – одатлари билан танишадилар, қурилишлар, бинолар ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Рассомлар ўз асарларида ҳаётни қандай кўрсалар ўшандай эмас, балки ундаги ҳарактерли кўринишларни танлаб оладилар, керакмас иккинчи даражали кўринишларни тушуриб қолдирадилар, муҳимларини бўрттириб кўрсатадилар.

Танишиш ва бўрттириш орқали рассомлар нарса ва ходисаларни кишиларнинг тафаккури ва ҳиссиётларига самарали таъсир кўрсатишга эришадилар. Рассом борлиқни шунчаки биладиган шахс эмас, балки у бой тасаввур ва тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлган кишидир. У ўз ижодида борлиқни шунчаки акс эттирибгина қолмай, балки унга асосланган ҳолда нималарнидир ўйлаб топади, тасаввур этади ва тўқийди. Энг муҳими санъат асарлари ўз мазмунида борлиқни акс эттирибгина қолмасдан, у рассомнинг ғояларини ифодалайди, уни бойитади, Шу билан бирга бундай асарлар томошабинга эмоционал таъсир кўрсатиш кучига ҳам эгадир.

1 – БОБ. ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ ТУР ВА ЖАНРЛАРИ

1. 1. Тасвирий санъатнинг турлари

Тасвирий санъатнинг уч тури мавжуд.

1. Рангтасвир.
2. Ҳайкалтарошлик.
3. Графика.

Рангтасвир деб текис юзада турли ранг ва материаллар ёрдамида бажариладиган тасвирга айтилади. Унга асосан бўёқлар – мойли бўёқ, акварел, гуашь, темпера шунингдек, рангли қаламлар, кўмир, қалам, пастел, соус, сангина каби бадиий материаллар билан ишлаш ҳарактерлидир.

Рангтасвир асарлари қоғоз, мато, картон, девор, ойна, ёғоч каби текис юзларга ишланади.

Рангтасвир асосини расм ташкил этади. Ҳар қандай рангтасвир ишда аввал уни расми ишлаб олинади. Унда композиция, ёруғсоя, ранг асосий ўринни эгаллайди.

Рангтасвир асарлари бажарилиш техникаси жиҳатдан турли – туман бўладилар. Улар мой бўёқли, темперали, фрескали, мозаикали, витражли, акварелли, гуашли, пастелли ҳисобланадилар.

Рангтасвирнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Дастгохли рангтасвир.
2. Монументаль рангтасвир.
3. Миниатюра рангтасвири.
4. Декоратив рангтасвир.
5. Театр – декоратив рангтасвири.

Дастгохли рангтасвир деганда рассомларнинг махсус асбоб – дастгох (мольберт) ёрдамида ишлайдиган сувратлари тушунилади. Дастгохли рангтасвир асарлари унча катта бўлмаган ўлчовда юқорида қайд қилиб ўтилганидек мато, картон, ойна, фанер каби текис юзали материалларга бўёқлар билан ишланади. Дастгохли рангтасвирда кўпинча мойли ва акварель бўёқлар қўлланилади.

Монументал рангтасвир атамаси монументал (махобатли), яъни катта ўлчовдаги, рангтасвир маъносини англатади ва у кўпинча биноларнинг ички ва ташқи деворларига темпера бўёқлари билан ишланади.

Монументал рангтасвир асарларининг фреска, мозаика, витраж, панно каби турлари мавжуд.

Фрескалар асосан бино деворларига, паннолар эса матоларга бўёқлар билан ишланади. 1 – расм.

Мозаика – турли табиий ва ташландиқ материаллар – рангли ойна парчалари, тошлар, синтетик материаллардан бино деворларига ёки текис материаллар устига ишланади. 2 – расм.

Витраж эса биноларнинг деразалари, эшиклари, ойналари устига бўёқлар ёрдамида ишланади. Витражлар уй ичкараси ва ташқарисидан ҳам бир хил кўринади. 3 – расм.

Миниатюра (мўъжаз) рангтасвири) деганда бежирим, жуда кичик, жажи, нозик санъат асарлари тушунилади. Миниатюра рангтасвири ўрта асрларда китоб беағи билан боғлиқ ҳолда ривож топди. У китоблардаги бош, якуний

безак, зархал ҳарф, иллюстрациялардан иборат бўлган. 4 – расм. Рангтасвирнинг бу тури Шарқда, шу қатори Моварауннаҳрда катта шухрат қозонди. Ҳозирда у мустақил санъат тури сифатида нафақат китобларни, балки қутича, носқовок кабиларни безатишда ҳам қўлланилмоқда. Шунингдек, у катта бўлмаган ўлчовда мустақил санъат асари сифатида ҳам тайёрланмоқда.

Декоратив рангтасвир асарлари мустақил амалий аҳамият касб этиб, у биноларни ички ва ташқи деворларни безатишда қўлланилади. Улар панно шаклида шунингдек, қутича, паднис, сандиқ, шкафларни безатишда қўл келади. Бино ичини безатишга хизмат қиладиган нақшлар, фриزلар, намоён каби майда элементлар ҳам декоратив рангтасвирга киради.

Театр декоратив рангтасвири спектакл декорациялари, унда ишлатиладиган грим, бутафорлар билан боғлиқ. Улар театр рассоми томонидан тайёрланиб, спектакл мазмунини томошабин томонидан кенг ва чуқурроқ англаб етишга ёрдам беради. Бу безакларда рассомлар сахнадаги ёруғлантириш ва рангларни ҳисобга олиб тасвирилайдилар. Спектакл безаклари воқеа содир бўлаётган жой, давр, муҳит юзасидан томошабин тасаввурларини кучайтиради, уни идрок этишни осонлаштиради ва фаоллаштиради. 5 – расм.

Тасвирий санъат назарияси ва амалиётида академик рангтасвир ибораси ҳам ишлатилади. Академик рангтасвир асосан ўқув жараёнида фойдаланалидиган кўргазмали рангтасвир ишларини назарда тутлади.

Ҳайкалтарошлик. рангтасвир каби ҳаётий воқеа ва ходисаларни турли услуб ва тасвирлаш техникаси ва материаллар ёрдамида ифодалайди. Ҳайкалтарошликда тош, метал, гипс, ёғоч, воск (мўм), сим каби материаллар кенг қўлланилади. Ҳайкалтарошлик асарлари кесиш, ёпиштириш, улаш ва ўйиш, қуйиш орқали бажарилади.

Ҳайкаларни икки тури мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси тўлиқ юмалок ҳайкаллар иккинчиси рельефли ҳайкаллардир. Юмалок ҳайкалларни ҳар томондан кўриши мумкин бўлса, рельефни фақат бир томондан, яъни олдиндан

кўрилади. Рельефлар текислик устига ишланиб, қисман бўртиб чиққан бўлади. 6 – расм.

Рельефни икки хили бўлади:

1. Барельефда тасвирнинг қалинлиги ярмидан кам бўртиб чиққан бўлади.
2. Горельефда эса унинг қалинлигининг ярмидан кўпроғи бўртиб чиққан бўлади.

Ҳайкалтарошликда маълум миқдорда ранг ҳам қўлланилади. Сўнгги йилларда мўм (воск) ҳайкаллар ишлай бошланди. Бунда рангли мўмлардан тўлиқ фойдаланилмоқда.

Ҳайкаллар шакл ва мазмун жиҳатдан реалистик, декоратив ва абстракт йўналишларда бўлади.

Реалистик ҳайкалларда одам, хайвон ва бошқалар ҳақиқий кўринишда тасвирланса, декоратив ҳайкалларда улар стилизациялашган, яъни шакл, ўлчов, пропорция ва бошқа жиҳатдан маълум миқдорда ўзгартирилиб ифодаланади. Абстракт ҳайкалларда тасвирланувчилар шакл, мазмун, ўлчов ва бошқа жиҳатлардан мовхумлаштирилган ҳолда тасвирланади.

Ҳайкалтарошлар ўз фаолиятларида қуйидаги асбоблардан фойдаланадилар: махсус дастгоҳ, болға, стек, болта, циркуль, искана в. б. Исканаларнинг тўғри бурчакли, учбурчакли, трапеция бурчакли, ёйсимон чуқур шакл берувчи турлари бўлади. Шунингдек, ҳайкал лойи устидаги ортиция қисмини тортиб олиш учун қаттиқ симдан тайёрланган доира, эллипс, учбурчак, тўртбурчак, трапеция шаклидаги сидирғичлар қўлланилади. Шунини ҳам қайд қилиш лозимки, исканалар турли ўлчовда, тузилишда ва шаклда бўладилар.

Ҳайкалтарошликнинг дастгоҳли, монументал, ёдгорлик (мемориал), декоратив ва монументал – декоратив турлари мавжуд.

Дастгоҳли ҳайкалтарошлик ибораси ҳайкалларни махсус асбоб (дастгоҳ)га ўрнатиб ишланганлигидан келиб чиққан. Бундай ҳайкаллар мустақил амалий аҳамият касб этиб улар жамоат бинолари ва уй – жойларнинг ички қисми,

шунингдек, истирохат боғлари, музей ва кўргазма заллари учун мўлжаллаб яратилади.

Дастгохли ҳайкалларнинг характерли хусусиятларидан яна бири, уларни тасвирланаётган нарсаларни ҳақиқий ўлчовида ёки ундан кичик бўлишлигидадир. 7 – расм.

Дастгохли ҳайкалтарошлик асарлари яқиндан кўришга мўлжалланган бўлиб, унда портрет асосий ўрнини эгаллайди. Ҳайкалтарошликда образни фақат калла қисмини тасвирланганда уни бюст дейилади. Агарда уни бўйи – басти билан тасвирланса уни фигурали портрет деб юритилади. Шунингдек, ярим фигурали портретлар ҳам бўлади.

Маҳобатли ҳайкалтарошлик ибораси монументал, яъни йирик, маҳобатли ҳайкал маъносини англатади. Улар майдон ва кўчаларга кенг халқ оммаси учун мўлжаллаб ўрнатилади. 8 – расм. Бундай ҳайкаллар тарихий воқеалар ёки алоҳида машҳур шахсларни номларини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилади. Монументал ҳайкаллар узоқдан кўришга мўлжалланган бўлиб умумлаштирилган тарзда атроф – муҳит билан боғлиқ ҳолда яратилади. Монументал ҳайкалтарошликнинг кўринишларидан бири монументал – декоратив ҳайкалтарошликдир. Улар монументал ҳайкалтарошлик асарлари каби кенг халқ оммаси учун мўлжалланган бўлиб кўпроқ безак вазифасини бажаради.

Маҳобатли – декоратив ҳайкаллар кўча ва майдонларни, бино ва истирохат боғларини, фонтанларни безатишда ишлатилади.

Улар одам, хайвон, балиқ, куш тасвирида акс эттирилади. Бундай ҳайкаллар йирик ўлчовда бўлганлиги сабабли, уларни узоқдан кўришга мўлжаллаб яратилади. Уларнинг умумий ўлчови ва хажми унинг пропорциялари теvarак – атроф, табиат ва биноларга мослаб ва боғлаб ишланади.

Маҳобатли – декоратив ҳайкаллар маҳобатли бўлсада улар ҳам тўлиқ хажмли ва рельефли қилиб ишланиши мумкин.

Пластик ҳайкалтарошлик – ҳайкалтарошликнинг бир тури сифатида монументал ҳайкалларда, ёдгорлик ҳайкалларда, шунингдек биноларнинг ички ва ташқи безак ишларида ишлатилади. Улар ўлчов жиҳатдан майда бўлиб, мустақил амалий аҳамият ҳам касб этади. Махсус лойдан ишланадиган кичик ўлчовдаги ўйинчоқ ҳайкалчалар ҳам пластик декоратив ҳайкаллар ҳисобланади. расм.

Уни кичик – пластика деб ҳам аташади. Ўзбекистонда ҳайкалтарошликнинг бу турида уста кулоллардан Х. Раҳимова, У. Жўракулов, А. Мухторов каби ҳалқ кулол усталари самарали меҳнат қилганлар.

Декоратив ҳайкалтарошликнинг яна бир тури борки улар майда ўлчовдаги метал, мрамор, ёғоч, суяк, чинни каби материаллардан ишланади. Улар ҳам декоратив, ҳам реалистик тарзда ишланиши мумкин. Бундай ҳайкаллар китоб жавонлари, ёзув столларини безатади. 9 – расм.

Графика. графика – лотинча сўз бўлиб, “ёзаман, расм ишлайман” деган маънони билдиради ва тасвирий санъатнинг турларидан бири ҳисобланади. Графиканинг турларидан бири гравюралар. Гравюра французча сўз бўлиб, “кесиш” маъносини билдиради. Бунда расмлар қаттиқ материалларга чизиш ва кесиш орқали бажарилади. Бу расмлар аввало металл, ёғоч, линолеум, тош каби материалларда ишланиб, кейин ундан қоғозга кўп тиражда кўчирилади. Металлда тайёрланадиган гравюрани офорт, ёғочдагисини ксилография, ленолиумдагисини линогравюра, тош орқали тайёрланадиганини эса литография деб юритилади. Графика асарларининг қўлланиш соҳалари бекиёс кенгдир. Хусусан, эстамп, китоб иллюстрациялари, плакат, почта маркалари, газета – журнал безаклари, карикатуралар, (ҳажвий расмлар) этикетка ва упаковклар, театр ва кино афишалари, йўл ва товар белгилари, ташкилот ва муассасаларнинг иш бланкалари шулар жумласидандир.

Китоб графикасининг ватани Шарқ ҳисобланиб. ХУ – ХУІ асрларда бу соҳада шарқ мусаввирларидан Камолиддин Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Султон Муҳаммад, қосим Али, Абдулло кабилар бу соҳада шуҳрат қозонган бўлсалар, ХХ асрда Ўзбекистонда И. Икромов, Б. Кедрин, О. Ошейко, қ. Башаров, Т. Муҳамедов, М. Криакидилар ижод қилдилар.

Графиканинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу унинг катта ўлчовда бўлмаслиги ва буёқлар сонининг чегараланганлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам графика асарларида фақат чизик ёки тўқ доғ иштирок этади. Баъзан график тасвирлар рангли бўлади.

Санъатнинг бу турида айрим графика асарлари катта ўлчовда ва кўп нусхада тайёрланадилар ҳамда улар катта тарбиявий вазифаларни бажарадилар. Бу плакатлардир. 10 – расм.

Графика санъатида эстамп катта ўринни эгаллайди. Эстамп французча сўз бўлиб, штамплаш маъносини билдиради.

Эстамп яратиш учун аввало тасвир махсус асбоблар билан қаттиқ материалга (тош, ёғоч, линолеум) ўйиш орқали туширилади. Сўнгра ўйилган материал устига бўёқ берилади ва ундан қоғозга тасвир олинади.

Эстампга шу нарса ҳарактерлики, гравюра босмадан чиқанидан сўнг рассом унга баъзи бир тузатишлар киритади ва асар тагига рассом ўз имзосини қўяди.

Графика техникасининг кенг тарқалган турларидан бири иллюстрация лардир. қадимда тасвирий санъат китоб билан боғланган эди. Ўрта асрларда Шарқ ва ғарб мамлакатларида яратилган китобларнинг деярли кўпчилиги нақшлар ва рангли расмлар билан безатилган. Бу расмларда китоб мазмуни ўз аксини топар эди. Кейинчалик босма китоблар нашр этиш ихтиро қилинганидан сўнг иллюстрациялар китобларда янада катта ўрин эгаллай бошлади. Иллюстрациянинг аҳамияти шундаки, биринчидан у китобни безакли, чиройли

ва ёқимли бўлишига ёрдам берса, иккинчидан адабий образларни конкрет жонли бўлишига, ўқувчининг ёдида яхши сақланиб қолишига ёрдам беради. 11 – расм.

Иллюстрацияни ишлашга киришишдан аввал рассом асарни яхшилаб ўрганиб чиқиши билан бир қаторда, асардаги воқеа содир бўлаётган даврга доир материалларни тўплаши, ўша давр одамларнинг маданияти ва турмушини, мамлакат табиатини билиб олиш керак бўлади.

Карикатура ҳам графиканинг бир тури ҳисобланади. Унда ҳаётдаги айрим салбий ҳодиса ва кўринишлар, шахслар образи ҳажвий ёки ҳазил тарзда расмлар орқали тасвирланади. 12 – расм.

Графиканинг кенг тарқалган турларидан яна бири реклама, афиша, этикетика, упаковка ҳисобланади. Газета, журнал графикаси ҳам шрифтлар билан боғлиқ бўлиб, амалиётида кенг қўлланилади. 13 – расм.

Сўнгги йилларда ўзбек график рассомлари миллий тасвирий санъатимизнинг бадиий анъаналарини давом эттириб, юксак бадиий савияда асарлар яратдилар. Шундай рассомлардан бири И. Икромовдир. Искандар Икромов томонидан А. Навоийнинг “Лирика” номли тўрт томлик шеърлар тўпламига ишлаган расмлари рассом ижодининг гуллаган даврида яратилган ишларидан ҳисобланади. Бу иш 1960 йлда Тошкентда Марказий Осиё рассомларининг ҳудудий конференцияси муносабати билан очилган кўргазмада иккинчи даражали диплом билан тақдирланган. Китобнинг муқова жилди ниҳоятда оригинал ва асарга монанд бўлиб чиққан. Ундаги товус тасвири асарга мос лирик хусусият кашф этади. Муқова юзасидаги график белгиларининг бир текислиги, товус шаклини нафис ранглар билан ифодаланиши, қушнинг орқа томонидаги ҳаворанг бўёқлар билан берилган гул тасвири, шунингдек, қизил рангда ёзилган китоб номи ишнинг бадиий савиясининг юқорилигини таъминлаган. . расм.

Ўзбек графикасида самарали меҳнат қилган рассомлардан яна бири Т. Муҳамедовдир. У асосан ўзбек халқ эртакларига ниҳоятда жозибали иллюстрациялар ишлаб, катта шуҳрат қозонди. Унинг энг муваффақиятли ишларидан бири “Насриддин Афанди ҳақидаги латифалар” номли китобга ишлаган “Эшакни ўқишга ўргатиш” номли иллюстрациясидир. 14 – расм.

1. 2. ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ ЖАНРЛАРИ

Тасвирий санъатда манзара, турмуш, натюрморт, портрет, тарихий анимал, афсонавий, марина, ню, интерьер жанрлари мавжуд. Жанр рассом нимани тасвирлаётганлигига қараб белгиланади. Масалан, одам расмини ишланса “Портрет” табиат ва шаҳар кўринишлари тасвирланса “Манзара”, ҳаёт ва меҳнат жараёнлари тасвирланса “Турмуш” жанрига хос бўлади. Шунингдек, тарихий воқеаларни тасвирлаш тарихий жанрга, ҳайвонларни тасвирлаш, анимал жанр деб юритилади. Афсонавий, марина, натюрморт ню жанрлари ҳам бўлади. “анимал” жанри латинча “анима” сўзидан келиб чиққан бўлиб ҳайвон маъносини англатади. “Батал” жанри эса французча “батай” сўзидан келиб чиққан бўлиб жанг, “НЮ” жанри французча бўлиб яланғоч маъносини билдиради. Айрим асарлар икки ва ундан ортиқ жанрларга мансуб бўлади. Масалан, портрет ва ню марина ва манзара в. б.

Ҳар бир жанр ўз ўрнида яна бир қанча жанрларга бўлиниши мумкин. Масалан табиат манзараси жанри, шаҳар манзараси жанри, индустриал манзара жанри, денгиз манзараси (марина) жанри ёки портрет жанрини тантанаворлик, ишқий, гуруҳли жанрларга бўлиш мумкин.

Вақт ўтиши билан жанрлар табақалашиб, мустақил тус оладилар. Масалан, манзара жаниридан марина, тарихий жанрдаги батал жанри ажралиб чиққанлар.

Манзара жанри. Тасвирий санъатда табиат, шаҳар, индустриал, интерьер кўринишларини тасвирланиши манзара жанрга таалуклидир. Манзара жанридаги асарларнинг айримлари бевосита табиат манзарасини ҳақиқий кўринишини тасвирласа, бошқалари ижодий тарзда ҳаёлан ифодаланган бўлади. Баъзан бу икки ҳол бир асарда бўлишлиги ҳам мумкин. Манзара жанрини пайдо бўлиши жуда узоқларга бориб тақалади. Манзара тасвирларининг кенг тарқалишини қадимги Шарқ ва Крит ороллари мисолида кўриш мумкин.

Масалан, эрамиздан аввалги аср Бени – Хасандаги қабр тасвирида ёввойи мушик ови тасвирланган. Бу жанр эса мустақил равишда Хитойда 6 асрда пайдо бўлган. Европа санъатида эса Ўйғониш даврида илмий асосда яъни чизиқли ва ҳаво (ранг) перспективаси асосида шаклланган.

Манзара жанрини икки хили мавжуд. Биринчиси мустақил тури бўлиб, унда фақат манзара акс эттирилади. Иккинчи турида манзара бирон тасвир фонида тасвирланади. Масалан, портретни орқа томонида табиат ёки шаҳар манзараси тасвирланиши мумкин.

Манзара жанрида самарали ижод қилга рассомлардан И. Левитан, И. Шишкин, Ў. Тансиқбоев, И. К. Айвазовский, Н. Карахан кабиларни кўрсатиш мумкин.

Манзара жанрининг кўринишларидан бири бу интерьер ҳисобланади. У биноларнинг ички қисм кўринишларини ифодалайди. Бу жанр қадимги Миср, Хитой рассомчилигида учрайди. Улар ўз ишларида ақл бовар қилмайдиган даражада аниқлик билан перспектива қонунлари асосида интерьерни тасвирлай олганлар.

Бу жанрда ижод қилиб Жотто, А. Веррокко, Леонардо до Винчи, Рембрантлар шухрат қозонганлар.

Манзара жанрининг иккинчи бир кўриниши бу марина жанридир. Унда асосан денгиз кўринишлари ва ундаги ходисалар тасвирланади. Марина жанрини шаклланишида И. Айвазовскийнинг хизматлари катта бўлган. У

Ўзининг умрини фақат денгиз кўринишларини тасвирлашга бағишлади. Унинг “Тўққизинчи вал”, “Чесмен жанги”, “Қора денгиз”, “Тўлқинлар орасида” каби асарлари жаҳон тасвирий санъатида муносиб ўринни эгаллади.

Марина жанридаги асарлар бошқа жанрдаги асарлар билан биргаликда ҳам ифодаланади. Масалан, портрет, манзара, тарихий, турмуш в. б.

Манзара жанри кўпроқ рангтасвирда, қисман графика ва ҳайкалтарошликда қўлланилади. Ҳайкалтарошликда манзара асосан унинг рельеф турида ишлатилади. Ҳайкалтарошликда манзара кўринишлари асосий эмас, тўлдирувчи, қўшимча аҳамият касб этади.

Натюрморт жанри. “Натюрморт” сўзи французча бўлиб “ўлик нарсалар (натура)” маъносини англатади. У асосан рангтасвир ва графика асарларида ишлатилади. Тасвирий санъатнинг бу жанрида гуллар, мевалар ва сабзавотлар, қушлар, балиқлар, озиқ – овқатлар, турли предметлар акс эттирилади ва у мустақил жанр сифатида XV – XVI асрларда Голландия ва Испанияда пайдо бўлган.

Натюрмортнинг икки хили мавжуд. Биринчиси мустақил равишдаги натюрморт бўлса, иккинчи ёрдамчи ёки тўлдирувчи натюрмортдир. Натюрмортни биринчи турида фақат натюрморт тасвирланса, иккинчи тури биронта портрет ёки турмуш жанридаги тасвирида қўшимча детал сифатида ишланган бўлади.

Натюрмортни ҳарактерли хусусияти бу ҳаётдан, гўзалликдан завқланишга йўналтирилганлигидир. Бу вазифани рассом гуллар, мева – сабзавотлар, озиқ – овқатларни турли кўриниш ва ранглари ифодалаб кишиларни хис – хаяжонини ўйғотиш орқали бажаради.

Натюрморт турли миллат ва элатларнинг турмуш тарзи ҳақида маълумотлар бериши ҳам мумкин.

Мутахассислар натюрмортни кишиларга икки хил таъсирини қайд қилишади. Биринчисида, натюрморт мустақил бўлиб томошобинга ўзини кўз –

кўз килиб, ундан завқланишга чорлайди. Агарда у мева – сабзовот ва озиқ – овқатлардан ташкил этган бўлса, истеъмол қилишга чақиради.

Иккинчисида натюрморт ўзи ҳақида эмас, у билан боғлиқ шахс унинг эгаси ҳақида маълумот беради. . Бундай натюрмортларда кишилар акс этмасада, бироқ у натюрмортдан узоқда эмас, ҳозир у келиб қолиши мумкинлигидан дарак беради.

Натюрмортларни бу икки хили қўшилган ҳолда ифодаланиши ҳам мумкин.

Бу жанрлар рассомлардан Ж. Шарден, Ф. Снайдерс, И. Машков, П. Кончаловский, Л. Салимжоновалар шухрат қозонганлар.

Турмуш жанри. Бу жанрдаги асарлар кишиларнинг ҳаёти, меҳнати маиший билан боғлиқ бўлиб, ундан кўпроқ оила, мактаб, дам олиш, шахсий ва жамоатчиликдаги ҳаёт жараёнлар акс этган бўлади. Турмуш жанридаги асарлар нафақат ҳозирги кун одамларининг балки ўтмишдаги кишиларнинг турмуш тарзи ва ҳаёти ҳақида ҳам маълумот беради.

Тасвирий санъатда турмуш жанри XVII асрда Голландияда пайдо бўлган. Бу жанр ўз мазмуни жиҳатдан анча мураккаб бўлиб, натюрморт, манзара, анимал в. б. жанрлар билан боғлиқ ҳолда яратилади. Турмуш жанри кўпроқ рангтасвирда, камроқ графика ва ҳайкалтарошликда ишлатилади.

Турмуш жанрида ижод қилувчи рассомлар нихоят кўп бўлиб улардан энг машҳурлари Камолиддин Бехзод, Леонардо до Винчи, Иля Репин, З. Иноғомов, Ж. Умарбеков, А. Сикейрос, Р. Кент ва бошқалар ҳисобланадилар.

Портрет жанри. “Портрет” французча “портраит” сўздан олинган бўлиб, кишиларни чехрасини худди ўзига ўхшатиб тасвирлаш маъносини билдиради. Портретда кишилар якка, икки ёки бир гуруҳ тасвири ишланади. Унда одамларнинг боши, белигача ёки бўйи – баста билан тасвирланиши мумкин. Портрет тасвирий санъатнинг уччала турида ҳам қўлланилади. Портрет ўз

характери жиҳатдан монументал, миниатюралар, дастгоҳли, ишқий, ҳажвий бўлади.

Рассомларнинг ижодида унинг автопортрет хили кенг тарқалган. Автопортретни рассом ойнадаги ўз аксига қараб яратади.

Портрет рассомлар томонидан натурани кузатиш, хотирадан ёки шахсни фотосидан шунингдек, архив материали ва адабий тасвиридан, ўлган одамларни калла суягини ўрганиш асосида яратилади.

Портретчи ўз қаҳрамонини ташқи қиёфасига ўхшаш бўлишига эришишдан ташқари уни миллати, касби, табақасини ҳам ифодолашга ҳаракат қилади. Шунингдек, портретда шахснинг ички кечинмалари, кайфияти, маънавий дунёси, ҳолати ҳам тасвирланиши мумкин.

Портрет жанрида дастлабки портретлар қадимга Юнонистонда мил. а. в. 7 – 5 асрларда яратилган. У Ўрта асрлар Шарқ миниатюрачилари ва Европа рангтасвирчилари ва ҳайкалтарошлари ижодида кенг ривож топди. Бу жанрда Камолитдин Бехзод, Леонардо да Винчи, Микеланжело, XVIII асрларда О. Ренуар, П. Пикассо, И Репин, XX аср ўзбек рассомларидан А. Абдуллаев, Ч. Ахмадов, В. Кайдалов кабилар самарали меҳнат қилдилар.

Тарихий жанр. Рангтасвирнинг бу жанрида инсоният тарихидаги муҳим воқеалар ва қаҳрамонлар ҳаёти тасвирланади. Рассом биронта тарихий воқеалар кўринишини тасвирлаш учун аввало ўша воқеанинг бошқа тарихий воқеалар орасидаги ўрни ва муҳимлигини англаб етиши керак бўлади. Сўнгра у ўша воқеа содир бўлган давр ҳақидаги адабий манбаларни, тарихий меъморчилик обидалари ҳамда у ердан топилган топилмаларни ўрганади, улар асосида қоралама ва рангламалар яратди. Мавзуга алоқадор тарихчилар билан суҳбатлашиш воқеа мазмуни ҳамда суврат деталларини аниқлаштиришга ёрдам беради.

Батал жанри. Бу жанрдаги асарларда рассомлар уруш жанрларини шавқ – завқ, кўтаринлик, қаҳрамонлик кабиларда ифодолашга ҳаракат қилдилар.

Бундай асарларда кўпроқ ватанпарварлик ғоялари илгари сурилади. Уларда нафақат жанг кўринишлари, балки ҳарбийларнинг жангдан ташқари вақтдаги турмуши ҳам ифодаланиши мумкин.

Жанг манзараларини тасвирлаш қадимдан маълум бўлсада, унинг санъатда ифодаланиши қадимги Шарқда ўз ифодасини топган. Лекин бу жанрни шаклланиши XV – XVI асрларга тўғри келади. Айниқса у Шарқ миниатюра рангтасвирида алоҳида ўринни эгаллайди. Бу жанр XV – XVIII асрларда Европа рангтасвирида кенг ривож топди.

Тарихий ва батал жанрларда самарали ижод қилган рассомлар қаторига Камолиддин Бехзод, Махмуд Музаххиб, Д. Веласкес, К. Брюлов, П. Пикассо, П. Рубенс, Ф. Гойя, В. Суриков, А. Дейнека, М. Набиев, Р. Чориев кабиларни киритиш мумкин.

Анимал жанр. Анимал лотинча “анима” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “хайвон” демакдир. У тасвирий санъатнинг деярли барча турларида мавжуд. Хайвон ва қушларни расмини ишлочи рассомларни анималист рассомлар деб юритилади. Бундай рассомларнинг табиатга, уни махсули ҳайвон зотига муҳаббати кучли бўлади.

Анимал жанр тасвирий санъатнинг мустақил жанри бўлсада, хайвонлар тасвири турмуш, портрет, натюрморт жанрларида ҳам акс этиши мумкин.

Хайвонларни тасвирлашга қадимги Мисрда катта эътибор берилган эди. Чунки, Мисирликлар хайвонларнинг кўпчилигини худолар деб ҳисоблашган. Уларни сфинксларда одам ваҳший хайвон ва қушлар кўринишида тасвирлаганлар.

Уларнинг танаси одам боши хайвон ёки қуш кўринишида бўлган.

Ўзбекистонда хайвонлар тасвирини ишлаш эраמידан аввал 7 – 5 асрларда Афрасиоб фреска ва ҳайкалларида (фил, от, туя, қушлар) юксак бадиий савияда ишланганлигини гувоҳи бўламиз.

Шарқ миниатюра рангтасвири асарларида ҳам хайвонлар тасвири тез – тез учраб туради. Миниатюрачи рассомлар томонидан ишланган ов манзарасига оид тасвирларда кийик, шеър, қоплон, қушлар тасвирланади. Камолиддин Бехзоднинг “Туялар жанги” асари Ризо Аббосийнинг “Чўпон” миниатюраси ҳам фикримизни далилидир.

XV – XVI аср Европада Ўйғониш даври рангтасвирида А. Пизанелло, Леонардо да Винчи, А. Дюрерлар хайвонлар тасвирини аниқ реалистик тарзда тасвирлашга ҳаракат қилганлар.

XVII асрга келиб Голландияда хайвонларни тасвирлаш алоҳида жанрга айланди. Кейинчалик анимал жанрда рассом ва ҳайкалтарошлардан П. Клодт, В. Серов, В. Ватагин, Ю. Васнецовлар ҳам меҳнат қилдилар.

Афсонавий жанр. Афсонавий жанрдаги тасвирий санъат асарларида ҳаётда учрамайдиган, бироқ халқ томонидан ҳаёлан ўйлаб топилган одам ва хайвонлар, балиқлар воқеа, ҳамда ходисалар тасвирланади. Хусусан, афсонавий жанрдаги асарларда осмонда учиб юрган қанотли паришталар, норасида қанотли болалар, уч бошли аждарлар, ярми одам, ярми от “кентаврлар”, ярми аёл ярми балиқ, русалькалар, ярми аёл ярми қуш жонзотлар, одам шаклидаги шохли кўзи битта бахайбат девлар қабилаар тасвирланади.

Афсонавий жанр тасвирий санъатнинг ҳамма турларида (рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика) кенг қўлланади.

Афсонавий жанрда ижод қилган рассомлар қаторига Рафаэл Санти, Шарқ миниатюрачи рассоми Султон Муҳаммад, М. Врубел, В. Васнецовларни киритиш мумкин.

Марина жанри Марина французча сўз бўлиб, денгиз кўриниши маъносини билдиради. Марина рангтасвирнинг тури сифатида Европа санъатида алоҳида ўринни эгаллайди. Денгиз, денгиз ҳаётидаги муҳим воқеалар, ҳарбий кемалар тафсилотини айнан тасвирлашда безак сифатида ҳам хизмат қилади. Голланд манзарани рассомлари Марина имкониятларини кенгайтириб, денгиз табиати ва

у билан боғлиқ балиқчилар ҳаётини ҳаққоний акс эттиришда Я. Порселлис, С. де Влигер, Х. Сигерс в. б. самарали меҳнат қилдилар. Кейинчалик К. Верне, У. Тернер, Х. Месдаг, И. Айвазовский, каби рассомлар юксак бадиий савияда асарлапр яратдилар. Ўзбекистонда марина жанрида Ф. Мадгазин, Ў. Тансиқбоев, А. Мўминовлар ҳам ижод қилишган.

Денгиз кўринишлари портрет, тарихий батал, турмуш жанридаги сувратларда орқа планда ҳам тасвирланади.

НЮ жанри. Ню сўзи француз тилидан олинган бўлиб, яланғоч деган маънони англатади. Ню портрет жанрида ажралиб чиқиб мустақил аҳамият касб этган. Мазкур жанрда рассомлар кўпинча яланғоч аёллар расмини ишлайдилар ва бу орқали улар танасидаги нафосатни кўрсатмоқчи бўладилар. Ню портрет жанри каби якка ёки кўп фигурали бўлади. У тасвирий санъатнинг барча турларида (рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика) кенг қўлланилади.

Интерьер жанри бу жанрда биноларнинг ички кўриниш, фое, йўлак, хоналарнинг ички кўринишлари, улардаги жихозлар, безак – гуллар тасвирланади.

2 – БОБ. ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

2. 1. Композиция.

Таълим тизимининг барча бўғинларида тасвирий санъатнинг назарий асослари билан таништириш ўқув режаларида тегишли ўринни эгаллайди. Бунда асосий эътибор композиция, ёруғсоя, рангшунослик, преспективани ўргатишга қаратилади.

“Композиция” атамаси лотин тилидан олинган бўлиб, тузилиш, бирлашиш, боғланиш маъносини анлатади. У ижодкор ғоясини томошабинга аниқ, осон, тез етиб боришига хизмат қилади. Композиция орқали рассом асардаги мазмунни чизик, шакл, ранг ва бошқа воситалар орқали уни кишига таъсир кучини оширади ва тартибга келтиради. Унинг элементларини ўзаро

боғлаб жой-жойига кўяди, фазовий кенгликни яратади. Ҳарбир тасвирий санъат асарида композиция бўлади. У асар яратилишида биринчи галда ҳал этиладиги муҳим қисм ҳисобланади. Композициянинг ўзига хос қонунлари, қоидалари, восита ва услублари мавжуд. Композициянинг қонун ва қоидаларини, восита ва услубларини ўргатувчи “Композиция” фани ҳам мавжуд.

Тасвирий санъатда композициянинг уч тури мавжуд. Улар фронтал композиция, ҳажмли композиция, чуқур-фазовий композициясидан иборат.

1. Фронтал композиция. Бунда тасвир текислик юзасида ишланади. Улар рангтасвир, рельефли ҳайкаллар, бинолар фасадини тасвирлаш, нақшлар бўлиши мумкин.

2. Ҳажмли композиция. Бундай композициялар уч ўлчовга эга тасвирлар бўлиб, уларни ҳар томондан кузатиш мумкин. Улар асосан юмалоқ ҳайкаллар, амалий санъат буюмлари, меъморчилик биноларининг моделларида намоён бўлади.

3. Чуқур фазовий композиция. Бундай композициялар кўпроқ турар жой ва жамоат биноларининг ички қисмини, хусусан уй хонаси, жамоат жойларининг фоеси, театр саҳнаси кабиларнинг лойихаларидан кўзга ташланади.

Рангтасвирда композиция тасвирий санъатда катта ўрнини эгаллайди. Бунга сабаб тасвирий санъат фани олдида қўйиладиган вазифаларнинг кўпчилиги айниқса, бадиий ижод, бадиий дид, тафаккур ва хотирани ўстириш, болалар фикр доирасини кенгайтириш тасвирий малакаларини ривожлантириш рангтасвир композицияси машғулотларида амалга оширилади.

Ҳайкалтарошлик композицияси бевосита ҳайкал яратиш билан боғлиқ бўлган қонунлар, қоидалар, услуб ва воситалар унинг амалий жиҳатларини ўз ичига олади.

Декоратив композиция тушунчаси асосан рангтасвир ва ҳайкалтарошликда қўлланиладиган бадиий безак ишлари билан боғланган. Улар

фреска, мозаика, витраж, истироҳат боғ ҳайкалтарошлиги, майда пластика, меъморчилик биноларининг рельефли безакларда фризлар шаклида учрайди.

Тасвирий санъат асарларидаги композициянинг яратилиш принцип ва қонунлари бўлғуси мутахасис рассомлар учун ниҳоятда зарурдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, рангтасвирда композиция расм ишлашдаги мураккаб жараёнлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқувчи ва талабаларнинг ишлари фақат перспектива ва ранг жиҳатдангина эмас, балки композиция жиҳатдан ҳам бўш бўлади. Бунини ёшлар тафаккури, тасаввури ва фантазиясининг керакли даражада эмаслиги ва ривожланмаганлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга бунга ўқувчилар композициянинг назарий асослари ҳисобланган унинг қонун ва қоидалари, услуб ва воситалари ҳақида етарлича билимларига эга эмасликлари сабаб бўлади.

Композиция ҳақида фикр юритганда аввало унинг ўлчови ва форматидан бошлаган маъқул. Чунки композициянинг таъсирчанлигининг оширишда унинг ўлчови ва форматининг (горизонтал, вертикал, квадрат форматлар) тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Формат шакли ва ўлчови рассомнинг гоёси, асар мавзуси ва мазмунига ва сувратдаги деталларга боғлиқ бўлади.

Агарда портретда фигура тиккасига тасвирланадиган бўлса, рассом асар форматининг бўйига тутати ёки рассом тасвирни чапдан ўнгга ва аксинча ўнгдан чапга ҳаракатда тасвирлайдиган бўлса форматининг энига тутати.

Албатта, суврат композицияси ва унинг таъсирчанлигининг ошириш ҳақидаги қонун ва қоидаларнинг ҳаммаси ҳам ёшларнинг идроки ва савиясига мос эмасдек туюлади. Бироқ ўқитувчи уларни композициянинг ана шу муҳим назарий асосларининг ёшлар идрокига яраша самарали йўллар ва методлар билан тушунтирганада улар материалларни талаблар даражасида ўзлаштиришлари мумкин бўлади.

Композиция қонунлари деганда биринчи галда бир бутунлик ёки унинг суврат деталларининг ўзаро боғлиқлиги қонуни, композициядаги деталларнинг

асар ғоясига бўйсундирилган бўлишлиги қонуни, мувозанат қонуни, сувратда янгиликни бўлишлиги, контрастар қонуни, ҳаётийлик қонуни кабилар назарда тутилади.

Композиция қоидалари деганда ҳисобланган ритм, композицион марказнинг бўлишлиги, уларнинг симметрик ёки ассиметрик жойлашуви, композицияда ҳаракат, турғунлик, планлик, паралеллик кабилар назарда тутилади.

Композицияда қонун ва қоидалар билан бирга ўқувчилар композицияси услублари ва композиция воситалари ҳақида ҳам маълум миқдорда тасаввурга эга бўлишлари лозим.

Композиция услублари деганда тасвирни монументал тарзда ифодалаш, фазовий тасвирлаш, деталларнинг горизонталлар, вертикаллар, диагоналар бўйича тасвирлаш кабилар тушунилади. 13-расм.

Композиция воситалари – чизиқ, оқ, қора, ранглар, доғлар, чизиқли ва ҳаво (ранг) перспективаси қоидалари асосида тасвирлаш кабилар ҳисобланади.

Композиция қонунлари ҳақида гапирганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, суврат деталларини ўзаро боқлиқлиги қонуни, асар ғоясидан келиб чиққан ҳолда унинг мазмунини ишонарли бўлишлиги учун ҳаётдаги каби унда барча мавжудотлар бир-бири билан алоқадорликда тасвирланишини талаб этади. Акс ҳолда асарни томошабинга таъсири яхши бўлмайди.

Сувратда янгиликни бўлишлиги ёки оригинал бўлишлиги қонуни эса масалага ижодий ёндошиш лозимлигини билдиради. Бу эса яратилган асар авваллари яратилган ишларнинг нусхаси бўлмасдан балки, уларда расом томонидан композиция, мазмун, ғоя, ранг, унинг элементларининг жойлашуви жиҳатдан янгича ёндашув зарурлигини билдиради. Суврат юқорида қайд қилинган жиҳатлари билан авваллари яратилган асарлардан тубдан фарқ қилса, яъни оригинал (қайтарилмас) бўлса иш янада юқори баҳоланади.



13-расм. В. Суриков. Бойвучча Морозова.

Асарнинг бош ғояси табиат гўзаллигини тараннум этиш бўлса, унда рассом ўз ғоясига мос равишда сувратдаги барча деталларни уларнинг тузилиши, шакли, ранги ва бошқа жиҳатлари бўйича чиройли ёқимли қилиб тасвирлаши керак бўлади. Сувратда хайвонлар, дарахтлар, тоғу-тошлар, уйлар, сойлар билан бир қаторда ҳаттоки осмондаги сузиб юрган парча-парча булутларни ҳам шакл ва ранг жиҳатидан гўзал тарзда тасвирлаш керак бўлади. Шундагина сувратдаги барча деталлар рассомнинг бош ғоясига мос бўлади.

Композицияда контрастлар қонуни алоҳида аҳамият касб этади. Бу қонун ундаги деталлар ранг ва тонг жиҳатидан бир биридан кескин фарқ қилишлигини билдиради. Хусусан, улар оч ва тўқ, илиқ ва совуқ рангда, оғир ва енгил рангларда бир бирига қарама-қарши бўлишлари лозим. Шундагина сувратдаги деталлар бир-бирининг фонида аниқ ва ифодали кўринади.

Композицияда мувозанат қонуни, унинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Бу қонун суврат юзасида жойлашган деталларни чап ва ўнг, юқори ва паст томонларида шакл, ранг, тонг, сон, катта ёки кичиклиги жиҳатидан тенг бўлишлиги лозимлигини билдиради. Бу сифатларни у ёки бу томонда кўп ёки кам, катта ёки кичик оч ёки тўқ бўлишлиги сувратдаги томонларни мувозанатини бузиши мумкин. Натижада сувратни у ёки бу томони пастга ёки юқorigа, чапга ёки ўнгга оғандек туюлиши мумкин. Натижада у томошабин ғашига тегади. **14-расм.**



15-расм. Уста Мўмин. Хирмон.



16-расм. О. Татевосян. Сайл.

Композициясининг қоидалари орасида композицион марказни бўлишлиги жуда муҳимдир. Асарда бу қоидага риоя қилинишини, рассом ғоясини томошабинга тезроқ аниқ етиб боришига хизмат қилади. **15-расм.**

Сувратдаги композицион марказни ажратиб кўрсатиш кўпинча асарларда ўлчов, жой, ранг жиҳатидан амалга оширилади. Натижада у томошабин эътиборини сувратдаги асосий объектга қаратади ва рассом ўз асарида қўйган мақсадига осон эришади.

Композицияда деталларнинг **симметрик ёки ассиметрик** тарзда жойлашуви асар мазмуни ва рассомнинг ғоясидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бу қоида сувратдаги деталларни оғирлиги, тони, ранги, шакли жиҳатидан мувозанатни сақлашга хизмат қилади. **16-расм.** Асарда деталларнинг ассиметрик жойлашуви эса детал, шакл, ёруғсоя, ранг ҳаракат, ҳолатлар орқали рўй беради. Деталларни асарда ассиметрик жойлашуви расм ғоясини амалга оширишга хизмат қилади. Айтайлик, асарнинг икки томонида қарама-қарши кучлар тенгсизлигини кўрсатмоқчи бўлганда рассом ассиметрия қоидасидан фойдаланиши мумкин. Деталлар ассиметрик бўлгани тақдирда асарда

мувозанатни бузилмаслиги учун рассом деталларни ритмик жойлаштиришдан фойдаланади.

Рассомлар кўпинча ўз асарларида ритмни бўлишлигига кўпроқ эътибор берадилар. У тасвирий санъатни барча тур ва жанрларида қўлланилади. Ритм кўпроқ шакл, ранг, ўлчов, ёруғсоя, ҳаракат кўринишларида ифодаланади. У асар мазмуни билан боғлиқ бўлиб, муаллифнинг ғоясини томошабинга тез ва осон етказишга хизмат қилади, асарни ифодалилигини оширади. Буни 17-расмда кўриш мумкин.




17-расм. А. Рилов. Мовий кенгликларда.

Тасвирий асарларда асосий нарсa ёки воқеа кўпинча иккинчи планда жойлаштирилади. Бу эса бринчидан, асосийни асар марказида бўлишлигига хизмат қилса, иккинчи томондан, биринчи пландаги майда деталлар асосийга йўл очади ва томошабинни асардаги асосий воқеа бўлаётган жойга кириб боришига ёрдам беради. Биринчи, учинчи ва бошқа пландаги тасвирлар асосийни очилишида ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилади.

Композицияда ҳаракат ва турғунлик қоидалари ҳам борки улар, асар муаллифининг ғоясини ва асар мазмунини тўлиқроқ очиб беришга хизмат қилади. Композицияда ҳаракат ва турғунлик асардаги воқеани ишонарли

бўлишлигига ёрдам беради. Композициядаги ҳаракат ва ритм Ч. Ливейнинг «Шиддатли парвоз» ва В. Суриковнинг «Бойвучча Морозова» номли сувратларида муваффақиятли ҳал қилинган (18-расм).



18-расм. Ч. Ливэй. Шилдатли парвоз.

Композицияда деталларни ҳаракати чапдан ўнгга томон жойлашуви уни секинлашувига ва ўнгдан чапга жойлашуви эса уни тезлаштиришга хизмат қилади. Композицияда ҳаракат воқеани ривожланиб боришига қаратилса, турғунликдан эса воқеани тўхташи ҳақида тасаввур ҳосил қилишда, фикр юритишга имкон бериш каби ҳолатларни тасвирлашда фойдаланилади.

Турғунлик кўпинча портрет жанридаги асарларда кўпроқ ишлатилади.

2. 2. Рангшунослик

Тасвирий санъатда, айниқса рангтасвирда рангнинг роли бениҳоя каттадир. У асарнинг мазмунини ва ғоясини тўла очилишига унинг

томошабинга эмоционал таъсирини кучайтиришга, шунингдек композициядаги мувозанатни сақлашга хизмат қилади.

Ранглар ҳақида фикр юритиш ва бўёқлар билан ишлашдан аввал уларнинг номлари, туслари ҳақида тасаввурга эга бўлиш лозим улар:


- Оқ-пахта ранги.
- қора-қўмир ранги.
- Кулранг-ёнган ўтиндан ҳосил бўлган кул ранг.
- қизил-анор гулининг ранги.
- Сарик-момақаймоқ (қоқиўт) гулининг ранги.
- Хаво ранг-осмон ранги.
- Зангори-тўқ осмон ранги.
- Мовий (нилуфар)-эрта тонгдаги соф осмон ранги.
- Малла-лимон мевасининг ранги.
- Яшил-тўқ барг ранги.
- Бинафша-гунафша гулининг ранги.
- Қирмизи-анор меваси доналарининг ранги.
- Жигарранг-мол жигарининг ранги.
- Зарғалдоқ (норанж)-апелсин, зарғалдоқ шафтоли ранги.
- Мош ранг-пишган мош донининг ранги.
- Пушти-оч зарғалдоқ ранг.
- Пистоқи-кунгабоқар пистаси мағзининг ранги.
- Новвоти-новвот ранги.
- Тўтиё-ёрқин яшил, медицинада ишлатиладиган зеленка ранги.
- Шингоб-тилла ранг.
- Бронза-кумиш ранг.
- Сабза эрта бахорда янги ўсиб чиққан ўт ранги.
- Ложувард-энг тўқ зангори ранг.
- Садаф-оқ сарғиш.

- Лоларўй-лола гулининг ранги.
- Нилгун –оч жигар ранг.
- Сиймоб-симоб ранги.
- Тўтигий-зангори ва яшил ранглар қўшилмасидан олинган ранг.
- Фируза-ёркин зангори ва ялтироқ тош ранги.
- Новшадил-ўткир ёркин яшил ранг.
- Гулгун- шафақ ранги.
- Зафарон-тўқ сариқ ранг.
- Зумрад-яшил ялтироқ тош ранги.
- Нораанжваш-оч апельсин ранги.
- Нофармон-оч бинафша ранг.
- Самоний-сомон ранги.

Маълумки, мутахассислар рангларни икки турга бўлишади.

1. Асосий ранглар.

2. қўшимча ранглар. Асосийга қизил, сариқ зангори ранглар киради. қўшимча ранглар ана шу асосий рангларни бир-бирлари билан аралаштириш орқали олинади. Масалан қизил ва сариқ рангдан зарғалдоқ, сариқ ва зангори рангдан яшил, қизил ва зангори рангдан бинафша ранглар олинади. Бу олинган рангларни иккинчи бор аралаштириш орқали янада янги рангларни ҳосил қилиш мумкин. Янги рангларни ҳосил қилишда оқ ва қора ранглар ҳам иштирок этишлари мумкин. **19-расм.**



19-расм. Асосий ранглардан янга ранг тусларини ҳосил қилиш.

Рангшуносликда рангларни **хроматик ва ахроматик** турлари ҳам бўлади. **Хроматик** сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, ранг маъносини англатса **ахроматик** сўзи рангсиз деган тушунчадир.

Ахроматик ранглар қаторига оқ, қора, кулранг ранглар кирса, булардан бошқа ҳамма ранглар хроматик ранглар ҳисобланади.

Рангшунослик фанида **илиқ ва совуқ** ранг тушунчалари ҳам бор. Мутахассислар илиқ ранглар қаторига сарик, қизил, зарғалдоқ, сабза пушти, садаф, малла, қирмизи, лоларўй, гулгун, зафарон, норанжваш, сомоний, барикарам кабиларни киритишади. Улар ўз хусусиятларига кўра бир кўришда кишиларда илиқлик кайфиятини ҳосил қиладилар.

Совуқ рангларга эса зангори, хаворанг, мовий, яшил, бинафша, мошранг, тўтиё, ложувард, тўтигий, фируза, новшадил, зумрад, нофармон кабиларни киритилади. Улар кишиларда кўпроқ совуқ кайфият ҳосил қиладилар. Илиқлик ҳам совуқлик ҳам кайфият уйғотмайдиган ранглар ҳам бўлади. Масалан, кулранг, жигарранг, нилгун, сийбоб шулар жумласидандир.

Рангларни оғири ҳам енгили ҳам бўлади. **Оғир ранглар** каторига кўпроқ тўқ, енгилига оч ранглар киради. Хусусан ранглар кора, жигарранг, яшил, бинафша, тўтиё, ложувард, оқ, сарик, хаворанг, мовий, малла, пушти, пистоқи, новвоти, сабза кабиларга нисбатан кузатувчига оғирроқ туюлади.

Ранглар назариясида **ранглар қарама-қаршилиги** (контраст ранглар) атамаси ҳам ишлатилади. Рангларни ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки улар бир-бирларини ёнларида турганларида алоҳида турганидан кўра бошқача кўринади. Улар бир-бирларини тусларини аниқроқ, кучлироқ кўринишига ёрдам берадилар. Уларнинг бу хусусиятларидан рассомлар ўринли фойдаланиб, асардаги асосий образни ажратиб кўрсатиш мақсадида қарама-қарши ранг ходисасидан фойдаланадилар. Масалан, асосий образни оч рангда тасвирласалар унинг атрофини ёки фонини тўқ рангда оладилар ва аксинча.

Ранглар қарама-қаршилигини қуйидаги кўринишларда ишлатилиши мумкин.

1. Бир рангни икки оч ва тўқликда қўллаш.
2. Икки рангни оч ва тўқ тусларини қўллаш.
3. Бир рангни кўп тусларини қўллаш.

Ранглар қарама-қаршилиги қондаси сувратдаги асосий образ билан фон, асосий образ билан муҳит ўртасида қўлланади.

Рангнинг асосий хусусиятлари унинг ёрқинлиги (оч-тўқлиги) туси ва тўйинганлиги билан белгиланади.

Ранг ёрқинлиги деганда унинг оч-тўқлик даражаси тушунилади. Масалан пушти ёрқин ёки оч, қизил эса унга қараганда ёрқин эмас яъни тўқ.

Ранг туси деганда эса асосан унинг тозалиги, соф ҳолдаги ранги тушунилади. У икки хил маънода ишлатилади. Масалан қизил, сарик, зангори, яшил в. б. рангларни тус жиҳатидан бир-биридан ажратишини билдиради. Иккинчи маъносида бир рангнинг турлича кўринишлари ҳам ранг туси

ҳисобланади. Масалан қирмизи, шафақ, лоларўй каби ранглар қизил рангнинг туслари ҳисобланадилар.

Тўйинган рангларга соф ҳолдаги хроматик ранглар киради. Кам тўйинган ранглар таркибида оқ ранг ёки кулранг кўпроқ бўлади.

Ҳар қандай предметнинг ҳажми, шакли, материали ва уларнинг жойлашувини биз фақат ёруғсоя жиҳатдангина эмас, ранг жиҳатдан ҳам идрок этамиз. Ҳажм ва материални идрок этиш предметлар юзасидан жойлашган ёруғсоя ва рангларга боғлиқ бўлади. Биринчи ва иккинчи пландаги предметларнинг ранглари бир – биридан ўз тўйинганликлари билан кескин фарқ қиладилар. Шунинг учун ҳам биз нарсалар шаклининг табиий эмас, перспектив кўринишини тасвирлаганимиздек предметлар рангларини ҳам табиий эмас, перспективада кўринаётганидек шартли тасвирлашимиз керак бўлади.

Кузатувчига нисбатан турли хил узоқликда жойлашган ва бир хил яшил рангга эга бўлган дарахтлар турли тусда, ўрмон эса узоқдан деярли кулранг кўринади. Чунки кузатувчидан объектгача бўлган масофадаги ҳаво қатлами маълум зичликда эга бўлганлиги сабабли ранг нурларини маълум миқдорда ушлаб қолади. Натижада предметларнинг кўринаётган ранглари ўз тўйинганлигини йўқотади.

Бундай ҳолни Ў. Тансиқбоевнинг “Тоғ йўли” номли асарида яққол кўриш мумкин. 20-расм.



20-расм. Ў. Тансиқбоев. Тоғ йўли.

Кузатувчи билан объект ўртасидаги масофанинг узоқ-яқинлиги натижасида фақат рангларнинг тусларигина эмас, балки уларнинг тонглари ҳам ўзгаради. Узоқда жойлашган нарсалар кўпроқ ҳаво ранг тусда кўринадилар. Чунки осмондаги зангори ва хаворанг нурлар фазога тарқалиб, унга ҳаво ранг тус беради. Атмосферадаги намлик ва чанг заррачаларининг сони ва ўлчовига қараб ёруғликнинг тарққалиш даражаси, характери ўзгаради. Агар ҳаво намлик билан тўйинган бўлса, йирик заррачалар ёруғликни кўп тарқатади ва у кўпроқ оқиш кўрилади.

Предмет кузатувчидан узоқлашган сари ўз рангларининг тўйинганлигини йўқотади, натижада хаворанг зангори тусда кўринадилар, улар сояда эса ёруғлашадилар, предметлардаги ранг ва ёруғлик фарқлари камаяди. Шунингдек, предмет зихлари, унинг бўртган жойлари, бўлаклари ўз аниқликларини йўқотадилар.

Ранг (ҳаво) перспективаси деганда борликдаги нарса ва ходисаларнинг кузатувчидан узоқлашган ёки яқинлашган сари уларнинг рангларида бўладиган ўзгаришлар тушунилади. Айрим мутахассислар уларни **ҳаво перспективаси** деб ҳам аташади. Чунки рангларнинг перспективадаги ўзгаришига асосан ҳаво катлами таъсир кўрсатади. Шунингдек рангларни узоқдан ўзгариб кўринишига ёмғир, туман, қор ёғиши ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ёруғлик манбаининг ўзгаришига қараб ўтлар, дарахт барглари, ер, уйларнинг рангалари турлича тусда кирадилар. Мазкур нарсалар эрта баҳордаги тонг пайтида ҳаво ранг ва зангори тусда бўлсалар, кундузги эса улар ўзларидаги ҳамма бор рангларини намоён қиладилар. Бу ходисаларни Ў. Тансиқбоевнинг “Қайроққум ГЭСи тонги”, З. Иноғомовнинг “Чойга” номли асарларида кўриш мумкин. 21-расм.



21-расм. З. Иноғомов. Чойга.

Қишнинг қуёшли ёрқин кунда қор пушти ранг тусда, соя жойда у хаворанг ёки заногори тусда кўринади.

Предметнинг ранги уларни ўраб олган нарсаларнинг ранги таъсирида ўзгаради. Бундай ҳодисани **ранг рефлекси** деб юритилади. Предметлар рангини биз теварак-атрофдаги нарсаларнинг рангларига нисбатан идрок этамиз. Агар предмет турган жойдаги фон ўзгартирилса, ўша предметнинг ранги ҳам

ўзгаргандек туюлади. Сарик предмет зангори фонда сарик ёки қизил фондагига қараганда янада сарғиш туюлади, яшил рангдаги предмет қизил фонда сарик ёки зангори фондагига қараганда ёрқин ва янада яшил туюлади. Илик рангдаги предмет ёнида турган совуқ рангли предмет янада совуқроқ тусга эга бўлади. Зангори ранг яшил ранг билан ёнма-ён турса илик туюлади. Агар предмет ранги совуқ бўлса, унинг сояси илик туюлади ва аскинча.

Манзарадаги биронта дарахтни тасвирлашда уни фақат биргина яшил буёқ билан бўяш нотўғридир. Дарахт ранги ёруғликнинг таъсирида, ён атрофдаги нарсаларининг таъсирида ўзгаради. Шунинг учун ҳам уни ўзига ўхшатиш учун турли ранглардан фойдаланиш керак бўлади. Шундагина у ҳаққоний чиқади. Агар дарахтни фақат бир хил тандаги ранг билан бўялса, у ноаниқ, сунъий, жонсиз тасвир ҳосил бўлади.

Нарсаларни биргина ранг билан айтилиши **локал ранг** деб юритилади, яъни дарахт яшил, сабзи сарик, гул қизил. Ҳақиқатда ҳар қандай предметда бир эмас, бир неча хил ранг акс этган бўлади. Лекин уларнинг нисбатлари кўпроқ ёки камроқ бўлади. Ҳақиқий санъат асарларини синчиклаб кузатар эканмиз, уларда тасвирланган нарсалар ва одамларнинг ранглари бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ эканлигини сезамиз. Шунинг учун ҳам суврат ишонарли кўринади.

Тасвирда ёки сувратда ҳамма рангларда устунлик қиладиган умумий ёруғлик ва ранг брикмаларига колорит дейилади. Агар сувратда қизил ранг устунлик қилса, уни қизил **колоритли** деб юритилади. Сувратлар илик, совуқ, олтин, кулранг тус колоритда бўлишлари мумкин.

Сувратларда колорит турли предмет рангларининг уйғунлиги орқали, ёруғланиш ва ёруғлик рангларининг теварак-атрофдаги нарса рангларининг таъсирида ҳосил бўлади. Осмон ранги предметларнинг соясига совуқ тус беради. қуёш нурлари предметларнинг ёруғ қисимларини бирлаштиради. Кечки сунъий ёруқлик манбалари эса предметларга умумий сарғиш зарғалдоқ тус беради. Унинг нури таъсирида зангори ва ҳаворанг ранглар кўринмай қолади,

сарик, қизил ранглар ёрқин, кулранг эса илиқ тус олади. Кечки сунъий ёруғликни ўзида акс эттирувчи суврат умумий зарғалдоқ-сарғиш колоритга эга бўлади.

Теварак-атрофдаги нарсаларнинг акс таъсири ҳам натуранинг колорити таъсир этади. қуёш нурига чулғанган фазо ўзининг умумий ёруғлиги ва кўп ранглилиги билан фарқланади. Бироқ манзарада ёки натурада қуёш нурлари ранглариининг турли-туман бўлишига қарамай тушувчи сояларда осмон, ер, теварак-атрофдаги нарсаларининг ранглари акс этган бўлади. Шунга мувофик турли рангдаги манзарада ҳамма предметлар учун умумий бўлган икки-уч хил ранглар тўпланган бўлади. Композицияда рангларнинг бир нечтаси йиғилиб, чиройли бирикмаларни ҳосил қилиши ранглар гармонияси деб аталади. Агар ранглар ёғимсиз бирикмани ҳосил қилса дисгармония деб юритилади.

Ранг гуруҳларнинг гармоник бирикмаларини баъзан **гамма** деб ҳам юритилади. Баъзан тўйинган ранг гуруҳларнинг тўйинмаган ранглар билан қўшилиши ҳам гармоник бирикмаларни ҳосил қилиши мумкин. Бироқ, айрим ҳолларда биргина расмда тўйинган ва тўйинмаган бирикмаларнинг акс этиши дисгармониянинг ҳосил бўлишига олиб келади. Расм чизишда ана шу жиҳатларга риоя қилган ҳолда иш олиб бориш тасвирнинг таъсирчанлиги оширишга имконини беради.

Ранг доираси деганда асосий ҳисобланган қизил, сарик, зангори рангларни иккитадан ўзаро аралаштириш орқали олинадиган 12 ёки 24 рангни доира бўйлаб ёнма-ён қўйилишига айтилади. **22-расм.**

Образ яратишда “олдинга интилувчи” ва “ орқага интилувчи” рангларнинг хусусиятларини билган ҳолда иш олиб бориш ҳам яхши натижалар беради. **“Олдинга интилувчи”** рангларга кўпроқ илиқ англари киради ва улар ўзларининг ҳақиқий ўрнидан олдинроқда кўринадилар. “Олдинга интилувчи” ранглар қаторига ёрқин тўйинган ранглар ҳамда материалнинг фактурасига алоҳида эътибор берилиб ишланган расм ранглари ҳам кирадилар.

Орқага интилувчи ранглар каторига асосан тўқ ранглар киради.

Композицияда ёруғлик (оч-тўлик) ҳам ундаги образларнинг таъсирчанлигини оширишда алоҳида касб этади. Буни ахроматик ранглар билан ишланган иллюстратив расмларда кўриш мумкин. Комозицияда ёруғликнинг роли шундан иборатки, бунда бўрттириб кўрсатилиши лозим бўлган образларни тасвирлашда контрастлик қонунидан фойдаланилади, яъни асосий образ тўқ тасвирланса, унинг атрофдагилар оч ранглар билан ишланади ва аксинча сувратдаги асосий образ оч ранг билан ишланса, бошқалари эса тўқ ранглар билан тасвирланади.

Ранг билан ишлашга, рангларнинг тусларини фарқлай билишга ва улардан расмнинг мазмунига қараб фойдалана олишга ўргатиб бориш керак. Бўёқ билан ишлаш жарёнида бўёқ ва ранг ҳақида маълумотлар бериш болалар расмлари ҳамда рисоомлар асарларининг репродукцияларини таҳлил қилиш билан амалга оширилади. Рангларнинг юқорида қайд қилинган хусусиятлари билан болаларни таништиришдан аввал уларга асосий ва қўшимча ранглар, хроматик ва ахроматик ранглар, илиқ ва совуқ ранглар контраст ранглар, оғир ва енгил ранглар ҳақида тушунчалар берилиши лозим.

Рангларни кишилар руҳиятига таъсири ҳақида маълумотларни берилиши расм ишлаганда ранглардан ўринли фойдаланиш имконини беради. Хусусан, рангларнинг кишиларнинг руҳий ҳолатига таъсири ҳақида тўхталганда болалар эътиборини қуйидаги жиҳатларга қаратиш лозим. Ранглар ёрдамида кишилар нарсаларни, воқеаларни идрок этишлари, танишлари, билиб олишлари мумкин. Улар ёрдамида одамлар ўз ҳаётлари ва меҳнатларини енгиллаштиришга, ҳаттоки соғлиқларини маълум миқдорда яхшилашга эришадилар.

Рангларни инсонлар ҳаётидаги аҳамиятини тушунган ҳолда бир катор олимлар махсус тадқиқотлар олиб борганлар. Шу мақсадда Токиода дунёда яккаю-ягона ранг институти ташкил этилган бўлиб, унда рангларнинг турли

соҳаларда қўлланиши, уларнинг самараларини ўрганилади, тажрибалар ўтказилади.

Рангларнинг киши руҳиятига таъсири ҳақида машҳур немис олими ва шоири рангшунос Гёте, рус руҳшуноси В. Бехтеровларнинг фикрлари диққатга сазовордир. Гёте, ўзининг “Ранглар назарияси” номли машҳур асарида шундай деб ёзган эди:

“Сариқ ранг кўзни қувонтириб, юракни кенгайтиради, руҳингиз тетик бўлади ва биз дарҳол илиқликни ҳис этамиз”.

Унинг фикрича, зангори ранг совуқ ҳиссиётни уйғотса, қизил ранг аксинча қўрқитиш, яшил ранг эзгулик, хотиржамлик ҳисларини пайдо қилади. Яшил рангни Гёте кўзни ва кўнгилни тинчлантирувчи қобилиятга эга деб ҳисоблайди.

Қизил ранг қўзғатувчи, ҳаяжонлантирувчи, иситувчи хусусиятларга эга бўлса, сариқ ранг илиқлик, тетиклаштирувчи, қувноқ, хушчақчақ хусусиятларга эга. Оч яшил ранг тинчлантирувчи ҳисобланиб, кишида ёқимли кайфият ҳосил қилади. Унинг туслари турли ҳиссиётларни уйғотувчи, зангори ранг хотиржамлик, жиддийлик, ғамғузорлик, маюслик келтирувчи сифатларга эга. Бинафша ранг кишилар эътиборини ўзига тортувчи, шу билан бирга ўзидан итариш хусусиятларига эга бўлиб, кишиларда ғамгинлик ва қайғулик уйғотади.

Рангнинг кишиларга таъсири тўғрисида франциялик техника эстетикаси бўйича мутахассис Жак Виноннинг фикрлари диққатга сазовордир. У рангни ҳар нарсага қодир. У хотиржамлик ва ҳаяжонни ҳосил қилиши, ҳаттоки одамларни ларзага солиши, фалокатга олиб келиш мумкинлиги ҳақида ёзган эди.

Хорижий мамлакатларда рангларни кишилар руҳиятига таъсирини билган рассомлар савдо ишларини яхшилаш мақсадида ресторанларни савдо уйларини, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни киши эътиборини ўзига тортадиган ранглар билан бўяшга ҳаракат қиладилар. Айрим ишлаб чиқариш корхоналарида иш

жойларини ишчилар чарчамаслиги учун ишлаб чиқариш унумини оширишга хизмат қиладиган ранглар билан бўяш орқали иш самарадорлигини кўтаришга эришганлар.

Бази бир психотерапевт, невропатологлар шу йўналишдаги касалларни даволашда ҳам ранглардан фойдаланмоқдалар. Бунда улар кўпроқ тинчлантирувчи яшил, зангори рангларнинг турли тусларидан касаллар хонасини бўяш, яшил чироқ- светомузика ёрдамида касалларга таъсир кўрсатиб, ижобий натижаларга эришмоқдалар. Рангнинг фойдасини тушунган айрим кишилар, айниқса аёллар бошқаларнинг этиборини ўзига тортиш мақсадида қизил, сариқ, зарғалдоқ илиқ рангдаги кийимлар кийишади. Бундай кийиниш айрим аёл ўқитувчилар ҳам хос бўлиб, улар дарсда болалар эътиборини кўпроқ ўзларига қаратишга ҳаракат қиладилар.

Халқимиз рангларнинг кишиларга таъсирини тушунган ҳолда қадимдан ёшига яраша маданият билан кийиниб келган. Хусусан, болалар, ўрта ёшлилар, қарияларнинг шунингдек, аёл ва эркакларнинг кийим ранглари бир-бирларидан кескин фарқ қилган.

Эркаклар кийимларнинг ранглари жиддий ва вазмин, аёлларники шўх, енгил, сержилва бўлган. қарияларнинг кийимлари эса содда ва вазмин, киши эътиборини тортмайдиган рангларда тайёрланган. Кийимларнинг ранглари кишиларнинг ҳарактерига ҳам боғлиқ бўлади.

2. 3. Ёруғсоя қонунлари

Маълумки, предметларнинг шакли ва материаллар натурадаги ёруғсоя орқали ҳам идрок этилади. Ҳар қандай предмет турли хил эгриликлар ёки текисликлар-юзалар билан чегараланган бўлиб, ҳар хил ёруғлик шароитида бўладилар, яъни ёруғлик нурлари предметларга турлича тушиб, уларнинг юзларини турлича ёруғлантиради. Баъзи юзалар кўпроқ, бошқалари камроқ

ёруғлик оладилар. Предметлар юзасининг ёруғланиш даражаси аввало, ёруғлик манбаигача бўлган масофага боғлиқ бўлади. Ёруғлик манбаи юзадан қанчалик узоқликда бўлса, предмет шунча кучсиз ёруғланади ва аксинча, ёруғлик манбаи предметга қанча яқинда жойлашса, у шунчалик кучли ёруғланади. Шунингдек, предмет юзасининг ёруғлик даражаси предметдан кузатувчигача бўлган масофага ҳам боғлиқ бўлади, яъни нарсалар туси киши кўзига яқинлашган сари очроқ, узоқлашган сари эса тўқроқ кўринади. Юзаларнинг ёруғланиш даражаси шу юзага тушуётган тушиш бурчагига ҳам боғлиқ бўлади. Энг кучли ёруғликни ёруғлик манбаига тик қараган юза олади. Тушаётган ёруғлик нурларининг бурчаги қанчалик катта бўлса, нарсалар юзасига тушаётган нурлар шунча кам бўлади.


Ҳаётдаги ҳар қандай нарсалар ёруғлик таъсири остида ҳоҳ табиий, ҳоҳ сунъий ёруғ ва сояларга эга бўладилар. Нарсаларда ёруғ ва соялар бўлмаса уларни ҳажми сезилмайди. Рассомлар ҳам ўз асарларида бундан фойдаланадилар. Ёруғсояларнинг буюмларда жойлашуви маълум қонуниятларга бўйсунди ва улар нарсаларнинг шаклига (куб, призма, конус, цилиндр, шар, в. б.), ҳарактерига, рангига, ёруғлик манъбаидан узоқлигига, предметдан расм чизувчигача бўлган масофага боғлиқ бўлади. Хусусан, предметга ёруғлик тик тушганда эса уларда ёруғ ва соя нисбатлари кескин ва ёнбошдан тушганда уларнинг нисбати катта бўлмайди. Шунингдек, юмалок шаклдаги предметларда (конус, шар, цилиндр) ёруғликдан сояга ўтиш юмшоқ ва равон содир бўлади, қиррали (куб, пирамида, призма в. б.) шаклларда эса бу ходиса кескин рўй беради.

Ёруғсояларнинг предметларда акс этиши гипсли геометрик шакллардагига қараганда аниқроқ кузатилади.

Тасвирий санъат назариясида ёруғсоя қонунларининг таърифи қуйидагича белгиланади.


1. Предмет юзларининг ёруғлантирилган қисмига ёруғ.

2. Үөрүғлик тушмаган қисмига соя дейилады.
3. “Ёруғдан сояга ўтишдаги қисмини яримсоя” деб юритилады.
4. Ёруғликни ўртасида жойлашган энг ёрқин ялтироқ жойи блик деб аталады.
5. Теварак атрофдаги ёруғликдан акс таъсир этиши натижасида сояда хосил бўлган очроқ қисмни рефлекс дейилады. 23-расм.



23-расм. Шарда ёруғ сояларнинг жойлашуви.

Сояларни икки хили бўлады, **шахсий соя ва тушувчи соя**. **Шахсий соялар** бевосита предмет танасида жойлашса, тушувчи соялар, предмет танасидан ташқарида бўладлар. Тушувчи сояларнинг характери ёруғлик манбаининг юқори ёки пастда бўлишлигига боғлиқдир. Хусусан предметга ёруғлик юқоридан тушса тушувчи соялар қисқа, пастдан тушса узун бўлады. 24-расм.



24-расм. Шахсий ва тушувчи соялар.

Шунингдек, рангтасвир ва қаламтасвирида ёруғсоя перспективасига ҳам риоя қилинади. Бу ҳодиса ёруғлантирилган предмет билан ёруғлик ўртасидаги масофага боғлиқ бўлиб, унда ёруғлик билан соя нисбатлари турлича бўлади. Ёруғлантирилган предмет ёруғлик манбаига қанчалик яқин бўлса предмет юзаси шунчалик ёрқин ва аксинча қанчалик масофа узоқ бўлса ёруғсоя ва соя нисбатлари бир- бирларига яқин бўлади. Бундан шундай хулоса чиқадики, предметлар бизнинг кўзимиздан қанчалик узоқлашса, уларда фақат ўлчов жиҳатдан қисқаришгина рўй бермасдан, балки уларни ёруғсояларида ҳам аниқлик йўқолади, ҳажм ҳам яхши сезилмайди, ҳажмли предметлар юпқа ва текис кўринади. Ҳаво перспективасига хос бу ҳодисани ёмғирли ёки туманли кунларда яққол кузатиш мумкин. Ҳаво переспективасининг содир бўлишига асосан кузатувчи билан буюм орасидаги ҳаво қатлами, туман, пар, ёмғир, чанг парчалари сабабчи бўлади. Бу заррачалар предметнинг ёруғ қисмини бўғади, соясини очартиради.

2. 4. Перспектива

Маълумки, перспектива тасвирий санъатнинг назарий асосларидан бири ҳисобланади ва у алоҳида фан сифатида шаклланган. Перспектива борлиқдаги нарс ва ҳодисаларни кўриб идрок этишга мос ҳолда тасвирлаш қонуниятларини ўрганади.


Перспективанинг уч хили мавжуд:

1. Чизиқли переспектива:
2. Ранг (хаво) перспективаси:
3. Ҳажм переспективаси.

Чизиқли переспективада турли хил узоқликдаги нарсаларнинг ўлчовлари қисқариб кўринади. Ранг перспективасида эса бу предметларнинг ранглари ўзгаради. Ҳажм переспективасида эса нарсаларнинг ҳажм аниқлиги ва чегаралари хиралашади.

Чизиқли перспективанинг асосий қонунлари қуйидагилардан иборат:

- предметлар киши кўзидан узоқлашган сари энига ҳам, бўйига ҳам кичиклашганидек кўринади, охирида нуқтага айлангандек туюлади;
- предметлардаги вертикал қирра чизиқлар киши кўзидан узоқлашган сари ўз йўналишини ўзгартирмайди ва ўзаро кесишмайдилар.
- Уфқ чизиғидан пастда жойлашган буюмларнинг перспективадаги горизонтал чизиқлари юқорига йўналса, юқорида жойлашганларники эса пастга йўналган бўлади. 25-расм.



25-расм. Предметларда перспектива.


Фронтал переспективада биргина, бурчакли переспективада икки кесишиш нуқтаси бўлади. Бурчакли переспектива ҳодисалари киррали тўртёкли предметларда кўзга яққол ташланади. Хусусан, каробка, яшик, чемодан, стол шкаф в. б. Улар кузатувчига бурчак остида турган ҳолатида уларнинг икки ён томонидаги параллел кирра-чизиклар уфқ чизиғининг икки нуқтасида кесишадилар. Бурчакли переспективадаги кесишиш нуқтаси айрим ҳолларда суврат текислигидан четга чиқиб кетиши ҳам мумкин.

Юқорида қайд қилганимиздек ҳар қандай мазмунли расмлар уфқ чизиғи билан боғлиқ бўлади. **Уфқ чизиғи** географияда катта кенгликдаги жойда ер билан осмонни ажратиб турувчи чизик деб қаралса, рассомчиликда кузатувчи ёки расм чизувчининг кўзи баландлигида тасаввур этиладиган (ҳақиқатда у бўлмайди) горизонтал суврат текислигига параллел чизикдир. Кузатувчи ёки рассом пасайса уфқ чизиғи пасаяди, кўтарилса уфқ чизиғи кўтарилади.

Ранг перспективаси борлиқдаги барча нарсалар киши кўзидан узоқлашган сари ўз рангини ўзгартириши ҳақида тушунчалар беради. Бир хил ранг, тус ва тўйинган рангдаги буюмлар бизга яқинлашган сари рангдор ва ёрқин кўрина бошлайди. Яхши эътибор берилса ҳақиқатда ранги, туси, тўйимлилиги бир хил бўлган дарахтларнинг ранглари бизга нисбатан турлича масофада турлича кўринадилар. Улар энг узоқ масофада эса кулрангсимон, ҳаворансимон тусли бўлиб идрок этилади. Масалан, тонгдаги оқ рангли қор сояда зангори тусда кўринади. Бунинг сабаби нарсалар рангига ҳаво қатламидаги чанг, намлик, буғ зарралари ва осмон рангининг, ер ва атрофдаги нарсаларнинг таъсирларидир. Нрсалар билан кузатувчи ўртасидаги масофа қанчалик узоқлашса ҳаво қатлами ҳам шунчалик қалинлашади ва улар кузатувчига келаётган нурларни ушлаб қолади. Натижада нарса рангларни ўз тўйимлилигини йўқотадилар.

Чизиқли перспектива ҳодисаларни кўпроқ симли шакллар, геометрик жисмларнинг шакллари намоиш этиш орқали, табиатни, бевосита кузатиш орқали идрок этиш самаралидир. Шунингдек, чизиқли перспектива ҳодисаларини санъат асарларини кузатиш, хандасий шаклдаги нарсалар (куб, призма) расмини чизиш орқали ҳам ўрганса бўлади. Рангтасвир асарларини намоиш этиш ва улардаги ранг перспективаси ҳодисаларига бола эътиборини қаратиш керак бўлади. 24, 25, 26-расм. Ранглар перспективаси ҳодисасини рангларни аралаштириш орқали ҳам тушунтирса бўлади.

Ҳажм перспективаси ҳам рассомлар фаолиятида маълум роль ўйнайди. Юқорида ранглар перспективаси ҳақида фикр юритганимзда ҳавода турли чанг заррачалари, намлик бўлиб, борлиқ билан кузатувчи орасидаги нарсаларни ҳажмига таъсир кўрсатади деб айтган эдик. Улар оқ нарсаларни тўқлаштиради, тўқ нарсаларни очлаштиради. Натижада нарсаларнинг соялари ўртасидаги контрастлик йўқолади, уларнинг зихларидаги аниқлик бузилади, ҳажмли нарсалар текис кўринади. Бу ҳодисани **ҳажм перспективаси** деб юритилади.



26-расм. Перспектива ҳодисасини кўрсатувчи кўргазмали қурол ва уфқ чизиғи асосида тасвирлаш.

Мавзу асосида расм чизиш жараёнида композицияни муваффақиятли ҳал этиш учун аввало расм чизишни уфқ чизиғидан бошлашнинг роли катта. Уни

осмон билан ерни ажратиб турувчи чизик сифатида қараш керак. Уфқ чизиғини тасвирланадиган объектнинг мазмунидан келиб чиқиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Уфқ чизиғини қоғоз бетига уч хил жойлаштириш мумкин. Биринчисида уфқ чизиғи қоғоз юзасининг юқорисидан, иккинчисидан пастидан учинчисида эса унинг ўртасидан ўтган бўлади. Рассом юқори уфқ чизиғини кенг манзара ёки катта объектни акс эттирмоғчи бўлган тақдирдагина танлайди. Шунингдек, рассомлаар кишилар тасвирини ер фонида яхши кўрсатиш мақсадида ҳам шундай уфқ чизиғини танлайдилар. Иккинчи ҳолда уфқ чизиғи қоғоз юзасининг пастки қисмида ўтказилиши рассомнинг осмондаги ёки юқоридаги нарсга ёхуд ҳаракатни кўрсатиш билан боғлиқдир. Уфқ чизиғининг “Фазога парвоз”, “Кузда дарахтлар”, “Турналар учиб келди” каби мавзуларда расм чизганда пастдан олинса тўғри бўлади.

Перспективага оид учинчи ҳолда уфқ чизиғини дафтар юзасининг пастидан ўтказилади. Рассом уфқ чизиғини бундай ҳолатда олишининг сабаби томошабинга суврат унинг юқори қисми билан пастки қисмидаги деталлар мувозанати сақлашга бўлган ҳаракати билан боғлиқдир.

Шунингдек уфқ чизиғи рассомнинг ғояси, суврат мазмуни ва композицияси билан ҳам боғланади.

Агар расмда уйлар ёки дарахтлар тасвирланган бўлса, осмон анча енгил, пастки қисми оғир бўлиб кўринади.

Перспектив қисқаришни қоғоз бетиде тасвирлашда эса қуйидаги қоидага амал қилмоқ даркор. Биринчидан, кузатувчига яқин кўринган буюм ёки жонли зотлар қоғоз бетининг пастки қисмига чизилади. Кузатувчига нисбатан жуда узоқда ҳам, яқинда ҳам жойлашмаган объектлар қоғоз бетининг ўртасида тасвирланадилар. Расмда ҳайвон, куш, дарахт ва уйлар расмини тасвирлашда уларнинг ўлчовини одамнинг ўлчовига қараб белгилаш лозим.

Худди шу усулда ҳар қандай нарсаларнинг расмини ишлаш мумкин.

Тасвирий санъатнинг назарий асосларини яхши билишлик, тасвирий ишларни саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Тасвирий санъат асарини яратишда нарсалар тузилишини ҳисобга олиш ниҳоятда муҳим бўлиб, усиз саводли ишланган тасвир бўлиши мумкин эмас. Маълумки, тасвирланган барча, жонли ва жонсиз мавжудотларни тузилмаси (контрукция) бўлади. Уларнинг асосида у ёки бу хандасий шакл (куб, призма, конус, перамида, шар в. б.) ёки уларнинг аралашувидан ҳосил бўлган мураккаб шакллар ётади. Мавжудотлар ёки уларнинг тасвирида у ёки бу хандасий шакл кўзга яққол ташланса, бошқасида у бутунлай сезилмаслиги мумкин.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳарбир мавжудот (предметлар, қушлар, ҳайвонлар, одамлар) нафақат ўз тузилишига балки шаклига ҳам эга, Улар шу жиҳатлари билан ҳам бир-бирларидан фарқ қиладилар. Тасвирда уларнинг тузилишива шакллана тўғри акс этдирилмаса расм тасвирланаётган мавжудотга ўхшамай қолиши мумкин. Натижада тасвир томошабинда яхши таасурот қолдирмайди.

Шунинг учун ҳам расм чизишни ўрганишнинг дастлабки босқичларида хандасий шаклларни тасвирлашга алоҳида эътибор берилади. Натижада оддий нарсаларнинг расмини саводли қилиб ишлаш анча енгиллашади. Кейинчалик мураккаб тузилиш ва шаклдаги нарсалар расмини ишлашга ўтилади. Нарсаларни хандасий шакллар асосига қуриб чизиш перспектива ходисаларини тўғри тасвирлашга ҳам ёрдам беради.

Маълумки, борлиқдаги ҳар бир мавжудот ўз ўлчови ва пропорцияларига ҳам эга бўлиб, у нарсаларнинг шакллари ва тузилиши билан узвий боғланади.

Мавжудотларнинг пропорциялари уларнинг ўлчовларидаги нисбатларни назарда тутати. Бунда мавжудотларнинг эни, бўйи, қалинлиги, баландлиги кабиларнинг бир-бирларига нисбатан катта ёки кичиклиги назарда тутилади.

Айтайлик, аниқ бирон нарса расмини ишлаганда, уларнинг ўлчовларидаги пропорцияларни тўғри олинмаслиги, унинг ҳарактерини расмда нотўғри

ифодаланишига олиб келади. Натижада теракни расмини ўрикникига, ковунники тарвузникига ўхшаб қолади.

Хуллас, ҳар қандай расм чизганда уларнинг тузилиши, шакли, ранги, ўлчовлари ва ўлчов нисбатлари (пропорциялари) албатта инобатга олиниши лозим.

3 – БОБ

ҚАДИМГИ ДУНЁ ТАСВИРИЙ САНЪАТИДАН ЛАВҲАЛАР

Тасвирий санъат асосларини ўрганиш нафақат унинг назарияси, ҳозирги аҳволи ва келажаги, балки унинг энг қадимги тарихи, пайдо бўлиши, шаклланиши ҳамда ривожланиши ҳақида ҳеч бўлмаганда элементар тарзда бўлса ҳам билишликни тақозо этади.

Санъат тарихида тасвирий санъатнинг шаклланиши уч даврга бўлинади:

1. Ибтидоий жамоа санъати. 2. Қадимги Шарқ санъати. 3. Антик дунё санъати.

Ибтидоий жамоа санъати ўз ичига дунёнинг турли бурчакларида пайдо бўлган палеолит, мезалит, неолит, бронза, темир асрларини қамраб олади. қадимги Шарқ санъати эса қадимги Миср санъати, Олд Осиё санъатидан ташкил топади.

Жаҳон санъати тарихида катта ўринни эгаллайдиган Антик дунё санъати Эгей санъати, Юнонистон санъати, Этруди санъати, Рим санъати каби қисмлардан ташкил топади.

Ибтидоий жамоа даврида тахминан 35 аср аввал ер шарининг деярли барча бурчакларида тошларга, ғор деворларига қушлар, хайвонлар, одам тасвирлари туширилган. Улар санъат даражасидаги расмлар бўлмасада, лекин тасвирий санъатни шаклланишига асос бўлган. Бугу тасвири палеолит даврида яратилган бўлиб, у Франциянинг Фон – де – гом ғоридан топилган. 31 – расм. Пода тасвири туширилган расм Неолит даврига хос бўлиб, у Саҳаранинг

Тассили туманидаги тошга бўёқ билан ишланган. Бундай тасвирлар дунёнинг барча бурчакларидан, шу қатори Ўзбекистон ҳудудидан ҳам топилган. 32 – расм.

Жаҳон тасвирий санъатининг тарихи ибтидоий жамоа давридан бошланади унинг санъат даражасида шаклланиши қадимги Шарқ, аниқроғи қадимги Миср, Олд Осиё санъатида кўзга ташланади.

қадимги Мисрда эрамиздан аввалги 28. 000 йил бурун яратилган ҳайкаллар ҳам мавжуд. Унда Миср ҳукмдорларидан Жосернинг тахтада ўтирган кўриниши акс этдирилган. Мазкур ҳайкал боши одам танаси шер шаклида бўлиб, узунлиги 60 метрни ташкил этади. Бундай юксак бадиий савиядаги асарлар эрамиздан аввалги 28 – 1 асрларда кўплаб яратилган бўлиб, у жаҳон тарихида Шарқ цивилизациянинг маркази бўлганлигидан дарак беради. 33 – расм Ўша давр тасвирий санъатида юмалоқ ҳайкаллар билан бир қаторда рельефлар, деворий монументал ва дастгоҳли сувратлар учрайди.

Тасвирий санъатининг юксак намуналари Олди Осиё яъни Ефрат ва Тигр дарёси оралиғидаги давлатлар Вавилон, Ассирия, Эрон, Ироқ ва уларга ёндош мамлакатлар санъатида учрайди. 34 – расм.

“Икки дарё” оралиғи санъатида юксак бадиий савияда асарлар яратилган бўлиб, улар эрамиздан аввалги 23 – 1 асрларга тўғри келади. Улар қаторига “Қадимги Саргон боши” ҳайкалини киритиш мумкин. У эрамиздан 2300 йил аввал яратилган деб тахмин қилинади. Эрамиздан аввалги 1 - асрда яратилган “Шеду” (қанотли одам – хўкиз) ҳайкали ҳам ана шундай ҳайкаллар қаторига киради. 35 – расм.

Ассирия санъатига доир Калх саройига ишланган рельефда шер ови тасвири берилса, “Ҳаёт дарахти” номли рельефда бургут бошли худо акс этдирилган. 36 – расм.

Жаҳон тасвирий санъатининг ривожига Антик дунё санъати катта ўринни эгаллайди. Антик дунё санъатининг дурдоналарини эрамиздан аввалги 16. 000

йил бурунги Юнонистоннинг Эгей санъатида, аниқроғи Крит, Мелас, Фера ороллари санъатида кўриш мумкин. “Юриб кетаётган шахзода” номли рельеф Эгей санъатига оид бўлиб, эрамиздан аввалги 16 – асрда яратилган деб тахмин қилинади. 37 – расм.

Антик дунё санъатида Юнонистоннинг эрамиздан аввалги 11 – 1 асрлардаги тасвирий санъати катта ва муҳим ўринни эгаллаб, у жаҳон маданиятини тараққиётига ўзининг улкан хиссасини қўшди. Юнон санъатининг ёрқин намунасини эрамиздан аввал 1 асрда яратилган “Ваза безакчиси Клитий ва кулол Эрготим” номли (бир рангда тасвирланган) композицияда кўриш мумкин. 38 – расм.

Қадимги Юнонистон санъатида мукаммал одам ҳайкалини яратиш унинг пластик анатомияси, уларни ҳаракатда тасвирлаш муаммоси билан ўша даврнинг кўпчилик ҳайкалтарош ва рассомлари шуғулландилар. Натижада гўзаллик худоси Афродита, шунингдек

Апполон ҳайкаллариининг бир неча нусхалари яратилди. Уларда идеал эркак образлари ифода этилди. 39 – расм. Бундай ишларда идеал одам қиёфасини ва унинг қисмларининг шакллари, ўлчовлари, ўлчов нисбатлари ниҳоятда аниқлик билан тасвирланди.

Натижада Афродитанинг Киндли, Милослик, киндлик Нимфейонали, Киренли, Медийли нусхалари яратилди. 40 – расм.

Юнон санъатида эрамиздан аввалги 1 – асрда яратилган асарлардан яна бири Апполлон Белведерский бўлиб, унда каромат кўрсатувчи, санъат хомийси ва одамларга шифо бағишловчи олимп худоси тасвирланади. Шунингдек Антик дунё санъатида Дреросли Аполлон, Вейли Аполлон, Саурокотонли Аполлон, Аполлон Тенейский каби ҳайкаллар учрайди. 41 – расм.

Юнонистон тасвирий санъатида худолар образини яратиш асосий ўринни эгаллаган. Гўзаллик худоси, уруш худоси, тинчлик худоси, ёмғир худоси, ой худоси, олимп худоси кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек унда

афсонавий, спорт мавзуларида ҳам кўплаб асарлар яратилди. Бундай асарларда кентаврлар, тритонлар, тифонлар, сфинкслар, грифонлар юксак маҳорат билан тасвирланади.

Антик дунё тарихида эллинизм санъати алоҳида ўринни тутди. Эллинизм санъати деганда Македония, Юнонистон, Ўрта денгиз, Осиё, қора денгиз атрофларидаги давлатлар санъати тушунилади ва у эрамиздан аввалги 4 – 1 асрларда ривож топди. Бу санъатнинг ёрқин намуналари қаторига Милосли Афродита, “Нимфейонали Афродита”, “Киренли Афродита” ҳайкаллари, Филоскеннинг “Искандар (Александр)нинг Дари билан жанги” номли мозаикаси, “Эллин подшошининг портрети”, “Ўлаётган жангчи”, Персей ва Андромеда” деворий суврат (фреска)ларни киритиш мумкин. 42 – расм.

Антик дунё тарихида Рим санъати ўзининг кўлами ва салоҳияти жиҳатдан асосий ўринни эгаллайди. У эрамиздан аввалги ва эрамизнинг 5 – асрларида шиддатли тараққиёт даврини бошдан кечириб жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари санъатига самарали таъсир кўрсатди. У асосан Юнонистон санъати билан боғлиқ ҳолда ривожланди. Лекин у Юнон санъатига кўр – кўрона эргашиб эмас, балки мустақил ўз йўлига эга бўлди. Рим тасвирий санъатида ҳам кўпроқ худолар, афсонавий қаҳрамонлар, атлетлар образлари тасвирланди.

Рим тасвирий санъатида дастгоҳли рангтасвир сувратларини яратиш эрта бошланган. Деворий безакли рангтасвир ишлаш эса ниҳоятда кенг тарқалди.

Эрамиздан аввалги ва эрамизнинг 6 – 5 асрларда Рим ҳайкалтарошлигида рельефли декоратив фризлар яратиш кенг ривож топди. Чунки ўша даврларда вафот этган шахсларнинг бюстларини ишлаш одат тусига кирган бўлиб, улар унча катта бўлмаган ўлчовда тайёрланган.

Рим рангтасвирида жанг лавҳаларини тасвирлаш айниқса римликларнинг бошқа мамлакатларга юришлари ва ғалабаларини тасвирлаш зарур бўлган.

Рим империяси даврида айниқса Юлий Цезар, Октавиан, Август, Антонийлар династияси мамлакатга императорлик қилган вақтларда уларни ва

оила аъзоларининг портретлари, ҳайкаллари уларнинг қилган жанг ва ғалабаларини дастгоҳли ва монументал асарларда акс этдириш кенг тус олган.

Рим санъатининг юксак намуналарини “Август ўз аёнлари билан”, “Ёмғир худоси”, “Вилла Андриана”, “Римликларни ёввойилар билан жанги” рельефлари, “Магистрант ҳайкали”, “Генерални Дионис билан тортишуви” номли мозаикаларда кўриш мумкин. 43 – расм. Бундай асарларда рим ҳайкалтарош ва рассомлари императорларининг ҳаёти, афсонавий воқеа ва кўринишлар, жанг лавҳалари, айрим шахсларнинг портрет – бюстларини акс этдирар эдилар. Уларнинг кўпчилиги ибодатхоналар учун тайёрланар эди.

Жаҳон тасвирий санъати тарихида қадимги Шарқ ва Европа санъати, унинг тараққиётида ўзининг мислсиз катта хиссасини қўшди ва у ҳамма даврларда жаҳоннинг барча мамлакатларининг ижодкорларига намуна бўлиб келмоқда.

4 – БОБ

ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ РАНГТАСВИРИ

4. 1. Шарқ мўжаз рангтасвири (миниатюра) мактаблари

4. 1. Sharq mo`jaz rangtasviri (miniatyura) maktablari

Ma'lumki, o'rta asr Sharq mamlakatlarida tasviriyy sanat sohasida o'yg'onish ro'y berdi. Ayniqsa, tasviriyy san'atning mo`'jaz rangtasvir deb nomlanuvchi turi, kitob grafikasi bilan bog'liq holda keng rivoj topdi. Natijada Arab (Bag'dod), Eron (Tabriz), Isfaxon, Sheroz, Turk, Movoraunnahr, Hindiston, Ozarbayjon, Hirot, Buxoro, Samarqand mo`'jaz rangtasvir maktablari paydo bo'ldi. Bu maktablarning tepasida Miraq naqqosh, Kamoliddin Behzod, qosim Ali, Ustod Gung, Abdulloh Ibn Fazil, Og'a Miroq, Kesu, Ustod Shamsiddin, Abdul Boqi Tabriziy kabi bir qator rassomlar turar edilar.

Hirotda (Afgʻoniston) moʻʼjaz rangtasvir maktabi. XV asrda Hirotda shakllangan bu yoʻnalish nafis qoʻlyozma kitoblarga talab oshishi natijasida vujudga kelgan. Oʻsha asrning 20 – yillarda bu sanʼat turi Tabrizda Sayid Ahmad, Xoja Ali, Samarqanddan Jafar Tabriziy kabi musavvirlar kelganlaridan soʻng shakllandi. Uning rivojiga Shohruh, Gavharshoh, Boysunqur Mirzo, Husayn Boyqaro, Alisher Navoiylarning taʼsiri katta boʻldi.

Hirotda musavvirlar asarlarida umumiylik kam, oʻziga xoslik koʻp boʻlib, ularda odam tasviri zaminida bogʻlar, tiniq suvlar, koʻl, hovuz, koshinli binolar tasvirlanadi.

Hirotda moʻʼjaz rangtasvir maktabi vakillari qatoriga Mavlono Halil Mirzo, Shohruhiy, Kamoliddin Behzod, Mirak Naqqosh, Xoʻja Muhammad Naqqosh, Shoh Muzaffarlarni kiritish mumkin.

Hirotda maktabining eng yaxshi asarlari qatoridan Saʼdiyning “Guliston” (1427 yil), Navoiyning “Hamsa” (1431 yil), Firdavsiyning “Shohnoma” (1424 – 1431 – yillar) asarlariga ishlangan rasmlar oʻrin olgan. Bu asarlar Sank – Peterburdagi Ermitajda, Tehrondagi Guliston saroyida saqlanmoqda. Hirotda miniatyura maktabining yirik vakili Kamoliddin Behzod hayoti va ijodini oʻrganishga alohida vaqt ajratilgan boʻlib, bu xaqda qoʻllanmaning keyingi fasllarda bayon etilgan.

Behzodning yirik naqqosh qosim Ali, Xoʻja Muhammad Naqqosh, Shoh Muzaffarlar bilan hamkorlikda Nizomiyning “Hamsa” siga ishlagan miniatyuralari Londondagi Britaniya muzeyida saqlanmoqda.

Behzod esa faqat kitoblar uchun rasmlar ishlabgina qolmay, balki portret, jang, ov, ziyofat, qabul marosimlari kabi koʻrinishlarni ham tasvirlagan.


Hirotda moʻʼjaz rangtasvir maktabi Oʻrta Osiyo va Hindiston miniatyura maktablarining rivojiga katta hissa qoʻshgan.

Bagʻdod (Iroq) moʻʼjaz sanʼati maktabi. X – XI asarlarda Fotimiylar sulolasi, XIII asrning birinchi yarmida Suriya, maktablari asosida tashkil topgan. Moʻʼjaz rangtasvir maktablarining yirik vakillaridan Abudlloh Ibn Fazl, Yahyo ibn

Mahmudlar dong taratganlar. Abdulloh ibn Fazl Dioskoritning Farmokologiya” kitobiga rasmlar ishlagan. Undagi dorilar qizil va to`q, ko`k ranglarda bo`lib, shartli va razmiy belgilarda aks etgan. Musavvir Yahyo Ibn Mahmud bezagan “Maqomat” nomli asarga bir qator mo``jaz rangtasvir asarlari kirgan. Bu asarda shoir Abu Sayidning sarguzashtlari, Xalifaning tantanali qabuli, olimlar anjumani, karvonning yo`lda dam olishi, bayram marosimi, dengizdagi kema kabilar tasvirlangan. Asardagi bu rasmlar Parijdagi muzeylarda birida saqlanmoqda.

Bag`dodli Vositiyning “Suvoriylar ko`rigi va “Sayyor mashoqlar” asarlari ham diqqatga sazovordir.

Sheroz mo``jaz rangtasvir maktabi. Bu maktabning dastlabki namunasi 1370 yilda yaratilgan bo`lib, u Abulqosim Firdavsiyning “Shohnoma” asariga ishlangan miniatyuralardir. Bu asar hozirda Turkiyaning Topqopu saroy kutubxonasida saqlanmoqda. Shuningdek, Amir Xisrav Dehlaviyning “Hamsa” asariga ishlangan rasmlar ham shunday ishlar qatoridan o`rin olgan. Asar Toshkentdagi O`zFAning Sharqshunoslik institutida saqlanmoqda. 39-rasm.



39-rasm. Xisravning ovda Shirin bilan uchrashuvi. Sheroz maktabi.

Moskvada Sharq xalqlari san'ati davlat muzeyida XVI asr musavviri qozi Ahmad ibn Mir Munshi al Husayn tomonidan yozilgan Sheroz maktabining rassom va xattotlar haqidagi "Gulistoniy hunar" nomli kitobi saqlanmoqda.

Tabriz mo`'jaz rangtasvir maktabi. Mazkur maktab XIV asr boshlarida Tabriz shahrida vujudga kelgan. Bunda 1522 yillarda Kamoliddin Behzod shoh Ismoil tomonidan saroy ustaxonasining boshlig'i etib tayinlanishi katta ahamiyat kasb etgan. Natijada mahalliy badiiy an'analarning Hirot an'analari bilan uyg'unlashuvi uning yanada rivojlanishiga yordam bergan. Mo`'jaz rangtasvir asarlarida ko`p shaklli suvratlar, tabiat manzaralari haqqoniy ifoda etila boshlandi. Oqibatda Ota Mirak, Sulton Muhammad qosim Ali, Mirsaid Ali, Muzaffar Ali, Mirzo Ali kabi musvirlar shuhrat qozondilar. Ular Nizomiy, Jomiy, Navoiy asarlarini chiroyli rasmlar bilan bezadilar. Ular orasida Ustod Sulton Muhammadning "Payg`ambarning arshi a'loga chiqishi" suvrati diqqatga sazovordir. 40-rasm.



40-rasm. Ustod Sulton Muhammad. Payg`ambarning arshi a'loga chiqishi.

Fragment. Tabriz maktabi.

Tabriz maktabi vakillaridan biri qosim Ali “Alisher Navoiy va Sulton Muhammad Mirzo” nomli asari bilan mashhur.

**Isfaxon mo`jaz rangtasvir maktabi.** Bu maktab Eron mo`jaz rangtasvir maktabining asosiy yo`nalishlaridan biri. U XVIII asr oxiri va XIX asr boshlarida shakllangan.

Bu davrda kitobiy tasvirlar bilan bir qatorda portretlar, janrli asarlar ham yaratilgan. Isfaxon mo`jaz rangtasvir maktabi asarlarida rangdorlik kam, tasvir tagida zarli ranglardan keng foydalanilgan. Shakllar yirik, manzaralar ancha aniq tasvirlangan. Bu maktabning yirik vakillari – Rizo Abbosiy, Muhammad qosim, Muhammad Yusuf, Muhammad Alilar bo`lishgan. Mazkur san`at yo`nalishiga Evropa tasviriy san`ati o`z ta`sirini ko`rsatgan. Natijada asarlar mazmunida xristian mifalogiyasi katta o`rin egallagan. Bu ko`proq Muhammad Zamon, Al qulibek, Jabadar ijodiga mansubdir. Rizo Abbosiyning “Cho`pon”, “Yigit portreti” nomli asarlari ayniqsa mashhurdir. 41-rasm.



41-rasm. Rizo Abbosiy. Cho`pon. Isfahon Maktabi.

Isfaxon portreti janrining namoyondalaridan XIX asrning mashhur rassomi Mirzo Abul Hasaxon g'afforiyni ko'rsatish mumkin. U Italiyada ta'lim olgan bo'lib, Soniy – ul Mulk tahallusi bilan ijod qilgan.

XVIII – XIX asr Eron mo'jiz rangtasirida jannat va do'xaxni, Muhammad payg'ambarini, shia imomlarini tasvirlash odat tusiga kirgan. Bu davr rassomlari o'z asarlariga Evropa rangtasviriing badiiy va texnik usllarini kiritib, ularni isloh qilganlar. Buni Isfaxonda yashab ijod etgan Tabrizlik Ustod Sulton Muhammadning "Payg'ambarning arshi a'loga chiqishi" nomli asari Nizomiyning "Hamsa" kitobi qo'lyozmasiga ishlagan rasmlarida yaqqol ko'rish mumkin.

Turk mo'jiz rangtasvir maktabi. Bu maktab XX asrda keng rivoj topdi. Bu davrda Sulton Mahmud II o'z saroyiga ko'pgina musavvir va xattotlarni to'plagan. O'sha davrda tuzilgan "Fotih albomi" va Istambul albomlari" mashhurdir. Ularda ko'proq lirik mavzular aks etgan. Ba'zi bir hujjatlarda ko'rsatilishicha, 1425 yilda saroy ustaxonasida 29 ta musavvir va naqqosh, 12 ta xalifa xizmat qilgan. Ular orasida eronliklar, arablar, cherkeslar, mojarlar, moldavanlar ijod qilganliklari qayd qilinadi. Turk mo'jiz rangtasvir ustalari o'z ijodida Sharq mamlakatlari san'at maktabi ustalarining ish uslubidan ko'p foydalanganlar.

Turk maktabining yirik namoyandalari misolida musavvir Usmon, Nigoriy, shayx Hamidullalarni ko'rsatish mumkin. Bulardan tashqari, turk sultoni saroyida O'rta Osiyolik va Xurosondan kelgan Bobo Naqqosh, Shayx Mustafo,, Tojiddin Girexbandiy, Abdulg'ani Oqo Mirak, Shayx Kamoniy, Shohquli, Jaloliddin Mustafo kabi musavvir va naqqoshlar ijod qilganlar. 42-rasm.

Xusrav va Sulton Salim II portreti, ertakchi, qiziqchi La'linqabo portreti Usmon muyqalamiga mansubdir. Sulton Salim II ning qo'llanmasiga chizilgan suvratlar Nigoriy tomonidan ishlangan.

Nigoriyning "Sulton Sulaymon I portreti" asari Turkiyadagi To'pqopi saroy kutubxonasida saqlanadi. Nigoriy Xayriddin, Barbarossa Salim kabilarning ham portretlarini ishlagan.




42-rasm. Jalolzoda Mustafo. Sulton va uning a'yonlari. Turk maktabi.

Turk maktabi asarlari namunalaridan Nizomiyning “Hamsa” asariga ishlangan Boysunqur Mirzo albomi AmirTemur va temuriylar avlodlari tasvirlangan rasmlar, Bahrom Mirzo albomi, Shoh Ismoil albomi, To'pqoni saroyi kutubxonasida saqlanmoqda.

Hindiston mo'jaz rangtasvir maktabi. Bu maktab o'rta asrlarda Hindistonda shakllangan. Ular – Gujarot, Rajnut, Boburiylar, Dekan mo'jaz san'at maktablariga bo'linadilar. Ular orasida Boburiylar maktabi keng rivoj topgan. U asosan XV asrning ikkinchi yarmi va XVIII asrlarda Eron va O'rta Osiyo mo'jaz hamda Evropa rassomchiligi san'atlari asosida kamol topgan. Bu maktablarning dastlabki qadamlari shu erda xizmat qilgan taniqlik Mir Said Ali, sherozlik Abdusamad ijodi bilan bog'liqdir.

Boburiylar maktabining yorqin namunasi “Boburnoma” kitobida aks etgan bo'lib u Moskvadagi Sharq xalqlari san'ati muzeyida saqlanmoqda. Bu maktabda yaratilgan asarlari dastlab kitoblarga ishlagan bo'lsa, keyinchalik u mustaqil dastgoh san'at turiga aylandi. 43-rasm. “Boburnoma”ning rassomlari Kamoliddin Behzod, Shoh Muzaffar, Boysunqur Mirzo, Haydar Mirzolardir. Boburiylar sulolasining

asoschisi Zahiriddin Muhammad Bobur shoh, xattot va olim boʻlgan va rassomchilikka juda qiziqqan.



43-rasm. Behzod va boshqalar. Bobur Qobul atrofidagi Xo`ja Seyoron chashmasi oldida. Hindiston makatabi.

Hindiston rassomchiligi taraqqiyotiga katta hissa qoʻshgan musavvirlar Mir Said Ali, Abdusamad Sheroziy, Basova, Doʻst Devona, Disvinta, Farruhbeklardir.

Hindiston maktabi XVI asrda tarkib topgan boʻlsa-da (Jaloliddin Muhammad Akbar, 1556 – 1605), lekin unga Bobur va Xumoyun asos solganlar.

Boburning oʻgʻli Nasriddin Muhammad Xumoyun rassomchilikka qiziqishda otasidan qolishmagan.

U Saroy qoshida tashkil etilgan ustaxonaga oʻzi boshchilik qilgan va haftada bir kun ustaxonaga kelib, yaxshi ishlagan musavvirlarga inʼomlar tuhfa etgan, oylik maoshlarini koʻtargan, ularni himoya qilgan. Rassomlardan Mir Said Ali “Nodir – ul Mulki Xumoyun” unvoniga,. Abdusamad Sheroziy esa “Shirin qalam” unvoniga

sazovor boʻlganlar. Ular “qissai Amir Hamsa” nomli romantik afsonaga rasm ishlab, shuxrat qozonganlar. Ustod Mansur esa “Nodir – ul asr” faxriy unvonga sazovor boʻlgan. Shuningdek, Kesu, Laʼl, Mukund, Miskina, Madku, Djanu, Jagan, Maxesh, Haribans, Sanvada, Tara, Rimlar ham hind moʻʼjaz rangtasvirida Sharq va Ovroʻpa rassomchiligini rivojlantirishga katta hissa qoʻshib, oʻz ijodlarida perspektiva, yorugʻ – soya qonunlariga ham rioya qilishgan.

Ozorbayjon moʻʼjaz sanʼat maktabi. U maktab XIV – XVI asrlarda ayniqsa yuksak taraqqiyot darajasiga koʻtarildi. U oʻsha davrlardagi Ozorbayjon tarkibidagi Tabriz rassomchiligi asosida tashkil topdi.

XIU asrning ikkinchi yarmida Ozorbayjonning janubiy shaharlarini Sulton Uvas Jaloir egallab, u erda Ustod Shamsiddin, Abdulxay Junaid Bagʻdodiy, Rizo Abbosiylarning ijodini rivojiga katta yoʻl ochib berdi.

Bu davrda Tabrizda yashab ijod etgan mashhur rassomlardan biri Pir Said Ahmad Tabriziydir. Baʼzi bir maʼlumotlarga qaraganda u Kamoliddin Behzodga ham ustozlik qilgan.

Safaviylar sulolasining asoschisi shoh Ismoil davrida sanʼat va madaniyat tez rivojlandi. Bu davrda yaratilgan durdonalar qatoriga Abdulqosim Firdavsiyning “Shohnoma”, Saʼdiy Sheroziyning “Boʻston”, Nizomiy Ganjaviyning “Hamsa” asarlariga ishlangan suratlarni koʻsatish mumkin.

Shoh Ismoil vafotidan soʻng uning oʻrniga vorislik qilgan shoh Tahmosib hukmronligi davrida moʻʼjaz rangtsvir oʻzining eng yuksak choʻqqisiga koʻtarildi. Chunki, Tahmosibning oʻzi yoshligidan rassomchilik va xattolikka juda qiziqardi va bu davrda ustod Sulton Muhammaddan tashqari ustod Komoliddin Behzod, Mirzo Ali Tabriziy, Ogʻa Miraj, Muzaffar Ali, Mir Said Ali, Siyovushbek va boshqa musavvirlar ham ijod etishgan.

II-BOB. OʻRTA OSIYO MOʻJAZ RANGTASVIRI

Movaraunnahr mo`'jaz rangtasvirining dastlabki namunalari Rashiddining “Tarix to`plami” nomli asarida aks etgan. Bu asar Toshkentdagi Sharqshunoslik institutining kutubxonasida saqlanmoqda. qo`lyozmada bir qator mo`g`il xonlarining obrazlari tasvirlangan. XU asrdagi Sharq mutafakkirlaridan Firdavsiy, Navoiy, Sa`diy, Hofiz, Jomiy kabilarning kitoblari ham mo`'jaz rangtasvir asarlari bilan bezatilgan. Bu asarlarda rassomlar ko`pincha o`sha davr muhiti va kiyimlari, xon saroyidagi voqealar, jangu jadallar va uchrashuvlarni aks ettirgan.

Shunday asarlardan birqanchasi hozirgi kunda Stambuldagi Topqopu saroyi kutubxonasida saqlanmoqda.

XIV asr oxiri XV asr boshlarida Samarqandda ijod etgan musavvirlardan Xo`ja Abd – Al – Haya va Pir Ahmad Bog`i Shamoliylar mashhurdirlar.

Ba`zi ma`lumotlarga ko`ra Movaraunnahr mo`'jaz rangtasvirning asoschisi sifatida Ustod Gung tilga olinadi hamda uni mashhur Jahongir Buxoriyning ustozlari deb qayd qilinadi.

Temur davri mo`'jaz rangtasviriga doir asarlar ichida Jomiyning “Oltin zanjir” nomli kitobiga ishlangan suvratlar alohida o`rin tutadi. Mazkur asar Sankt – Peterburgdagi Saltikov – Shchedrin nomli kutubxonada saqlanmoqda. Unda tog`liq joydagi ov manzarasi aks ettirilgan.


Ulug`bek davrida musavvirlik qilib, mashhur bo`lganlar orasida Shahobiddin Abdulla va Zahriddin Azharlar tilga olinadi, biroq ularning qanday asarlar yaratilganliklari haqida ma`lumotlar yo`q. Ulug`bek davrida yaratilgan asarlardan biri Abdurahmon as – So`fiyning astronomik asariga ishlangan rasmlari diqqatga sazovordir. Unda bir qator yulduzlarning harakati tasvirlangan bo`lib, ular odam shaklida ifodalangan.

Alisher Navoiy davrida Hirotda san`at gullab – yashnay boshladi. Bu davrda Hirotda Kamoliddin Behzod ijod etdi. Kamoliddin Behzod uslubida ijod qilgan mashhur musavvirlardan biri Mahmud Muzahhibdir. Mahmud Muzahhib ijodida “Alisher Navoiy” portreti diqqatga sazovordir. 45-rasm.

Mahmud Mazahhib tomonidan Navoiyning “Sirlar xazinasi”, shuningdek “Sulton Sanjar va kampir” nomli asarlariga ishlangan suvratlar mashhurdir.

Mahmud Mazahhib Navoiyning “Sirlar xazinasi” asaridagi suratlarni musavvir Muhammad Chagri Muxassin bilan birgalikda ishlagan.

Samarqandlik musavvir Muhammad Murod Samarqandiy ham yuksak qobiliyat sohiblaridan edi. Mashhur “Shohnoma” roʻyxatida uning bir yuz oʻn besh suvrati tilga olingan. Ayniqsa, asarlari orasida Xotifiyning Temur yurishlari haqidagi “Zafarnoma” kitobiga ishlangan suvratlari diqqatga sazovordir. 46-rasm.




46-rasm. Muhammad Murod Samarqandiy. Siyovushning olovda sinalishi.

XVII asrda bir qator Oʻrta Osiyolik rassomlar Hindistonda ijod etishdi. Ular orasida Davlat Muhammad Nodir Samarqandiy ham bor. U Xind moʻʼjaz rangtasviri maktabini yaratishda muhim oʻrin tutadi.

XIX asrda yashab ijod etgan Buxoro moʻʼjaz rangtasviri sanʼati maktabi vakillaridan biri Ahmad Mahdumning (Ahmad Kalla) nomi sharaflidir. Uning suvratlari orasida Bedil asarlariga ishlangan “Sevgi manzarasi”, “Sahrodagi Majnun” nomli rasmlari diqqatga sazovordir. 47-rasm.

Buxoro moʻʼjaz sanʼati maktabi vakillaridan yana biri Ahmad Kallaning shogirdi Abduxoliq Mahdumdur. U Alisher Navoiyning “Farhod va Shirin” dostoniga

suvratlar ishlab o`zidan avvalgi o`tgan hamkasblari ijodini mazmun, kompozitsiya, rang, tasvirlash texnikasi jihatidan yanada boyitdi.



47-rasm. Ahmad Kalla. Sahrodagi Majnun.

2. 1. Kamoliddin Behzodning hayoti va ijodi

Kamoliddin Behzod taxminan 1455 yilda Hirotida kambag`al, hunarmand oilasida tavallud topgan. 48-rasm. Behzod uning ismi yoki taxallusi ekanligi noma`lum. Behzod ota – onasidan juda erta ajraladi, uni Mirak Naqqosh o`z tarbiyasiga olib, voyaga etkazdi va o`zining Hirotidagi “Nigoristoni”da (San`at akademiyasida) unga naqqoshlik hunarini o`rgatdi. Bunday mashhur rassomning qaramog`ida o`sib ulg`ayishning o`zi Behzodning kelajakda buyuk san`atkor bo`lib etishishiga zamin yaratgan bo`lishligi mumkin. Shuningdek, Behzodning mohir san`atkor bo`lib etishuvida yana o`sha davrda Hirot muhitidagi bir talay etuk rassomlar, hattolar, musiqashunoslarni birlashtirib turgan San`at akademiyasi ham katta rol o`ynagan.



48-rasm. Kamoliddin Behzod portreti.

Behzodning dastlabki ijodi Sulton Xusayn Bayqaro saroyida va u erdagi juda ko'p shoir, olim, san'atkorlarning homiysi Mir Alisher Navoiy raxnamoligida boshlanadi. U Alisher Navoiyning ustozi Abduraxmon Jomiy, Hirotidagi xattotlar ustozi Sulton Ali Mashxadiy bilan yaqin aloqada bo'lib, ijod qiladi. San'at va nafosat ishtiyoqi kuchli bo'lgan Behzod mehnatsevarligi, zaxmatkashligi tufayli Hirotida mashhur mo''jaz rangtasvir ustasi bo'lib etishdi. Shundan so'ng podsho Sulton Xusayn Bayqaro Behzodni o'z huzuriga – saroyga jalb qiladi va unga maxsus joy ajratib, ijodiy ishlariga hamma sharoitlarni yaratib beradi. 1487 yilda Kamoliddin Behzod podshoning shaxsiy farmoni bilan Hirotidagi saltanat kutubxonasining boshlig'i etib tayinlanadi. Shox farmonida shunday deyilgan edi: “Ijod yaratish korxonasi musavvirning irodasi, eru osmon nigorxonasi muharrirning qudrati bilan. xukm qilurmizki, asr nodiri, musavvirlar peshvosi. ustoz Kamoliddin Behzod

Xumoyun kutubxonasi ahliga: kitob, naqqosh, muzahhab, jadvalkash, xalkor va zarkublarga, shuningdek, mazkur ishlarga mansub boʻlgan Olloh panoxidagi butun mamlakat jamoasiga boshchilik mansabi topshirilsin”. Tahrir etildi: 884 xijriy yil 27 – jumadul – ul avval (1487 y. 22 iyul).

1506 yilda Xusayn Bayqaro vafotidan soʻng taxt koʻchmanchi oʻzbek qabilalarining xoni Shayboniyxon qoʻliga oʻtdi. Shayboniyxon ham Behzod ijodiga hurmat bilan qarab, unga tegishli sharoitlar yaratib beradi. 1510 yilda Eron Safaviylar saltanati Shayboniyxonga qarshi urush ochib, uni engadi. Shayboniyxon jangda halok boʻladi. Shoh Ismoil Safoviy 1512 yilda Hirotdagi bir echa isteʼdodli sanatkorlarni oʻzi bilan Hirotdan Tabrizga olib ketadi. Ular orasida Kamoliddin Behzod va uning bir qator shogirdlari ham bor edi.

Bu erda Behzod oʻzining shogirdlari bilan moʻʼjaz rangtasvirining yirik maktabini yaratdi. 1514 yilda turk podshosi Eronga hujum qiladi. Ularning qoʻli baland kelishini bilgan Eron shoxi Ismoil Kamoliddin Behzod va mashhur xattot Shox Mahmud Nishopuriyni turklar olib ketib qolishidan xafsirab, ularni bir gʻorga yashirib qoʻyishga farmon beradi. 1522 yilda Shox Ismoil Safoviy maxsus farmon bilan Behzodni Tabrizdagi saltanat kutubxonasining boshligʻi etib tayinlaydi.

Behzod oʻz asarlarining koʻp qismini oʻz ona yurti – Hirotdan uzoqda, yaʼni Tabrizda yaratdi. Erondagi jangu jadallar, algʻov – dalgʻov va ur – yiqitlar Behzodning oʻz ustozlari va yaqin doʻstlaridan uzoqda yashashi uning, hayoti va ijodiga salbiy taʼsir koʻrsatdi. Shuning uchun ham musavvir “Tuyalar jangi” nomli asarini yaratganda uning bir chekkasiga “qalamishikasta, nomurod, faqir Behzod umri 70 dan oshganda ushbu ishga qoʻl urdi”, deb gʻam – anduh bilan imzo chekkan edi. Shunga qaramasdan Behzod Eronda kechirgan gʻam – anduh, gʻurbat – azoblari oldida, chekinmadi, nafosat va goʻzallik olamiga, tabiat, jamiyat va insonga boʻlgan kuchli muhabbat, uni ijodga boʻlgan joʻshqin ishtiyoqni doimo ilgari etakladi.

Kamoliddin Behzodning “Xusayn Bayqaro” va “Shayboniyxon” suvratlari musavvir ijodida muhim oʻrin tutadi. 49-rasm. Unda Hirotda Sultoni Husayn Bayqaro

shoxlarga xos qiyofada, uning salobati bilan cho`kkalab o`tirgan holda tasvirlangan. Uning keng elkali gavadasi, qiyiq ko`zi, yapaloq yuzi, shohona liboslari shunday haqqoniy va ustalik bilan ishlanganki, uning gavda tuzilishidagi o`lchov nisbatlari, kiyim – kechaklarni ko`rib, XVI asrda bunday iste`dodli rassom bo`lganligidan hayratlansa kishi. Suratning tagiga “Tasviri Sulton Xusayn Mirzo – Behzod”, undan ham quyiroqda “Al – faqir Behzod” degan so`zlar ham yozilgan.



1




2

49-rasm. 1. Behzod. Husayn Boyqaro portreti. 2. Behzod. Shayboniyxon portreti.

Behzodning “Sulton Husayn Mirzo saroyida ziyofat” nomli asarida oqshom paytida go`zal bog` ichidagi ziyofat aks ettiriladi. 50-rasm.

Sulton Xusayn Boyqaro o`z ayonlari bilan panjaralar bilan o`ralgan katta supa ustida o`tiribdi. Suratning yuqori o`ng burchagida xizmatkorlar may quyish bilan ovora, u erda sharbat solinadigan xumlar, ko`zachalar bor. Eshik oldidagi oq ro`molli xabash xizmatkorlar elkalaridagi obkash bilan xumchalarda sharbat tashimoqdalar.



50-rasm. Behzod. Sulton Husayn Mirzo Huzirida ziyofat.

Boshida savat ko'tarib olgan yana bir xabash xizmatkor meva – chevalarni supa tomon elitmoqda. Uning oldida xum ko'tarib, supa tomon ketayotgan yana bir xizmatkor tasvirlangan. Suratning past va chap tomonida saroy xodimlaridan uchta mast holda aks ettirilgan. O'rtada ikki kishi qadahlariga sharob quyishmoqda. Xullas, saroyda shohlar turmushiga xos bo'lgan xodisa tasvirlanganki, musavvir uni ham kompozitsion, ham rang, ham mazmun, ham badiiylilik jihatdan mohirona aks ettira olgan.

Kamoliddin Behzodning mashhur asarlaridan yana biri “Samarqanddagi masjidda” (“Masjid qurilishida”) deb nomlanadi. 51-rasm. Bu asar Nizomiyning “Hamsa” nomli asariga ishlangan bo'lib, xozirda Londondagi milliy kutubxonada saqlanadi. Unda yirik masjid qurilishi aks etgan. Bu asarda quruvchilar uch guruhga bo'lib tasvirlanadi. Birinchisi – eng yuqorida aks etgan g'isht teruvchilar, ikkinchisi – o'rtadagi yordamchilar (material etkazib beruvchilar), uchinchisi – tayyorlovchi (g'isht va toshtaroshlardir). Suvratning yuqori va o'rta qismidagi yo'l – yo'l sallali, tesha va g'isht ushlagan kishi usta tasviri bo'lsa kerak. Suvratdagi qurilish shunday

bir muhim binoki, uni quruvchilar zo`r shijoat va ko`tarinkilik bilan qurishmoqda. Musavvir buni bildirish uchun ularning hammasini harakatda tasvirlagan, bironta ham dam olayotgan yoki tomoshobin bo`lib turgan befarq odam yo`q. Ularni kuzatayotgan nazortchi ham yo`q. Bundan shunday xulosaga kelish mumkinki, bino qurilishidagi kishilar qullar emas, o`z xoxishi bilan ishlayotgan kishilardir.



51-rasm. Behzod. Masjid qurilishi.

Suvrat bizga halqimiz tarixi, uning turmush tarzi, mehnati, kiyimlari, mehnat qurollari (tesha, cho`kich, narvon, bel, tog`ora, arqon va b.), qurilish materiallari, binolar tuzilishi haqida ayrim ma`lumotlarni beradi. Asar orqali musavvir ajdodlarimizning mehnatga munosabati, islom yo`lidagi sa`yi – harakatlarini haqqoniy aks ettiradi.

Behzod salkam bir asr hayot kechirdi. Uning hayoti va ijodi Sharq halqlari, jumladan, O`rta Osiyo halqlari madaniyatida muhim ahamiyat kasb etadi. U o`z ijodi davomida Sulton Muhammad, qosim Ali, Darvish Ustod Muhammadiy, Muzaffar Ali, Yusuf Mulla, Rustam Ali, Shayxzoda Xursoniy, Shox Muzaffar, Mirsaid Ali, Mahmud Muzahhib, Abdullo kabi ko`plab shogirdlar tayyorladi. Kamoliddin Behzod

ijodi Hirot, Tabriz, Buxoro, Samarqand, Sheroz, Isfaxon, Istambul, Xindiston mo`'jaz rangtasvir maktablari rivojiga katta ta'sir ko'rsatdi.

Kamoliddin Behzodning ijodini Sharq va g'arbdagi ko'pgina buyuk kishilar yuksak baholaganlar. Xususan, uni "Sharq Rafaeli" deb atashgani bejiz emas.

Buyuk tarixchi Xondamir "Xabib – us – suyar" nomli asarida Kamoliddin Behzod haqida shunday deb yozgan edi: "Kamoliddin Behzod ajoyib va g'aroyib suvratlarni zohir qiluvchi, hunar nodirliklarini bunyod etuvchi, Moniy kabi suvrat chizuvchi mo'yqalamli, olam musavvirlari asarlarini yo`qqa chiqaruvchi va misli yo`q barmoqlari bilan bani odam hunarmandlari tasvirlarini maxv qiluvchidir. . ” Shayboniyxon, Vasifiy va boshqalar, uni jonsiz narsa tasvirga jon bag'ishlovchi mo'yqalam sohibi deb ta'riflaganlar.

Behzod ijodi faqatgina XV – XVI asrlar Movarounnahr madaniy hayotida ahamiyatli bo`libgina qolmay, balki butun Sharq, hattoki Evropada kitob grafikasining rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etdi. XVI asrda Evropada bosmaxonaning kashf etilishi kitob grafikasining rivoj topishiga imkon beradi.

Behzodning hayoti va ijodi ta'sirida XV – XVI asrlarda O`rta Osiyoda (Movarounnahrda) tasviriy san'atda keskin burilish ro'y berdi, olim va san'atkorlar uni san'at tarixida O'yg'onish (Renessans) davri deb atadilar.

Behzodning asarlari yuksak qadrlanib, O'zbekistondan tashqari, AQSh, Buyuk Britaniya, Turkiya, Rossiya, Eron, Frantsiya, Germaniya, Misr kabi bir qator mamlakatlarning kutubxonalarida avaylab saqlanmoqda. Toshkentdagi milliy rassomchilik va dizayn instituti Kamoliddin Behzod nomiga qo'yilgan. Toshkentda Kamoliddin Behzod hayoti va ijodiga bag'ishlangan muzey bor.

5 – БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИ

5. 1. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ ТАСВИРИЙ САНЪАТИ

Ўзбек халқи ўзининг қадимий юсак маданияти ва санъати билан фахрланса арзийди. Буни Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган археологик қазилма ишлари яққол исботлайди. Хусусан, Варахша, Афросиёб, Халчаён, Тупроққаъла, Болаликтепа, Айртом, Далварзин тепа, қўйқирилган қалъа, Ажинатепа, Тешиққалъа ва бошқа бир қатор қадимий шаҳар, қалъа, ибодатхоналардан топилган юсак бадиий савияда яратилган деворий расм, ҳайкалтарошлик асарлари, амалий санъат буюмлари фикримизнинг далилидир.

Бу ноёб қазилмаларни излаб топишда Л. И. Ремпель, Г. А. Пугаченкова, Л. И. Альбаум, Б. А. Булатов, Я. ғуломов, С. П. Толстой каби археолог ва санъатшунос олимлар самарали меҳнат қилдилар.

Қўйқирилган қалъа. Милоддан аввалги III – IV асрларга оид ёдгорликлар. У Ўзбекистоннинг Тўрткўл шаҳридан 22 км узоқликда жойлашган.

Унда шоҳлар, аскарлар, ғалаба заллари бўлган. Ибодатхона биноси икки қаватли бўлиб, диаметри 44,4 м. Баландлиги 9,5 м. ни ташкил этади. Деворга лой олинган жой сув билан тўлғазилиб, хандаққа айлантирилган. Девор орасида ўқ отадиган туйнуклар бор. Бино ичида 8 та гумбазли хона бўлиб, ундан деворий расмлар, шунингдек зўрмаҳорат билан ишланган тобут, ҳайкалчалар, деворий нақшлар топилган.

Бино деворларидаги арфа чалаётган аёл ва қўш барабан чалаётган эркак киши, шунингдек, қисқ кўзли, қулоғига сирға таққан, гулли қўйлак кийган аёл расмлари алоҳида эътиборга лойиқдир. . . . расм

Сарой залларида деворий расмлар билан бир қаторда ганчдан тайёрланган рангли рельефлар, ҳайкаллар учрайди. ғалаба залидаги бир горельефда шоҳ ва унинг атрофида аёнлар акс эттирилган, бошқа хонадаги рельефларда эса кийик, анор, шунингдек, узум дарахтлари ўз ифодасини топган.

Варахша – Бухоро шаҳридан 40 км. ғарбда жойлашган қалъа ҳаробаси. Ҳозирда бу жой чўлга айланган. Археологик қазилмалар шуни кўрсатадики, бу

ерда милoddан аввалги минг йил давомида одамлар яшаган ва уларда тасвирий санъат яхши ривож топган.

Варахшадаги энг катта бино 9 гектарни эгаллаган ва баландлиги 10 метрни ташкил этган. . . . расм. Бу бинода ҳукмдорлар саройи ва ибодатхона, аскархона, аслахоналар бўлган. Уларнинг хоналари деворий рангтасвир асарлари, ҳайкаллар ва ҳар хил расмлар билан безатилган. 60 – расм.

Саройдаги хоналардн бири қизил хона ҳисобланган. Унинг қизил рангли деворларида ов манзараси акс эттирилган. Рассом бу тасвирни ишлашда қизғиш – кулранг, сариқ ранглардан кўпроқ фойдаланган. Мазкур рангтасвирнинг айрим намуналари Санк – Петербургдаги Эрмитаж музейида сақланмоқда.

Айртом – Термиз шаҳридан 18 км. узоқликда Амурдарё қирғоғида жойлашган қадимий шаҳар бўлиб, у 1932 йилда аниқланган. қазил ишлари жараёнида турли ҳайкал ва фризлар топилган. Улардан арфа, қўшнай, уд, ноғора аёллар ва эркаклар тасвирланган. Бу фризлар ишланиш услуби ва композицияси жиҳатидан Шимолий Ҳиндистон ҳайкалтарошлигига жуда ўхшаб кетади. Бу ҳол I – II асрларда Будда динини Ўрта Осиёга кириб келиши ва тарқалиши билан боғланади. Улар ўзининг бадиийлиги жиҳатидан ниҳоятда юқоридир. 61 – расм.

1938 йилда Айртомдан I – II асрларга оид будда дини ибодатхонаси ҳам топилган. У ерда махсус хужралар, будда ҳайкали ҳам бўлган. Юқорида қайд қилинган фризлар шу ибодатхоналарни беаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Далварзин тепа – Андижон вилоятининг чекка қисмида Далварзин қишлоғининг жойлашган турар жой ҳаробаси ҳисобланиб, у 1952 йилда топилган. Ер ости қазилганда у ердан бронза қуйиш устахонаси, тош ётқизилган кўчалар, ғалла омборхоналари, турли уй жиҳозлари, сопол буюмлар, нақшли идишлар ва одам ҳайкаллари ҳам топилган. Топилмалар ичида ганчдан ясалган аёл калласи эрамизнинг 2 – асрида яратилган деб тахмин қилинади. Далварзин тепада қадимда қишлоқ хўжалиги, металлга ишлов бериш билан бирга тасвирий ва амалий санъат ҳам ривожланган. 62 – расм.

Афросиёб – Самарқанд шаҳар ёнбағридаги шаҳар ҳаробаси. У эрамизнинг милоддан аввалги V – VI асрларига тўғри келади. Афросиёбни казиш ишлари XX аср бошларидан бошланиб, ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда. қазилма ишлари натижасида у ерда қалъа саройи борлиги аниқланган, унинг қадимий кўриниши реконструкция қилинган. Унинг тасвири қуйидаги расмда кўрсатилган.

Бу бинода бир неча хоналар мавжуд бўлиб, улардан бири меҳмонхона эканлиги аниқланган. Меҳмонхонанинг тўрт томонига турли деворий расмлар ишланган. Меҳмонхона деворларидаги расмлардан бирида бир эркак ва аёл суҳбатлашиб ўтиргани акс эттирилган. 63 – расм.

Умуман меҳмонхонанинг деворларида тўй сафари, дарёда чўмилиш, элчиларни қабул қилиш маросими, ов қабилар акс эттирилган.

Тўй сафари акс этган расмда оқ рангдаги филда малика, сомон от минган шоҳ – куёв акс этган. Шунингдек, маликани кузатиб кетётган канизаклар ҳам тасвирланган. Расмдаги бир аёлни қизил рангдаги кўйлак, оч кул ранг рўмол, сариқ лозим, қора этик, расмда сарой ходимларидан икkitаси кузатиб келаётганликлари тасвирланган. Улардан бири чол, иккинчиси ундан ёшроқ киши. Икковлари ҳам сербезак кийимда тасвирланганлар. 64 – расм. Уларнинг белларида кичик ханжар ва қилич осилган, қўлларида ҳасса. Бу уларни сарой амалдорлари эканлигидан далолат беради. Уларнинг орқасида оқ рангли паррандалар акс эттирилган. Булардан ташқари оқ кийимли кичкина икки киши ҳам тасвирланган. Улардан бири қора рангли отни юганидан тортиб келмоқда. Иккинчи орқароқда қушлар ёнида (у от минган ҳолда бўлиши мумкин) тасвирланган. Уни асарда тасвирланган қуш расмларидан ҳам билса бўлади. 65 – расм.

Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги санъат намуналари ўзбек халқининг жуда қадимдан, маданият ва санъат соҳиби бўлганлигидан, бу ерда юксак бадиий савияда асарлар яратилганлигидан дарак беради.

5. 2. ЎЗБЕКИСТОННИНГ XX АСР ТАСВИРИЙ САНЪАТИ

Хозирги Ўзбекистон худудида XX аср бошларида катор хонликлар мавжуд бўлиб, улардаги ижтимоий сиёсий ва маданий ахвол бир – бирларидан деярли фарқ қилмасди. Тасвирий санъатнинг тараққиётига ислом дининг салбий таъсири ҳам сезилиб турарди. Шунга қарамасдан айрим маърифатпарвар илғор адабиёт ва санъат номаёндалари секинлик билан бўлсада ўзларининг ижодий ишлари билан шуғулланиб келдилар. Хусуан шоир, файласуф, хатот, астрономлардан Ахмад Дониш, Ахмад Калла, Абдулхолиқ Махдум кабилар шулар жумласидандир. Улар асосан Шарқ миниатюра рангтасвири йўналишида ижод қилиб тасвирий санъатда ўз ўрни ва йўналишларини топишга ҳаракат қилдилар.

XX асрнинг биринчи чорагида тасвирий санъатнинг дастгохли рангтасвир, графика турларининг ривожига бевосита Тошкентли, Самарқандли, Бухоролик рус миллатига мансуб рассомлар ижоди билан боғланган. Улар Россиядан кўчиб келган И. Казаков, В. Разводовский, П. Никифиров бўлсалар, Самарқанддан Л. Бурэ, Фарғонадан А. Волковлар эдилар. Бу рассомларнинг ҳаракати билан 1915 йилда Тошкент ўлкашунослик музейида “Нафис санъат ва хунарамандчилик санъат жамияти” иштирокида бадий кўргазма ташкил этилди. Унда И. Казаков, С. Юдин, Л. Бурэ, Р. Зоммер, В. Разводовскийлар ўзларининг ижодий ишлари билан қатнашдилар.

1917 йилдаги Россиядаги инқилобни Ўзбекистонга таъсири сезиларли бўлди. Бу даврда бадий таълимга этибор кучайди. Натижада 1918 – 1919 йилларда Тошкент, Самарқанд, Андижон шаҳарларида бадий мактаб, бадий студиялар очила бошлади. Мазкур мактабларда маҳаллий ёшлардан А. Сидикқий, ва А. Рўзибоевлар таълим олдилар. 1921 йилда эса Самарқанда рассомлар тайёрловчи бадий билим юрти ташкил этилди.

1918 йилда Тошкентда Тошкент генерал губернаторининг конфискация қилинган санъат асарларидан тасвирий санъат музейи ташкил этилди.

Инқилобдан сўнг дастгоҳ рангтасвирга караганда графика тезроқ ривож топди. Бу йўналишда 1923 – 1924 йилларда Л. Бурэ, А. Патрашин, М. Солодов, В. Рождественский, М. Курзин, Усто Мўмин (А. Николаев), С. Мальт каби рассомлар самарали ижод қилдилар. Кейинчалик уларнинг қаторига А. Волков, В. Еремянлар қўшилдилар. 1923 йилга келиб Самарқандда “Муштум” журнали иш бошлади. Унда юқорида номлари кўрсатилган рассомлар фаол қатнашдилар. Петербург бадий санъат техникумини битаириб келган ёш иқтидорли ёшлардан И. Икрамов, Россиядан кўчиб келган В. Уфимцев, П. Беньков каби рассомлар Ўзбекистонлик рассомлар сафини кенгайтирдилар. Шу даврда Ўзбекистонда ижод қилаётган рассомлардан А. Волков, кубизм усулида, Усто Мўмин (А. Николаев), О. Татевосянлар Табриз Ўрта Осиё миниатюра рангтасвири анъаналари асосида изланишлар олиб бориб бир қатор асарлар яратдилар.

1934 йилга келиб биринчи бор Москвада Ўзбекистонлик рассомларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда ёш рассомлардан Ў. Тансиқбоев, Н. Карахан, А. Волков, Уста Мўмин, П. Беньков, Ч. Ахмаров, Б. Ҳамдамий, Л. Абдуллаев, А. Сидиқийларнинг асарлари намоиш этилди. Шу йили Ў. Тансиқбоев, А. Волков, П. Беньков, Н. Карахан, П. Шегловларнинг Филадельфияда бўлиб ўтган халқаро кўргазмага юборилди. П. Беньковнинг “Хивалик қиз” номли асари Москвадаги Третьков галереяси томонидан Л. Абдуллаевнинг “Тўйчи Тошмуҳамедов портрети” асари Тошкент санат музейи томонидан сотиб олинди. 66 – расм.

1938 йилда Ўзбекистон рассомларининг биринчи қурилтойи ўтказилиб, унда Ўзбекистон рассомлар Уюшмаси ташкил этилганлиги эълон қилинди. Ўзбекистонда 40 йилларга келиб ижодкорлар қаторига В. Кайдалов, А. Абдуллаев, Р. Темуров, А. Розиков каби ёш иқтидорли рассомлар келиб қўшилдилар.

Булар орасида В. Кайдаловнинг “Йўлбарс билан олишув” номли график асари диққатга сазовордир. 67 – расм.

1940 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллиги муносабати билан унинг энг яхши портрети учун танлов эълон қилинди. Бу танловда В. Кайдалов ғолиб деб топилди.

1935 йилда Усто Мўмин томонидан Абдулла кодирийнинг “Обид кетмон” ва 1934 йилда Мирзо Козимийнинг “қўрқинчли Техрон” номли романларига ишлаган иллюстрациялар қизғин кутиб олинди.

О. Коржинскаянинг 1939 – 1940 йилларда Тошкент педагогика институтини биноси фасадида ишлаган ҳайкал монументи ҳам юқори баҳоланди.

1945 – 1970 йиллар давомида Ў. Тансиқбоев, А. Абдуллаев, И. Ахмедов, Р. Ахмедов, Ю. Елизаров, Н. Карахан, М. Саидов, С. Абдуллаев каби рассомлар зўр шижоат билан меҳнат қилиб, шуҳрат қозондилар. Булар орасидан Ю. Елизаровнинг “Сўзанали натюрморт” номли асари ўзининг юксак бадиийлиги билан ажралиб туради. 68 – расм. Уларнинг барчаси “Ўзбекистон халқ рассоми”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рассом” деган юқори унвонларга сазовор бўлдилар. Бу рассомлардан Р. Ахмедовнинг “Сурхандарёлик аёл”, А. Абдуллаевнинг “Шахло” портретлари Москвадаги Третьяков галереяси учун сотиб олинди.

Бу йилларда график рассомларнинг сафлари ҳам кенгайиб борди. Уларнинг қаторига С. Малт, Д. Синицкий, А. Ошейко, А. Циглинцев, Р. Левицкий, Ф. Кагаров, И. Криакиди, Қ. Башаров, Т. Муҳамедовлар қўшилдилар. Бу борада қ. Башаровнинг “Ўзбек миллий ўйинлари” сериясидаги “Камондан ўк узиш” номли асарини алоҳида қайд қилиш лозим. 69 – расм.

Ҳайкалтарошлардан А. Иванов, Ф. Грищенко, М. Мусабаев, Х. Хусниддинхўжаев, Ж. қуттимурадовлар самарали меҳнат қилдилар. Ўзбекистонда иқтидорли рассомларнинг ижодий сафларини кенгайтириши ва юқори бадиий савияда яратилган ишларини кўпайтириши бориши натижасида

мамлакатда тасвирий санъат музейларини кўпайтириш муаммоси пайдо бўлди. Натижада бундай музейлар Бухоро, Ангрен, Андижон, Нукус шаҳарларида ҳам очилди. Ҳарбир ўлкашунослик музейлари таркибида тасвирий санъат бўлимлари ҳам ташкил этилди.

1954 йилда Тошкент театр санъати институти таркибида рассомчилик санъати факультети очилиб у Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтига айлантирилди. 1997 йилда рассомчилик факультети ажратилиб, Ўзбекистон бадиий академияси қошида Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти ташкил этилди. Институтда ҳозирда тасвирий санъат, амалий санъат, санъатшунослик, малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари бор. Бу факультетларда юқори малакали рассомлар, амалий санъат усталари, дизайнерлар, санъатшунос ва музейшунослар тайёрланмоқда.

Мустақиллик шарофати билан 1997 йилда Ўзбекистон бадиий академияси ташкил этилди. Унинг таркибида рассомлар уюшмаси, санъатшунослик илмий тадқиқот институти, Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти КҚР ва барча вилоятларда, Тошкент шаҳрида бир қатор бадиий коллеж ва лицейлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда ққР ва деярли барча вилоятларда, рассомлар уюшмасининг бўлимлари иш олиб бормоқда.

Шу даврда ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак савияда ишланган санъат асарларидан бири Ў. Тансиқбоевнинг 1957 йилда яратилган “ қайроққум ГЭС и тонги” асаридир.

XX аср ўзбек рассомчилиги асарларидан яна бири П. П. Беньковнинг 1931 йилда яратилган “Хевалик қиз” номли асаридир. 70 – расм.

Асарни кузатишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим .

– асарда қандай кўриниш ва қандай воқеа тасвирланган?

– уни қаердан билиш мумкин?

– асардаги воқеада йилнинг қайси фасли ва куннинг қайси вақти тасвирланган?

- асар марказини қандай кўриниш ташкил этади?
- рассом суратда қандай ғояни илгари сурган?
- асарнинг бадиий савияси қандай?
- нима учун ёқди, ёки нима учун ёқмади?

Суратда Хивадаги ҳовлининг бир бурчагида чарх билан ип йигираётган қиз тасвирланган. Унинг ҳамма эътиборли ишга қаратилган. У ишга шунчалик берилиб кетганки, ундаги бундай ҳолат бу ишга кўникиб кетган одамлардагина бўлади. қиз чархга ип ўрашни ниҳоятда эркин ва чаққонлик билан бажаряпти. Суратда меҳнат мавзуси лирик ва дилдан ҳал қилинган. Рассом тамошабинни қизнинг ҳаракатидаги гўзалликдан, ундаги тинч ритмдан завқланишга мажбур этади. Рассомнинг бадиий диди сарғиш – яшил сир билан қопланган лаганда, қиз бошидаги ўзига хос ёрқин бинафша рангдаги рўмолда намоён бўлади. қиз бола расмини илк баҳорда кўча – кўй ва лойли томларда очилувчи ёрқин ва нафис япроқли қипқизил лола қизғалдоқларга ўхшатинг келади.

П. Беньковнинг “Хевалик қиз” асари рассомнинг муваффақиятли суратларидан бири ҳисобланиб, у ҳозирги кунда Москвадаги Третьяков номли сувратлар галереясида сақланади. Сувратни кузатишда қуйдагиларга эътибор бериш лозим:

- суратда қандай воқеа тасвирланган?
- асардаги воқеа қайси фасл ва куннинг қайси вақтида тасвирланган?
- уни қандай билиш мумкин?
- асар орқали рассом қандай ғояни илгари сурган?
- асарнинг бадиий савияси ҳақида қандай фикрдаси

Ўрганиш учун тавсия этилган график асарларидан яна бири А. Циглинцевнинг “Менинг уйим – сизнинг уйингиз” деб номланади. 71 – расм. График рассомнинг бу асарида иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонга юборилган етим болалардан 9 тасини ўз бағрига олган ўзбек оилаларидан бири тасвирланган.

Хақиқатда 9 нафар болани бир оилада катта қилиш бироз мушкул албатта, бироқ бағри кенг ва ҳақиқий одамийлик хусусиятларини ўзида акс эттирувчи кишиларга бу нарса мушкул эмас. Бу ғоя юқоридаги суратда бадий тасвирланган. Суратга қараб болаларни бу оилада нормал ҳаёт кечиришларига ишонасиз, чунки оила бошлиғи уларни ниҳоятда меҳрибонлик билан қабул қиляпти.

Сувратда куз фасли тасвирланган бўлиши ҳақиқатга яқин. Оила бошлиғининг эғнида тўн, аёл бошида рўмол, болалар ҳам шундай кийинишган, уларнинг баъзилари қалпоқ ҳам кийиб олишган, орқа планда эса мевали олма дарахти акс эттирилган.

Рассом асарда ўзбек халқининг болажонлиги ва бошқа миллатлар оила ҳамдўстлигини ифодалашга ҳаракат қилган ва ўз мақсадига эришган.

Рассом сувратни шундай усталик билан ишлаганки, у рангсиз бўлишига қарамай, кишида воқеа ҳақида тўлиқ тушунча ҳосил қилади. Болаларнинг қайси миллатга мансуб эканлиги яхши сезилиб турибди. Умуман, суврат кишида оила бошлиғига нисбатан илиқ таассурот қолдиради.

Энди сувратни кузатишда қуйидагиларга эътибор берилади:

- Сувратни яна қандай номлаш мумкин?
- сувратда қандай воқеа тасвирланган?
- сувратдаги киши нима учун болаларни ўз бағрига оляпти?
- сувратда қайси фасл тасвирланган? Нима учун шундай ўйлайсиз?
- рассом сувратда нега олма дарахтининг расмини ишлаган?
- рассом ўз асарида қандай ғояни илгари сурган?

Бу даврга хос юқори бадий савиядаги ҳайкалтарошлик асарларидан яна бири Х. Ҳусниддинхўжаев, В. Лунев, М. Булатовларнинг 1970 йилда яратилган “Навоий ва Жомий” номли монументларидир. 72 – расм.

Навоий ва Жомийга бағишланган ушбу асар – ҳайкалтарошликнинг монумент турига киради. (Монумент – йирик ўлчовли ёдгорлик ҳайкалидир). У

сунъий тошдан ўйиб ишланган ва Самарқанддаги Регистон майдонига ўрнатилган. Асарда муаллифлар устоз ва шогирд образини яратганлар. Унда устоз ва шогирд образи шунчаки тасирланибгина қолмасдан, улар орқали ўзбек ва тожик халқларининг тарихий дўстлиги символик тарзда талқин этилади. Бунга рассомлар икки киши қоматининг пастки қисмини ўзаро тутшиб кетгандек тарзда тасвирлаш орқали эришганлар.

Монументни кузатар экансан улуғ сиймолар – Навоий ва Жомийларнинг илиқ муносабатлари ҳаёлингдан ўтади ва муаллифларнинг маҳоратига қойил қоласан.

Монумент расмини кузатишда, қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- монументни яна қандай номлаш мумкин?
- асарда тасвирланган кишилар нималар ҳақида гаплашаётирлар?
- уни қандай билса бўлади?
- нега Навоий ва Жомий ҳайкалининг пастки қисмлари аниқ ишланмаган? улар тутшиб кетган.
- муаллифлар асар орқали қандай ғояни илгари сурганлар?

Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаевнинг “А. Ҳидоятонинг Отелло ролидаги портрети” асари уни “Отелло” спектаклини тамоша қилганидан кейин 1946 йилда туғилган эди. 73 – расм.

Портрет орқали актёрнинг бизга таниш бўлган томонларини кўрамиз, шунингдек, кўз олдимизда Отелло ҳам намоён бўлади. Рассом Ҳидоятонни Отеллонинг қиёфаси ва ҳарактерини, унинг фикр ва ҳис – туйғуларини ўзида акс эттирган ҳолда тасвирлайи. Сурада биз гўзал ва бахтли турмуши бузилган одам акс этади. . Буни қаҳрамон қомати бир оз енгил орқага ташлаганлиги, бошини мағрур тутиши, кескин бурилиши, қатъий қарашларида кўриш мумкин.

Булардан ташқари, актёрнинг юзидаги мимика, дадил ҳаракати ва ҳолати, шунингдек асар композицияси, колорити ҳам муваффақиятли чиққан.

Отелло образидаги мағрурлик, жиддийликни кўрсатиш мақсадида рассом актёр тасвирининг юқори, чап ва ўнг томонларини суврат чегарасига тақалган ҳолатда тасвирлайди. А. Ҳидоятонинг сувратдаги руҳий ҳолати тўқ қизил, илиқ жигарранг, оч сарғиш рангларда берилиши орқали очиб берилган.

Навбатдаги таҳлил 1963 йилда яратилган Ж. Умарбековнинг “Навоий ва Ҳусайни Бойқаро ёшликда” номли асари ҳам Ўзбекистонинг XX аср тасвирий санъатида эътиборга лойиқ ишлардан бири ҳисобланади. 74 – расм.

XX аср Ўзбекистон тасвирий санъатининг ютуғи шундаки, бу даврда тасвирий санъатни реалистик рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик турлари шаклланди ва тез ривожлана бошлади. Салбий жиҳатлардан бири тасвирий санъатни кўпгина оқимларида ижод қилиш таққлаб кўйилди. Натижада Ўзбекистон тасвирий санъатини хорижга чиқиш имкониятлари камайди.

5. 3. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги тасвирий санъати

Ўзбекистоннинг мустақиллиги миллий тасвирий санъатни тараққиётига замин яратди. Бу даврда тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика турлари, унинг кўпгина жанрлари рассом ва ҳайкалтарошларнинг эркин ижодий фаолиятлар кенг тус олди. Собиқ Иттифок даврида ижодкорлар ягона социалистик реализм оқимида ижод қилган бўлсалар, ҳозир улар ҳам иккиланмасдан ўзларини қизиқтирираётган авангардизм, романтизм, импрессионизм, абстракционизм ва бошқа қатор оқимларда ва мавзуларда юксак бадиий савияда асарлар яратмоқдалар.

Мамлакатимизда тасвирий санъатнинг тараққиётига Ўзбекистон бадиий Академиясини ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Мазкур Академия қошида Комолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва

дизайн институти, санъатшунослик илмий – тадқиқот институти, кўплаб рассомчилик, дизайн коллежлари, “Санъат” журнали фаолият кўрсатмоқда. Миллий рассомчилик ва дизайн институтида, тасвий санъат йўналишлардаги коллежларда жаҳон стандартларига мос келадиган миллий кадрлар етишиб чиқмоқда ва улар Ўзбекистон санъатини янги босқичига олиб чиқиши шубҳасиздир.

Мустақиллик йилларида ижод қилаётган рассом ва ҳайкалтарошларимизнинг ютуқлари шундаки, улар биринчидан эркин ижод йўлига ўтганликлари бўлса иккинчидан миллий бадиий анъаналарни давом этдириш, миллийлик ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги, асарларда янги, замонавий, илғор тасвирий технологияларни қўллаш каби муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Мустақиллик неъматидан баҳраманд бўлган кекса ва ўрта авлод рассомларимиз ижодида ҳам ижодий кўтаринлик кўзга ташланади. Уни М. Саидов, Н. қўзибоев, М. Бобоев, В. Бурмакин, М. Йўлдошев, Ж. қуттимуродов, Т. Миржалолов, Т. Курёзов, А. Икромжонов, Ж. Умарбеков, Б. Жалолов, А. Мирзаев, З. Фахриддинов, Р. Худайбергандов, А. Мўминов, А. Нуриддинов каби рассом ва ҳайкалтарошлар ижодида кўриш мумкин. 75 – расм.

Миллий истиқлол ғоялари билан суғорилган бундай портрет жанридаги яратилган асарлар қаторига Амир Темур, Алишер Навоий, Жамолиддин Мангуберди, Камолиддин Бехзод, Нодирабегим, Бибихоним, Спитамен портретларини киритиш мумкин.

Манзара ва натюрморт жанрларида самарали ижод қилаётганлардан орасида Л. салимжонова, А. Мўминов, С. Абдуллаев, И. Хайдаров О. қозоқов, Ғ. Абдурахмонов, А. Мирсоатов каби рассомларни кўрсатиш мумкин. 76 – расм.

Уларнинг асарлари Ватан жамоли, унинг мева ва сабзавотлари юксак бадиий савияда ишланган бўлиб, ёшларни Ватанни севишга, ни асраб

авайлашга, уни кўпайтиришга ундайди, табиатдаги нафосатдан завқланишга чорлайди.

Тарихий, турмуш ва бошқа жанрларда яратилган асарлар орасида Б. Жалоловнинг “Олтин аср”, “Коинот устунлари”, “Абадият гумбази остида”, С. Алибековнинг “ғаройиб шарбат хиди”, Ж. Умарбековнинг “Зилзила”, “Ҳаворанг мусиқачилар”, В. Охуновнинг “Будданинг тонги сайри” кабилар диққатга сазовордир. 77 – расм.

А. Исаев, Ж. Усмонов, А. Розиков, Р. Темуров, Т. Ахмедов, Т. Каримов, Ш. Абдурахмонов, Б. Исмоилов, ғ. қодиров каби ёш рассомлар ҳам баракали ижод қилмоқдалар. Уларнинг ижодий ишларида реаллик, ойдинлик, шарқона нафислик, умумий фалсафий тафаккур, бадиий кўркемлик, тугаллик, сокинлик ва ижодкорлик тўла ўз ифодасини топади.

Чингиз Ахмаровнинг номи билан боғлиқ маҳобатли рангтасвир бу даврда янги босқичга кўтарилмоқда. Республикамизнинг кўплаб жамоат ва маданий бинолари, шу қатори Тошкент метроси бекатларига ишланган деворий суврат, мозаика, витражлар ҳалқимизга эстетик завқ бағишламоқда.

Бу борада А. Алиқулов, Б. Олимхонов, А. Икромов, А. Исаев, Э. Муҳаммадиев, Н. Султонов, Н. Холматов, Ш. Муҳаммаджонов, А. Бухорбоев, Т. Болтаев, Х. Назаров кабилар устозлари анъаналарни давом этдириб янгидан – янги муваффақиятларни эришмоқдалар.

Мозаика, витраж бўйича Б. Жалолов, А. Бухорбоев, В. Ган, И. Егоровлар баракали ижод қилишиб “Умар Хаём туши”, “Нимага туғилганимни ҳеч ким айтмайди”, “Наврўз”, “Туман маъбудаси”, “Абадият гумбази остида”, “Буюк сохибқирон – буюк бунёдкор”, “Спорт ўйинлари тарихи”, “Буюк ипак йўли”, “Флора” каби асарлар яратдилар.

Ўзбекистонда рангтасвир санъати ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилмоқда ва иқтидорли ёш рассомлар етишиб чиқмоқда.

Ўзбекистонда ҳайкалтарошлик тасвирий санъатнинг мустақил тури сифатида ўзининг янги тараққиёт босқичини ўтамоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек ҳайкалтарошларидан И. ва К. Жабборовлар, К. Норхўрозов, Ж. куттимуродов, Э. Алиев, А. Рахматуллаев, Н. Бонделадзе, В. Дегтяров, Л. Рябцев, Ж. Миртожиев, У. Мардиевларнинг самарали меҳнат қилдилар. Бу ҳайкалтарошларнинг асарлари орасида ўзининг юксак бадиийлиги билан Ж. Миртожиевнинг “Абдулла қодирий номли иши ажралиб туради. 78 – расм.

Улар орасида Э. Алиев, Н. Бонделадзе, В. Дегтяровларнинг Тошкентдаги миллий боғ учун яратилган “Алишер Навоий” (1991) номли ёдгорлик ҳайкали, А. Рахматиллаев ва П. Подосинниковларнинг Навоий шаҳрига ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкали (2001). И. Жабборов ва К. Жабборовларнинг Тошкентнинг Амир Темури хайбонига ўрнатилган Амир Темури ҳайкали (1993), Шахрисабз шаҳрида ўрнатиш учун яратган Амир Темури ҳайкаллари (1996) ўзининг юксак бадиийлиги билан диққатга сазовордир.

И. Жабборов ва К. Жабборовлар томонидан яратилган Амир Темури ҳайкали (1996) унинг 660 йиллиги муносабати билан Шахрисабзда ўрнатилди. Худди шу муаллифларнинг Ахмад Ал – Фарғонийга бағишланган иши 1998 йилда Фарғона шаҳри учун бунёд этилди.

Халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди образи (1998) И. Жабборов ва К. Жабборовлар томонидан яратилди ва у Ургенч шаҳрини безаб турибди. 79 – расм.

Иқтидорли ҳайкалтарош Р. Миртожиев томонидан Андижон шаҳрида ўрнатиш учун яратилган Захриддин Муҳаммад Бобир, Чўлпон ҳайкаллари Тошкент шаҳри учун мўлжалланган Абдулла қодирий, Жиззах шаҳри учун “Она” ёдгорлик – ҳайкаллари ўзининг юксак бадиийлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

1999 йилда ўзбек халқ достони “Алпомиш” нинг минг йиллиги нишонланди. Бу санага бағишлаб А. Рахматуллаев ва бошқалар томонидан ёдгорлик мажмуаини яратдилар. Унда Алпомиш билан бир қаторда Барчиной ва Ёдгор образлари ҳам акс этдирилган ва у Термиз шаҳрида ўрнатилди.

Мустақиллик йилларида ўзбек график рассомларининг ижодида миллийлик ва замонавийлик уйғун ривожланаётганлиги яққол кўзга ташаланади. Кекса ва ўрта авлод рассомлари қ. Башаров, Т. Муҳамедов, М. Кагаров, М. Содиковлар билан бир қаторда В. Апухтин, ғ. Бойматов, А. Мамажонов, Б. Исмоилов, Д. Ўразаев, С. Исҳоқов, Т. Аюпов, Т. Ахмадалиев, Р. Азизов, Т. Г. Султонова, Л. Ибрагимов кабилар самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар томонидан китоб графикаси, плакатга доир асарлари мазмуни ва ғоявийлиги билан диққатга сазовордир. Бунни В. Апухтиннинг “Коинот – инсон”, ғ. Бойматовнинг “Ургутда тўй”, А. Мамажоновнинг “Кураш”, “Эски шаҳар”, Т. Аюповнинг “Мавзу”, Т. Ахмадалиевнинг “Сенга омад Темур”, Л. Ибрагимовнинг “Осиё океани”, “Баҳор”, М. Содиковнинг “Бухоро”, С. Редкиннинг “Эски Самарқанд”, Н. Колоновнинг “Кулол”, Ш. Муҳаммаджоновнинг Махмуд қошғарийнинг “Девону луғатит турк” номли асарларида кўриш мумкин . 80 – расм. .

5. 4. ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИДА БУЮК СИЙМОЛАР

ТАСВИРИЙ САНЪАТДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ.

Амир Темурнинг тўлиқ исми Амир Темур ибн Амир Тарағой ибн Амир Барқул Кеш (Шахрисабз)нинг Хўжа Илғор (ҳозирги пайтда бу қишлоқ Яккабоғ туманига қарашли) қишлоғида 1336 йилнинг 9 апрелида таваллуд топган. Унинг отаси Амир Тарағай ўзига тўқ, бадавлат киши бўлган. Онаси Тегина Бегим эса бухоролик таниқли олим Убайдуллоҳнинг қизи бўлган. . . . расм.

Темур 7 ёшидан билим олишни бошлайди. У болалик давридан бошлаб мард, дойурак, жасур бўлиб ўсди. Ҳарбий санъатни мукаммал эгаллади. қуръони Каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди дунёвий билимларга ҳам эга бўлди. Шунинг учун ҳам иймон – эътиқодли, ҳалол, пок, ақл – заковатли, ўз эътиқодига мустаҳкам риоя қиладиган, адолатли инсон бўлиб етишди.

Амир Темурнинг ёшлиги Шахрисабзда ўтган. Отаси уни 7 ёшга тўлганда ўқишга берган. Амир Темурни отаси юқори мартабали беклардан ҳисобланганлиги учун ёшлик чоғларидан уни махсус мураббийлар назорати остида чавандозлик, овчилик, камондан ўқ узиш ва бошқа ҳарбий машқ ва ўйинлар билан шуғуллантирган. Амир Темур болаликдан ўз атрофига тенгқурларини тўплаб, мерганлик, чавандозлик, сувда сузиш, овчилик, қиличбозлик кабилар бўйича машқ ўтказган ва турли мусобақалар ташкил этган. Кейинчалик ана шу машғулотлар Амир Темурнинг кучли лашкарбоши бўлишида катта аҳамиятга эга бўлди ва ҳарбий илмнинг “Минг аскар” услуби асосчиларидан бири бўлишида асос бўлган.

Амир Темурнинг жаҳон тарихида ва тараққиётида тутган ўрни ва хизматлари беқиёс каттадир. У туркий ва бошқа халқларни мўғиллар истилосидан озод этган. Амир Темур ўзининг ҳам маънавий, ҳам жисмоний кучини ўз халқининг оғирини енгил қилишга, шаҳар ва қишлоқларни обод қилишга, чанқаб ётган ерларга ариқ қаздириб сув чиқаришга, боғлар яратишга сафарбар қилган. Соҳибқирон мамлакат маркази Самарқандни, шунингдек, Бухорони дунёдаги энг гўзал шаҳарга айлантиришга ҳаракат қилган. Унинг Самарқанд, Бухоро ва Шахрисабз ҳамда бошқа шаҳарларда қурдирган бинолари ҳозирги кунда ҳам ўзининг бадиий қийматини йўқотмаган.

Ўша даврларда мамлакатда илм ва фанга алоҳида эътибор берилган эди. Шунга кўра шаҳарларда бир қатор мадрасалар қурилган ва уларда диний билимлар билан бир қаторда дунёвий илмлар ҳам берилган. Натижада Самарқандда Улуғбек бошчилигида фан маркази ташкил топган.

Амир Темур йирик саркарда, ҳарбий ишининг билимдони эди. Ватанни душмандан ҳимоя қилиш, ёв билан курашиш сирларини аскарларга чуқур ўргатишда ўзи бош бўлиб машқлар ўтказар эди. Амир Темур даврида ҳар бир вояга етган ёш аскарлар ҳарбий таълим олишга мажбур бўлган. Шунинг учун ҳам мамлакатга ҳеч бир давлат ҳужум қилишга ботина олмаган.

Амир Темур ислом динининг ёйилишига катта ҳисса қўшганлардан бири эди. У давлат чегараларини кенгайтирар экан, ислом динини тарғиб қилиш, масжид ва мадрасалар қуришга алоҳида эътибор берган.

Амир Темур “Куч – адолатдадур” дер эди. У давлат арбоби сифатида мамлакатни адолат тарозуси билан бошқаришга ҳаракат қилган. У ҳар бир муаммо, масала, жанжал, низоларни адолат юзасидан ҳал қилар эди. Адолат тарозусини ҳар бир мўмин – мусулмон учун баробар кўрар эди.

Амир Темурнинг замондошлари ёзиб қолдирган маълумотларга қараганда у табиатан оғир ва босиқ, теран фикрли, идрокли, шунингдек зийрак, қобилиятли, самимий инсон бўлган.

Амир Темур давлатни ақл – заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган. У бу ҳақда шундай деган эди: “. . . . давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим”.

Яна унинг қуйидаги гаплари ҳам диққатга сазовордир. Унинг “қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғиштни қўйдирдим, бир дарахт кестирсам ўрнига ўнта кўчат экдирдим” деган сўзлари унинг бунёдкорлик ҳаракатларининг ёрқин мисолидир.

Ҳозирда соҳибқироннинг ўз ҳалқи учун кўрсатган беқиёс катта хизматлари ҳалқимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Унинг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи бадиий асарлар яратилмоқда. Тасвирий санъатда Амир Темур образини яратишга қаратилган бир қатор асарлар ишланган. Тошкентда Темурийлар музейи ташкил этилган.

Амир Темур образи тасвирланган асарларда асосан унинг ҳарбий ишлари, зиёфат, ов, қабул маросимлари, қолаверса дин билан алоқалари ифодаланган.

Амир Темурнинг серқирра фаолияти ва у ҳақда ёзилган бир қатор асарларда ўз ифодасини топган. Айниқса бу борада Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Хотифийнинг “Темурнома”, Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома”, Фосих Хавоийнинг “Мужмал – и Фасоҳий” асарлари эътиборга лойиқдир. Бу асарларни ўша даврнинг машҳур рассом ва хаттотлари ранг – баранг тасвирлар билан безатганлар. Уларда асосан Соҳибқироннинг жангу жадаллари, қабул ва юришлари, диний мавзулар ўз ифодасини топган.

Ана шундай асарлардан бири “Зафарнома”га ишланган “Темурнинг Форс ва Эронга қилган юришдаги жанги” деб номланади. Асар 1628 йилда номаълум рассом томонидан ишланган. Суратда айни жанг манзараси тасвирланган. Воқеа денгиз ёки дарё ёқасидаги жангда рўй берган. Ҳар қалай жой текис водийдан кўра тоғлиқ жойга яқин. Уни сувратнинг юқори қисмида тасвирланган тепаликлар тасвиридан билса бўлади. 81 – расм.

Тасвирдан суратнинг чап томонидаги лашкарларнинг ўнг томондагилардан қўллари баланд келаётганлигидан билса бўлади. Чунки чап томондаги лашкарларнинг деярли барчаси ҳужумкорона руҳда тасвирланган бўлса, ўнг томондагилар марказдаги оқ отли жангчини ҳисобга олмаганда қочмоқдалар. Ўнг томондагилардан бир нечталари ерда ўлиб ётибди. Сувратнинг чап пастки бурчагида қўллари бойланган икки асир тасвири ҳам бор.

Сувратнинг юқори қисмида ишланган табиат кўриниши – сув, дарахтлар манзараси ҳаётий кўринишларда тасвирланган. Асар композицияси ва ранглари мавзунини енгил ўқилишига ва тушунарли бўлишига ёрдам берган.

Сувратдан ўша даврнинг жанг қилишда ишлатиладиган қуроллари найза, қилич, камон, кийимлари ҳақида ҳам маълумотлар олса бўлади.

Энди “Зафарнома”да акс эттирилган миниатюра “Темур Самарқанд атрофидаги зиёфатда” номли сувратни таҳлили орқали қуйидагиларни билим олиш мумкин. 82 – расм.

- суратдаги воқеа шаҳар чеккасида рўй бераётганлигини .
- Амир Темур сувратни қайси жойида тасвирланганлиги
- сувратда зиёфат тасвирланганлигини.
- асар композицияси.
- асарда қандай ранглар кўпроқ ишлатилганлиги.
- сувратдаги воқеа йилнинг қайси фаслида содир бўлганлиги.

Европада уйғониш даврининг буюк рассомларидан бири бўлган Рембрандт Ван Рейннинг ҳам Амир Темур образига ўз эътиборини қаратганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоиздир. Рассом томонидан ишланган қаламтасвирда соҳибқирон қабули акс эттирилган. Унинг рангтасвири йўқ. Айрим мутахассислар мазкур ишни рассомнинг Шарқ мавзусидаги рангтасвир асари учун эскиз бўлса керак деб ҳисоблайдилар. Афсуски, Рембрандтнинг мазмунан бу мавзуга яқинлашадиган асари йўқ. 83 – расм.

“Зафарнома”да тасвирланган диний йўналишдаги суратлардан бири “Темурнинг диний мубоҳасада енгиши” деб номланади. – расм. Ундаги чиройли боғдаги бино ичидаги супада ўтказилаётган мунозара тасвирланган. Буни супада ўтирган Темур ва оқсоқол чол, атрофдаги воқеага қулоқ тутиб ўтирган кишиларнинг ҳолатларидан билса бўлади. Воқеа Амир Темурга қарашли бино ичида рўй бераётганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки бу уй ичи ниҳоятда юқори савияда ишланган нақшлар билан безатилган.

Соҳибқирон образини яратиш ҳозирги ўзбек рассомлари ижодида ҳам катта ўрин тутади. Ана шундай муваффақиятли ишлар қаторига М. Набиевнинг “Амир Темур портрети”, И. Жабборовнинг Тошкентдаги Амир Темур майдонига ўрнатилган Амир Темур ёдгорлик ҳайкалини киритиш мумкин.

Абдулла Хотифийнинг “Темурнома” асарига ишланган “Темур қабулида”, ХҲ асрда номаълум расоми томонидан ишланган “Темур портрети” суврати ҳам бор.

Амир Темурни кўпроқ миллатпарвар, ватанпарвар, адолатпарвар, муруватли олижаноб инсон эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бу фикрларни Амир Темур томонидан Ватанни Чингизхон босқинчилари томонидан бутунлай озод қилиниши, Амир Темур ўғитларидан ҳам билса бўлади.

Соҳибқирон ҳаёти барча учун намуна бўлиши ва шундай буюк бобокалонимиз борлигидан фахрланишимиз лозим.

ТАСВИРИЙ САНЪАТДА АЛИШЕР НАВОИЙ СИЙМОСИ.

Алишер Навоий 1441 йил, 9 февралда Ҳиротда сарой хизматчиси оиласида таваллуд топган. 1501 йил 3 январда Ҳиротда вафот этган. У ўзбек ҳалқининг улуғ шоири ва мутафаккири, буюк олим ва давлат арбоби, жаҳон адабиётининг йирик вакилларида бири.

Ёш Алишер фавқулудда истеъдод эгаси, уч – тўрт ёшга тўлган вақтларидаёқ Фариддин Атторнинг “Мантиқ – ут – тайр” асарини ёд олади. У ёшлигида мантиқ, фалсафа, риёзиёт ва бошқа фанлар билан ҳам шуғулланди. Ўзбек, шунингдек форс – тожик тилида ижод қилди. У ўз номига “наво” – “куй” сўзини қўшиб, Навоий таҳаллусини олади. Форс тилидаги шеърларига “фоний” таҳаллусини ҳам қўйган. У “фоно” сўзидан олинган бўлиб, ўткинчи деган маънони англатади. Навоий ўз ҳаёти ва ижоди давомида Саид Ҳасан Ардашер, Камол Турбатий, Абдурахмон Жомий, Хондамир, Камолиддин Беҳзод каби ўша даврнинг йирик мутафаккирлари билан яқин алоқада ижод қилган.

Алишер Навоий ўзининг бутун ҳаётини ва фаолиятини инсоннинг бахт – саодати учун, ҳалқнинг осойишталиги, урушларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига, илм – фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади.

Ўзбек адабий тили ва адабиётини янги тараққиёт поғонасига олиб чиқди. Ўз даври маданий ҳаётининг ҳомийси ва сарвари бўлиб, кўплаб илм – фан, санъат ва адабиёт аҳллари етиштирди.

Унинг асарлари орасида “Аташ” подшолари тарихи”, “Мажолисун – нафоис”, “Мезонул – авзон”, “Девони – фоний”, “Муҳокаматул – луғатайн”, “Тарихи анбиё ва ҳукама”, “Сирожун – муслимин”, “Рисолаи тир андахтан”, “Ҳамса” (“Ҳазратул Аброр”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Саббаи сайёр”, “Садди Искандарий”) “Лисонут тайр” кабилар диққатга сазовордир. Бу асарларнинг кўпчилиги форс, араб, француз, немис, грузин, турк, итальян, рус ва бошқа бир қатор тилларга таржима қилинган. Алишер Навоий ҳақида кўплаб бадиий асарлар яратилган. Ойбекнинг “Навоий” романи, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмаси, Л. Батнинг “Ҳаёт бўстони”, М. Музаҳҳибнинг “Алишер Навоий” портрети, В. Кайдаловнинг “Алишер Навоий” портрети, Ж. Умарбековнинг “Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро ёшлиқда”, Х. Хусниддинхўжаев ва У. Луневларнинг “Навоий ва Жомий” каби асарлар шулар жумласидандир. Алишер Навоий ҳақида спектакль ва кинофилмлар яратилган. Навоий номи билан мамлакатимиздаги бир қатор шаҳар ва туманлар аталади. Тошкентдаги катта опера ва балет театри ҳамда адабиёт музейи, Самарқанддаги давлат университети, Республика давлат кутубхонаси ва бошқа бир қатор муассасалар ва кўчалар шулар жумласидандир.

Алишер Навоий ҳақида кўпчилик фозилу – донишлар шундай фикрлар билдиришган:

“Алишербек хўп назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким анча кўб ва хўб айтқон эмас”. (Заҳириддин Бобур).

Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от,
қайта бошдан сўзнинг юзи порлади бот.

Сенинг ақлу фикринг билан сафо топди.

Эй Навоий, Лутфий била наво топди. (Абдурахмон Жомий)

“Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн – ўн икки минг форсий ва туркий байтларимни шу ғазалга (Навоийнинг “Оразинг ёпғоч, кўзимни. . . . деб бошланадиган ғазали назарда тутиляпти) алмаштирардим. .” (Лутфий).

. . Менга Пушкин бир жаҳону,
менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўкси осмон ўзбегим. (Эркин Воҳидов)

Беш асрим, назмий саройни,
Титратади занжирбанд шер.
Темур тиғи етмаган жойни,
қалам билан олди Алишер. (Абдулла Орипов)

Алишер Навоий ҳақида яратилган асарлар орасида В. Кайдаловнинг “Алишер Навоий портрети” номли сурати ҳам бор. У Алишер Навоий ҳақида кўп йиллар давомида иш олиб борган график мусаввирлардан. В . Кайдалов ўз ижодининг анча қисмини Навоий образини яратишга, унинг асарларига иллюстрациялар ишлашга бағишлади. Хусусан унинг “Навқирон Навоий” (Чор девон”) га ишланган. Алишер навоий портрети” (қаламтасвир, 1940 й.), “Алишер Навоий портрети” (рангтасвир, 1947 й), Навоий “Ҳамса” сига ишлаган график (1940 й.) ишлари шулар жумласидандир. Бу ишлари орасида Алишер Навоий портрети учун танлов эълон қилиниши муносабати билан яратган асари диққатга сазовордир, 84 – расм. Кайдалов яратган портретда Навоийнинг 50 – 55 ёшлар ўртасидаги сиймоси – кучли, гўзал, ҳар томонлама камол топган шахс бўлиб давлат арбоби ва шоир тимсолида тасвирланган. Рассом Навоийнинг ҳаётидаги тез – тез учраб турадиган кўпгина фожиаи кунларни бир чеккага

суриб қўйиб, уни ижод, завқ – шавққа тўла вақтларига хос бўлган кўринишда ифода этган.

Унинг юзларида чуқур ва қалин ажинлар йўқ. Соқолларда фақат янги туша бошлаган оқлар сезилади. Ҳазрат Навоийнинг боқишлари жиддий, чарчаганлик аломатлари сезилмайди, куч – қуввати ҳали кўпдек туюлади. Дераза олдида қўйилган гул ҳам буни тасдиқлайди. Яъни шоирнинг ҳаёти ва ижодининг гуллаган даври эканлигини билдиради.

Асар мазмун жиҳатидан ҳам, композиция жиҳатидан ҳам рассомнинг муваффақиятли ишларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда Алишер Навоий мавзусидаги йирик ҳайкалдан бири Тошкент миллий истирохат боғидаги монумент – ёдгорлик ҳисобланади. Мазкур ҳайкал – ёдгорлик 1992 йилда ҳайкалтарошлар М. Алиев ва бошқалар томонидан яратилган. 85 – расм. Асар тасвирини кузатишда. Ўйиборни ёдгорликни Тошкентнинг қайси ерида ўрганилганлиги, асарнинг яратилган йили, асар муллифлари, асарнинг қандай материалдан ишланганлиги, унинг ўлчовлари, ёдгорлик композицияси, ёдгорликда Алишер Навоийнинг қайси даври тасвирланганлиги, Навоий ҳайкалининг кўринишидаги ҳолатидан қандай маъно англаш мумкинлиги, Навоий ёдгорлигининг нега муқаддас қадам жойга айланганлигига қаратиш лозим.

Алишер Навоий сиймоси график асарлада ҳам ўз ифодасини топган. Навоий мавзусида ижод этган график рассомлардан бири қутлуғ Башаровдир. Унинг Навоий мавзусидаги ишларидан бири шоирнинг “Ҳамса” номли асарига ишланган “Алишер Навоий” портретидир”. 86 – расм. У 1969 йилда ишланган бўлиб, унда Навоий бутун бўйи – басти билан тасвирланган. Уни Навоий кўлидаги қоғоз ва қалам, хаёлчан ҳолатидан билса бўлади. Тасвирдаги хонтахта устида қоғоз, қаламдон, мажнунтол тасвири, очилиб турган гуллар, дарахтдаги қуш унга лирик кайфият бахш этаётгандай туюлади. График ишда воқеа боғдаги шинам айвонда бўлаётганлигини билиб олиш ҳам қийин эмас. Чунки,

тасвирдаги мажнунтол, куш, гуллар шундан дарак бермоқда. Ишнинг муваффақияти шундаки, тасвирдаги истисносиз ҳамма воситалар, яъни Навоийнинг ижод пайитини ифодалашга қаратилган. Иллюстрацияда рассом Навоийни фақат шоиргагина хос кўринишда эмас, балки давлат арбоби сифатида ҳам тасвирлашга ҳаракат қилган. Буни унинг эгнидаги шоҳона кийимлар ва айвондаги айрим жихозлардан билиш мумкин. Рассомнинг яна бир ютуғи шундаки, у томошабин шахсида илиқ кайфият ҳосил қилиш учун санъатнинг хусусиятларига риоя қилган ҳолда фақат қизил ва оқ рангларнинг ўзаро уйғунлигидан фойдаланиб ўз ғоясини амалга оширган. Бу тасвирдан бирон – бир ғояни, мазмунни турли – туман ранглар билангина ифодалаш шарт бўлибгина қолмасдан, балки уни бир ёки икки ранг билан чизиқлар ёрдамида ҳам амалга оширса бўлишлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Шундай қилиб Алишер Навоий халқпарвар шоир, давлат арбоби сиз ва биз учун намуна бўлиб қолади ва биз ана шундай бобокалонимиз борлигидан фахрланамиз. У бизни доимо эзгу ва олийжаноб ишларга етаклаб туради.

6 – БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАШҲУР РАССОМЛАРИ

Павел Беньков

Павел Петрович Беньков 1879 йилда қозон шаҳрида таваллуд топган. 1949 йилда Самарқандда вафот этган. 87 – расм. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1939). қозон Бадиий билим юртида ўқиган. Петербург Бадиий академиясида, Д. Н. Кардовскийдан, Парижда рассом Р. Жюлианнинг хусусий академиясида таълим олган. Италия, Испания, Францияга сафар қилган. 1913 – 1928 йиллар давомида “Ковалевский болаларининг портрети”, “Рассом аёл

портрети” асарларини яратган. қозон Катта театрида бетакрор спектаклларга декорациялар яратди. 1929 йилда Самарқандга келиб 1930 йилдан бошлаб шаҳардаги бадиий билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлади. Унинг 30 – йиллар ўрталарида яратган асарларида Ўзбекистонни, унинг қадимий шаҳарлари қиёфаси, ўзига хос иқлими, серкуёш манзаралари, ўзбек миллати маданиятини, кишиларини ёрқин бўёқларда гавдалантирди. Унинг (“Бухоро тими”, (1929;); “Хивалик қиз”, (1931;); “Дугоналар”, (1940;); “қахрамоннинг онаси”, (1942); “Жанчига совға”, (1945;); “Дуторчи қиз”, 1947; “Бухорода ошхона” 1929, “Эски Бухоро” (1931,) “Минораи калон” (1930) – ; “Кўча” (1943), “Регистондаги чойхона” (1944), номли асарлари Ўзбекистоннинг мумтоз меъморий обидалари ва манзараларига бағишланган. 88 – расм. Унинг Самарқанднинг кўча ва боғлари, бозор ва ховлилари, майдон ва чойхоналари, улардаги ҳаётнинг ўзига хос гўзалигини ёрқин ва ҳаётини ифодаловчи асарлар ҳам яратган. Ўзбекистонда тасвирий санъатни шаклланишда, миллий кадрлар етиштиришда хизмати катта бўлган.

Искандар Икрамов

Искандар Икрамов 1904 апрелда Тошкентда оддий хизматчи оиласида таваллуд топган. 89 – расм.

Искандар Икрамов етти ёшга тўлганда янги типдаги намуна мактабида ўқий бошлади. Бу мактабда умумий таълим фанлари қатори расм (тасвирий санъат) ҳам ўқитилар эди. Мактабда расм ўқитувчисининг ўз ишига сидидилдан муносабати ёш Искандарга кучли таъсир этди. Ўқитувчи расм дарси билан чегараланиб қолмасдан дарсдан кейин болаларни очиқ ҳавога олиб чиқар ва у

ерда эътиборга лойиқ кўринишларни чиздирар, санъат музейлари ва кўргазмаларга олиб бориб санъатга қизиқиш ўйғотишга ҳаракат қиларди. Унинг бу ҳаракатлари натижасида Искандар Икрамовда рассом бўлишлик иштиёқи пайдо бўлди. 1922 йилда уни ота – оналари ёш Искандарни рассом бўлишига қаршилиқ кўрсатганликлари сабабли, у уйдан кетиб Туркистон ўлка бадий бадий мактаб – интернатида ўқий бошлади. У бадий мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ клуб, кутубхона, чойхона деворларига расмлар чиза бошлади.

Бир йил ўтар ўтмас у “Болалар дунёси” ва “Муштум журналларида ўз расмлари билан бошлади.

И. Икрамовни санъат сирларини эгаллашга ҳаракати шундай тез тус олдики, рассомчилик мактабида берилаётган билимлар уни қаноатлантирмай қолди. Натижада у Санкт Петербургдаги бадий саноат техникумига ўқишга кирди ва у ерда 1925 – 1929 йилларда В. С. Сварог ва Н. В. Левицкийлардан таълим олди. Бу даврда бир йўла ўн ўқитувчилик курсига ҳам қатнашиб, муаллимлик сирларини ҳам ўрганди. Натижада у тасвирий санъат методисти дипломини олишга муяссар бўлди.

Рассом 1929 йилда Ўзбекистонга қайтиб келди. 1930 йилда “Аланга” журналида тасвирий санъат методикасига оид мақолалар эълон қилди. Самарқанддаги эркаклар ва аёллар педагогика техникумларида тасвий санъатдан дарс берди. 1932 йилда унинг «“Расм ўргатиш қўлланмаси” наشر этилди. Бу китобда рассомнинг “Маориф ва ўқитувчи” “Аланга” каби журналларда методик йўл – йўриқлари берилган эди. қўлланмада тасвирий санъатдан атамалар луғати ҳам бор эди.

1933 йилда И. Икрамовнинг “Китоб ва журналлар қандай наشر этилади?” номли фото монтажи, 1935 йилда “Ҳарфларни ёзишни ўрган” номли қўлланмаси чоп этилди.

И. Икрамовнинг 30 йилларда ўқитувчилик, тарғибот ва ташвиқот ишлари билан бирга ижодий ишлари ҳам кенгайди. Унинг дастлабки муваффақиятли

ишларидан бири ёзувчи Н. Сафаровнинг “ Унутилмас кунлар” китобига ишланган иллюстрациялари эди. Бу иллюстрацияларда рассом 1916 йилги миллий озодлик ҳаракатларини кўргазмали тарзда очиб беришга ҳаракат қилган эди.

Ўзбекистонда 30 йилларда нашр этилган китобларда нақшли безакларни қўллашни И. Икрамов бошлаб берган эди.

Шу услубда рассом А. С. Пушкиннинг шеърлар тўпламлари, “Ўзбек совет адабиёти”, “Ўзбек халқ қўшиқлари” тўплами, А. Навоийнинг “Ҳамса” асари, (“Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Саъдий Искандарий”, “Сабъаи сайёр”, “Хайратул – аброр”) бадиий безатилди. Бу ўша даврда китоб безагида янгича миллий услубни пайдо бўлганлигини билдирар эди.

1943 йилда Ўздавнашр чоп этган П. Лежневнинг “қонли Адолф” китобининг бадиий безагини рассом ишлаган эди. У уруш йилларида афишалар, плакатлар, таклиф билетлари, фахрий ёрлиқлар, значоклар, календарлар безашда ҳам анчагина ишларни бажарди.

Уруш йилларда А. Навоий асарларини нашр этиш давом этаверади. Бу ишларнинг безаги (муқова, титул, бош безак, якуний безак, иллюстрациялар) И. Икрамов томонидан тайёрланди. 90 – расм.

Ҳамид Олимжоннинг “Танланган асарлар”и китобида ифодаланган мажнунтол ва ниҳол тасвирлари китобхонга лирик кайфият бахш этади.

И. Икрамовнинг иккинчи жаҳон уруши давридаги ижоди катта сиёсий ва бадиий аҳамият касб этди. Унинг бу хизматларини ҳисобга олиб 1944 йилда унга Ўзбекистон халқ рассоми унвони берилди.

1948 йилда буюк мутафаккир ва кўп қиррали олим математик, астроном, географ ва тарихчи Берунийнинг 900 йиллик юбилейни нишонланди. Шу муносабат билан унинг чоп этилган ишлари безагини бажариш И. Икрамов зиммасига тушди ва уни рассом юксак савияда амалга оширди.

Унинг бу ишидан қониқиш ҳосил қилган Ўзбекистон фанлар академиясининг раҳбарияти ва унинг нашриёти бир қатор олим ва ёзувчиларнинг асарларини безатишни унга ишониб топширарди. Фанлар академиясининг бу топшириқлари талаб даражасида бажарилди. А. Икрамов Ўзбекистон рассомлар орасидаги обрў эътиборини ошиши уни Ўзбекистон рассомлар уюшмаси раислигига сайланишига олиб келди ва уни рассом 1959 – 65 йилар давомида бошқарди. 1960 йилда эса у Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига сайланди.

1960 йилга келиб Алишер Навоийнинг тўрт томли “Лирика” шеърлар тўплами, “Хитой халқ эртаклари” тўпламига ва бошқа қатор график ишлари учун рассомга “Ўрнатилган белгиси” ордени берилди.

И. Икрамов беазаган китоблар Германиянинг Лейпциг шаҳрида 1959 йилда ўтказилган халқаро китоб кўргазмаида диплом ва медал билан мукофотланди.

Рассомнинг Ибн Сино, Берунийларнинг ўзбек ва рус тилларида нашр этилган ишлари, кўп жилдли асарлар тўпламлари, “Ўзбек халқ мусиқаси” тўплами, Ойбекнинг “Навоий” романи унинг ижодининг гуллаган давридаги асарлари қаторига киради. 91 – расм.

Искандар Икромов Ўзбекистонда китоб графикасини тараққиётига катта ҳисса қўшган рассом сифатида тасвирий санъат тарихидан ўрин олган.

Ўрол Тансиқбоев

Ўрол Тансиқбоев машҳур манзарачи рассом, рангтасвир устаси. 92 – расм. У 1904 йилда Тошкентда дунёга келди ва 1974 йилда вафот этган. Ёшлигидан санъатга қизиқиб, Тошкентдаги бадиий музей қошидаги тўғаракка (студия) қатнаб, дастлабки сабоқларни унинг раҳбари рассом И. Репиннинг шогирди Н. Розановдан олди. Тўғаракка қатнаб юрган йилларидаёқ у кўплаб композициялар ишлади.

Унинг ана шундай ишларидан бири 1927 йилда яратилган «Тошкентбоев портрети» эди. Студияда тасвирий санъатдан олган билимларидан кўнгли

тўлмаган Ў. Тансиқбоев Россиянинг Пенза шаҳридаги бадий – педагогика билим юртига ўқишга киради.

У ерда И. Репиннинг шогирдлари И. Горюшкин – Сорокопудов ва Н. Петровдан санъат сирларини ўрганди. Айниқса, уни Пенза музейидаги кўплаб Россиянинг машҳур рассомларининг тасвирий санъат асарлари катта таасурот қолдирди. Уларни ўрганиш ва нусхалар кўчириш Ў. Тансиқбоев учун катта мактаб вазифасини ўтади.

Тансиқбоевнинг мустақил ижоди Ўзбекистонда миллий санъатни тиклаш даврига тўғри келади. У ўз ижодининг дастлабки йилларида анчагина асарлар яратган бўлса – да, бироқ унинг асосий ишлари 1940 йиллардан сўнг бошланди. У иккинчи жаҳон уруши бўлган жойларга Ўзбекистон делегацияси таркибида бориб, у ерлардан катта таассуротлар билан қайтди. Натижада «Озод этилган ерларда», «Малъуннинг йўли», «Партизан аёл», «Ҳаво жанги» каби бир қатор асарлар яратди. 1943 йилда унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони берилди.

Урушдан кейинги йилларда Ў. Тансиқбоев катта ўлчовдаги асарлар ярата бошлади. Бундай асарлар қаторига «Шоличилик колхозида ҳосилни йиғиб олиш», «Баҳор», «Пахтани суғориш», «Жонажон ўлка», «Иссиқкўл оқшоми», «Тоғда» кабиларни киритиш мумкин.

Рассом ижодининг гуллаган даврларида яратган асарларидан бири «Ўзбекистонда март» деб аталади. 93 – расм. Унинг бу асарида баҳорги қуёш тафтидан баҳра ола бошлаган майсазорлар, дарёга олиб борувчи сўқмоқ, дарё қирғоғининг баланд – пастликлари, қийғоч гуллаган дарахтлар, ўзанига сиғмай оқаётган дарё, дарёнинг нариги томонидаги тепаликлар, қори эриб тугамаган тоғлар, қуёш нурига ҳамоҳанг тусга кирган булутлар кишига завқ бағишлайди.

Ў. Тансиқбоев ўзининг урушдан кейинги ижодида, Республикада қурилаётган каналлар, сув омборлари, электростанциялар, нефть қидирув ишлари билан ҳамоҳанг табиат манзараларини тасвирлашга ҳаракат қилади.

Натижада у «Тоғда баҳор», «қайроққум ГЭСи тонги», «Ангрен водийси» каби бир қатор асарлар яратди.

Рассомга шухрат келтирган асарлардан бири «қайроққум ГЭСи тонги» деб аталади. 94 – расм. Бу асарда, юқоридан туриб кузатилган электростанция ва сув омбори лирик оҳангда тасвирланган бўлиб, ундаги қурилишлар табиат билан ҳамоҳанг уйғунлашиб кетган.

Суврат марказидаги эрта тонгда зангори тусга кирган электростанция бетони чети кўринмас улкан денгизни маҳкам тутиб тургандек туюлади.

Асарни кузатган одам саҳрога жон бағишловчи мўъжизакор манзаранинг сеҳрли оламига кириб қолади. Унда олисларга бўй чўзган мусаффо денгиз қаърига кўмилган шодлик ва нафосатга бой тонг ёришиб келаётганлигини қалбдан хис этади. Бу сувратда тасвирланган нарсалар жуда оддий, лекин сеҳрлидир. Чунки, денгиз, осмон ва ерларнинг бепоёнлиги колоритнинг жозибадорлиги, майинлиги кишини ўзига тортади. Манзарада сув, чўл, тоғ ва фазонинг йирик ҳамда умумлашган ҳолда берилганлиги сабабли у ниҳоятда салобатли кўринади.

Ў. Тансиқбоев ижодига хос бўлган асарлардан яна бири «Тоғдаги қишлоқ оқшом» дир. 95 – расм. Асар вертикал ҳолдаги композициядан иборат, унда Республикамизнинг тоғлик гўзал қишлоқларидан биридаги кечки пайт тасвирланган. Асарда узоқларда ясланиб ётган мовий тоғлар, чироқларини эндиgina ёққан хонадонлар, қишлоқ ёнидаги оқиб ўтган сой, кишилар ва болалар тасвири кўзга ташланади. Бу одам шакллари манзарага ҳамоҳанг тарзда ҳаёт бағишлайди.

Суратдан кўриниб турибдики, кеч кириб оқшом оғусида қуёш ботган ва тоғ чўққилари – ю, қояли тошларни тун ўз қаърига тортмоқда. Тепаликлардан тушиб келаётган қўйларнинг мараши, сойнинг шувиллаши, чигирткаларнинг чийиллаши эшитилаётгандек туюлади. Кечки ёғду бағрида, унинг завқини

тортаётган болалар тасвири, у ер, бу ерларда кўзга ташланади. Кеч кириб, сервисор тоғлар орқасига куёш беркинган, унинг ўрнига ой чиқмоқда.

Ў. Тансиқбоевнинг диққатга сазовор асарларидан яна бири 1955 йилда яратилган “Сирдарё” номли асари Москвадаги Третьяков галереясида сақланади.

1960 йилларда рассом “Тоғ йўли”, “Ангрен – кўкон йўли”, “Ангрен дарёси”, “Тоғда”, “Хумсон оқшоми”, “Чорвоқ қурилишида”, каби асарлар яратди. Умрининг охирларида яратган “Куз тонги”, “Менинг кўшиғим”, “Чордарё сув омборида” каби асарлар рассом ижодининг чўққилари бўлиб қолди.

Унинг асарларига хос ҳарактерли хусусиятлар Она – Ватанга муҳаббат, уни улуғлашдир. Рассом асарларида табиатни кенг қамровли ва осмонўпар тоғлар, илон изи каби узоқларга кетган йўллар, мовий осмон, осмон билан туташиб кетадиган гўзал ҳаётий манзаралар тасвирланади. Айрим ҳолларда, ёрқин рангдаги одам тасвирлари ҳам ифодаланади.

Ў. Тансиқбоев катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. У 1934 йиллардаёқ Москва ва Финляндиядаги ўтказилган тасвирий санъат асарлари кўрғазмасида ўз асарлари билан қатнашди. Ў. Тансиқбоев 1958 йилда Брюсселдаги халқаро кўрғазмасида «қайроққум ГЭСи» асари билан қатнашиб, халқаро кумуш медал билан тақдирланди.

Ватанимиз санъатини ривожлантиришдаги хизматларини тақдирлаб, рассом ҳукуматимизнинг бир қатор орден ва медаллари билан мукофотланган. У Ўзбекистон халқ рассоми, Россия бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси эди.

Рассомнинг бир қатор асарлари Москвадаги Третьяков галереяси, Шарк халқлари санъат музейи, қозоғистон, қирғизистон, Тожикистон, Молдавия, Латвия, Ўзбекистон санъати музейларидан ўрин олган.

Ў. Тансиқбоев манзара жанрида ижод қилиб, биринчилар қатори ўчмас из қоддирган мусаввирлардан эди. У ўз асарларида Ўзбекистоннинг гўзаллигини,

унинг жозибасини куйлади. Ў. Тансиқбоевнинг асарлари бизни Ватанга муҳаббат, гўзалликдан завқланишга чорлайди.

Чингиз Аҳмаров

Мусаввир Чингиз Аҳмаров номи Ўзбекистон тасвирий санъатида ҳақли равишда фахрли ўринларидан бирини эгаллайди. Бу улкан рассомнинг ижоди ўзбек тасвирий санатининг ажралмас бир қисми сифатида кенг халқ оммасининг олқишига сазовор бўлди. 96 – расм.

Бўлажак рассом 1912 йилда Россиянинг Троицк шаҳрида туғилган. 1920 йилларнинг охирида Аҳмаровлар оиласи қаршига, сўнг Самарқандга кўчиб келадилар. расм. Самарқандаги келгач.

Чингизнинг қаршисида гўё у болалик чоғидан буён ўйлаб юрган афсонавий шаҳар дарвозаси ланг очилгандек бўлди. Кейинчалик у Пермь бадий техникумида таҳсил олар экан, барча таътил – кунларини Самарқандда ўтказарди. Шарқ шаҳрининг қайноқ, суронли ҳаёти, унинг бир – биридан ёрқин рангларга тўлиб – тошган бозор ва чойхоналари, меъморчилик ёдгорликларидаги бой нақшлар ва бўёқлар, халқ санъатининг бепоёнлиги ва ранг – баранглиги Чингиз Аҳмаровга катта таъсир кўрсатди.

Тошкентга келиб Ч. Аҳмаров А. Волков, Н. Карахан, Ў. Тансиқбоев сингари ҳар бири ёрқин, бетакрор индивидуалликка эга бўлган рассомлар билан яқинлашди. Айниқса, Ўзбекистонлик колористлар бошлиғи Ў. Тансиқбоевнинг ижодий интилишлари уни ўзига тортди. Ч. Аҳмаров “Менда Ўрол Тансиқбоевнинг асарлари катта таасурот қолдирди. Унинг эҳтирослиги ва касбий маҳоратининг ёрқин табассуми кишига бамисоли симфониядек таъсир қилади” деб эслайди.

Ч. Аҳмаров 1935 йили Москва рассомчилик институтига ўқишга кирди ва шу ерда бир йўла аспирантурани ҳам битириб чикди. Институтда у И. Грабарь,

В. Фаворский, И. Репиннинг шогирди, Шемякин сингари санъат усталаридан таълим олди.

Ч. Аҳмаров аксарият асарларини унга руҳан яқин бўлган кишилар – ёзувчилар, шоирлар, актёрлар ва рассомларнинг портретлари ташкил қилади. Машҳур рус балеринаси М. Плисецкая, раққоса М. Турғунбоева, рассом Р. Темуров, шоира Зульфия, актёр Абдор Хидоятлов портретлари шулар жумласидандир. . . . расм. Буларнинг ҳар бирида рассом ўз қаҳрамоннинг ташқи қиёфасидаги индивидуал баркамолликни ифодалайди ҳамда унинг руҳий дунёсининг ўзига хослигини, шахснинг ижодий интилишларидаги ягоналикни очиб беришга ҳаракат қилади.

Чингиз Аҳмаровнинг маҳобатли рангтасвир устаси сифатида ижодининг илк ёрқин саҳифасини унинг Тошкентдаги Алишер Навоий номли опера ва балет театри фойеси деворларига ишланган ишларида кўриш мумкин. Тўрт йиллик меҳнат жараёнида (1944 – 1947) рассом унга саккизта композиция яратди. Бир андозадаги тўртта деворий суврат театрнинг биринчи қаватидаги фойега зийнат бағишлади. Уларнинг ҳар бирида куй, рақс ва шеърятни ўзида ифода этувчи гўзал қизлар образи талқин этилган. Иккинчи қаватидаги деворий расмлар Навоийнинг машҳур “Ҳамса” сига кирган “Ҳайрат – ул абдор”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” ва “Сабъаи сайёр” дostonларидаги кульминацион эпизодларга бағишланган. 97 – расм.

Композициялар ўзининг декоративлиги, расмларнинг муסיқавийлиги, Шарқ мўъжаз рангтасвирнинг бадиий анъанларини Европа тасвирий санъати тажрибалари билан уйғунлашганлиги билан ажралиб туради.

XX асрнинг иккинчи ярми бошларида Аҳмаровнинг қилган йирик ишларидан бири Улуғбек расадхонаси ёнида қад кўтарган буюк мунажжим музейи биноси ички қисмига мўлжалланган маҳобатли декоратив паннолар туркуми бўлди.

Кейинчалик рассом Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институти биноси вестибюлининг ички қисмига (1969), Тошкентдаги Алишер Навоий номли Адабиёт музейининг баъзи залларига (1968), Самарқанддаги “Юлдуз” чойхона – ресторан мажмуасининг банкет залига (1970), Андижондаги адабиёт музейи шаҳобчасига (1974) деворий расмлар ишлади.

Улуғбек музейи учун ишланган паннода рассом Улуғбекнинг подшоҳ сифатида тасвирлар экан, унинг асосий диққат – эътиборини қаҳрамонининг санъат, фан хомийси ва мухлиси сингари фазилатларини очишга ҳаракат қилади. Бу олимнинг расадхона лойиҳасини тузиш пайтида муҳандислар билан қилган муҳокамалари мисолида яққол намоён бўлди. Улуғбек тасвири тушурилган панно бутун асар руҳини белгилайдиган қииб жойлаштирилган. Бунда у бутун борлиги, фикру – зикри билан само сари интилиб турибди, самода юлдузлар чарақлайди.

Тошкентдаги Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институти фойесига ишланган деворий сувратларда рассом билим ва маданиятни авлоддан – авлодларга элтувчи китобни асосий мотив қилиб олди. 98 – расм.

Мазкур сувратларнинг бош фалсафий маъносини ҳаёт ва мамот, эзгулик ва қабоҳат, уруш ва тинчлик, бунёд ва барбод сингари бир – бирига қарама – қарши тушунчалар ташкил этган.

Деворий расм мазмуни аста – секин чапдан ўнгга қараб ҳаракатланиб, ривожланиб боради. Суврат йўлга чиққан савдо карвони тасвиридан бошланади. Шундан кейин суҳбат қилиб ўтирган аёллар давраси, ўқишга кетаётган болалар, ошиқ – маъшуклар, шогирдлари қуршовидаги устоз намоён бўлади. Воқеалар давомининг иккинчи қисмида тинч ҳаёт бирданига вайронлик келтирувчи қирғин уруш домига тушгандек бўлади. Бирдан юқоридан худди йиртқич каби суврат мазмунига душманнинг отлиқ аскари отилиб киради. Жангу жадаллардан сўнг кулга айланган мурдалар, дарахтлар, мазор, сарсон – саргардон кишилар, тиланчилар, дарвишлар қолади. Лекин ҳаёт давом

этаверади. Мана бу тасвирда устоз болаларни ўқитяпти, бошқасида янги сарой лойҳасини муҳокама қилмоқда, усталар уй қурмоқдалар.

Ч. Аҳмаров ўз асарларида гўзал чехраларни, тўлин ойни эслатадиган юзлар, бодом ковоклар, ёйдай қошлар, ўқдек киприкларни тасвирлашга ҳаракат қилади.

Рассом ўз асарларида ҳамма рангларни бир варакайига ишлатмайди.

Рассом бир асар учун битта ёки иккита рангни танлайди – да, унинг жуда кўп тусларидан фойдаланади.

Хусусан, Адабиёт музейидаги сувратларда пистоқи – яшил, Шарқшунослик институтидаги асарларида яшил ва оч нилгун ранглар кўлланилган.

Ч. Аҳмаровнинг муваффақиятли бажарилган ишларидан яна бири “Суғд тўйи” ҳисобланади. 99 – расм.

Композиция марказида ҳаёт ва ҳаёт рамзи бўлмиш куёш фонида турган келин билан куёв тасвирланган. Келин – куёвнинг атрофида ҳар хил совғалар кўтариб келаётган кишилар тасвири бор.

Мазкур суврат тинчлик, халқлар дўстлиги, меҳмондўстлик ғояларини тараннум этади.

Ч. Аҳмаров ижодининг сўнгги йилларида ўз шогирдлари билан Тошкент метроси бекатлари, маъмурий биноларининг бадиий безашда катта ишларни амалга оширди. Айниқса, метронинг Алишер Навоий бекатини безашдаги ишлари диққатга сазовордир.

Шу билан бирга у Камоллиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтида бўлажак маҳобатли рангтасвир усталарини таълими билан машғул бўлди. Улар орасида қобилиятли рассомлардан Тўхтабек Соибов, Собир Жумамурадовлар бор эди.

Ч. Аҳмаров санъатшунос олим ҳам, меҳрибон мураббий, профессор эди. Халқимиз ва ҳукуматимиз унинг миллий ўзбек маҳобатли рангтасвирини

ривожлантиришга қўшган катта хизматларини юқори баҳолаб, унга Ўзбекистон халқ рассоми унвонини берган эди. У Республика ва ундан юқори бўлган бир катор мукофотлар соҳиби эди.

Рассом ўзининг серкирра, қайтарилмас ижоди билан миллий санъатимизнинг тараққиётига улкан хисса қўшган. Шу боис у санъатимиз тарихида ўчмас ўз қолдирди.

Малик Набиев

Набиев Малик 1916 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган ва 2008 йилда вафот этган. Рангтасвирчи рассом, педагог. 100 – расм. Ўзбекистон бадиий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ рассоми. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Набиев Малик тасвирий санъатнинг илк сабоқларини рассом Баҳром Ҳамдамийдан ўргангач, устоз маслаҳатида кўра 1933 йилда рассомлик билим юртига ўқишга киради. 1937 йилда билим юртини тугатганидан сўнг шу ерда ўқитувчилик фаолиятини бошлайди. 1962 йилда Низомий номи Тошкент давлат педагогик институти бадиий – графика факультетини тугатган. Ўша йилларда унинг санъат борасида мустақил ижодий фаолияти бошланган эди. Рассом урушнинг оғир йилларида қишлоқларни кезиб, портретлар ишлади, фашистларни қораловчи плакатлар чизиб, чақириклар, шиорлар ёзиб, уруш орқасидаги меҳнат билан ғалабани яқинлаштиришга ҳаракат қилди.

Рассом ўз фаолияти давомида тарихий шахслар портрети, тарихий воқеаларни тасвирлашга жуда қизиқар эди.

Тарихий шахслар образини яратиш нақадар мушкуллигига қарамасдан ижодкор ўзининг тинимсиз меҳнати туфайли буюк сиймолар образини юксак бадиий савияда ярата олди. Улар амир Темур, Беруний, Бобур, Ибн Сино,

Жомий ва Навоий, Ал Розий, Ал Хоразмий каби бир қанча йирик олим, шоир, давлат арбобларининг образларидир.

Ана шндай асарлардан бари 1962 йилда яратилган Захриддин Муҳаммад Бобур портретидир. Мазкур асарни яратиш мақсадида рассом кўп йиллар давомида изланишлар олиб борди. У Бобур яшаган жойларда – Андижон, Самарқанд, шаҳарларида ва Афғонистон, Хиндистон каби шаҳарларда бўлди. Бобир ҳақида яратилган мўжаз рангтасвир асарлари билан танишди.

Рассомнинг кўп йиллик тинимсиз меҳнати натижасида яратилган Бобур портрети олқишларга сазовор бўлди.

Беруний таваллудига 1000 йил тўлиши муносабати билан 1973 йилда Берунийнинг энг яхши портрети учун эълон қилинган танловда Малик Набиевнинг иши биринчи мукофотни олди. Бу портрет ЮНЕСКО нинг “Курьер” журнали муқовасида ва хорижий мамлакатларининг кўпгина журнал ва газеталарида ҳам берилди. 101 – расм.

М. Набиев ижодида 1994 йилда яратилган “Амир Темур портрети” асосий ўринни эгаллайди. Бу асарда ёзиш истаги 1941 йилда соҳибқирон гўри очилиб унинг калла суяги олингани ҳамда бу асосда Амир Темурнинг ҳайкалини рус ҳайкалтароши М. Герасимов томонидан ишлашга киришилган пайтдан бошланган эди деб эслайди рассом. Соҳибқироннинг бо суягини тарих музейида ўз кўзи билан кўрган М. Набиев унинг портретини ишлашга киришган эди. 102 – расм.

Буюк шахсни портретини ишлаш қанчалик маъсулиятли ва мураккаб бўлганлигини билган рассом бунга эллик йилдан ортиқ вақт сарфлади. Бу даврда у Хиндистон, Эрон, Туркия, Англия, Франция, Испания каби мамлакатларнинг музейлари ва кутубхоналарида сақланаётган Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган мўжаз рангтасвир асарларини у ҳақда яратилган кўплаб адабиётларни ўрганди.

Охир оқибатда давлат арбоби, харбий қўмондан образини реалистик тарзда зўр маҳорат билан яратишга муваффақ бўлди.

1994 йилда энг яхши яратилган Амир Темур образи учун эълон қилинган танловдан М. Набиевнинг бу чуврати бош мукофатга сазовор бўлди.

Рассомнинг тарихий жанрда яратилган айрим асарларида озодлик учун бўлган халқ қўзғолонлари моҳияти очиб берилади. М. Набиев авлоддан – авлодга ҳикоя қилиниб келинаётган тарихий воқеаларни астойдил ўрганиб, тарих сирларини жонли рангларда тасвирлашга муваффақ бўлган. Унинг ана шундай асарларидан бири Искандар Зулқарнайнга қарши озодлик учун кураш ҳақидаги “Спитамен қўзғолони” сувратидир. Шу жанрдаги яратилган асарлар қаторига “Самарқандда ҳунармандлар қўзғолони”, “Жиззах қўзғолони” каби ишларни киритиш мумкин.

М. Набиев на фақат рассом моҳир педагог, устоз ва етук мураббий ҳамдир. У 1960 йилдан бошлаб кўп йиллар давомида Низомий номи Тошкент давлат педагогика институти (университет)нинг бадиий – графика факультетида кафедра мудир ва профессор сифатида фаолият кўрсатиб келди.

Рассом мактаб, билим юртларининг ўқитувчилари, талабалар учун методик ишлар яратишда ҳам самарали меҳнат қилди. Унинг бу борадаги ишларининг натижаси китоб шаклида чоп этилган.

Ижодкорнинг сермахсул ижодий фаолияти ҳукумат томонидан муносиб тақдирланиб, унга “Буюк хизматлари учун” ордени берилган.

Абдулҳақ Абдуллаев

Абдуллаев Абдулҳақ 1918 йилнинг 30 декабр ойида қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида туғилган. Рангасвирчи рассом. 103 – расм. 1968 йилда унга Ўзбекистон халқ рассом унвони берилган. 1997 йилдан Ўзбекистон бадиий академиясининг фахрий аъзоси. Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти

лауреати. У асосан тасвирий санъатнинг портрет жанрида ижод қилган. Лекин унинг манзара ва натюрморт жанрида ишланган айрим ишлари ҳам бор.

А. Абдуллаевнинг ҳаёти ва ижоди инсон қиёфаси ва унинг ички дунёсини, унинг чексиз имкониятлари сир – асрорларини тушуниб етиш, уларни санъатнинг тасвирлаш билан боғлиқдир.

Рассом дастлаб Туркистондаги Карл Либкнехт номи мактаб интернатда дастлабки саводини оширди. У ерда рассом 1926 – 1931 йилларда таълим олиш билан бир қаторда турли тўғаракларда қатнашиб, роял чалишни, рақс сирларини ўрганди, мактабда киритилган спектаклларда турли ролларни бажарди, шеърларни ифодали қилиб ўқийдиган бўлди. Бироқ расм ишлашга унинг хаваси ниҳоятда катта бўлди. Буни сезган расм (тасвирий санъат) ўқитувчиси унга бадий техникумга кириб ўқишни тавсия этди. Натижада у 1932 йилда Самарқанддаги бадий техникумга ўқишга кирди. Техникумда юрган вақтларидаёқ ижодий ишлар билан мутахассислар эътиборини ўзига тортди. 1932 йилда “Ховуз бўйида” этюди Москвадаги Шарқ халқлари давлат музей томонидан сотиб олинди. Хозирда ҳам унинг бу иши шу музейда сақланмоқда. Бадий техникумда ўқиб юрган вақтларида яратган “Дўстим портрети” ва “Укам” номи ишлари унинг истеъдодли рассом шаклланаётганлигидан далолат берар эди. 1937 йилда яратилган рассомнинг “Сигир соғиш” номи суврати ўзининг бадийлиги жиҳатдан мутахассислар олқишига сазовор бўлди ва бу иш учун А. Абдуллаевга Москвага текин саёҳат қилиш имконияти берилди. Рассом Москвага келгач, у ердаги бир қатор тасвирий санъат музейларида бўлиб, турли мамлакат рассомларининг юксак бадий савияда яратилган асарлари билан танишиб, бор дунё таасуротлари билан ўз Ватанига қайтиб келди.

Рассом ўзининг эсталикларида Москвадаги Третьяков тасвирий санъат галереясида сақланаётган И. Репиннинг портретлари мени ўзига ром этди, деб ёзган эди.

Абдулҳақ Абдуллаев Самарқанд бадиий техникумини битириб 1938 – 41 йилларда Москва бадиий институтида таълим олди. У Тошкентга қайтгач унинг ижоди янги босқичга кўтарилди. Куч ва ғайратга тўлган рассом 1941 – 1945 йилларда уруш катнашчилари ва қишлоқ меҳнаткашларининг портретларини ишлай бошлади.

Урушдан кейинги йилларда унинг муваффақиятли ишлари қаторидан “Аброр Хидоятонинг Отелло ролидаги портрети” (1946), “Уйғур портрети” (1996 й.) номли сувратлари ўрин олди.

1948 йилда “Уста Ширин Муродов портрети”, 1949 йилда “Ўзувчи Ойбек портрети” пайдо бўлди. Кейинчалик кўплаб ўзувчи олим, меҳнат қаҳрамонлари образларини яратди.

Аброр Хидоятонинг Отелло ролидаги портрети номли сувратни ишлаш рассомда 1946 йилда Ҳамза номли драма театрида “Отелло” спектаклини томоша қилганидан сўнг пайдо бўлган эди. Портрет орқали томошабин актёрнинг Отеллога хос бўлган ички кечинмаларни хис этади.

Рассом сувратда Отеллонинг характери ва қиёфасини, ҳаётнинг шафқатсиз сиру – асрорларига қарши қаҳр – ғазабини очишга ҳаракат қилган. Уни актёрнинг генералларга хос биров орқага ташланган ҳолатидан, бошини мағрур тутиши ва кескин бурилиши, қатъий қарашларидан билиб олиш мумкин. Актёр қиёфасида ўзига ишонч, ирода, қайноқ темперамент, шиддат ва вазоҳат яққол сезилиб туради. Образдаги бу ҳолатларни томошабинга таъсирини кучайтириш мақсадида рассом актёр таъсирини юқори, чап ва ўнг томонларини суврат текислигининг чегараларигача тақалган ҳолда тасвирлаган ва композициянинг буткул бўлишлигини таъминлаган. Сувратда ишланган тўқ қизил, илиқ жигаранг, оч сарғиш каби илиқ ранглар Отеллонинг руҳий ҳолатини очиб беришга хизмат қилган.

XX асрнинг 50 йиллари ўрталарида рассомда манзара жанридаги асарлари, унинг гўзаллиги, кишиларнинг меҳнат кўтаринкилигини ошиши билан боғланган бўлиши мумкин.

Натижада у “Навбахор”, “Баҳор келди”, “Ботаника боғида, ёмғирдан сўнг” номли асарларини яратди.

Ижодкорнинг 50 йилларнинг иккинчи ярми ва 60 йилларда Хиндистон, Африка, Индонезия бўйлаб қилган саёҳатлари унга бир дунё ижодий кўтаринклик олиб келди. Натижада бу таъсуротлар ва у ерда ишлаган этюдлари асосида “Индра Ганди” (1957), “Хинд аёли” (1957), “Жайпурда (1957), Миллий либос кийган синх” (1957), “Муаллифнинг Индонезия миллий бош кийимда тушган автопортрети” (1964), “Француз тили ўқитувчиси” (1966) “Сенегаллик йигит” (1966) каби портретларни яратди.

Унинг бу мамлакатларда кишилар устидан олиб борган кузатишлари чоғида ишлаган этюдлари миллий ҳарактер ва колоритни чуқурроқ ўз ўлкаси, халқи ва унинг турмуш тарзига бошқаларча назар билан қарашга имкон берди. Рассомнинг кишиларни ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги тасаввурлари ўзгарди. Ўз асарларида илиқ ва тўқ ранглардан кўпроқ фойдаланадиган бўлиб қолди. Бу сифатлар ижодкорнинг “Собир Абдулла портрети”, “Буви ва набира”, “Малика” номли портретларида яққол сезилади.

Шу билан бирга кишилар портретини ишлашда суврат фонида манзарадан фойдаланишга ҳаракат қилади. Уни рассом томонидан 1973 йилда яратган “Ёр фарзандлари” (1973) асарида яққол кўриш мумкин. Бу асарда табиат билан инсоннинг ўзаро боғлиқлиги ўз ифодасини топган.

Бу суврат меҳнат қаҳрамонлари пахтакор Назарали Ниёзов, соҳибкор Ризамат ота Мусамуҳамедов, Пахтакор Маматисоқ ота Тошматовларнинг меҳнатда кўрсатган қаҳрамонликлари билан боғлиқдир. Рассомнинг бу фидойий инсонларни катта ёшга бориб қолганликларига қарамасдан меҳнатда жавлон

уриб, ундан ўз бахтини топаётганлиги ижодга илхомлантирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Мазкур гурухли портретда рассомнинг асосий эътибори қахрамонларнинг буюклиги, уларнинг Ватан равнақи йўлидаги меҳнат шижоати ва ғайратига қаратилган. Бунинг рассом қахрамонлар сиймосини раққурсда, тоғ фониди тасвирлаш орқали ифодаланган. Бунга сувратдаги мусаффо осмон, виқорли тоғлар, баҳорги ўйғонган гўзал табиат, оёқ остидаги ям яшил майсаллар ҳам хизмат қилган. Сувратда қахрамонларнинг улуғлигини рассом образларини тоғлардан ҳам йирик қилиб тасвирлаш орқали кўрсата олган. Тоғ тасвирлари қахрамонлар тасвири олдида пастқам кўринади.

Рассом ижодининг сўнгги йилларида яратган ижодий ишларидан бири кўп нусхада ишланган Алишер Навоий портретларидир (1970 – 1980). Бу буюк шахснинг образини яратиш билан рассом ўн йилдан ортиқ шуғулланди.

Чунки, Навоий образини Маҳмуд Музаҳиб, В. Кайдилов, қ. Башаров ва бошқа бир қатор рассомлар томонидан яратилган бўлсада, улар А. Абдуллаевни қаноатлантирмас эди.

Натижада шоир портретини бир неча нусхаларини яратиб кўрди. Бунинг сабаби Навоийнинг давлат арбоби, шоир, мутафаккир, тарихчи каби кўп қиррали шахснинг образини яратиш ниятда мураккаб эканлиги билан боғланди ва уни рассом ўз ижодида хис этди.

А. Абдуллаевнинг сермахсул ижодида аёллар мавзуси алоҳида ўринни эгаллайди. У яратган “Нина портрети”, “Рассом онасининг портрети”, “Матёкубова портрети”, “Индира Ганди портрети”, “Хинд аёл портрети”, “Фарида портрети”, “Шахло”, “Буви ва невар”, “Ўзувчи Ҳамид ғулом онасининг портрети”, “Лутфихоним Саримсоқова портрети” номли асарлар шулар жумласидандир. Мазкур портретларда аёлларга хос мафтункорлик, латофат, оналик меҳри, эзгулик каби хислатлар, турли тасвирий воситалар ёрдамида акс эттирилган.

Унинг ижодидаги кўтаринклик ва махоратни юксалиб боришини унинг 1964 йилда яратган “Муаллифнинг Индонезия миллий бош кийимида тушган автопортрети”, 1977 йилда яратилган “Автопортрет” номли сувратларини солиштириш орқали пайкаб олиш қийин эмас. Бу автопортретлардан кўриниб турибдики рассомнинг йилдан йилга бадий махорати сайқал топиб, асарни томошабинга таъсирини кучайтирувчи ифодалилик воситаларини кенг қўллаш орқали мақсадга эришган.

Рассом ҳақида унинг асарлари ҳақида жуда кўп сўзлаш мумкин. Лекин унинг ижодида муҳим ўринни эгаллаган яратган образлари ҳақида тўхталмасдан бўлмайди. Улар Абдор Хидоят, Маннон Уйғур, Назарали Ниёзов, Мамаисхоқ ота Ташматов, Ойбек, Ҳамза, Абдулла қаҳҳор, Туроб Тўла, Хабибий, Иброҳим Раҳим, Чингиз Аҳмаров, Ҳамид Олимжон, Саид Аҳмад, Ёрқин Тўрақулов, қори Ниёзий, Алишер Навоий, И. Ҳамрабоев, Миртемир, Шухрат, О. Содиков, Усто Ширин Мурадов, Фуркат, Уйғун, Собир Абдулла, Шукурулла, И. Мўминов, Л. Саримсоқова, М. Бобоев Хабибий, Шайхзода, И. Султон, Х. ғулом, К. Яшин каби Республикамизнинг машҳур фан ва адабиёт, санъат арбоблари, қишлоқ хўжалигида фидойилик қилиб шухрат қозонган меҳнат ахлиларидир.

Шунингдек, у кўплаб ўз яқинлари портретларини ҳам яратди. “Она суврати”, “Ҳамид ғулом онаси суврати”, “Буви ва неvara”, “Хумсонлик аёл”, “Малика”, “Мирза суврати”, “Лола”, “Баҳри”, “Суяр”, “Жияним Шахло”, “Амаким суврати”, “Тилаб портрети”, каби асарлари шулар жумласидандир. 104 – расм.

А. Абдуллаев ўз ҳаётида ижодий ишлар билан чекланмади. У Низомий номли давлат педагогика институтининг бадий графика факультетида кўп йиллар давомида ўқитувчилик қилди, шогирдлар тайёрлади, мактаб ва турли ўқув муассасаларида санъатнинг сиру асрорлари ҳақида, уларни идрок этиш, завқланиш юзасидан маърузалар ўқийди. Бир қатор мактабларга ўз ишларидан

совғалар қилиб мактаб тасвирий санъат музейларини ташкил этишда мактаб раҳбарлари кўмаклашди.

Рассомнинг асарлари юксак кадрланиб жаҳоннинг нуфузли музейлари ва ташкилотлари томонидан сотиб олинган. Хусусан, унинг асарлари Москвадаги Шарқ халқлари санъати музейида, Ўзбекистон давлат санъат музейида, Ўзбекистон ёзувчилар Уюшмасида, Ўзбекистон бадиий фонди, кўкон ўлка – тарихий музейида, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида, Тил ва адабиёт институтида авайлаб сақланмоқда. Улардан минглаб кишилар эстетик завқ олмоқдалар.

Жўлдосбек қуттимуродов

Жўлдосбек қуттимуродов 1934 йилда қорақалпоғистон Республикасининг Кенгаш тумани, Октуба қишлоғида таваллуд топган 105 – расм.

У Ўзбекистонда, шунингдек қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон бадиий академиясининг академиги Жўлдосбекнинг буваси дурадгор уста бўлиб, турли аравалар ясаб тирикчилик қиларди. Онасининг онаси, яъни буваси гиламдўз уста эди. 1930 йилда ҳайкалтарошнинг ота – оналари қозоғистоннинг Оқ мулла (Актюбинск) вилоятидан қорақалпоғистонга кўчиб келишган. Жўлдосбек мактабда ўқиб юрган вақтлардаёқ расм чизишга жуда қизиқар, синф ва мактаб деворий газеталарини зўр ихлос билан безатар эди. Ҳайкалтарош ўзининг бадиий фаолиятини умумий ўрта таълим мактабини битирганидан сўнг П. Бенков номидаги Тошкент бадиий юртида бошлаган. Билим юртида рангасвир бўлимида таҳлил олиб у дастлабки сабоқларни ўқитувчи А. Луневдан олган эди. Билим юртини тугатгач қорақалпоғистонда мустақил равишда ижодий ишларни бошлаб юборади. Лекин у ўз юртига боргач рангасвирда эмас ҳайкалтарошлик бўйича ижод қила бошлади. Унинг бу ҳаракати бежиз эмас эди. Чунки Жўлдосбекнинг бу йўналишдаги тинимсиз

меҳнати уни нафақат қорақалпоғистоннинг балки Ўзбекистоннинг етакчи ҳайкалтарошларидан бири қаторига олиб чиқди. Унинг асарларининг кўпчилиги ёғочдан ишланган бўлиб бу асарларда кузатиш орқали томошабин ўзини ҳақиқий мўжизага дуч келгандек ҳис этади.

У рангтасвир бўйича қорақалпоқ қизлари мавзусида туркум портретларни бажариб ўз кучини синаб кўрди. Лекин бу ишлар рассомга машҳурлик олиб келмаган бўлсада, бироқ уни нафосатни чуқур лирик ифодаси акс этган эди.

Рангтасвирда бажарган ишларидан, мамнун бўлмаган рассом ҳайкалтарошликда жиддий иш олиб борди. Унинг дастлабки ҳайкали “Навжувон боши” номли ёғочдан ишланган ҳайкали Ўзбекистон давлат санъат музейи томонидан сотиб олинди. Бу унинг ҳайкалтарошликдаги дастлабки ютуқларидан бари эди. Шундан сўнг унинг ҳайкалтарошлик санъатининг бу турига қизиқиши янада ортди.

XX асрнинг етмишинчи йиллари ўрталарида ижодкор қорақалпоғистон давлат санъат музейида таъмирловчи – рассом сифатида фаолият кўрсата бошлади. қуттимуродов санъат музейидаги фаолияти давомида шу ерда сақланаётган ўзбек, қорақалпоқ халқлари санъати намуналарини синчковлик билан ўрганди, ёғоч ўймакор устаси Уста Саид Ниёзга шогирд тушиб ёғоч билан ишлаш сирларини ўзлаштиради.

Ҳайкалтарошнинг кўпчилик асарларида рамзий маъно ифодаланади. Негадир у кўпинча қорақалпоғистон қиз ва аёллари, гўзал чехралар образини яратишга ҳаракат қилади. Бунинг сабаби аёлларга бўлган муносабати ва улардаги нафосатни куйлашга бўлган интилиш деб ҳисобласа бўлади. Унинг бу ҳаракати кўпроқ ижодкорнинг “қиз боланинг боши”, “Аёл ҳайкали”, “қиз қомати”, “қорақалпоқ қизи”, “Балоғат”, “Келинчак”, “Сохибжамол”, “Ўтирган сохибжамол”, “Олқуш ва қиз” каби асарларида кўзга ташланади. Рамзий маъно касб этган ишлари қаторига унинг “Амурдарё”, “Шимол”, “Ўйғониш”, “Нафосат”, “Ниҳол”, “Келинчак” каби асарларини киритиш мумкин. 106 – расм.

Ҳайкалтарошга хос яна бир хусусият, у оддий бир дарахт илдизи, шоҳида, ёки тош бўлагида ҳеч ким кўраолмайдиган афсонавий тасвирларни кўра олади.

Ижодкор ўз ижодида кишиларни мафтун этадиган яланғоч аёллар ҳайкалини ишлашга интилади. Бундай асарларда у аёл қоматидаги нафосат, ундаги қисм ва бутунликдаги мутаносиблик, уйғунликни таъминлашга эришади.

Ҳайкалтарош одам қоматини ишлаганда бу чехралардаги такрорланмас нафосатни ифодалаш мақсадида уларнинг бош ва юз тузилишини ифодали қилиб тасвирлашга алоҳида эътибор беради. Буни ижодкорнинг “Балоғат”, “Сохибжамол”, “Оқ куш ва қиз”, “Гулдурсун”, “Балиқларни қутқариаётган Анахита” каби асарларида кўриш мумкин. 107 – расм.

Ҳайкалтарош буюк шахслар образини яратишга ҳам қизиқади. У буюк мутафаккир ва олим Беруний, афсонавий ҳарбий қўмондон Искандар Зулқайнар образларини ҳам ёғочдан ясаган асарлари томошабинлар эътиборини қозонган. 108 – расм.

Жўлдосбек қуттимуродов нафақат қорақалпоғистон, балки Ўзбекистон тасвирий санъати тараққиётига катта ҳис қўшиб келаётган таланти ижодкордир. У Ўзбекистон тасвирий санъатида ўчмас из қолдириши шубҳасиздир.

Тельман Муҳамедов

Муҳамедов Тельман Яминович 1934 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1976 йилда Тошкентда вафот этган. 109 – расм. Тельман санъат сирларини дастлаб Тошкент бадиий билим юртида, сўнгра Тошкент театр ва рассомчилик институтида (ҳозирги Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти) олган. 1969 йилда бу институтни тугатган. Китоб безовчи рассом сифатида у Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи ва

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасидаги қўлёзма китоб миниатюралари, академик Г. А. Пугаченкованинг шахсий кутубхонасидаги ноёб миниатюралар билан танишгандан сўнг унда санъатнинг янги қирралари очилди.

“қор бобо, қуён ва бўри” номли биринчи ўзбек мультфильми учун суратларини яратди. Шубҳасиз, уларда ёш истеъдоднинг ёрқин қирралари намоён бўлган эди.

Юморга бой карикатуралари “Муштум” журналида мунтазам равишда эълон қилиб борилган. Ўз асарлари бир қатор халқаро кўргазмаларда иштирок этган. 1974 йилда Москва халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бронза медалига сазовор бўлган. 1968 йилда Рассомлар уюшмасининг аъзолигига қабул қилинган. Ўзбек халқ эртаклари, Афанди латифалари, ғофур ғуломнинг “Шум бола”, Мирмухсиннинг “Меъмор” асарларига ишланган иллюстрацияларида рассомнинг иқтидори яққол намоён бўлган.

Миниатюра жанридаги кўп кўринишлилик, тескари перспектива, реаллик ва нореаллик хусусиятлари Тельманнинг “Ўзбек халқ эртаклари”га (1976 й.) чизган сувратларида янгича ижодий талқинни кўриш мумкин. Мана шу ишланган сувратлар мусаввирга катта шуҳрат келтиради, унинг асл нусхалари Ўзбекистон Давлат Санъат музейида сақланмоқда. 110 – расм.

Мусаввир халқ эртакларида ўрта асрларида Шарқхони ҳаёт тарзини, шарқона бинолар, либослар ва муҳитни гавдалантиради.

Рассомнинг шоҳ асарларидан бири “Насриддин Афанди саргузаштлари” туркумидаги (1971 йил) асарлари ҳисобланади. Унинг бу мавзудаги композицияларида ортиқча унсурлар йўқ. Хатто, қоғоз сатҳида қўшимча чизгилар ҳам йўқ. Шакллар кам бўлишига қарамай мазмун бойлигига эришилган. Енгил чизикларда руҳий ҳолатлар ўткирлаштирилган.

Тельман яратган ҳар бир образда, энг аввало, ҳарактер, унинг ички дунёси балқиб туради. Ҳарактер гоҳ жиддий, гоҳ лирик, гоҳ ҳажв усулида нозик чизги, ранг ўйинлари ва безакдорлиги орқали гавдалантирилган.

Рассом ижодий фаолиятини бошлаганидан умрининг охиригача “Муштум” сатирик журнали билан ҳамкорликда ўтган.

Рассомнинг вафотидан сўнг унинг 1986 йилда Ўзбекистон Давлат санъат музейида очилган кўргазмасида Н. Аминовнинг “Лаби Ҳовуз хандалари”, китобини, шарқона муҳаббат соҳиблари “Тохир ва Зухра”, “Фарход ва Ширин”, “Хунарли йигит”, “Уч оғайни ботирлар”, “Олтин кўзадаги тўти” каби эртакларини, оилавий портретлар “Онам портрети”, “Автопортрет”, “Рафиқам портрети”, турли хил табиат манзараларини “Гурзуф” туркуми, болаларга аталган сюжетлар “Ғунча”, “Гулхан” журналларидаги сувратлар, сатирик ва юмористик график ишлар, “Муштум” саҳифаларини, тарихий мавзу талқинлари, Мирмуҳсиннинг “Меъмор” тарихий романига юзлаб сувратлар, график ва дастгоҳли сувратлари намоиш этилган.

Юқоридаги ижодий туркумлар рассомнинг миниатюра усулида яратилган асарлари чинакам кашфиётдир. Бу билан у ўзига хос мактаб яратди.

“Муштум” журналидаги ҳамкасблари ҳикоя қилишларича, рассомнинг бирор куни латифасиз ўтмаган. У кўрган – билган, эшитган воқеаларидан усталик билан кулгили вазиятни ён дафтарларига ҳамиша хомаки чизгилар қилиб юрган экан.

Ўзбекистон Бадий Академиясининг фахрий академиги Рафаэл Тоқтошнинг таъкидлашича – Тельман Муҳамедов ўрта асрлар миниатюраларидан нусха кўчириш ёки уни тиклаш йўлидан бормади. Аксинча у оддий қоғоз, қалам ва ранглар билан ишлаб, уларга замонавийлик бахш этди. У ўз асарларига ўзбек халқининг енгил кулгусини, ҳажвга мойил мулоқотини, лофга бой мушоҳадасини, эстетик ва этик қарашларини олиб кирди. Буларни

миниатюра хос нафис расмларда, рангларнинг товланишларида, шаклларнинг эркин ҳаракатларида юксак маҳорат билан акс этдирди.

Тельман Муҳамедовнинг ижоди мисолида Шарқ миниатюра санъати намуналарига хос чизиқлар нафислиги, мазмундорлигини ўзгача талқинда кўришимиз мумкин.

Лайло Салимжонова

Хозирги замон Ўзбекистон тасвирий санъатининг портрет, натюрморт, манзара ва маиший жанрларида ижод қилаётган ўзбек рассомлардан бири Лайло Салимжоновадир. 111 – расм.

Лайло Абубакировни Салимжонова 1936 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут шаҳрида туғилган. Отаси ҳуқуқшунос, онаси уй бекаси эди. Ушбу оила 1941 йилда Тошкентга кўчиб келади. Оилада санъатга дахлдор киши бўлмаса ҳам Лайло ўрта мактабнинг 8 – синфини тамомлаб, ўзининг қизиқиши туфайли П. П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртининг тасвирий санъат бўлимига ўқишга киради. Билим юртини 1957 йилда муваффақиятли битириб, шу йилнинг ўзида Н. Н. Островский номидаги театр ва рассомлик институтининг тасвирий санъат факультетига кириб, 1963 йилда уни тамомлайди. У ерда кўзибоев, Т. Огонесов, Ахмедов каби рассомлар қўлида санъат сирларини ўрганади. Ёш рассомни марғилонлик каштачи қизларнинг қўл меҳнати билан яратадиган ажойиб ишлари қизиқтирар эди. Шу боис диплом иши Р. Ахмедов раҳбарлигида “Марғилон каштачилари” мавзусида бўлди.

“Саодат” журналининг бош муҳаррири шоира Зулфия Лайло Салимжоновани талабалик давридаёқ бу журналда ишлашга таклиф этган эди. Шу тариқа Лайло Салимжонова бу журналда 30 йил мобайнида бош рассом бўлиб ишлайди. Кейинчалик “Гулистон” журналида ҳам фаолият кўрсатади. Бу

орада Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими каби унвонларга сазовор бўлган.

Лайло Салимжонова 60 – 70 йиллардаги кўргазмаларда асосан портрет жанридаги асарлари билан қатнашар эди. Бунда “Жамила Жумаева”, “Керамика”, “Баҳри ғуломова”, “Зулфия” каби портретлари диққатга сазовордир. Кейинчалик Салимжонова ижодида аёллар образи мукаммаллашиб борди. Буни “Ҳалима Худойбердиева”, “Оналик”, “Яшнахон портрети”, “Синглим портрети”, “Маъмура Бобоева”, “Тўқувчи қизлар”, “Фарида портрети”, “Архитектор М. Худойназарова”, “Дилором қамбарова”, “Замира Ҳидоятова”, “Ҳамро Раҳимова” каби портретларида кўриш мумкин. Биргина Ҳамро Раҳимова портретининг яратилиш тарихи назар ташласак, қизиқ ҳикоянинг гувоҳи бўламиз. Рассом асар яратишга материал тўплаш мақсадида халқ ўйинчоқлари устаси Ҳамро Раҳимова уйларига бориб, уларнинг хонадонларида бир неча кун меҳмон бўлади. Салимжоновани бетакрор ўйинчоқларининг яратилиш босқичлари қизиқтирар эди. Бу жараёни ўз кўзи билан кўрган рассом шу ондаёқ яратилажак асарининг композиция ечимини топган эди. Лайло Салимжонова устанинг меҳнат жараёнидан эскизлар олар, баъзида уни саволларга кўмиб ташлар эди. Шу тариқа “Ҳамро Раҳимова” портрети яратилган. Бироқ бу асардаги нотаниш образлар – турли ёшдаги болалар тасвири томошабинни ажаблантиради. 112 – расм.

Устанинг ховлисида бу қувноқ болаларни кўрмагам бўлсамда, ўзимда бу образларни ҳам асарга киртиш истаги пайдо бўлган”, – дейди асар муаллифи.

Салимжонова табиатни тасвирлашда ҳам ўз йўналишига эга. Бунга “Сой бўйида”, “Оқтош”, “Баррак”, “Ҳовлида”, “қоратош”, “Тоғда куз” каби асарлари мисол бўла олади. Айниқса, “Тоғда куз” асарининг мазмуни композиция жиҳатидан чуқурроқдир. Асарда илгари сурилаган ғоя деб, куз фаслининг гўзаллиги, мусаффолик, сокинликни тараннум этиш ҳисобланади. Савлатли тоғлар, барглари сарғайган, қирғоғи тошлар билан ўралган зилол сув ва бошқа

манзара унсурлари юқори тасвирий саводхонлик даражасида ишланган. Лайло Салимжонова гулларни жуда севади. Унинг “Хризонтема натюрморти”, “Ок гуллар”, “Зангор фондаги гуллар”, “Хризонтемалар” каби асарларини кузатиб, гуллардаги гўзаллик – рассом ижодининг асосий мавзуси дейиш мумкин. 113 – расм. 1991 йилда яратилган “Хризонтемалар” номли натюрмортда рассом гулларнинг вазада тартибсиз жойлашуви, уларнинг иссиқ рангли фонда жилоланиши ҳамда қисман кўринган столнинг перспектив ҳолати асар композициясини яхлит намоён этади. Салимжонова мўйқаламига мансуб гўзал асарлар Англия, Иордания, Исроил, Хиндистон каби кўплаб давлатларгача етиб борган. “қора кофе” номли натюрморти эса Англиядаги шахсий коллекционер томонидан сақланиб келинмоқда. Рассом ижодига Ковалевская ижоди ҳам катта таъсир ўтказган.

Салимжонова рассомларнинг кекса авлодига мансуб бўлишига қарамай ханузгача ижод билан банд. З. Иноғомов, М. Саидов асарларини севади. Жаҳон санъати намоёндаларидан Ван Гог ижодида ўзгача хурмат билан қарайди.

Лайло Салимжонованинг ижоди оиласига ҳам таъсир қилган. Бунни рассомнинг ўғиллари Аҳмад Бобоев ижодида яққол кўриш мумкин. Улар киностудияларда рассом бўлиб, ишлашади. қизлари Лола Бобоева ҳам оналари касбини хурматлаб, дизайнерлик санъатини эгаллаган. Унинг ишлари АҚШ, ҳамда Париж кўргазмаларида намоёиш қилинган. Салимжонованинг Санжар исмли набираси ушбу рассомлар сулоласининг давомчиси бўлиш ниятида Республика рассомлик колледжида тақсил олмоқда. Оила бошлиғи Бахтиёр Бобоев эса машҳур ўзбек рассомларидандир.

“Келажакда қанча умр қолган бўлса, кўзим кўрганича чизаман. Рассом бўлганимга минг шукурлар қиламан. Ҳаёт қисқа экан, имконият борида ижод қилиб, қолиш керак. Рассомдан фақат ишлари қолади. Бу ишлар неча йиллар ўтса ҳам, қачондир ўз баҳосини топади. Ҳозир Уста Мўмин, В. Уфимцев асарларини топа олмайсиз. Бу каби кўлда ишланган асарлар юракдан чиқади.

Уларнинг баҳоси ошса – ошадики, асло камаймайди. Ван Гок ҳаётлигида ўз асарларини деярли биронтасини ҳам сота олмаган экан. Бироқ, бугунги кунга келиб унинг биргина асари 47 млн. долларга баҳоланиши юқоридаги гапимнинг исботидир. Рассомнинг баҳоси у ўлганидан кейин ошар экан. Лекин уни тириклигида ҳам сақлаш, хурмат қилиш керак” – деб айтган фикр – мулозалари ҳар қандай киши кўнглини санъатга яқинлаштиради.

Илҳом Жабборов

Илҳом Жабборов 1945 йили 30 июнда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманининг Тўқай қишлоғида таваллуд топган. 114 – расм.

У ўрта маълумотни олгандан сўнг 1961 йили тошкентдаги бадий билим юртининг театр бутафорияси бўлимига ўқишга киради. Билим юртида унга таниқли ҳайкалтарош Грищенко устозлик қилган. Бадий билим юртини тугатгач. Наманган театрида ижодий фаолиятини бошлади ва бир қатор спектакллари декоратив безагини яратди. Кўп ўтмай ўз билим ва малакасини такомиллаштириш мақсадида ўша даврдаги театр ва рассомчилик институтининг ҳайкалтарошлик бўлимига ўқишга киради. Бу ерда у таниқли ҳайкалтарош Анвар Ахмедовдан сабоқ олди.

Билим юрти ва санъат институтида таълим олган йиллардаёқ у ўзининг иқтидорини намоён этди. Унинг асарларида ранг – баранглик, композицияларнинг бойлиги яққол кўзга ташланиб турарди. Ўқишни тугатгач, у катта кўтаринлик билан ижодий ишларни бошлаб юборди. Натижада, унинг ижодида ўта турли – туман мавзудаги ҳайкаллар вужудга кела бошлади. Ҳайкалтарош бир қатор тарихий алломалар образини яратишга киришди. Булардан, “Ибн Сино”, “Фаробий”, “Навоий ва Жомий”, “Амир Темур”, “Ал – Фарғоний”, “Ғофур ғулом”, “Уруш йилларида” триптихидан Шамот кабилардир. Ҳайкалтарош турли композициялар, портретлар яратар экан, замонавий ҳайкалтарошликда ўз маҳоратини кўрсатди.

Мамлакатимизда эришилган мустақиллик санъаткорни янгиланиш, ўйғониш, ижодий камолот сари янада илхомлантирди. Бу ижодий камолат унинг 1992 йилда Амир Темури сиймосини яратиш борасидаги изланишларида ўз ифодасини топди.

Ҳайкалтарош соҳибқирон Темури образига мурожаат қилар экан, буюк саркарда ҳақидаги адабиётларни, миниатюра асарларини, рассомларнинг ишларини синчковлик ва қунт билан ўрганди. У бу ҳақда шундай деган эди:

“Амир Темури” образини яратиш орзуси менда илк бор бундан 25 йил аввал пайдо бўлган эди. Ўшанда Самарқанд шаҳрида бўлганимда тепамда худди улуғ бобомиз учиб юргандай туюлганди, қалбим эса ларзага келган эди. Самарқандга иккинчи марта борганимда Зарафшон дарёси бўйидаги тепаликнинг устида шох руҳи шаҳарни қўриқлаб тургандай кўз олдимга келди. Неча асрдан кейин етиб келдим, учиб келдим, деяётгандек эди. Тошкентдаги Амир Темурига бағишланган ҳайкалимнинг ғояси ҳам шу фикр – ўйлар, ҳаёлда туғилган образ асосида шаклланди. Темури 27 давлатга маданият олиб борган, золимларнинг додини берган, қаерда қўзғолон бўлса, бориб бостириб, тинчитиб келган. Ҳайкалдаги от жиловини маҳкам ушлаб туришнинг рамзий маъноси бор. Катта бир мамлакатда осойишталик, тинчлик гуллаб – яшнасин, деб тургандек ғоя илгари сурилган. 115 – расм.

Амир Темурига бағишланган бу асар ҳайкалтарошликнинг монумент турига киради. У сунъий тошдан ўйиб ишланган. Бу гўзал ҳайкал мамлакатимиз пойтахти – Тошкент шаҳрига ўрнатилган. Ҳайкалтарош Амир Темурининг шохона кийимларда, куч – қудратга тўла от устида тасвирланган. Шунингдек, Темурининг қўли билан ишора қилаётгани етти иқлим устидан ҳукмронликни, у ерда қилинган буюк ишларини, ўз қўли остидаги халқлар ўртасидаги умумийлик ва ҳамнафасликни билдиради. Монументни кузатиш орқали улуғ сиймо – Амир Темурининг буюк жасорати ҳаёлингиздан ўтади ва муаллифнинг

махоратига қойил қоласиз. Энди асар расмини кузатишда эътиборни қуйидагиларга қаратиш лозим:

- Асарнинг номи нима ва у қачон яратилган?
- Амир Темур ким бўлган?
- Асарда унинг сохибқирон эканлигини билса бўладими?
- Асар тасвирий санъатнинг қайси турига мансуб?
- Асар композицияси қанақа?
- Бу асар қаерга ўрнатилган?

Илхом Жабборовнинг яна бир машҳур асарларидан бири “Ал – Фарғонийдир”. 116 – расм. Асарни таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор беринг:

- асар қандай номланади?
- Уни ким яратган?
- Асар қачон яратилган?
- асарда ким тасвирланган?
- Ал – Фарғоний ким бўлган?
- Асарда унинг флакшунос олим эканлиги билинадими?
- Асар тасвирий санъатнинг қайси турига мансуб?
- Асар композицияси қанақа?
- Бу асарнинг қаерга ўрнатилган?
- Асар сизга ёқдими? Нима учун ёқди ёки ёқмади?

Асар монументал ҳайкалтарошлик турига мансуб бўлиб, у Фарғона шаҳрида ўрнатилган. Ахмад Ал – Фарғоний фалакшунос олим, астроном, математик ва буюк кашфиётчи бўлган. У яратган илмий асрлар ҳозирги кунда кўпгина давлатларнинг университет ва институтларида дарслик сифатида ўрганилади.

И. Жабборов ўзининг сермахсул асарлари учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1997 й) унвони билан тақдирланган. Кейинчалик

Ўзбекистон бадиий академиясининг академиги этиб сайланган. 2001 йилда ҳайкалтарошлик “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган. 1997 йилда унга Миллий рассомчилик ва дизайн институтида, кўплаб ҳайкалтарошлар тайёрлашдаги педагогик фаолияти учун профессор илмий унвони берилган.

Баҳодир Жалолов

Жалолов Баҳодир 1948 йилда Тошкентда таваллуд топган. 117 – расм. У дастлабки бадиий сабоқни Тошкентдаги П. Беньков номидаги бадиий бадиий билим юртида олган. Кейинчалик И. Репин номидаги рассомчилик, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик институтида ўқиган. Институтида битиргач, Тошкентга келиб, ижодий ишлар билан жиддий шуғуллана бошлади. Шу билан бир қаторда Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтида (Тошкент театр ва рассомчилик институти) ўқитувчилик қилган. Уни дастлабки муваффақиятли чиққан ишлари қаторига “Масҳарабоз Акром Юсупов”, (1974), “Кулол аёл ҳалқ устаси Ҳамро Раҳимова”, (1975), “Соня ва мангулик Ўрол Тансиқбоев хотирасига”, (1977), “Порлоқ эрта”. Рассом Ш. Абдурашидов хотирасига” (1980) каби ишларни киритиш мумкин. 118 – расм.

Б. Жалоловнинг кўпчилик ишлари тасвирий санъатнинг маҳобатли рангтасвир турига мансуб бўлиб, у бу йўналишда қарши мусиқали драма театри биносига (1981), Тошкентдаги киночилар уйига (1982), Туркистон саройига (1993), “Баҳор” концерт залига (1982), кўқон театри (1987), ва бошқа бир қатор ижтимоий ва маданий бинолар интерьерига деворий безак ишларини бажарган.

Дастгоҳли рангтасвирда яратган муваффақиятли ишлари қаторига унинг “Исфарада баҳор”, “Тоғ қишлоғи”, “Сўқмоқ”, “Афғонистон тонги” номли асарларини киритиш мумкин. 119 – расм.

Унинг сермахсул ижоди Алишер Навоий номидаги Республика давлат мукофоти билан тақдирланган. Миллий рассомчилик ва дизайн институтидаги

педагогик фаолияти учун унга профессор унвони берилган, Ўзбекистон Бадий Академиясининг академиги этиб сайланган.

Рассомнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан кадрланиб, унга Ўзбекистон халқ рассоми унвони берилган.

7 – БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТАСВИРИЙ САНЪАТИ

7. 1. Европада Уйғониш даври санъати

Уйғониш даври санъати унинг тарихидаги энг ёрқин саҳифалардан бири ҳисобланади. Уйғониш даври санъати деганда, яъни “Ренессанс” санъати тушунилади. “Уйғонитш” (“Ренессанс”) атамаси биринчи бор расмий тарзда XIV асрларда Италияда ишлатила бошланган. Фан ва санъатда “Мусулмон Ренессанси”, “Шарқ Ренессанси” иборалари ҳам расмий тарзда ишлатилиб, уни жаҳон маданияти ривожига қўшган буюк ҳиссаси эътироф этилмоқда.

Жаҳон маданиятидаги бу ҳаракатлар фалсафа, аниқ фанлар, санъат ва адабиётнинг барча йўналишларида пайдо бўлган. Шунинг ҳам қайд қилиш лозимки, Уйғониш Италияда расмий равишда шаклланган бўлсада, лекин унинг дастлабки аломатлари IX – XII, XV асрларда Марказий Осиё, Эрон, Хитой мамлакатларида пайдо бўлган ва фалсафа, аниқ фанлар, санъат ва адабиётда кўплаб юксак даражадаги асарлар яратилди. Уйғониш даврида яратилган асарларда инсонпарварлик ғояларини илгари суриб, қадимги Юнонистон ва Рим маданияти анъаналарини давом этдириш билан илм – фан ўртасидаги қарама – қаршиликларга барҳам бериш, кишиларнинг ақлий тафаккурини ўстириш каби қарашларни илгари срдилар.

“Уйғониш” сўзи ўша давр маданиятида энг гўзал, намуна қилиб олса арзийдиган қадимги дунё санъатига нисбатан қизиқиш ўйғотиши билан боғланган. Бу давр санъати – қадимги дунё санъатига таҳлид қилиш билан чегараланмай балки ундан ҳар томонлама фарқ қилади. Ўша даврдаги иқтисодий

ва ижтимоий туб ўзгаришлар кишиларда янги илғор дунёқарашни юзага келтирди ва у кўпроқ инсонпарварлик ғоялари билан боғлиқ эди. Уйғониш даври маданияти кишиларнинг онгини, уни дунёни билишдаги қобилятлари ниҳоятда катта эканлиги акс этдирар эди. Илм – фаннинг ривожини бу даврга хос хусусият эди.

Ўйғониш даври маданиятининг барча йўналишлари орасида санъат катта ўринни эгаллар эди. У аввалги каби дунёни, ерни, фазовий кучларнинг тузилишини билиш ҳақида тасаввур ҳосил қилишни ўз мақсади деб биларди.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, ўша давр одамларининг санъатга муносабатлари ниҳоятда юксак эди. Бу даврда санъат турлари орасида тасвирий санъат ва меъморчилик асосий ўринни эгаллаган.

Ўйғониш даврининг ватани Флоренция ҳисобланиб, унинг асосчилари рангтасвирчи Мазаччо, ҳайкалтарош Донателло, меъмор Брунеллески эдилар.

Мозаччо асарларида кишиларнинг қадри – қиммати, жисмоний қудрати ва гўзаллиги акс эттирилган эди.

Шунингдек, Мозаччо ва унинг шогирдларининг сувратларида ёруғсоя, ҳажм, перспектива, колорит масалаларига алоҳида эътибор бериларди. Италия рангтасвири ўша даврларда асосан маҳобатли рангтасвир йўналишда ривожланиб у асосан деворларга ишланарди.

Ҳайкалтарош Донателлонинг ижоди кўпроқ ҳайкаллар яратишда йўналишида ривожланди.

Меъмор Брунеллески меъморчиликни қадимги дунёчасига тушуниш лозимлигини илғари сурди. Шу билан бирга бу тушунчаларни ўрта асрлар давридаги тажрибалар билан уйғунлаштирди. У ўз асарларида бино қисмларининг ўлчовларига ва улар ўртасидаги мутаносибликка алоҳида берди.

Кейинчалик бу санъаткорларнинг ғояларини Жованни Беллини, С. Боттичелли, Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Жоржони, Тициан кабилар давом эттирдилар.

ХУІ асрнинг 30 – 40 йиллари Ўйғониш даврининг инқироз даври деб хисоблаш мумкин. Бу вақтларда рассом ва ҳайкалтарошлар Ўйғониш даврининг усталарининг ғоя ва услубларидан маълум мақсадда воз кечадилар ва у Нидерландия, Франция, Германия санъатига маълум миқёсда таъсир кўрсатди.

Бу давр рассом, ҳайкалтарош ва меъморлари ўзларининг перспектива ёруғсоя, анатомия, пропорция борасидаги кашфиётлари билан тасвирий санъатнинг ривожини янги босқичга олиб чиқдилар.

Тасвирий санъатда Уйғониш даври вакиллариининг ғоялари ва анъаналари кўшни давлатлар маданияти ва санъатига таъсир кўрсатди. У Нидерландия, Германия, Франция, Испания, Польша бадий маданиятида яққол намоён бўлди. Хусусан, Уйғониш даври санъати анъаналарининг рассом ва ҳайкалтарошларидан Ван Эйк, Ван Дер Гус, Паул Брейгел Катта, А. Дюрер, Ф. Клот, Ж. Гужонларнинг ижодида ўз аксини топди.

Уйғониш даври санъати ҳақида хулоса қилиб айтганда бу давр санъати ўзининг қаҳрамонона мазмуни, маҳобатли тили, умумлашма кучи билан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Бу давр санъаткорлари ўзлари яратган мукамал образлар ёрдамида идеал қаҳрамонларни ифода этувчи инсонларни куйлайдилар.

Уйғониш даври санъати илғор ютуқларни акс этдириб реалистик тарзда ҳаёт билан боғланган ҳолда ривожланди. Ўрта аср илоҳий қонун – қоидаларига нисбатан Уйғониш даври инсон ақл – идрокни қарама – қарши қўяди. Яна у азоб – уқубат ва итоаткорликка қарши, ҳаётга муҳаббат, фаоллик, кураш, инсонга ишонч ғояларини куйлайди. Кейинчалик жаҳон санъати тарихида биронта ҳам санъаткор Уйғониш даврининг рассомлари очган кашфиётлар ва ютуқларини четлаб ўта олганларича йўқ.

7. 2. Леонардо да Винчи

Леонардо да Винчи 1452 – 1519 йилларда яшаб ижод этди. У Италиянинг Винчи шаҳрида туғилди. 120 – расм. У рассомчилик билан бирқаторда кўп йўналишларда ижодий ишларни олиб борган. Хусусан, сайёралар ҳаракати, океан сувлари, қушларнинг парвози, товушларнинг қуёш ёруғлиғи таъсирида тарқалиши, ердаги ҳаёт тарихи ва одамзод ҳақида тадқиқот ишларини шулар жумласидандир. У тегирмон, қишлоқ хўжалиги машиналари, тунеллар, ўқиш аппаратлари борасидаги анчагина ижодий ишларни бажарди.

Санъат соҳасида Леонардо ҳайкаллар ҳам ишларди, меъморлик ҳам қиларди, мусиқа асбобини чаларди, шеърлар тўқирди, расм чизарди. Ҳаммасидан кўра у расм ишлашга жуда қизиқарди.

Дастлаб у Флоренцияга келиб рассом ва ҳайкалтарош Андреа Верокко кўлида ўқийди.

Унинг барча бадиий фаолияти бевосита илмий изланишлар билан боғлиқ эди. У ўзининг “Рангтасвир ҳақида трактат” номли китобида реалистик санъатининг бутун бир дастурини баён этган. Бу дастур кейинги давр рассомлари томонидан ривожлантирилди.

Леонардонинг кўпгина асарлари диний мавзуларда бўлса – да, бироқ уларнинг мазмуни янгича акс эттирилар эди. Хусусан, рассомнинг жўшқин билан тўлиб – тошган асарларида кишиларнинг ердаги ҳаётини лавҳалари, уларнинг мураккаб маънавий дунёси ва кечинмалари ўз ифодасини топарди. Леонардонинг кўпгина асарларида она образи акс этган бўлиб, уларда аёллар улуғланади.

Рассомнинг энг машҳур асарларидан бири “Махфий кеча” деб номланади. 121 – расм. Бу асар 1495 – 1508 йилларда яратилган бўлиб, унда Милан шаҳрининг Санта – Мария ибодатхонасида рўй берган фожеавий воқеа тасвирланади. Маълум бўлишича, ибодатхонада ўз устозларига умрбод содиқ бўлган шогирдлар орасида сотқин ҳам бор эди. Асарда авлиё Христ шу воқеани ўз шогирдлари билан биргаликда муҳокама этиши акс эттирилган эди. Рассом

сувратда инсонларнинг ҳис ва ҳаяжонларини ниҳоятда кенг, шу билан бирга ундаги образ ва деталларни бир – бирлари билан уйғун мувофиқлаштирган ҳолда яратади.

Рассом рангтасвирни меъморчилик билан боғланган ҳолда акс эттириб, композиция мазмунини янгичасига ҳал қилади. Бу эса томошабинда катта таасурот қолдиради.

Рассомни машҳур қилган асарларидан яна бири “Монна Лиза. Жоконда” деб аталади. 122 – расм. Асар 1503 – 1505 йиллар давомида яратилган бўлиб, ҳозирда у Париждаги Лувр музейида сақланади. Бу сувратда савдогар Жоконданинг хотини тасвирланган. У тахминан 500 йил илгари ишланган бўлса – да XX асрга келиб асар катта шов – шувларни келтириб чиқарди. Натижада миллионлаб томашабинлар Америка, Япония, Россияда ташкил этилган кўчма кўргазмаларида асарни бир минутгина кўриш учун кеча – кундуз навбат кутиб туришларига тўғри келди. Айрим одамлар сурагга қарата тўппончалардан ўқ отишга ҳаракат ҳам қилган эдилар. Шунинг учун асарнинг устки қисмини ўқ ўтмайдиган ойна билан тўсишга тўғри келди. Асар ҳақида юз томдан ортиқ асарлар яратилди.

XX асрнинг кишиларини асарадаги нима таажжубга соларди?

Назаримизда, ёш аёл юзидаги ҳис – туйғуларнинг ўзгарувчанлигидир. Хусусан, унда совуқ киноя, гоҳ ноз – карашма, гоҳ маъюслик, гоҳ самимийлик, гоҳ жиддий нигоҳни, гоҳ ишонарли даражадаги аниқлик, гоҳ яширинган қандайдир маънонини кўриш мумкин.

Бундай бир – бирига қарши руҳий ҳолатлар кишини ўйлашга мажбур этади.

“Монна Лиза. Жаконда” сувратини кузатганда, қуйидагиларга этибор бериш лозим:

- Суврат тасвирий санъатнинг қайси жанрига мансуб?
- Сувратдаги аёл қайси ёшларда бўлиши мумкин?

- Сувратдаги манзара қайси фаслга хос?
- Аёлнинг руҳий ҳолати қандай?
- Суврат композицияси сизга маъқулми?
- Сувратда ранг, ёруғсоя, перспектива қоидаларига қанчалик риоя қилинган?
- Рассом сувратдаги аёл образини тасвирлаб, томошабинга нима демоқчи?

Асар яна шу жиҳати билан мутахассис ва томошобинларда қизиқиш орттирадики, рассом ўзининг бутун умри давомида ишлаган барча асарларини сотган. Лекин “Монна Лиза. Жоконда” асарини доимо уни ўзи билан олиб юрган ва уни ҳеч қандай пул сотмаган. Рассом бу асарини ҳаёти давомида қайси мамлакатга бормасин уни доимо ўзи билан олиб юрган.

Рассом ўз ҳаётида жуда кўплаб юксак бадиий савиядаги асарлар яратди. Улар “Мадонна Бенуа”, “Мадонна Литга”, “қоядаги Мадонна”, “Гул ушлаган Мадонна”. “Оқсичқон ушлаган аёл” ва бошқалар шулар жумласидандир. 123,124 – расмлар.

Даҳо Леонардо да Винчининг асарлари кишиларни ўйлашга, гўзалликни тушунишга ва қадрлашга ўргатди. Унинг бетакрор ижоди барча давр рассомлари учун намуна ва тажриба макиабини ўтаб келмоқда.

7. 3. Микеланжело Буонарроти

Микеланжело Буонарроти 1975 йилда Италиянинг Капризе шаҳрида туғилган. 1594 йилда Римда вафот этган. 125 – расм. У дастлабки махсус таълимни устозлари Уйғониш даврининг буюк вакиллари ҳисобланган рассом М. Гирландайо ва ҳайкалтарош Бертольдо ди Жованнидан олган. У асосан маҳобатли ҳайкалтарошликда ижод қилиб, унинг асарларида инсон гўзаллиги, унинг қудрати, ҳаётдаги драматик ҳолатлар ўз аксини топди. Унинг илк

асарлари қаторига “Зинапоя олдида турган Мадонна”, “кентаврлар”, “Вакх хайкали”, “Исога мотам”, “Мадонна”, “Муқаддас оила” кабиларни киритиш мумкин.

Кейинчалик унинг яратган асарларидан “Давид”, “Бош кўтарган қул”, “Ўлаётган қул” каби асарлари озод инсон бўлиш, қуллик ва зулмга қарши кураш рамзи бўлиб қолди.

Ҳайкалтарошнинг “Ўлаётган қул”, “Бош кўтарган қул” номли ишлари папа Юлий II қабри учун тайёрланди. Унда курашдаги шиддат ҳам, заифлик аломатлари ҳам ўз ифодасини топган. У яратган асарлари орасида Флоренциядаги ибодатхона учун ишлаган меъморий ҳайкалтарошлик ансамбли (“Тонг”, “Кундуз”, “Кеч”, “Тун”). Римдаги авлиё Пётр ибодатхонасининг меъморий ансамбли, “Пьета Родданичи” каби ҳайкаллари диққатга сазовордир.

Макеланжелонинг “Давид” номли машҳур асари Флоренцияда озодлик ва мустақиллик тимсоли бўлиб қолди. 126 – расм. Давид душман билан курашиш учун тайёр турган шавкатли жангчи қиёфасида тасвирланган. Ўспирин йигит жанговор ҳолда турибди. қаҳрамон образида катта жисмоний қувват ва ички кўтаринклик ифодаланади.

У оёқда мустаҳкам турибди, боши душман томон қаратилган, қошлар қайирилган, лаблар қисилган, қалин сочлар пешонасида осилиб турибди. Бир қўлда тош, иккинчи қўлида палаҳмон. Бирон дақиқа ўтмасдан у тошни палаҳмонга солиб, айлантириб душман томон улоқтиради. Давиднинг кучини кўрсатиш учун Микеланжело ҳайкалини 5,5 метр баландликда ишлайди. Унинг бўйни, қўли, кўкраги, оёғидаги мускуллари бўрттириб кўрсатади. қаҳрамон тасвирида шафқатсиз куч ва ғалабага ишонч сезилиб турибди.

“Давид” мавзуси ўз мустақиллиги учун тўхтовсиз кураш олиб бораётган кичик бир қаҳрамонона шаҳар халқига яқин бўлиб, улар орасида кенг тарқалди.

Микеланжелонинг “Давид” ҳайкали уни ниҳоятда машҳур қилиб юборди ва папа Юлий II Рим шаҳрига уни ишга таклиф этди. Папанинг буйруғига кўра

хайкалтарош жуда кўп хайкаллардан ташкил топган йирик иншоотни курилишида иштирок этиши лозим эди. Микеланжело бу буюртма устида кўп йиллар ишлаган бўлса – да уни охирига етказа олмади. У бир нечта ўзаро боғлиқ бўлмаган асарларни ярата олди халос. Улар айримлари “Бош кўтарган кул”, “Ўлаётган кул” хайкаллари дир. 127 – расм.

Биринчи хайкалда кишанни узишга ҳаракат қилаётган кучли, ёш гўзал ёш йигит тасвирланган. Асарда кулликка қарши ғалаён ва ғалабага бўлган ишонч, букилмаган ирода йигитни мағрур юзида ва танасидаги ҳаракатларда ифодаланган. Мускуллардаги йирик, мисилсиз зўриқиш озодликка бўлган қаътий ҳаракатни янада кучайтириб юборади.

Иккинчи хайкалда курашда халок бўлаётган қаҳрамон образи ифодаланган. қаҳрамон катта куч қудратга, қувватга эга бўлишига қарамасдан у ноиложликдан вафот этади. Лекин у душман билан бешавқат курашди. Шунинг учун ҳам унинг ўлими ёрқин ва осойишта, хотиржам. Унинг юзларида азобланиш, дард белгилари сезилмайди. Ўсмирнинг гўзал танасида ўлим талвасаси олдидан рўй берадиган хунук, кўримсизлик белгилари йўқ. Бу хайкал орқали Микеланжело ҳаётдан ўлимга ўтиш даврини киши танасида моҳирлик билан кўрсата олган. Бироқ, ҳали танада ҳаракат бор, енгил нафас олаётган кўкраги кўтарилиб тушиб, оёқлар совуб, мускуллар қочиб, силлиқ кўринишга кирмоқда.

Микеланжелонинг ижоди инсонпарварлик, инсон қудрати ва унинг гўзаллигини тараннум этишда нафақат Уйғониш даври, балки ундан кейинги ижодкорларга ҳамнамуна бўлиб қолди.

7. 4. Тициан Вечеллио

Уйғониш даври рассомларидан яна бири Тициан Вечеллиодир. У 1476 – 1576 йилларда Венецияда яшаб ижод этди. 128 – расм. Уни замондошлари

рассомни “рангтасвиричилар қироли” ва “қироллар рангтасвиричиси” деб аташарди.

Рассом тасвирий санъатнинг кўпгина жанрлари – афсонавий, портрет, манзара, турмуш шунингдек диний мавзуларда асарлар яратган.

Унинг дастлабки асарлари қаторига “Ипколито Медичи”, “Папа павел III император Карл V нинг жиянлари билан бирга”, “Венера Урбанская”, “Карл V” каби портретларини киритиш мумкин. қарама – қаршилик ва мунозараларга бой XV асрнинг иккинчи ярмида Тициан драматизм билан тўлиб тошган буюк образлар яратди. “Христга аза тутиш”, “Авлиё Себастьян” шулар жумласидандир.

Рассом ижодида портрет жанри алоҳида ва катта ўринни эгаллайди. Айниқса унинг аёллар образини тасвирловчи асарлари ўзининг юксак бадиийлиги, нафосатга бойлиги билан ажралиб туради. «Лавина портрети», “Даная” “Кўзгу олдидаги Венера”, “Венера Урбанская” номли асарларда рассомнинг эстетик қарашлари намоён бўлади. 129 – расм.

Рассомнинг турмуш ва диний мавзулардаги “Ибодатхонага кириш”, “Христга аза тутиш”, “Европанинг ўғирланиши”, “Тобутга қўйиш”, “Тавба қилиётган Мария Магдалина” “Авлиё Себастьян” сувратлари Уйғониш даври санъатининг гултожи асарларидан бўлиб қолди. 130 – расм.

Рассом “қўлқоп кийган йигит” номли асарида Ўйғониш даври кишиларнинг типик образини тасвирлайди. Бу асарда ўзига ишонган жасур венециялик йигит образи акс этган.

Йигитчанинг жиддий қарашида ундаги оддий эркин ҳолат, қувват, ёшларга хос жўшқинлик кўзга ташланади. Жиддий тўқ рангдаги кастюм ва ок рангли кўйлак йигитчани оқсуяк задагонлардан эканлигини билдиради.

Ижодкор умрининг охири давларида яратган асарларида колоритга алоҳида эътибор берди. Улар рангдан – рангга ўтишда, нафисликда ўз ифодасини топди.

Тициан асарлари Ўйғониш давридаги Венеция рангтасвирининг энг яхши жиҳатларини ўзида акс этдирди. Бу асарларда ранг – баранг дунёни кўриш, ундан завқланиш, образларнинг ҳаётийлиги, кишиларнинг характери теварак – атроф билан, бошқа одамлар билан боғлиқ ҳолда тасвирлаш рассом ижодининг мазмун – моҳиятига айланди.

Тициан ўз ижодида ҳаёт қувончи ва унинг гўзаллиги, кишиларнинг бахтига ишонч ғояларини акс этдирди. Сувратларда рангларни бой, нозик ва барамона берилиши уни жаҳоннинг буюк рангтасвирчилари қаторига олиб чиқди.

Тицианнинг асарлари мазмуни ўзининг сербезаклиги бўлиши билан бирга композицияларида унинг қонун ва қоидаларига жиддий ёндошиш, айниқса ритмик тасвирларнинг бойлиги, шакл ва рангларни ҳаракатда ҳамда ҳажмли ифодаланиши билан бошқа рассомларни асарларидан ажралиб туради.

7. 5. Рафаэл Санти

Рафаэл Санти – Ўйғониш даврининг буюк рангтасвирчи рассоми. У 1483 йилда Италиянинг Урбино шаҳрида таваллуд топган. 1520 йилда Римда вафот этган. 131 – расм.

Рассом ва меъмор Рафаэл Санти дастлабки бадий таълимни ўша даврнинг машҳур рассоми Перужинодан ўрганган. У Ўйғониш даврининг энг сермахсул ижодкорларидан бири эди. Унинг ижодига инсонпарварлик, инсон гўзаллигини тараннум этиш, унинг мукамаллигини мадҳ этиш хос.

Рассомнинг дастлабки асарлари қаторига “Рицар уйқуси”, “Мадонна Конестабелс”, “Мариянинг никохи” кабиларни киритиш мумкин. Кейинчалик драматик мазмундаги “Тобутга қўйиш”, “Мадонна Грандука”, “Боғбон Мадонна” “Станца дейла Сенятура” каби асарлар яратиб, катта шуҳрат қозонди. 132 – расм.

Унинг портрет жанрида яратган асарлари унинг ижодида катта ўринни эгаллайди. Рассомнинг “Папа Юлий II”, “Кардинал портрети”, “Б. Кастилоне”, “Лев X кардиналлар билан” асарлари шулар жумласидандир. Ижодкор “Мадонна Альба”, “Мадонна ди Фолиньо”, “Мадонна Грандука” каби мадонналар портретлари орқали аёл гўзаллиги ва оналик туйғусини зўр маҳорат билан тасвирлайди.

Рассомнинг энг салмоқли ишлари Ватикан саройидаги маҳобатли рангтасвир асарларидир. Бу ерда ишланган асарлари асосан диний, фалсафа, ҳуқуқ, шеърият йўналишида бўлиб, ижодкорга катта шуҳрат келтирди. Бу мавзудаги сувратлари “Мунозара”, “Афина мактаби”, “Парнас”, “Ақл, мезон ва куч” деб номланади. Рафаэлийнинг бу туркумдаги асарларида озодлик, бахт – саодат, жисмоний баркамоллик ғоялари мужассамланган.

Рассомнинг диққатга сазовор бўлган энг юксак бадиий савияда ишланган ишларидан бири “Сикстин Мадоннаси” дир. У 1515 – 1519 йилларда яратилган бўлиб, ҳозирда Германиянинг Дрезден галериясида сақланади. Бу асарда рассом энг ва олий ёрқин инсонпарварлик ғояларини илгари суради. 133 – расм.

Суръатни кузатар эканмиз кўз ўнгимизда духоба парда очилиб, бола кўтарган осмондан пастга тушиб келаётган Мария намоён бўлади. Рассом асарини фазовий идеал образини ердан ташқарида булутлар устида тасвирлайди. Мадоннани авлиё Сикстин ва авлиё аёл Варваралар уни кутиб олмоқдалар. Мадонна Мария инсонларни сақлаб қолиш мақсадида ўз ўғлини қурбон қилиб уни икки фаришта орқали инсониятга тортиқ қилмоқда.

Асардаги бу мазмун Мадонна образида ўз ифодасини топган. Шунинг учун рассом аёл тасвирини композиция марказида улуғвор, гўзал ва муккамал тарзда ифодалайди. Асардаги ҳамма образлар ўзаро бир – бирлари билан мустаҳкам ҳолда тасвирланган бўлиб, уни томошабин биринчи нигоҳдаёқ билиб олади.

Хусусан, асарни кузатган одамнинг биринчи нигохи Мария орқали Сикистинга ва кейин унинг қўли ва нигохи ҳамда ҳаракатлари орқали томошабинга ундан яна Мадоннага, сўнг Мадонна кийимининг чекка кираларига ва Варвара нигохи уни пастга, икки фариштага йўналтиради, уларнинг нигохи яна Мадоннага томон бориши билан кузатиш ҳаракати тугалланади.

Рафаэль Мадонна образида кўпгина мураккаб ҳис туйғулларни ифодалайди. Мария юзида ғамгинлик тўлиб тошган бўлсада, бироқ у тиниқ ва хотиржам кўринади. Унинг ғамгин чехрасида, катта очилган кўзларида ўғлининг азобларини ҳис этаётгандек бўлади. Шу билан бир қаторда катта қурбонлар қилишга қодир шахснинг чехраси ҳис этилади. Асарда Мадоннанинг чексиз ички ҳиссиётлари унинг жиддий, бироқ ёрқин гўзаллиги билан ҳамоханг тарзда қўшилиб кетган.

Рафаэль Уйғониш даврининг даҳоларидан бири сифатида санъат тарихиди ўчмас из қолдирди. Унинг ижоди кейинги авлод санъаткорлари учун маёқ вазифасини ўтамоқда.

7. 6. Рубенс Питер Пауэл

Машҳур финланд рассоми П. П. Рубенс 1577 йилда Германиянинг Зиген шаҳрида туғилган. 1640 йилда Антверпенда вафот этган. Дастлабки бадий сабоқларни бир қатор манеризм оқимида оид манзарачи рассомлардан олган 134 – расм.

1600 – 08 йилларда Италияга келиб, Мекеланжелло, Рафаэль, Кароважо асарларини синчиклаб ўрганган, уларни ишларидан нусхалар кўчирган. Кейинчалик у Фландрияга қайтиб ҳукумдорлар саройида рассом лавозимида ишлаган.

Унинг бу вақтда яратган асарларидан Европа Ўйғониш даври ва миллий реалистик анъаналар таъсирида бўлганлиги сезилади. Рубенснинг дастлабки

асарлари ҳисобланган “Бутдан олиш”, “Бутни ўрнатиш”, (1600 – 1614), “Дахшатли суд” (1600 – 1616), “Тош ташувчилар” (1620), “Тўнғиз ови” (1618 – 1620) “Ер ва сув иттифоқи” каби асарларида ўша даврда санъатида қабул қилинган қоидалардан четга чиқиб, янги бадиий шакллар асосида асарлар яратиш сезилади. 135 – расм.

Рассом ижодининг гуллаган даврида яратган асарларида инсон ва табиат гўзаллиги акс эттириш асосий ўрини эгаллаган. Бундай ишлар қаторига мифология жанридаги “Персей ва Андромеда” (1620 – 1621), тарихий – алегорик йўналишдаги “Мария Медичининг тарихи” (1622 – 1625), деҳқонлар ҳаётидан “Ўроқчиларнинг даладан қайтиши” (1635 – 1640), “Левкипп қизларининг ўғирланиши” (1615 – 1617), “Уч гўзал” (1638 – 1640) “Шер ови” сувратларида баракко санъатига хос дабдабалилик, хашаматдорлик сезилади 136 – расм.

Рассомнинг табиат гўзаллигини ифодаловчи “Камалакли манзара”, “қуёш ботишидаги манзара” каби асарларида унинг эстетик қарашлари акс этган.

Унинг кўпгина асарлари жаҳоннинг йирик музейларидан бўлмиш – Лувр, Мадрид, Мюнхен, Дрезден сувратлар галериясида авайлаб сақланмоқда.

Рассом ижоди жаҳон тасвирий санъатида асосий ўринлардан бирини эгаллаб, унинг ривожига катта таъсир кўрсатган.

7. 7. Рембрант Ҳарменс ван Рейн

Машҳур Голландиялик рассом Х. Р. Рембрант 1606 йилда Голландиянинг Лейден шаҳрида тегирмончи оиласида таваллуд топган. 1669 йилда Амстердамда вафот этган. 137 – расм.

У дастлабки бадиий маълумотни 1620 – 1623 йилларда Лейден университетида ва маҳаллий рассомдан олган. Кейинчалик у 1623 йилда Амстердамдаги бадиий ўқув юртига кириб, ўз маълумотини оширган.

Рассом рангтасвирнинг потрет, турмуш, натюрморт, мифология, тарихий жанрларида асарлар яратган.

У ўз асарларида меҳнаткаш ҳалқининг ҳаёт лавҳалари, табиат манзараларини, кишиларни ички кечинмаларини ифодалашда ранглардан моҳирона фойдаланган.

Рембрант асарларининг сони ниҳоятда кўплиги сабабли уларнинг барчасини кўрсатиб ўтишнинг имкони йўқ. Унинг машҳур сувратлари қаторига “Доктор Тюлпнинг анатомия дарси” (1632), “Саския билан автопортрет”, “Даная” (1636), “Тунги дозор” (1642), номли ишларини киритиш мумкин. 138 – расм.

Унинг сўнгги йилларида яратган “Вирсавия” (1654), “Муқаддас оила” “Адашган ўғилнинг қайтиши” (1668 – 16669), (1645), “Яхудий келини” (1668), “Ассур, Аман ва Эсфир” (1660) асарлари ўша давр рассом ҳаётидаги қарама – қаршилиқ, тушкунлик кайфиятлари асосида қурилган. 139 – расм.

XVII аср ўрталарида яратилган рассом асарлари демократия анъаналаридан узоқлашган Голландия буржуазияси талабларига қарама – қарши бўлган. Унинг асарларида кўпроқ ватанпарварлик, миллий озодлик ҳаракати ғоялари илгари сурилган. Бошқа бир қатор сувратларда меҳнат аҳлининг кўрки, кишиларнинг маънавий бойлиги каби ахлоқий масалалар акс этдирилади.

Рембрант ҳақида тўхталганда унинг ижодини бизнинг мамлакатимиз билан алоқадорлик жойи ҳам борлигини қайд қилиш лозим. Хусусан, унинг соҳибқирон Амир Темур тахтда ўтирган кўринишини тасвирловчи расми (эскизи) ҳам бор. Айрим санъатшунослар уни рассом Шарқ мавзусидаги биронта композицияси учун тайёрлаган бўлса керак деб тахмин қилишади. Рассомнинг бебаҳо ижоди реалистик рангтасвирининг ривожига улкан ҳисса қўшган.

Рассом ҳаётининг охирги йилларининг оғир кечиши, яъни унинг ўғлининг бевақт вафот этиши таъсирида ижодий ишларининг тўхтаб қолиши ва натижада

қарзлари кўпайиб, ховли жойини қарзи эвазига берилиши унинг вафотига сабаб бўлади.

Рембрантнинг бебаҳо асарлари жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари музейларида аввайлаб сақланади. Хусусан, улар Дрезден сувратлар галерериясида, Эрмитажда, Амстердам давлат музейида, Луврда, Москвадаги Пушкин номидаги тасвирий музейида бор.

8 – БОБ. ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ ОҚИМ ВА ЙЎНАЛИШЛАР

Ҳозирги замон жаҳон тасвирий санъати тез ва турли оқим, ҳамда йўналишларда ривожланмоқда. Лекин бу жараён ҳамма мамлакатларда бир хил кечмоқда деб бўлмайди. Бир мамлакатда реализм, бошқасида импрессионизм, яна бошқасида абстракционизм шуҳрат қозонмоқда.

Умуман эса XIX аср охири ва XX аср тасвирий санъати тараққиётида Франция, Мексика, АҚШ, Испания, Россия каби мамлакатлар етакчилик қилмоқдалар. Жаҳоннинг илғор тасвирий санъати вакилларида франциялик П. Гоген, О. Ренуар, А. Матисс, О. Роден, Испаниялик П. Пикассо, Америкалик Р. Кент, Мексикалик Д. Сикейрос, Д. Ривера, Италиялик Р. Гуттузо, Россиялик И. Шишкин, С. Коненков, И. Репин, И. Айвазовский, Ўзбекистонлик Ў. Тансиқбоев, Ч. Ахмаровларни кўрсатиш мумкин. Бу ва бошқа бир қатор рассомлар тасвирий санъатининг асосий оқимлардан ҳисобланган реализм, романтизм, импрессионизм, формализм каби оқимларда ижод қилмоқдалар. Бу йўналишларда юксак бадиий савиядаги асарлар яратилди. Улар П. Пикассонинг “Шар устидаги қизча”, Уч мусиқачи (Испания), Салвадор Далининг “Уруш қиёфаси”, Р. Кентнинг “Ноябр ойидаги Шимолий Гренландиянинг кўриниши”, Э. Уорхолнинг “Автопортрет”, А. Позднеевнинг “Театр кишилари” (Россия), С. Алибековнинг “Дўппили автопортрет” (Ўзбекистон), Д. Сикейроснинг “Янги

демократия”. Мехикодаги миллий кадрлар тайёрлаш мактаби деворига ишланган сувратларидан; С. Далининг “Мадонна Порт – Лигат” (Мексика), П. Гогеннинг “Кечув”, О. Ренуарнинг “Жанна Самара” портрети, А. Матисснинг “Идиш ва мевалар”, П. Сезаннинг “Пентуазадаги тегирмон манзараси” (Франция), И. Шишкиннинг “Буғдойзор”, С. Коненковнинг “Поганини” (Россия), Ван Гогнинг “Адирдаги ўрим – йиғим”, О. Роденинг “Мутаффакир” (Франция), И. Айвазовскийнинг “Тўққизинчи вал” (Арманистон), Р. Гуттузонинг “Саҳродаги отиш”, “Худо бизга ёр” (Италия), Д. Риверанинг Халк маорифи вазирлиги биносига ишланган фрескалар (Мексика), Ири Моруки, Тосуки Морукиларнинг “Херосима фожеалари” (Япония), И. Репининг “Садко” (Россия), А. Лентуловнинг “Зангори қувача ва мевалар” (Франция), Уста Мўминнинг “Чўпоннинг туши”, Р. Ахмедовнинг “Тонг”, “Оналик” (Ўзбекистон) асарларидир.


Юқорида қайд қилганидек ҳозирги замон тасвирий санъати нихоятда турли туман оқим ва йўналишларда ривожланмоқда. Шундай оқимлардан бири реализм оқимдир.

Реализм ибораси кенг маънода ҳаётни тўғри, ҳақиқатда қандай бўлса шундайлигича ўзига хос бадиий шакллар ёрдамида тасвирлашни назарда тутди ва у XIX аср ўрталарида Францияда пайдо бўлди. Реализм фотография каби борлиқни кўчириш эмас, балки уни ифодалашга ижодий ёндошиб, ҳаётдаги энг характерли, қизиқарли кўринишларни танлаб олиш, шу асосда асарлар яратишдан иборат эди. Реализмнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши рассомлардан Домье, Курбе, Репин, Гуттузолар катта роль ўйнайдилар. Реализм оқимида яратилган асарларнинг ёрқин намунаси Америкалик рассом Р. Кентнинг “Ноябр ойидаги Шимолий Гренландиянинг кўриниши”, Хитойлик рассом Чжао Пэйчжининг “қийғоч гуллади”, россиялик ҳайкалтарош С. Коненковнинг “Поганини” каби сувратлари мисолида кўриш мумкин. Р. Кентнинг Москвадаги А. С. Пушкин номидаги тасвирий санъат музейида

сақланаётган “Ноябр ойидаги Шимолий Гренландиянинг кўриниши” номли сувратида Американинг Шимолий Шарқидаги Шимолий муз океани ва Атлантика океани яқинидаги оролнинг бир чеккасининг кўриниши тасвирланган. 108-расм. Унинг мазмунида бу совуқ иқлимли жойларнинг ўрганиш учун борган тадқиқотчиларнинг яшаш шароитлари ва океаннинг кўриниши ўз аксини топган.



108-расм. Р. Кент. Ноябр ойидаги Шимолий Гренландия



109-расм. С. Коненков. Поганини

Ҳозирги замон ҳайкалтарошлик санъатининг ёрқин намунасини сифатида машҳур рус ҳайкалтароши С. Коненковнинг “Поганини” портретида кўриш мумкин. 109-расм. Поганини XIX аср иккинчи ярмида Италияда яшаб ижод этган скрипкачи ва композитор ҳисобланади. Мазкур асар 1956 йилда дарахт шох ва илдизларини қайта ишлаш орқали яратилган. Асар шунчалик муваффақиятли ишланганки, ҳайкалтарошнинг фантазияси ва қобилиятига қойил қолмасдан иложи йўқ.

Сувратда ижрочини шарт бўлган асосий қисмлари ҳисобланган боши, кўллари, шунингдек скрипкаси акс эттирилган. Ҳайкалдаги скрипка уни камони, скрипкачининг умумий ҳолати, бармоқларнинг, сочларининг, унинг юзидаги ҳиссиётларга тўла кўриниши фақат Поганинига хослиги яққол сезилади. Ҳайкал рангсиз, ташландиқ ёғоч парчаларидан ишланган бўлсада кишига моҳир скрипкачи ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилади.

Мазкур ҳайкал орқали томошабинлар моҳир скрипкачига нисбатан ўзининг юксак ҳурматини акс эттиради. Ҳайкал Москвадаги рассомлар уюшмаси биносидан сақланади.

Реалистик рангтасвир оқимида яратилган ишлардан яна бир хитой рассоми Чжао Пейчжининг “қийғоч гуллади” номли натюрмортидир. Мазкур иш 1980 йилда яратилган бўлиб, уни ишлашда рассом кумуш рангли фолга, тухум пўчоғи, садаф увоклари ва лакдан фойдаланган.

Сюрреализм – француз тилидан олинган бўлиб, ўрта реализм деган маънони билдиради. Дастлаб у адабиётда XX асрнинг бошларида Францияда пайдо бўлиб, кейин у санъатнинг бир қатор турларига ўтган. Бу оқим вакиллари санъатда ақл – заковат, мантиқ, эстетик ва ахлоқий ҳиссиётларни тасвирлашга қарши чиқарилади.

Улар ғояларида ақлий фаолиятдаги ва жамият ҳаётидаги шаклланган тизимни тубдан ўзгартиришни даъво қиладилар. Бу оқим вакиллари ижодкор

онгига илк бор келиб қолган сўз, ғоя, фикр, турли тасаввурларнинг дастлабкиси, кутилмаган ҳолатдаги шакли асарнинг асоси бўлиши керак деб ҳисоблаганлар. Бу оқимга исёнкорлик руҳидаги, ҳаётдаги тартиб ахлоқий қоидаларни маъқул кўрмайдиган, жамиятни ўзгартириш ғоясида юрган ижодкорлар қўшилишган.

Импрессионизм оқими XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлиб, уни вакиллари реал борлиқни ҳаракатда, ўзгарувчанликда, ҳаётнинг қисқа дақиқаларини ҳаётий тасвирланиши ғоясини илгари сурганлар.

Импрессионизм – французча бўлиб, “таасурот” сўзидан келиб чиққан. XX асрнинг иккинчи ярмида француз рассомларидан Э. Мане, О. Ренуар, Э. Дега кабилар бу оқимга асос солдилар. Улар ўз асарларида мавжуд ҳаётдаги мураккабликларни ва тоза ва осон идрок этишга ундадилар. Уларнинг асарларига деталларнинг мувозанатда бўлиши, композицияни бўлақлардан ташкил топиши, одам қоматларини рама билан кесилгандек кўринишида тасвирлаш хос эмас. Бу оқимда кейинчалик рангтасвирчи К. Моне, ҳайкалтарошликда эса О. Роден, П. Гоген, С. Дали, П. Пикассолар ижод қилдилар.

Ана шу оқимда яратилган машҳур асарлардан бири Пабло Пикассонинг “Шар устидаги қизча” номли сувратидир.

С. Далининг “Уруш қиёфаси”, О. Ренуарнинг “Жанна Самара портрети”, Э. Уорхолнинг “Автопортрет”, Л. Гавиранинг “Экология”, П. Гогеннинг “Кечув” каби сувратлар импрессионизм оқимидаги ёрқин асарлар намунаси.
110-111-расм.



110-расм. Сальвадор Дали. Уруш киёфаси.



111-расм. Жанна Самара портрети.

С. Далининг “Уруш қиёфаси” номли сувратида, рассом киши бош суяги тасвири орқали урушни одамзодни қандай қиёфага олиб келиши мумкинлигини образли тарзда ифодалайди.

Импрессионизм оқимидаги асарлардан яна бири ўзбек рассоми С. Алибековнинг “Дўппили автопортрет” номли сувратидир. Асар 1986 йилда яратилган 112-расм.



112-расм. С. Алибеков Дўппили автопортрет

Бу асардан тамошабин қандай таасурот олиши мумкин. Бу таасурот кўпроқ реалистик рангтасвирдан фарқли ўлароқ турли деталларнинг (дўппилар, қуш, кул, гул, табиат, рассом ва аёл бошлари ва бошқалар). бетартиб жойлашуви, бироқ улардаги ниҳоятда ёқимли ва тоза ранглار кишига завқ бағишлаши билан боғлиқдир. Бу деталлар ўртасидаги умумийлик ва уларни боғлаб турувчи жиҳати шундан иборатки, унда рассом, аёл, қуш, гул, дўппи, улар ўртасидаги муҳаббатни билдириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу мақсадда рассом қизил рангдаги мато орқали уларни бир – бирига боғлашга қилади.


“Постимпрессионизм” оқими Францияда импрессионизмдан сўнг XIX охири XX аср бошларида пайдо бўлди. У санъатда асарларида бадий шаклларнинг маълум қонуниятлар асосида яратиш, фазовийлик, хажм, декоративлик, стилизацияга мутахасислар эътиборини қаратди.

Постимпрессионизмнинг етакчиларидан бўлган П. Сезанн дунёни маълум қонуниятлар асосида тузилганлигини, унинг моддийлиги ва буюмлигини очишга ҳаракат қилган. П. Сезанн билан бир вақтда ижод қилган голландиялик рассом Ван Гогнинг эҳтиросли ижтимоий қарашлари, кескин, шиддат, хаяжон билан тасвирий техникада яратган асарларида ўз ифодасини топди. У ўз орзуларини турмуш ва афсонавий мавзулардаги сувратларда кишилар ва табиат бирлигини ифодалашга ҳаракат қилди. Унинг ижодий изланишлари символизм ва модерн стилини пайдо бўлишига йўл очиб берди. Уни янада тараққий этишда Гогеннинг М. Дени, П. Боннар исмли шогирдлари катта хисса қўшдилар.

Постимпрессионизм оқимининг яна бир йирик вакилларида бири А. Тулуз – Лотрек эди. Унинг суврат ва график ишларида актёрлар, циркчилар, ошхона ходимларининг ҳаёти ўткир ифодали композиция, расм, ранг, доғ ёрдамида кинояли қилиб тасвирланар эди.

Постимпрессионизм оқимида неоимпрессионизм французча “ажратиш” маъносида ва пуантилизм (французча “нуқта”) ҳам киритилади. Бу оқим Ж. Сёра, П. Синьяк, К. Писсарролар нуқта ёки квадратлар ёрдамида тасвирий шаклларни ифодалаганлар.

Пуантилизм оқимида ўзбек рассомларидан З. Ислоншиков ҳам ижод қилади. Рассомнинг “Шоҳимардон” номли асари шу оқимда яратилган. 113-расм.



113-расм. З. Ислоншиков. Шоҳимардон

Романтизм ҳам тасвирий санъатдаги оқимлардан бири. У ХУІІІ аср охири ХІХ асрнинг биринчи ярмида Европа ва Амеика маданиятидаги ғоявий ва бадий йўналишидир. Бу йўналишнинг асосида маънавий – ижодий эркинлик, кучли эҳтирос ва шиддатларга талпиниш, миллий маданият ва ҳалқ оғзаки ижоди мурожаат этиш, узоқ юртларга ва ҳалқларга интилиш ғоялари ётади. У тасвирий санъатда ниҳоятда ёрқин ифодасини топди.

Романтизм мактаби Францияда шаклланган. Унинг тасирини рангтасвирчи рассомлардан Т. Жерико, Э. Делакруа, шунингдек, И. Репин, Ф. Рюд, К. Брюлов, И. Айвазовский кабиларнинг ижодида кўриш мумкин. Уларнинг асарларида ғалати, кутилмаган ўткир драматик ҳолатлар, хусусан, инқилобий курашлар, тарихий ўтмиш, қаҳрамонона афсоналар, шарқнинг кизиқарли кўриниши ва воқеалари ифодаланар эди. Француз романтиклари ўз асарлари учун эҳтироси кучли характердаги кишиларни танлаб олишар эди.

Бу оқим яратилган машҳур асарлардан бири рассом К. Брюловнинг “Помпейнинг сўнгги куни” ҳисобланади ва у 1827 – 1833 йиллар давомида яратилган. Унга Италиянинг Помпей шаҳрида ер силкиниши натижасида рўй берган воқеа асос қилиб олинган. 114-расм.



114-расм. К. Bryullov. «Pompeyning so`nggi kuni».

Бу воқеа натижасида 30. 000 аҳолидан 2. 000 киши ер остида қолиб кетгани ҳақида маълумотлар бор. Сувратда ер силкиниши натижасида шаҳарликларни бу воқеадан саросимага тушиб, ундан қутулиб қолиш учун ҳаракатлари ифодаланади. Асарнинг асосий ғояси табиатнинг бешафқат инжиқликлари ва унга қарама – қарши бўлган кишилардаги гўзаллик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги зиддиятдан иборат. Буни суратнинг чап томонида сағана зинапоялари атрофида тўпланган фигуралар гуруҳида кўзга яққол ташланади.

Асарнинг биринчи планида учта кишилар гуруҳи бор Биринчиси икки ўғил ўзларининг касал оталарин кўтариб қочяптилар, иккинчисида она ва бола. Ниҳоятда учинчиси ёш эр – хотинлар тасвирланганлар. 114-расм.

Асар марказида зинапоядан йиқилиб, ўзини йўқотган она ва гўдак тасвирланган. Бу тасвирда эскилик, қариликнинг ҳалокати ҳамда янгилик ва ёшликнинг ривож ифодаланган.

Бу ғоя том устидан йиқилаётган хайкал, будпараст ва христиан рухонийлар тасвирида ҳам кўзга ташланади.

Асарда К. Брюлов суратнинг чап юкори бурчагида ўзининг расмини бошига этюдникини қўйиб олган ҳолда тасвирлаган. У Помпей рассомнинг ҳалокатдан ўзини олиб қочишдаги ҳаракатини билдиради.

Романтизм окимида асарлар яратган график ўзбек рассомларидан бири А. Циглинцевдир. Унинг кўпгина юксак бадий асарлари орасида “Абу Али ибн Сино буюк аллома” номли туркум асарлари диққатга сазовордир 147 – расм. У 1980 йилда линогравюра техникасида яратилган бўлиб. “Китоб билим манбаи”, “Устоз ва шогирд”, “Жарроҳлик” мавзуларига бағишланган. Бу асарларнинг биринчисда математика ва астронмия фани, иккинчисида мусиқа ва учинчисда жарроҳлик жараёни акс этган. Уларнинг уччаласида ҳам устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатлар баён этилади. Бу триптихни мустақил кузатганда эътиборни сувратлардаги мазмун, улардаги кишилар, уларнинг ўзаро мулоқоти, тасвирланган нарсалар ва уларнинг тасвирланишларининг сабаблари, тасвирланган воқеа ва кўринишларни қайси даврларга хослиги, воқеа содир бўлаётган жой, йилнинг фасли ва куннинг вақтига қаратилади.



115-rasm. А. Циглинцев. “Ibn Sino – buyuk alloma” seriyasidan.


Шунингдек, асарлар композицияси, унинг ифодалилиқ воситалари, ундаги тасвирларнинг ўлчовлари, ўлчов нисбатлари, ёруғ, соя, ёруғсоя нисбатлари, рассом маҳоратини ҳам унутмаслик лозим.

Кейинги йилларга тасвирий санъатда кенг тарқалган оқимлардан бири формализм ҳисобланади. Бу оқимда мазмунга қараганда шакл (форма) устивор ҳисобланади. Бу оқимда ягона энг қимматли бадиий элемент сифатида шакл тан олинади ва рассомлар ўз асарларини геометрик шакллар ёрдамида ёки унга асосланган ҳолда тасвирлайдилар. XX аср бошларида Европада пайдо бўлган бу оқимнинг тараққиёти натижасида футуризм, экспрессионизм, кибизм, абстракционизм каби йўналишлар пайдо бўлди.

Абстракционизм лотича мавҳум деган маънони англатади. У XX асрда пайдо бўлиб, унинг вакиллари дастгоҳли рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва графикада нарсалар ва ходисаларни реал тасвирлашдан воз кечдилар. Бу санъат бадиий асарни ҳаётни билишдаги аҳамиятини инкор этади. У 1910 йилда пайдо бўлиб, жамоатчилик дидларига қарши алоҳида шахсларнинг санъатга муносабатларини билдиради. Бу санъат туридаги сувратларда доғ, ҳажм, чизиқларнинг тартибсиз ҳаракати тасвирланади.


Абстракционистларнинг дастлабки вакиллари В. Кандинский (рус), Саймур Ликтон, Дейвид Смит, Жексон Поллока (америкалик), Пьер Сулажа (француз), Карела Аппела (голланд) эдилар.

Бу оқимдаги асарлардан бири 1988 йилда яратилган бўлиб, у А. Райтбурднинг “Авлиё Антонининг васвасаси” деб номланади. 116-расм. Сувратда тушуниб бўладиган ва тушуниб бўлмайдиган шакл, ранг, кўриниш ва воқеалар тасвирланган.



116-rasm. A. Райтбурд. Авлиё Антонининг васвасаси

Абстракционизм окимида фақат рассомлар эмас, ҳайкалтарошлар ҳам ижод қилганлар. Бу борада О. Цадкиннинг “Композиция” деб номланган асари диққатга сазовордир. 117-рasm.



117-рasm. О. Цадкин “Композиция”

Классицизм – лотинча сўз бўлиб, “Намунавий” деган маънони билдиради ва у ХУП – ХІХ асрларда Францияда шаклланди. Бу оқим вакиллари ўз ижодлари учун қадимги дунё маданияти ва санъатини ўзлари учун намуна

килиб олдилар. Бу оқимда яратилган асарларда мазмунни мантикий ривожланиб бориши, композицияда мувозанатни аниқ ифодаланиши, зих чизикни умумлашган равон бўлиши, хажмни аниқ андоза асосида ифодалаш талаб этилади. Ранг эса ғояни ифодалашда ёрдамчи вазифани бажариши лозим эди. Бу оқим вакилларида Н. Пуссен, К. Лоррен, А. Менчс, А. Лосенко кабиларни кўрсатиш мумкин. 118-расм.



118-rasm. Пуссен. Ринальдо ва Армида.

Символизм – XIX аср бошлари – XX асрда шаклланган Европа ва Америка санъатидаги оқимдир. Бу йўналишдаги рассомлар ижодининг асосини символли – образ ташкил этади. Бу символлар турли маънони билдириб, асарда яширинган ҳолда ифодаланади. Айниқса дунёни бошқараётган сирли ғайритабиий мистик кунлар асарда асосий ўринни эгаллайди. Бу оқим вакиллари рангтасвирчи Франциялик П. Шаванна ва Германиялик Х. Маре, А. Фейербах эдилар. тасвирий санъатда 1860 – 1880 йилларда Франция ва Германия рангтасвирида шаклланди. Улар рангтасвирчи Франциялик П. Шаванна ва Германиялик Х. Маре, А. Фейербах эдилар.

Кубизм XX асрнинг биринчи чорагида Францияда пайдо бўлди. У хандасий шакл – куб сўзидан келиб чиққан бу йўналишдаги рассомлар реалистик санъат анъаналаридан воз кечиб, реал предмет шакллари хандасий

шакллар – куб, шар, цилиндр, конус ва уларнинг қўшилмасидан ҳосил бўлган шакллар ёрдамида тасвирлар эдилар. Бу йўналишдаги санъат намоёндаларидан П. Пикассо, Ж. Брак, Х. Грис, А. Лентулов кабиларни кўрсатиш мумкин.

Кубизм оқимида оид ва характерли ишлардан бири 1987 йилда яратилган А. Позднеевнинг “Театр кишилари” деб аталади. 119-расм. Уни синчиклаб кузатилганда суврат мазмунидаги ҳар бир детал у ёки бу хандасий шакл асосига қурилганлигини кўриш мумкин. Бу нарсаси асосан кубизм оқимидаги рассомлар ижодига мансуб. қани, бир ўйлаб кўрин – чи? Театр артистлари нечта ва улар қандай ишлар билан машғул. Асар композицияси мақсадга мувофиқ тузилганми? Суратда ранглар тўғри танланганми? Асар ҳақида ўз таассуротингизни билдиринг.



119-расм. А. Позднеев Театр кишилари

Футуризм – лотинча “футурм” сўздан олинган бўлиб, келажак маъносини билдиради. Бу оқим вакиллари “келажак санъати” ни яратиш мақсадида анъанавий маданиятни, унинг барча ахлоқий ва бадиий моҳиятини инкор этдилар, катта шаҳарни машиналашган ютуқларни, уларнинг ҳаракати,

куч – қувватини улуғладилар. Футуризм тасвирий санъатда ўз мазмуни билан кубизмга жуда яқин туради. Футуристлар ўз асарларида шаклларнинг кесишуви, сурилиши, тўқнашувларини, мотивларни кўплаб қайтарилишини ифодалар эдилар. Бу билан улар томошабинда замонавий шаҳарлардаги шиддатли ҳаракатни тасвирини кўрмоқчи бўлдилар. Футуризм биринчидан бор Италияда пайдо бўлиб, унинг асосчиси Филиппо Маринетти ва Уго Боччони, Карло Карра эдилар. Бу оқим Европадаги бир қатор мамлакатларда кенг тарқалди.

Футуризм оқимида яратилган асарлардан бири сифатида германиялик рассом Ш. Хубернинг “Тўкин – сочинлик жамиятидаги иш” номли сувратни кўрсатиш мумкин. Асар 1987 йилда яратилган бўлиб, у орқали футуризм оқимининг ғояларини осон тушуниб олиш мумкин.

Примитивизм – “примитив”, яъни содда маъносин билдиради. У XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлган тасвирий санъатида тасвирий воситалар атайлаб жўнлаштириб, ибтидоий, ўрта асрлар, халқ санъати, болалар ижодига яқинлаштириб асар яратишдир.

Примитивизмнинг пайдо бўлиши буржуа санъатда ижодкор томонидан ҳаётни реал акс этдиришдан узоқлашуви, шунингдек, Европада XVI асрдан бошлаб шаклланган турли бадиий услублардан воз кечиш йўлидан ҳаракатлар билан боғлиқ.

Касбий махсус маълумот олмаган, осон тасвирий воситалардан фойдаланиб сувратлар яратган рассомлар қаторига франциялик А. Руссо, грузиялик Н. Пиросманашвили кабиларни киритиш мумкин. Бу оқимда яратилган П. Пикассонинг “Раққоса” суврати ҳам бор. Хусусан. Унинг 1907 – 1908 йилларда яратган “Раққоса”, Н. Пиросманашвилининг “Кичик балиқчи”, “Жираф” номли асарлари примитивизмга хосдир. 120-расм.



120-расм. Н. Пиросманашвили Кичик балиқчи

Модернизм, францизча “Модерн” сўздан олинган бўлиб, энг яхши, замонавий деган маънони англатади. У бир қатор маданият ва санъат йўналишидаги оқимларнинг умумий номи бўлиб, унинг шаклланиши XIX – XX асрларга тўғри келади. Бу оқим вакиллари мумтоз санъатнинг инсопарварлик анъаналаридан воз кечадилар. Уни дастлабки шакллари кубизм, сюрреализм, абстракционизм ҳисобланади.

Бу йўналиш мутхассислари ўтмиш меросдан бутунлай воз кечиш ва мавжуд бадиий дид ва эстетик тушунчалар асосида шаклланган нормаларга қарамақарши бўлган янги принципларни яратиш ғояларини илгари сурадилар. Кейинчалик XX аср бошларида модернистик оқимларнинг ривожланиши асосида абстракционизм оқими пайдо бўлди. Уни предметсиз санъат ҳам дейишади. 1940 йилларда АҚШда “Тинч океан абстракционизм мактаблари” ни пайдо бўлиши унинг бошқа оқимлар орасида юқори ўринга чиқиб олишга имкон берди. 1940 – 1960 йилларда модернизм кўп мамлакатларга тарқалди ва ўша даврларда илғор ҳисобланган реализм қарши кўринишга эга бўлди. Санъатдаги бу оқимнинг мақсади маънавий эркинлик, ҳар бир рассомдаги ўзига хосликни ифода этиш. модернизмнинг чуқур асосларини очиб ташлашдан иборат эди.

Шарден Жан Батист Симеон

Ж. Шарден 1699 йилда Парижда таваллуд топган ва 1779 йилда вафот этган. 154 – расм. Рассом асосан рангтасвирнинг натюрморт ва турмуш жанрларида реализм оқимида ижод қилган. Унинг асарлари натура асосида ишланган бўлиб, лиризм билан суғорилган. У оддий ҳалқнинг ҳаётини кўтаринкилик руҳида акс этдиради. Айниқса хунаромандлар, аёллар, болалар ҳаёти реалистик тарзда тасвирланади.

Шарденнинг “Кир юувчи аёл” (1737), “Тушки овқат олдидан ибодат” (1744), “Ошпаз аёл” (1738), “Меҳнатсевар она”, “Пилдиروق ўйнаётган ўғил бола” (1738) каби асарлари унинг ижодининг юксак намуналаридандир. 155 – расм.

Рассомнинг натюрморт жанрида яратган асарлари ўзининг бой эстетик жозибаси, ва мукаммал композицияси, реалистиклиги билан ажралиб туради.

Унинг асарлари Петербургдаги Эрмитажда, Франциядаги Лувр музейларида, шунингдек бир қатор шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

Брюлов Карл Павлович

Машҳур рус рассоми К. П. Брюлов 1799 йилда Петербургда туғилган ва 1852 йилда Рим яқинидаги Мариано қишлоғида вафот этган. Петербург Бадиий Академиясида таълим олган. 156 – расм.

Брюлов Академияни битиргач Генманиянинг Дрезден, Мюнхен тасвирий санъат галереясида буюк рассомлар ижодини ўрганди. Италияда яшаб Уйғониш даври рассомлари ва уларнинг издошлари ижоди билан танишди ҳамда шу ерда

1823 – 1835 йиллар давомида ижод қилди. Италиядаги фаолияти даврида “Италия тонги” (1823), “Италияда туш пайти” (1827) асарларини яратиб, бу мавзулардаги композициялари оригиналликни, рангдорликни касб этди. Айниқса унинг портрет жанридаги “Чавандоз аёл” (1832), “Самойлованинг Д. Пачини ва араб боласи билан портрети” (1832 – 1834), “Крилов портрети” (1839) номли асарларида рассомни бадиий маҳорати янада ёрқин намоён бўлди. 157 – расм.

Унинг асарларида инсон гўзаллиги, унинг нафис хис – туйғулари куйланади. Айниқса, драматизм, реалистик анъаналар нозик психологизм катта ўринни эгаллайди. Уларни рассомнинг “Версавия” (1812), “Помпейнинг сунги куни” (1830 – 33), “М. Ланчи портрети” (1848) номли сувратларида кўриш мумкин. 158 – расм. “Помпейнинг сўнги куни” асарида рассом эрамизнинг 79 йилида рўй берган зилзила оқибатида 20,000 минг киши умрини олиб кетган Помпей шаҳрининг ҳалокати, ҳалқнинг фожиаи тақдири сахнасини акс этдирди. Сувратда биноларнинг қулаши, мрамор парчаларининг сочилиб ётиши, ким бўлишидан қатъий назар улар жасур ва кўрқмаслик, гўзал ва олийжаноблик, ёшми ёки қарими барчаси бу ҳалокатдан қутула олмасликларини ниҳоятда реалистик тарзда ишонарли қилиб тасвирлай олган. Жаҳон тасвирий санъатида бу асарга тенглашадиган сувратлар кам учрайди.

Рассомнинг асарларида композиция ва ҳашаматдорлик мукамалликка ҳаракат яққол сезилади. Унинг “Чавандоз аёл” (1832), “И. А. Крилов портрети” (1839) каби асарлари бунинг ёрқин мисолидир.

Брюлов қаламтасвир ва акварел устаси сифатида ҳам юксакликка кўтарилди. Унинг Юнонистон ва Туркия қилган саёҳатларида ишлаган қоралама ва рангламалари бундан далолат беради.

Рассом ўз ижоди давомида тасвирий санъатга романтизм оқимини олиб кирганлардан эди. Россияда К. Брюлов ижодининг таъсирида бир қатор унинг издошлари пайдо бўлди. Улар рассомнинг композицияларидаги ҳашаматдорлик

ва рангдорликга доир тамойилларни ўзлаштирдилар ва ўз асарларида кенг қўлладилар.

Айвазовский Иван Константинович

Марина жанрининг устаси арман rassomi И. К. Айвазовский 1817 йилда Феодосияда туғилиб, 1900 йилда вафот этган. 159 – расм. У бадий таълимни дастлаб Петербург Бадий Академиясининг манзарачи – rassomi М. Н. Воробевдан олган. У денгиз кўринишлари ва ундаги воқеаларни романтик тарзда тасвирлайди. Рассом 1837 йилда академия кўргазмасига қўйган асарлари учун олтин медаль билан тақдирланган ва текинга хорижга сафар қилиш имконига эга бўлган. У ўз жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, хусусан Италия, Франция, Миср, Америкада бўлиб, у ерларда кудратли океан ва денгиз тўлқинларни у ердаги кечки гўзал манзараларни сувнинг жимирлаб қуёш нури остида кўринишини, ойдин тундаги дарё ва денгизлардаги бетакрор гўзаллигини мохирлик билан ифодалайди. Рассомнинг “Чесмин жанги”, “Новарро жанги”, асарларида денгиз қаҳрамонларини жасоратларини акс этдиради. Унинг энг машҳур асарларидан бири “Тўққизинчи вал” (1850) деб номланади ва унда тунги бўрондан омон қолган ва кема парчалари устида сузиб юрган денгизчиларнинг қисмати драматик тарзда тасвирланади. 160 – расм. Сувратни илиқ бўёқлар билан тасвирланиши денгизчилар ажал қучоғидан қутулишларига ишонч туғдиради. Рассомнинг “Тунги бўрон”, “Шимолий денгиздаги бўрон”, “Денгиз ойдин тунда”, “Феодосияда ой чиқиши” каби асарларида тунги табиат манзаралари лирик тарзда ифодаланади. “Венеция”, “Малага”, “Радос ороли”, “Крит оролида” каби сувратлари ҳам rassom хорижий сафарлари асосида пайдо бўлган.

Айвазовский 1845 йилда Петербург Академиясининг академиги, 1847 йилда профессор илмий унвонларни олган эди. У дунёдаги бир неча хорижий

академияларнинг фахрий аъзоси бўлган. Рассомнинг туғилган шаҳри Феодосияда ўзи яратган рассомлар галереясига унинг номига берилган. Унинг яратганасарлари олти мингдан ошади.

Шишкин Иван Иванович

Машҳур рус рассоми И. И. Шишкин 1832 йилда Татаристоннинг Елабуга қишлоғида туғилган. 1898 йилда Петербургда вафот этган. 161 – расм. Тасвирий санъатнинг манзара жанрида ижод этган. Рус тасвирий санъатида “Передвижниклар” жамиятини асосчиларидан бири. Дастлабки бадий маълумотни 1852 – 56 йилларда Москва рассомчилик, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик билим юртида олган. 1856 – 60 йилларда Бадий Академияда ўқиган.

Рассом ўз асарларида Россия табиатининг улуғворлиги, бойлиги ва гўзаллигини куйлаган. Унинг “Кесилган ўрмон” (1867), “Ўрмондаги тегирмон” (1878), “Эманзор” (1887), “қайрағазор эртаси” (1889), “қайнзор” (1886), “Буғдойзор” (1878), “Ёввойи шимолда” (1891), “Кемабоп дарахтлар ўрмони”, “қиш” номли кўплаб сувратлар яратган. Шишкиннинг асосий ишлар Киев рус санъати, Пушкин номли Москва тасвирий санъат музейи, Москва Третьяков галереясида ва бошқа бир қатор музейлардан ўрин олган. 162 – расм.

Шишкиннинг айрим асарлари Ўзбекистон тасвирий санъат музейида ҳам бор. Рассом қаламтасвир, литография, офорт усулларида ҳам ижод қилган. У академик унвонига сазовор бўлган. Бадий Академия қошидаги манзарачи рассомлар устахонасининг раҳбари эди.

Роден Роне Франсуа Огюст

О. Роден 1840 йилда Парижда таваллуд топган ва 1917 йилда Париж яқинидаги Мёден қишлоғида вафот этган. 163 – расм. У импрессионизм оқимида ҳайкаллар яратган. Ҳайкалтарошнинг ижоди буюк ижодкорлар Микеланжело ва Донателло асарларини чуқур ўрганиш асосида шаклланди. У ўзининг дастлабки “Бронза асри”, “Кале фуқоролари” асарларида ўз ғояларини дадиллик билан реалистик тарзда тасвирлай олди.

Ҳайкалтарошнинг 1888 йилда яратган “Мутафаккир” номли ҳайкали ақл – идрок, мантиқ, тафаккурнинг рамзий мазмунига айланди. 164 – расм. Роден ўзининг ижоди гуллаган даврида кўплаб замондошлари, ёзувчи ва санъаткорлар образларини яратди. “Далу”, “Моцарт”, “Гюго”, “Бальзак” каби портретлар шулар жумласидандир. Бу асарларда ижодкор санъаткорларни рухий қиёфасини, талантини тасвирлай олди. Ҳайкалтарошни машҳур қилган ва жаҳонга танитдирган асарлари “Бўса” (1986), “Мангу баҳор” бўлиб, уларда инсон гўзаллиги ва севги муҳаббат тараннум этилди. Унинг “Дўзах дарвозаси” сериясидаги қадимги дунё афсоналари асосида яратган композиция ва рельефлари, турли мавзулардаги қаламтасвир, офоротга доир график ишлари ҳайкалтарошни жаҳонга машҳур қилишда катта роль ўйнади. Роден асарлари жаҳоннинг бир қатор музейларида авайлаб сақланмоқда.

Ренуар Пьер Огюст

Ренуар П. О. XX аср машҳур француз импрессионист рассоми. У 25 май 1841 йилда туғилган ва 1919 йил 17 декабрда вафот этган. 165 – расм. Ренуар ёшлигидан бошлаб расм ишлашга жуда қизиққан ва чинни, парда, елпиғичларга гул босиш билан шуғулланган. Тасвирий ижодини Г. Курбе таъсирида реалистик сувратлар яратиш билан бошлаган. Ижодининг дастлабки босқичларида “Мушук ушлаган бола” (1868), “Ёз” (1869) каби сувратларида рассомни борлиқни синчковлик билан кузатгани сезилади. Ренуар асарларида

хаёт шовқин – суронлари, табиат ва шаҳар манзаралари зўр эҳтирос билан тасвирланади. Унинг диққатга сазовор сувратлари қаторига “Мулен де ла Галет” (1876, Париждаги импрессионизм музейида), “Яланғоч аёл”, “Жанна Самара портрети” (1876,1877 Москвадаги Пушкин номи тасвирий санъат музейида) кабиларни киритиш мумкин. 166 – расм.

Рассом аёллар ва болалар расмларини ишлашга жуда қизиққан. Шундай асарлардан бири “Нонушта” (1879) деб номланади. Унинг ўз яқинларининг портретлари ҳамда автопортретлари кўп. Улар 1906 – 1915 йиллар давомида яратилган.

Репин Илья Ефимович

Машҳур рус рассоми Репин И. Е 1844 йилда Украинанинг Харьков вилояти Чугуев қишлоғида туғилган. 1930 йилда Петербург яқинидаги Куоккала қишлоғида вафот этган. 167 – расм. 1864 – 71 йиллар давомида Петербург бадиий академиясида ўқиган. У Россия ва хорижий мамлакатлар бўйлаб қилган саёҳатлари асосида кўплаб сувратлар яратган. Тасвирий санъатнинг портрет, турмуш ва тарихий жанрларида ижод қилган. Шунингдек графиканинг офорт, литография турларида ҳам асарлар яратган. Унинг ижоди Россиядаги XIX асрнинг иккинчи ярмида кўтарилган демократик – инқилобий ғоялар таъсирида шаклланган. Шунинг учун ҳам у ўз асарларида рус халқининг ижтимоий ҳаётидаги қарама – қаршиликлар ва адолатсизлик, кишиларнинг оғир турмушини реалистик тарзда акс этдирган. Унинг ана шундай асарлари қаторига “Волга бурлаклари” (1870 – 73), “Курс губерниясидаги салиб юриши” (1886 – 83), “Кутмаган эдилар” (1884), “Тавбадан бош тортиш” (1879 – 85) кабиларни киритиш мумкин. Рассомнинг “Иван Грозний ва унинг ўғли Иван” (1885), “Запорожеликлар турк Султониға хат ёзишмоқда” (18787 – 91) каби асарлари тарихий воқеаларни психологик ҳолда таъсирчан қилиб ифодаланган.

168 – расм. Шунингек у ўзининг замондошлари ҳисобланган машҳур санъат арбоблари ва олимлари, ёзувчилари Мусоргский, Толстой, И. Павлов, В. Стасов хайкал портретларини ҳам яратган.

И. Е. Репин ўзининг кенг ижодий ишлари билан бирга ёш рассомларга бадиий таълим бериш билан шуғулланган. У Петербург бадиий академиясида кўп йиллар давомида профессор ва академия ректори лавозимларида муаллимлик ҳамда ташкилотчилик ишларини олиб борган.

Рассомнинг самарали меҳнати асосига қурилган асарлари Москвадаги тасвирий санъат музейида, Третьяков галереясида, Ўзбекистон тасвирий санъат музейида сақланади.

И. Е. Репиннинг меҳнати қадрланиб Россияда бир қатор кўчалар, бадиий ўқув юртлири унинг номи билан аталади.

Гоген Пол Эжен Анри

Машҳур француз рассоми Гоген 1848 йилда Парижда таваллуд топган ва 1903 йилда Маркиз оролларида вафот этган. 169 – расм.

Тасвирий санъатнинг постимпрессионизм оқимида ижод қилган. У ўз ҳаёти ва ижоди даврида Юнонистон, қадимги Шарқ мамлакатлари санъати ва маданиятига қизиққан ва улар биланш шуғулланган. Кишиларнинг қадимги ва ўтмиши ҳаётларига бўлган қизиқиши рассомни символизм оқимида йўналтирди. Ўз атрофига шу йўналишга қизиққан ёш рассомларни тўплаб янги рангтасвир оқимини яратди ва у “Синтетизм” деб атала бошланди.

Гогеннинг “Арлдаги қахвахона” (1888), “Рашк қиласанми” (1892), “қиролнинг хотини” (1896), “Мева терими”, “Кечув” асарларида мавҳум оламнинг ажойиботлари, инсон ва табиат уйғунлиги, ҳақидаги орзулар ўз ифодасини топган. 170 – расм.

Жўшқин ранглар, безак ва маҳобатлилик уйғунлиги рассом ижодига хос бўлиб, у ўз замондошлари ва ҳамкасблари ижодига ҳам самарали таъсир кўрсатди.

Рассом асарлари ўзининг халқчилиги, инсонпарварлиги, юксак ғоявийлиги, юксак бадийлиги билан ажралиб туради.

Ван Гог Винсент

Ван Гог 1853 йилда Голландиянинг Грот – Зюндерт шаҳрида таваллуд топган ва 1890 йилда Франциянинг Овер – сюр – Уаз шаҳрида вафот этган. У голланд рассоми сифатида постимпрессионизм оқимининг етакчи намоёндаларидан ҳисобланади. 171 – расм.

У 1880 – 81 йилларда Брюсселда ва 1885 – 86 йилларда Антверпендаги Бадиий академияда, кейинчалик 1886 – 88 йилларда Париждаги хусусий студияда таълим олган.

Унинг ижоди Европада XIX асрнинг охирларида рўй берган мураккаб бурилиш ва жараёнларга тўғри келади. Бу даврда рассом оддий халқ, меҳнат аҳлининг оғир турмушини кўриб уларга ҳамдардлик билдириш мақсадида шахтёрлар, деҳқонлар ҳаётини акс эттирди. Уни рассомнинг “Деҳқон аёл”, “Картошка хўрандалари” (1885) номли сувратларида кўриш мумкин. 172 – расм.

Ван Гог тасвирий санъатда танқидий реализм анъаналарининг ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Рассом одамларни дарди ва тушкунликка тушган рухиятини чуқур ҳис этиб, уларни ўз асарларида тасвирлади.

Рассом умрининг охирларида импрессионизм ва Япония гравюрасини, Пол Гоген асарларини ўрганди ва унинг тасирида ўзининг мукаммал композициялар ечимига қурилган ҳаётга муҳаббат руҳида суғорилган тўлиқ портрет ва манзарали сувратларини яратди. Бундай сувратлар қаторига унинг 1888 – 1890 йилларда яратган “Тунги қаҳвахона”, “Оверда ёмғирдан кейинги манзара” кабиларни киритиш мумкин.

Винсент Ван Гог 1890 йилда яратган “Арлезиан хонимЖину” суврати Нью – Йоркдаги кимошди савдосида 40,3 миллион долларга сотилди. 173 – расм.

Левитан Исаак Ильич

Машҳр рус рассоми Левитан И. И. 1860 йилда Россияда таваллуд топган ва 1900 йилда вафот этган. Асосан рангтасвирнинг манзара жанрида ижод қилган. 174 – расм.

Дастлабки бадиий таълимни Москва рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик билим юртида, А. Соврасов ва В. Поленовлардан олган. Россия передвижниклар рассомлар жамиятининг аъзоси бўлган.

Левитан ўз асарларида Россия табиатининг гўзал гўшаларини жозибали тарзда ёрқин ранглар билан тасвирлаган. Унинг дастлабки сувратлари “Куз кун. Сокильники” (1879), “қарағайзор” (1885 – 89), “Олтин куз” (1889) мавзуларида бўлиб, улар орқали рассом ўзининг таълантини мутахасислар орасида намойиш этди. У “Март” (1895), “Кўл”(1899), “Владимирка”(1892), асарлари ўзини миллий, лирик тарзда ифодаланиши билан бошқа сувратлардан ажралиб туради. 175 – расм. Унинг “Гирдоб олдида” номли асари ҳам ўзининг юксаклиги билан томошабин эътиборини ўзига тортади. 176 – расм. И. Левитан ижодий ишлари билан бир қаторда ўзи ўқиган Москва рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик билим юртида ўқитувчилик ҳам қилган.

Левитанни Москва, Петербург бошқа шаҳарлардаги музейлари қатори Ўзбекистон тасвирий санъат музейида ҳам сувратлари бор.

Матисс Анри Эмил Бенуа

Матисс А. Э. Б. машхур француз рассоми ва ҳайкалтароши 1869 йилда Франциянинг Ле – Кото шаҳрида туғилган ва 1954 йилда вафот этган. 177 – расм. XIX – XX асрдаги санъат оқимилардан ҳисобланган фовизмнинг йирик наоёндаси эди. У бадиий таълимни Париждаги Жулиан академиясида, сўнгра безак ва нафис мактабларда 1891 – 99 йиллар давомида олган. Матисс Шарк миниатюра рангтасвирига жуда қизиққан, Комолиддин Бехзод ва унинг мактаби намоёндалари ижодини ўрганган.

Матис асарларида Шарк миниатюра ранг тасвиридаги каби ҳаётга шавқ – завқ бағишлайдиган кўринишлар, мукамал композиция ва локал, ёрқин жозибали ранглар ифода этилади. Унинг “қизил хона” (1908), “Рақс”, “Муסיқа” (1910), “Рассомнинг устахонаси”, “қизил балиқчалар” (1911), “Сочи туширилган аёл” (1944) “Чиғаноқли натюрморт” (1940) номли асарларида шундай ёндашувлар бор. 178 – расм.

Матисс 1906 йилдан кейинги йилларда ҳайкалтарошликда ҳам самарали меҳнат қилди. Унинг “Мавзу ва вариациялар” (1941) номли иши шулар жумласидандир. XX асрнинг ўрталарига келиб рангли қоғозлар билан аппликациялар усулида “Жаз” туркумида (1944 – 47) бир қатор ишлар яратди.

Матисс француз маърифатпарварлари қаторида дунёда урушга қарши тинчликни сақлаш учун фаол кураш олиб борди.

Пабло Пикассо

Рассом П. Пикассо 1881 йилда Испаниянинг Малага шаҳрида таваллуд топган ва 1973 йилда Франциянинг Мужен шаҳрида вафот этган. 179 – расм. Буюк испан кубист – рассоми Пабло Пикассонинг тўлиқ исми – Пабло Диего Хосе Франсиско де Паула Хуан Непомусено де лос Ремедиос Криспин Киприано де ла Сантисима Тринидад Руиси Пикассо. У асосан Францияда ижод қилган. Рассом ўз ижодини кўпроқ оддий халқ ҳаёти билан боғлади. Унинг

асарларида кўчманчи цирк актерлари, тиламчилар, ўз ифодасини топди. “қари тиламчи ўғил бола билан”, “Абсентни яхши кўрадиган аёл”, “Кўчманчи гимнастлар”, “Шар устидаги кизча”, “Уйқу” кабилар ана шундай асарлар каторига киради. 180 – расм.

Пикассонинг “Она ва бола” сувратида (1922) оналикка бағишланган асари ҳам бахт ва қувонч, ғояларидан узоқ бўлиб, унда она ўз боласига такдирга бўлган ташвишлари акс этдирилади. У ўз ижоди давомида тасвирий санъатда янги материал ва техникани қўллаш, янги шакл ва услублардан фойдаланиш, турли стил ва оқимларда асарлар яратишга ҳаракат қилди.

Уни бу изланишлари натижасида Франция тасвирий санъатида кубизм оқими пайдо бўлди. Унинг етакчи ва асосчиси Пикассонинг ўзи эди.

Кубизм намоёндаларининг фикрларига кўра ҳар қандай нарсалар шакли асосида хандасий шакллар – куб, конус, пирамида, призма, цилиндр, шар ва бошқалар шакли етадики, расм ишлашда улардан фойдаланиш лозим.

Пикассонинг “Аналитик”, “Синтетик”, “декоратив” деб номланган кубизм оқимидан асарларида уларга алоқаси бўлмаган материалларни (қоғоз, қум, ёғоч в. б.) қўллана бошлади. Натижада унинг бу ҳаракатлари янги изланишларга олиб келди. Унинг санъатида мураккаб, айрим ҳолларда ниҳоятда қарама – қарши ғоялар акс этди. .

Пикассонинг ижодига сюрреализмни таъсири кучли бўлсада, у борлиқ гўзалликларини улардаги гармонияни акс эттирувчи реализмоқимида портретлар ва композициялар ҳам яратди.

Ижодкор ижодида унинг энг машҳур асарларидан бири 1937 йилда яратилган “Герника” асари бўлиб, унда рассом мураккаб метофорик шаклида немис – фашист авиацияси томонидан кичик бир шаҳарчани ваҳшийларча бомбардимон қилиниши тасвирланган. Бу асари билан рассом фашизмга нисбатан ўзининг кескин муносабатини билдиради уни характерларини кескин қоралайди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда рассомнинг изланувчанлик фаолияти янада ўсди. Энди у рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик билан бир қаторда кулолчилик билан ҳам шуғуллана бошлайди. Унинг тинчлик ва демократия борасидаги қарашлари кучайиб бу борада тинчлик қуши – кабуларлар тасвирланган плакатлар ва расмлар яратади. Одамзодга қарши ваҳшийларча уруш ҳаракатларини қоралаб чиқади. Нақтижада “Куриядаги қонли қирғин”, “Тинчлик”, “Уруш” каби асарларини яратади.

Рассом ўз ижодида нафақат рассом балки илғор ва прогрессив иделлар учун курашчи сифатида ҳам жонбозлик кўрсатди.

Унинг бу ҳаракатлари 1950 йилда халқаро, тинчлик мукофоти лауреати билан тақдирланишига олиб келди. 1962 йилда эса “Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш” номли халқаро мукофотга сазовор бўлди.

У профессионал рассомлар орасида энг сермахсул ижодкор ҳисобланади. Бу мусаввир 75 йиллик ижоди фаолияти давомида 13. 500 та суврат 100. 000 та гравюра ва литография, турли китоблар учун 34. 000 та безакли расм ҳамда 300 та ҳайкал ва керамик асарлар яратган. Пикасо қаламига оид барча асарларининг умумий қиймати 788 млн. АҚШ долларига тенг деб баҳоланган. 1997 йилга келиб Пикассонинг ижод маҳсуллари 3579 маротаба кимошди садоларига қўйилган эди.

“Форбес” журналининг ёзишича коллекционерлар хусусий миллиардер Стив Уини хусусий коллекционерлардан Пикассонинг “Уйқу” асарини 50 млн. долларга 1997 йилда сотиб олган эди. Маълум вақт ўтгач бу асарга бошқа бир миллиардер Лас Вегас 139 млн. долларга харидор бўлади. Бунга Стив рози бўлади. 181 – расм.

Асар билан хайрлашув кечасига Уини дўстлари ва танишларини таклиф этиб, уларга асарни сўнги бор кўрсатмоқчи бўлди. Анжуманга барча меҳмонлар йиғилгач, мезбон Пикассонинг ана шу асарининг тарихи ҳақида ҳаяжон билан гапира бошлади. Азбаройи илҳомланиб кетганидан қўлларини кескин

ҳаракатлантира бошлайди. Кутилмаганда ўнг тирсаги билан расмнинг нақ ўртасидан уриб юборди. Сувратда 5 сантиметрлик тешик ва бир неча ёриқ ҳосил бўлади.

Хуллас, Пикассо ижод намунасини таъмирлаш учун Уини расмни Манхеттендаги тажрибали устага икки ойга бериб юборишга мажбур бўлди. Эндиги асарнинг тақдири номаълум бўлиб турибди.

Кент Рокуэлл

Кент Рокуэлл 1882 йил Нью – Йорк шаҳрида таваллуд топиб, 1971 йилда Платебергда вафот этган. 182 – расм.

У рассом, ёзувчи ва жамоат арбоби эди. Кент Рокуэлл реалист рассом сифтида Америка санъатининг энг яхши анъаналарини давом эттирган, ўз китобларига кўплаб суратлар ишлаган. Унинг “Денгиз заҳматкашлари” (1907), “Мен штати қиш оғушида” (1906), “Баҳор истироблари” (1908), “қизим Клара” (1915) номли “қайиқдаги эскимос” (1933) 183 – расм. асарлари машҳур. 183 – расм. Оловли Ер ўлкасига қилган сафари натижасида “Саёҳат” (1924), “Йўналиш” (1930), “Саламина” (1935) қиссаларида Гренландия аҳолисининг урф – одатлари ва табиати акс эттирилган. Уларда эскимосларнинг маънавий дунёси ва машаққатли ҳаёт тарзи ўзига хос қувноқ мутуйиба воситасида тасвирланган.

Сикейрос Алфаро Хосе Давид

Мексикалик машҳур рассом ва жамоат арбоби Сикейрос 1898 йилда Мексиканинг Чиуауа шаҳрида таваллуд топган ва 1974 йилда Куэрнавакалда вафот этган. 184 – расм. Сикейрос биринчилардан бўлиб, Мексикада монументал рангтасвирда асарлар яратган. Унинг асарларининг кўпчилиги

озодлик ва тинчлик ғояларига бағишланган. Рассом асарларида ҳаракат, динамик шакллارни қўллаш, композицияда контраст ранглардан фойдаланиш асосий ўринни эгаллайди.

Унинг деворий расмлари (фрескалари) Мексика миллий кадрлар тайёрлаш мактаби, Чипултепек саройидаги миллий тарих музейида бор. Мехикодаги Университет шаҳарчасининг деворларига рангли рельефлар ишланган. (1552 – 1554). Мехико санъат институти биносида фашизмга қарши нафрат, вайроналик ва қон тўкилишига қарши ғояларни ифодаловчи 1945 – 51 йилларда ишланган деворий расмлари шунингдек Мехико электриклар клуби деворларига ишланган “Буржуазиянинг портрети” (1939), “Нефтни национализация қилиниши” (1940) номли фрескалари Сикейрос ижодининг гуллаган даврида яратилган. 185 – расм.

Унинг фрескалари ўқув юртлари деворларига ишланган рельефлари, рассомчилик институти бироси деворларига ишланган фрескалари ижодидаги юксак бадиий савияда яратилганлиги билан ажралиб туради.

Рассом жаҳондаги бир қатор Бадиий Академияларга аъзоликка сайланган эди. “Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун” халқаро мукофот олишга ҳам сазовор бўлган.

Гутуццо Ренато

Ренато Гутуцзов 1912 йилда Италиянинг Сицилия шаҳрида таваллуд топган ва 1987 йилда вафот этган. 186 – расм. Машҳур Италиялик рангтасвирчи ва график рассом дастлабки бадиий таълимни Рим Бадиий академиясида олган. Кейинчалик мазкур академиянинг академиги этиб сайланган. У Италия тасвирий санъатида буюк бурилиш ясаган рассом сифатида ижтимоий реалистик йўналишга асос солган. Унинг ижодида халқнинг турмуш тарзи, унинг кураши, орзу – истаклари, инқилобий кураши акс этдирилган. Шунингдек

у ўз сувратларида кўплаб манзара ва натюрморт жанрларида ҳам асарлар яратган.

Рассомнинг асосий асарлари “Отиш” (1938), “Бизга худо ёр” туркум асарлари (1944 – 45), “Сицилиядаги бўш ерларни эгаллаш” (1948 – 50), “Гаррибалдининг Амирало кўпригидаги жанги” (1951 – 52), “Оломон” (1960), “Сават, омбор ва болға” (1961), “П. Толяттининг ўлими” (1965), “Янгиликлар” (1971) ҳисобланади. 187 – расм

У жамоат арбоби сифатида ҳам эътиборга лойиқ ишларни бажарган. Иккинчи жаҳон уруши даврида антифашистлар ҳаракатида иштирок этган. Урушдан кейин халқаро тинчлик ҳаракатида ҳам фаол қатнашган.

Рассом ўзининг бадиий – эстетик дунё қарашлари билан кўпчилик мамлакатларнинг ижодкорлари ижодига самарали таъсир кўрсатган.

10 – боб. ТАСВИРИЙ САНЪАТ МУЗЕЙЛАРИ

10.1 Жаҳоннинг энг йирик тасвирий санъат музейлари

Бадиий музейлар. “Музей” юнонча “музейон” сўзидан келиб чиққан бўлиб қадимги Юнон афсоналарига кўра санъат ва фан маъбудалари ҳисобланган музалар учун мўлжалланган муқаддас жой маъносини англатади.

“Музей” сўзи Уйғониш даврида расмий тус олди. Бадиий музейларда асосан тасвирий ва декоратив амалий санъат асарлари тўпланди, сақланди, намойиш этилди ва таъмирланди.

Дунёда биринчи бўлиб давлат музейи ҳуқуқини Лондондаги Британия музейи олган эди. Дастлабки музейлар Европада ташкил этилган бўлса, Шарқда эса XIX – XX асрларда пайдо бўлди. Хусусан, Деҳлида Ҳиндистоннинг миллий музейи (1948), Пекиндаги Гугун музейи (1914), Японияда Токио миллий музейи (1871) в. б. Бадиий музейлар орасида тасвирий санъат музейлари билан бир

каторда махсус амалий санъат музейлари ҳам бор. Шунингдек, тасвирий санъатнинг у ёки бу тури ёки оқимга бағишланган музейлар ҳам мавжуд. Хусусан, Парижга бир музей импрессионист рассомлар ижодига бағишланган.

Британия музейи. Дунёнинг энг йирик музейларидан бири бўлиб, у Лондон шаҳрида жойлашган. 1823 – 1847 йилларда меъмор Р. Смерк томонидан махсус қурилган. Бино классицизм стилида яратилган бўлиб, унда ибтидоий жамоа ёдгорликларидан тортиб ҳозирги замон рассомларининг асарларигача ўрин олган. Музейда қадимги Шарқ, Европалик санъаткорларнинг асарлари сақланади. қадимги юнонистонлик Фидий ва унинг шогирдлари яратган асарлар, қадимги Мисрда яратилган ишлар ҳам бор. Музей хоналарида Англия саёхатчиларининг Африка, Осиё, Америка, Океаниядан олиб келган этнографик буюмлари ҳам намойиш этилади. Шунингдек, бу музей ажойиб расм ва миниатюралар билан безатилган, камёб қўлёзма китоблар ҳам сақланади.

Дрезден галеререяси. Германиянинг Дрезден шаҳрида жойлашган. Бу музей биноси 1847 – 1854 йилларда меъмор К. Хенел томонидан махсус қурилган. Лекин галерея 1860 йилда очилган. Унинг дастлабки экспонатлари Рафаэлнинг “Сикстин Мадоннаси”, Жаржоненинг “Уйқудаги Венера” асарлари эди. Шунингдек, музейда Рембрандт, А. Дюрер, Тициан асарлари ҳам бор. Кейинчалик музей Европа рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарлари билан бойиб борди.

Лувр музейи. Франциянинг Париж шаҳрида жойлашган. Бу бино ўрта асарларда қўрғон кейинчалик қироллар саройи бўлган. Музей дунёнинг энг йирик музейларидан бири ҳисобланади. Музейдаги ишларнинг асосини Англия қироллигида тўпланган асарлар ташкил этган. Улар рангтасвир, ҳайкалтарошлик, декоратив – амалий санъат асарларидир. Музей 1791 йилда миллий музей тусини олиб, 1793 йилда биринчи бор омма учун ўз эшиklarини очган. Музейдан қадимги Шарқ, Юнонистон, Рим, Мисрда яратилган ишлар ҳам ўрин олган. Француз халқи бу музейда Леонардо Да Винчи, Микеленжело,

Рафаэль, Тициан, Рембрандт, Н. Пуссен, Э. Делакруа ва бошқа бир қатор дунёга машҳур санъаткорларнинг асарлари борлигидан фахрланади.

Метрополитен – музей. АҚШнинг Нью – Йорк шаҳридаги дунёнинг энг йирик музейи. У 1970 йилда ташкил топган. Музейдаги экспозицияларнинг асосини турли даврларда хусусий шахслар томонидан тортиқ қилинган асарлар ташкил этади. Музейда 3 млн. га яқин жаҳон санъатига оид асарлар сақланади. Унинг асосий биносидан ташқари кўплаб филиаллари ҳам бор, хусусан, унинг рангтасвир ва ҳайкалтарошликдан ташқари амалий санъат, бадийий фотога оид алоҳида бўлимлари ҳам мавжуд. Унда декоратив амалий санъат, мусиқа асбоблари, китоблар, либослар, болалар расмлари бўйича алоҳида музей бўлимлари ҳам бор.

Музейдан Америка, Африка, Тинч океан ороллари халқлари санъати, қадимги Миср, Юнонистон, Рим, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатлари халқларининг санъат асарлари ўрин олган.

Музейда дунёга машҳур рассомлардан Рафаэл, Тициан, Эл Греко, Веласкес, Ф. Гойя, Ф. Халс, Рембрант, К. Моне, О. Рануар, П. Сезанн, П. Гоген, П. Пикассо каби кўплаб санаткорларнинг асарлари сақланади.

Эрмитаж. Россиянинг Сант – Петербург шаҳридаги дунёнинг энг йирик маданият музейларидан бири. Музей 1764 йилда ташкил топган деб ҳисобланади. Лекин музей тарзида 1852 йилда очилган. Эрмитаж “Бирлашган жой” маъносини билдиради. Музейда 2 млн. 700 мингдан ортиқ коллекция бор. У олти бўлимдан ташкил топган:

1. Ибтидоий маданият тарихи. 2. қадимги дунё. 3. Шарқ маданияти ва санъати тарихи. 4. Рус маданияти тарихи. 5. ғарбий Европа санъати тарихи. 6. Нумезматика (чақа – танга, медаллар) тарихи.

Музейда рангтасвир, ҳайкалтарош, графика, декоратив – амалий санатга оид экспонатлар бор. Унда Леонардо да Винчи, Рафаэл, Тициан, Веласкес, Гойя, Рубенс, Рембрандт, Н. Пуссен, О. Ренуар, А. Матисс, П. Пикассо, Микеланжело,

О. Роден каби дунёга машхур рассом ва ҳайкалтарошларнинг асарлари сақланади.

11 – боб ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАСВИРИЙ САНЪАТ МУЗЕЙЛАРИ

11.1 Ўзбекистон давлат тасвирий санъат музейи

1918 йилда Тошкентда ташкил топган. У асосан князь Н. Романов саройидаги 100 га яқин коллекция асосида вужудга келган. Шунингдек экспонатлар Туркистон ўлкашунослик музейининг бадий бўлимидан ҳам олинган. Кейинчалик экспонатлар Москва ва бошқа шаҳарларнинг музейларининг фондидан келтирилган ишлар ҳисобига бойиган. Булар орасида К. Брюлов, В. Тропинин, И. Репин, В. Серов, И. Левитан асарлари ҳам бор эди. Бу асарлар орасида Третьяков галереясида, Рус музейидан ва шахсий коллекциялардан олиб келинган ишлар ҳам мавжуд. Музей фондининг катта қисми Ўзбекистонда яшаб ижод этган рассомларнинг асарларидан ташкил топган. Хусусан, П. Беньков, О. Татевосян, В. Уфимцев, Н. Кашина, З. Ковалевская, Ў. Тансиқбоев, А. Абдуллаев, Ч. Ахмаров каби бир қатор рассомларнинг ишлари шулар жумласидандир. Музейда Италия, Испания, Германия, Нидерландия, Финландия, Голландия, Франция, Англия, шунингдек, Шарқ санъатига оид асарлар ҳам кўп.

Музей ўзбек амалий санъатнинг барча турларига оид бой коллекцияларга ҳам эга.

Музейда ҳозир 40 мингдан ортиқ асарлар бор. Унда таъмирлаш устахонаси, фото лабаратория, кўргазма ташкил этиш бўлимлари ишлаб турибди.

Третьяков галереяси. Третьяков галереясига Москвалик рус савдогари П. Третьяков асос солган. У ўзи ва укаси С. М. Третьяков томонидан тўпланган санъат асарлари ҳисобига 1893 йилда яратилган. П. Третьяковни тасвирий

санъатга нисбатан ихлоси кучли бўлиб, ўзи яшаётган уйи ёнига музей учун махсус бино қурдирган. Музейни очилиши арафасида Третьяков томонидан йиғилган санъат асарлари икки мингга яқин эди.

Музейда қадимги рус рангтасвирига алоҳида ўрин ажратилган эди. Унда Андрей Рублев, И. Никитин, Ф. Рокотов, Д. Левицкий, О. Кипренский, В. Тропинин асарлари ҳам ўрин олган эди. Музейнинг алоҳидазали машҳур рус рассоми А. Ивановнинг “Христнинг халқга кўриниши” ва К. Брюлов томонидан яратилган портретлар учун ажратилган.

Галереяда XIX аср рус рангтасвирида ўчмас из қолдирган А. Венецианов, И. Крамской, В. Васнецов, В. Верещагин, В. Суриков, И. Репин, И. Шишкин, И. Левитан асарлари учун катта ўрин берилган. Бу рассомлар асарлари орасида А. Саврасовнинг “қора қарғалар учиб келишди”, В. Суриковнинг “Морозова бойвучча ойим”, И. Репиннинг “Курс губерниясидаги хаж юриш”, И. Левитаннинг “Март”, В. Серовнинг “Шафтоли ушлаган қиз” номли сувратлари галереянинг энг қадрли ишларидан ҳисобланади.

Третьяков галереясида 1932 йилдан бошлаб яқин хорижий мамлакатлар санъати намойиш этила бошлаган. Унда Болтиқ бўйи, Кавказ, Ўрта Осиё республикалари, шунингдек, Украина, Белоресия, Молдавия рассомларининг ижоди доимий ўрин олди. Айниқса, Т. Салахов (Озарбайжон), М. Сарян (Арманистон), Т. Яблонская (Украина), Ў. Тансиқбоев (Ўзбекистон) нинг асарлари алоҳида ўринни эгаллади.

Галерея Россиянинг энг йирик музейларидан бирига айланган бўлиб, унда халқни эстетик руҳда тарбиялаш бўйича маърузалар ўтказилади, рассомлар билан учрашувлар ўтказиб турилади.

Жаҳоннинг машҳур бадиий музейлари каторига Париждаги ҳозирги замон санъати Миллий музейи (1937), Импрессионистлар музейи (1947), Рим музейини ҳам киритиш мумкин. Рим музейида Хиндистон ва Шарқий Осиё санъатига оид асарлар сақланади ва намойиш этилади.

Давлат тасвирий санъат музейлари ва галереялари Испаниянинг Мадрид, Англиянинг Лондон, Чехиянинг Прага, Венгриянинг Будапешт, Швециянинг Стокгольм, Германиянинг Мюнхен, Украинанинг Киев шаҳарларида ҳам мавжуд.

Россияда эрмитаж ва Третьяков галереяларидан ташқари Санкт – Петербургда Рус музейи, Москвада Пушкин номидаги тасвирий санъат музейи ҳам бор.

XIX – XX асрларда Шарқ мамлакатларида ҳам йирик музейлар очилган. Хусусан, Деҳлида Хиндистон миллий музейи (1948), Хитойда Пекин Гугун музейи (1914), Японияда Токио миллий музейи (1871) шулар жумласидандир.

Тасвирий санъат музейлари жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида бор.

11. 2 Қорақалпоғистон давлат санъат музейи

Машҳур музей қорақалпоғистонда ягона бўлиб, Ўзбекистоннинг йирик тасвирий санъат музейларидан бири ҳисобланади. У 1966 йилда Нукус шаҳрида ташкил топган бўлиб, у қорақалпоғистон тасвирий санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган rassom И. Савицкий номи билан аталади.

Музейда ҳалқ амалий санъати, Хоразм санъати, XX аср ўзбек, рус, қорақалпоқ рангтасвири ва ҳайкалтарошлиги, илмий – маърифий бўлимлари бор. Шунингдек, унда кутубхона ва таъмирлаш устахонаси ҳам иш олиб боради. Унинг умумий фонди 85,000 нусхадан ошади.

Мазкур бадиий маданият маскани қадимги ва ҳозирги замон rassom, ҳайкалтарош, амалий санъат усталарини асарларини йиғиш, улар билан ҳалқни таништириш, доимий ва даврий кўргазмалар ташкил этиш ишларини амалга оширади.

Музейда “Нукус музейининг дўстлари” номли клуб ҳам мавжуд бўлиб, унинг аъзолари ҳалқ орасида кўчма ва даврий кўргазмалар ташкил этиш билан шуғулланадилар.

Мазкур маскан Ўзбекистоннинг тасвирий санъат ҳамда ҳалқ амалий санъати музейлари билан яқин алоқада иш олиб боради. Шунингдек уни Россия,

Германия, Франция, Италия, Япония, АҚШ тасвирий санъат музейлари билан ҳам алоқалари бор.

Хозирда музейда XX аср бошларида Ўзбекистонлик ўзбек ва рус рассомлари ижоди, қадимги Хоразм санъати намуналари шунингдек Россиянинг XX асрда яшаб ўтган айрим рассомларини асарлари намойиш этиб келинмоқда.

Улар орасида Ўрта Осиё рассомларидан А. Волков, Усто Мўмин (А. Николаев), М. Курзин, Н. Карахан, Ў. Тансиқбоевларнинг юқорибадий савияда яратилган асарлари бор. Шунингдек, Россиялик машҳур ҳайкалтарош ва рассомларидан И. Грабар, В. Мухина, А. Шевченколарнинг ижод намуналари ҳам музей экспонатлари қаторидан ўрин олган.

қорақалпоғистон тасвирий санъатини ривожлантиришда ўзларининг бекиёс катта хиссаларини қўшган ва қўшаётган ижодкорлардан И. Савицкий, қ. Соипов, Д. Туранниёзов, Ж. қуттимурадов, Ж. Изентаев кабиларнинг асарлари музейнинг юқори пештахталаридан ўрин олган.

Мазкур даргоҳ Ўзбекистонда шунингдек жаҳоннинг машҳур музейларида ўтказилаётган кўргазмаларда доимий равишда қатнашиб келмоқда.

Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати

А

Абрис – чегара чизик сувратдаги тасвир, ранг ва тусларни чегарасини белгилайди.

Абстракционизм – лотин тилидан олинган бўлиб, “мавхум” деган маънони англатади. Бу оқим XIX аср охири XX аср бошларида Европада пайдо бўлган. Санъатдаги мазкур йўналиш намоёндалари нарса ва ходисаларни реал тасвирлашдан воз кечганлар. Уларнинг асарларида борлиқ эмас ижодкорнинг хис – туйғулари шакл ва ранглар ўйини акс этган.

Абстракционизм оқимидаги асарларда маъно ва мазмун айрим доғ, хажм, чизиқ, рангларнинг тартибсиз, хаакати қонуни ва қоидаларсиз тасвирланади.

Автолитография – юнонча “тошга чизаман” деган маънони англатади. Унда рассом ўз асарини тош устига ишлаб сўнгра ундан қоғозга тасвир олади.

Авангардизм – Авангард сўзи француз тилидан олинган бўлиб, “олдиндаги қўриқчи” маъносини англатади. Авангардизм оқими XX аср бошларида Францияда пайдо бўлган. Унинг тарафдорлари санъат тубдан янгилашни мақсад қилиб олганлар. Авангардизм оқими вакиллари ўша давргача мавжуд бўлган реализм, романтизм, импрессионизм каби оқимларини танқид қилиб, санъат асарларига замонавийликни олиб киришга уринганлар. Уларнинг ғоялари XX аср бошларида мавжуд бўлган кубизм, формализм, футуризм, сюрреализм, экспрессионизм каби оқимларда ўз аксини топган.

Автопортрет – “Авто” сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, ўзим маъносини англатади. Автопортрет эса ўзимни портретим демакдир. Кўпчилик рассомлар ойнага қараб ўзларини портретларини ишлашади. Автопортретда рассомлар ўзларининг ҳарактерлари, табиат икки дунёсини кўрсатмоқчи бўладилар.

Агитплакат – графиканинг бир туриб бўлиб, унда турли ғоялар тарғибот ва ташвиқот қилинади.

Академизм – тасвирий санъатдаги академик услубга асосланган бадиий йўналиш. Баъзида бу билан янги бадиий йўналишларни ҳам аташади. Ижодкорлардан ташкил топган тасвий санъатдаги бадиий йўналиш.

Акватинта – металлга чукур ўйиб ишланадиган гравюранинг бир тури. Бунда рассом металл тахтачанинг айрим жойларига аввал асфальт кукуни сепаб, кейин уни азот кислотада ювади.

Акварель – латин тилидан олинган бўлиб, сув маъносини англатади. У сувда яхши эрийдиган ва ювиладиган майин ва шаффоф бўёқ. Акварель тасвири ниҳоятда рангли, нафис ва нозик бўлиб, улар кўпинча қоғоз устига ишланади.

Аллегория – юнонча ўзгача ифодалаш, маъносини англатади. Бу йўналишдаги ижодкорлар мафҳум тушунча ва ғояларни аниқ образлиқ, бадиийлик ёрдамида символик тарзда, муайян нарсалар, воқеалар орқали ифодалайдилар.

Альфреско (фреско) – девордаги қуриб улгурмаган нам сувоқ устига бўёқ билан ишланадиган тасвир.

Алла прима – ҳўлланган қоғоз устида акварел бўёқ билан тезда расм ишлаш усули.

Анимал жанр – ҳайвонот дунёсини, жониворларни тасвирловчи тасвирий санъат жанри.

Анималист – ҳайвонларни тасвирловчи рассом, ҳайкалтарош.

Антик санъат – қадимги деган маънони билдиради. Бунда тараққий этган қадимги Юнон, Рим санъати назарда тутилган.

Аппликация – латинча ёпиштириш маъносини англатади. Мазкур тасвирлаш техникаси табиий (барг, тош, мева – сабзавотларнинг уруғ ва пўчоқлари), бадиий (рангли, фольга қоғозлар в. б.), ва ташландиқ (газмол парчалари, дори – дармондан, хўжаликда ишлатилиб бўшаган нарсалар в. б.) материаллар ёрдамида текислик устида бажариладиган тасвирлаш усули.

Асосий ранглар – қизил, сариқ, зангори ранглар шундай деб аталади. Бу рангларни бир – бирлари билан аралаштииб бошқа кўп ранглар олинади.

Ассиметрия – юнон тилидан олинган бўлиб, “симметрик эмас” деган маънони англатади. Тасвирий санъатда асардаги деталларни, сувратни чап ва

ўнг ёки юқори ва пастки томонларидаги тенглик, ўхшашлик аломатларининг йўқлиги ассиметрия ҳисобланади.

Афсонавий жанр – халқ оғзаки ижоди асосида тасвирий санъат намуналарини акс этдирувчи жанр. Бундай жанрда яратилган тасвирлар афсонавий одам ва маҳлуқлар (хайвонлар) бўлиб, ҳақиқатда улар бўлмайди. Масалан дев, аждар, кентавр, русалка, пегас, путти грифон, ва бошқалар шулар жумласидандир. Афсонавий жанрда яратилган ишларнинг кўпчилиги рангтасвир ва ҳайкалтарошликда учрайди.

Ахзар – ранг номи, медицинада ишлатиладиган зеленканинг ранги.

Ахроматик ранглар – юнон тилидан олинган бўлиб, рангсиз деган маънони англатади. Улар оқ, қора, кулранг ва уларнинг аралашмасидан ҳосил бўлган туслардир.

Б

Бадий анъана – қадимдан инсон фаолиятининг адабиёт, санъат каби соҳаларида эришилган ва сақланиб қолинган илғор ютуқлар ва тажрибалар.

Барельеф – французча паст рельеф маъносини англатади. Ҳайкалтарошликда ишлатиладиган рельеф атамасининг бир тури. Рельфнинг бу турида тасвир текислик юзасидан унинг ҳақиқий ўлчовининг ярмидан кам нисбатида бўртиб чиққан бўлади. Масалан танга, медал в. б. бунга мисол бўла олади.

Багет – расм, суврат кабиларни солишга мўлжалланган мослама.

Бадий кўргазма – деганда тасвирий, амалий, меъморчилик санъат асарлари ёки лойҳаларни оммага намойиши тушунилади. Улар музей, галерея, санъат саройлари ва марказларида ўтказилади. Кўргазма бир ёки бир неча муаллифнинг тасвирий санъат айрим тур ёки жанрлари бўйича ҳам ўтказилади. Улар даврий ёки доимий ва кўчма тарзда ўтказилиши мумкин. Бадий кўргазма халқаро, минтақавий, миллий турлари ҳам бор. Бадий кўргазмада баъзи

биргина асар қўйилиши холлари ҳам бўлган. Масалан, кўп йиллардан буён Леонардо да Винчининг “Монна Лиза Жоконда” номли асрининг бир ўзи кўчма кўргазмада намоиши этилган.

Бадий академия – бу ном билан асосан рассом, ҳайкалтарош, меъморлар тайёрланадиган олий ўқув юртлари аталади. Шунингдек бу ном билан нафақат санъатга балки уларда раҳбарлик қиладиган, ташкилий ишларни олиб борадиган давлат муассасалари ҳам юритилади. Масалан, Ўзбекистон бадий академияси.

Барикарам – ранг номи, карам баргининг ранги.

Батал жанри – ҳарбий мавзуни акс этдирувчи тасвирий санъат жанри. У тарихий жанрнинг бир тури сифатида қаралиши ҳам мумкин.

Баталист – ҳарбийлар ҳаёти ва жанг лавҳаларини тасвирлайдиган рассомларга қўйиладиган касбий ном.

Бинафша – ранг номи, гунафша гулининг ранги.

Блик – нарс ва тасвирларнинг энг ёруғ ялтироқ жойи.

Бош безак – китобларнинг ички безаги, китоб варағининг энг тепа қисмида бериладиган тасвир. Улар расмли ёки, нақшли бўлиши мумкин.

Бронза – мис, қалай, алюминий, бериллий, қўрғошин кабилар аралашмасидан ҳосил бўлган қотишма. У алюмин, кул рангига яқин бўлади.

Бучарда – ҳайкалтарошнинг тош тарошлаш иш асбоби.

Бўёқ – тасвирий санъатда, шунингдек бадий – безак ишларида ишлатиладиган қоришма. Унинг мой бўёқ, акварел, гуашь, темпера, эмал, эмулсия каби турлари бор.

Бъенале – икки йилда бир марта бўладиган кўргазма номи.

Бюст – французча сўз бўлиб, қабр устига қўйиладиган ҳайкал маъносини англатади. У одамни кўкрагидан юқори қисмини тасвирлайдиган ҳайкал ҳисобланади.

Вернисаж – кўрғазманинг очилиши. Дастлаб у Францияда кўрғазмадан олдин рангтасвир асарлари сатҳига лок бериш деган маънони англатган.

Витраж – ойна устига бўёқ билан ишланган рангтасвир. Уни икки томонлама кўриш мумкин. Улар кўпинча уй деразалари ёки эшик ойналарига, шунингдек маъмурий, ўқув юртлари биноларига ишланади. Улар расмли ёки нақшли бўлади.

Г

Галерея – тасвирий ва амалий санъат асарлари сақланадиган ва кўрғазмалар ўтказиладиган махсус бино.

Гамма – ўзаро уйғун ранглар йиғиндиси бўлиб, унда биронта ранг етакчилик қилади. Масалан, илиқ ранг гаммаси, совуқ ранг гаммаси, ёрқин ранг гаммаси шулар жумласидандир.

Глиптика – қимматбаҳо тошга ўйиб туширилган тасвир, баъзида зеб – зийнат ва муҳр ўрнида ҳам ишлатилади.

Горельф – французча сўз бўлиб, юқори рельеф маъносини англатади. Ҳайкалтарошликда ишлатиладиган рельеф атамасининг бир тури. Рельфнинг бу турида тасвир текислик юзасидан унинг ҳақиқий ўлчовининг ярмида кўп нисбатида кўринишда бўртиб чиққан бўлади.

Гравюра – французча ўйиш маъносини билдиради. Гравюра металл, ёғоч, линолеум, тош каби материалларни махсус асбоблар билан ўйиш орқали ҳосил қилинадиган ва улардан қоғозга кўчириладиган тасвир туридир.

Гравёр – метал, тош, ёғочга ўйиб тасвир ишлайдиган уста, рассом.

Гриффон – қадимги Шарқ санъатида учрайдиган танаси арслон, калласи ва қаноти бургутсимон афсонавий маҳлуқ тасвири.

Гризайль – тасвир усули бўлиб, биргина бўёқ билан ишланган тасвир. Бунда кўпинча қизиғиш, қора, жигарранг, зангори ранглар қўлланилади.

Грунт – тасвир ишланадиган замин. У картон, бўз, девор бўлиши мумкин. Унга тегишли қоришма суртилган бўлади.

Гуашъ – Италиялар тилидан олинган бўлиб, сувли бўёқ маъносини англатади. У сувда яхши эрийди. Гуашъ бўёғи акварелдан уни қоғоз юзасига барнеча қават қилиб турлича қалинликда берилиши билан фарқланади.

Гулгун – ранг номи, кечки шафақ пайтида рўй берадиган кўриниш ранги.

Д

Дастгоҳли рангтасвир – рангтасвирнинг дастгоҳ (мольберт)га ўрнатиб ишланадиган тури. Рангтасвирнинг бу турида тасвирланаётган одам, хайвон в. б. ларнинг ўлчовлари ўзини ҳақиқий ўлчовидан катта бўлмаслиги лозим.

Деворий рангтасвир – (фреска, алфреско) – уй шифти, деворга берилган сувоқ қуриб улгурмасдан унинг устига ишланган тасвир. Улар баъзан шифт, девор устига қопланган мато, қоғоз устига ҳам ишланади.

Декорация – театр саҳнасини спектакл мазмуни билан боғлиқ ҳолда тасвирланадиган безак кўриниш. Улар рангтасвир ва бутафор шаклида бўлади.

Диптих – қўш тасвир. Кўпинча улар бир мавзу ва бир мазмунда бўлиб ёнма – ён намоёиш этилади.

Ё

Ёдгорлик ҳайкал – машҳур ва тарихий шахсларга бағишлаб ишланган ҳайкал. У маҳобатли, рельефи ёки дастгоҳли – юмалоқ бўлиши мумкин.

Ёруғсоя – Тасвирий санъат назариясига доир атама. Уни ёруғсоя қонуни деб ҳам аталади. У тасвирланаётган нарсаларнинг ёки тирик мавжудотни қаламтасвири ва рангтасвирини ҳажмли қилиб ишланишига қўлланилади.

Ёруғ (шулға) – тасвирий санъатнинг назарий асосларига оид атама бўлиб, унинг ёруғсоя қонунига тегишлидир. Маълумки, ҳар қандай нарса ва мавжудотлар ҳажмлидирлар. Расмда уни ҳажмли эканлигини ёруғлантормасдан, туриб кўрсатиб бўлмайди. Бунда нарсанинг ёруғлик манъбаига қараган қисми ёруғ, тескари томони соя бўлади. Уларнинг ўртасидаги қисми ярим соя дейилади. Ёруғ атамаси шундан келиб чиққан.

Ж

Жанр – ҳаёт лавҳаларини, кўринишларини унинг мазмунига кўра тасвирловчи бадиий асар туридир. Масалан, манзара, натюрморт, турмуш, портрет, ню в. б. тасвирий санъат жанрлари ҳисобланади.

Жангнома – (батал) ҳарбий мавзудаги тасвирий санъат асарларининг жанри.

Жайдариранг – локал ранг. Тасвирланаётган нарсa, буюмнинг асосий ранги ёки бир ранг билан аталиши. Масалан; барг – яшил, осмон зангори.

Жигарранг – ранг номи, ҳайвонларнинг жигари рангига ўхшаш ранг. Баъзилар уни “кўнғир” деб ҳам аташади.

З

Зарҳал – ранг, номи, тилласимон ранг.

Зарғалдоқ – ранг номи апаельсин, мандарин ёки қовоқнинг ички рангига ўхшаш ранг.

Зангори – ранг номи, тўқ осмон ранги.

Зафарон – ранг номи, тўқ сарик ранг.

Зирҳал ҳарф – китобларнинг боб ва фаслларининг матн қисмидаги безакли ва йирик қилиб ишланадиган биринчи ҳарфи.

Зумрад – ранг номи, яшил ялтироқ тош рангига яқин ранг.

И

Иллюстрация – лотинча кўргазмали тасвирлаш, ёритиш маъносини англатади. Улар оқ – қора ёки рангли расм, суврат, схема, жадвал, диаграмма шаклида бўлиб, китоб, журнал, газеталарнинг мазмунини осон ва тез идрок этишга ёрдам беради.

Илиқ ранглар – кишиларда илиқлик (иссиқлик) хисларини уйғотувчи ранглар. Улар қизил, сарик, зарғалдоқ, малла, новвоти, қирмизи, пушти, шингаб, сабза, садаф, лоларўй, гулгун, норанваш, сомоний, барикарам каби ранглардир.

Импрессионизм – французча таассурот маъносини англатади ва у XIX аср охири XX аср бошларида Францияда шаклланган. Бу оқимдаги санъат асарларида рассомлар ҳаётдаги мураккаб жараёнларни тез, осон идрок этадиган қилиб, тасвирлашга ҳаракат қилдилар. Ҳаётдаги реал борлиқни ҳаракатда ва ўзгарувчанликда, ҳаётдаги энг ҳарактерли дақиқаларни реал, ҳақиқатда қандай бўлса шундай тасвирлаганлар. Уларнинг асарларига суврат деталларининг мувозанатда бўлмаслиги, композицияни бирнеча бўлақларга бўлиниши хос.

Интерьер – тасвирий санъат ва меъморчилик, амалий санъатда бинонинг ички қисми кўринишини билдиради.

К

Карикатура – италиянча сўз бўлиб, бўртириб тасвирлаш маъносини англатади. Бундай хажвий расмларда ижтимоий, сиёсий, маиший мавзудаги мазмунлар акс этади. Карикатура мавзусидаги расмларда айрим воқеа ва шахслар танқид қилинади, кишилар устидан кулинади. Айрим ҳолларда унда баъзи кишилар дўстона – хажвий тарзда ифодаланиши ҳам мумкин. Карикатура жамиятда рўй бераётган хўжасизлик, исрофгарчилик, порахўрлик, лаганбардорлик, ичкиликбозлик каби салбий иллатларга қарши курашда катта рол ўйнайди.

Каталог – бадиий асарлар, шу қатори тасвирий санъат асарларининг муаллифлари ва уларнинг номлари, яратилган йили кабилар ёзилган рўйхат.

Кентавр – қадимги Юнонистон ҳайкалтарошлигида учрайдиган танаси от боши одам тасвири.

Контраст – французча кескин зиддият маъносини англатади. Тасвирий санъатда оч ва тўқ, оқ ва қора, илиқ ва совуқ рангларни ёнма – ён туриши контрастликни келтириб чиқаради.

Композиция – бадий асарларда (адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат, амалий санъат в. б.) қўлланиладиган атама бўлиб, у тузиш, қуриш маъносини англатади. Бадий образлар ва воситаларнинг асарда ўз ўрнида шакл, ранг, мазмун жиҳатдан қурилиши унинг композициясини англатади ва у бадий образларни ифодалилигини оширишга хизмат қилади.

Композиция қонунлари – тасвирий санъатда яратиладиган бадий асарларнинг ғояси, мазмуни ҳамда бадийлигини тартибга солувчи назарий тушунчалар. Асарнинг муваффақияти кўпинча унинг композиция қонунларига риоя қилишга боғлиқ бўлади. Композициянинг бир бутунлик, суврат деталларини асар ғоясига, бўйсниши мувозанат, сувратда янгиликни бўлишлиги, контрастлар, ҳаётйилик қонунлари бор.

Композиция қоидалари – деганда ижодкорнинг композиция ишлаш жараёнида риоя қилиши керак бўлган тамойилар тушунилади. Унинг ритм, композицион марказ, симметрия ҳаракат, турғунлик, планлик, параллелик турлари бор. Композиция қоидалари асарларни ифодалилиқ воситалари маъносини ҳам англатади.

Композиция услублари – ижодкорнинг аср ғоясини унинг бадийлигини, саводхонлигини кўтаришга қаратилган чора – тадбир ва йўл – йўриқлар мажмуаси. Унинг монументлик (маҳобатли), фазовийлик, горизонталлар, вариантлар, диагоналар каби турлари бор.

Композиция воситалари – асрни яратишда қўлланиладиган асосий тасвирлаш техникаси, улар қаторига чизиқлар, ранглар, оқ, қора доғлар, колорит кабилар киради.

Колорит (гамма) – лотин тилидан олинган бўлиб, ранг (буёқ) маъносини англатади. Колорит асосан рангтасвирда қисман графикада реал борлиқ ва воқеликни ифодали тасвирлашда рангларни ўзаро уйғун ва мутаносиблигида нихоятда аҳамиятлидир. Колорит ранглар мутаносиблигига кўра илиқ ёки

совук, ёркин ёки тўқ, мулойим ёки жиддий бўлиши мумкин. Колоритда у ёки бу ранглар гуруҳи ёки ягона бир ранг етакчилик қилади.

Конструктивизм – лотин тилидан олинган бўлиб, куриш (ясаш) маъносини англатади ва у XX асрнинг биринчи чорагида санъат ва адабиётда вужудга келган.

Бу оқимдаги рассомларнинг ижоди тасвирий ва амалий санъатда идиш товоқлар, уй жихозлари, кийим – кечак, газлама кабиларни янги нусхаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. У китоб графикаси, театр безакларида ҳам ўз ифодасини топган. Натижада анъанавий театр безакларининг ўрнини ҳаракатли жихозлар эгаллаган.

Бу оқим XX аср охирларида пайдо бўлган мум (воск) ҳайкалларни пайдо бўлишлигига ҳам олиб келди. Конструктивизм охир оқибат дизайн санъатини келтириб чиқарди.

Ксилография – французча ёғочга ўйилган деган маънони англатади. У графика (гравюра) нинг бир тури сифатида тасвир ёғочда ҳосил қилиниб, сўнгра ундан тасвир қоғозга кўчирилади. Бу тасвирий технологияда график асар кўп нусхада тайёрланиши мумкин.

Кулранг – ранг номи, ёқилган ўтиндан қолган кулнинг рангига яқин бўлган ранг номи.

Кубизм – куб сўзидан олинган бўлиб, XX асрнинг биринчи чорагида Францияда пайдо бўлган. Бу йўналишдаги рассомлар реалистик санъат анъаналарини инкор этган ҳолда ўз асарларида ҳар қандай мавжудот ва нарсалар – куб, шар, цилиндр, конус пирамидалар ва уларнинг ўзаро қўшилмасидан ҳосил бўлган шакллар ёрдамида тасвирлайдилар.

Кумушранг – ранг номи, кумиш рангига яқин бўлган ранг.

Кесишув нуқта – маълумки, бир хил ўлчовдаги предметлар киши кўзидан узоқлашган сари кичрайиб кўринади. Бора – бора улар нуқтага айланиб қолгандек туюладилар. Бу ходиса уфқ чизиғига борганида рўй беради. Ёки

узоқларга қараб йўналган икки паралел чизик борган сари бир – бирларига яқинлашиб чизиклар оралиғи камайиб бораётгандек туюлади. Охир оқибатда бу икки чизик бир – бирлари билан кесишгандек туюлади ва у уфқ чизиғи устида рўй беради. Уни кесишув нуқтаси дейилади. Масалан, темир йўл, трамвай изини кузатиш орқали бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бунинг учун темир йўл ёки трамвай изларининг ўртасида туриб темир изларини узоқлашуви кузатилади. Маълум бўладикки темир излар борган сари бир – бирларига яқинлашиб бораверадилар ва охирида бу икки паралел излар уфқ чизиғига борганда унинг устида кесишиб бир нуқтага айланиб қоладилар.

Классицизм – латин тилидан олинган бўлиб, намунавий деган маънони англатади ва у XVIII – охири XIX аср бошларида Францияда шаклланган. У қадимги Юнонистон ва Рим санъати анъаналарига асосланган ва унга тахлид қилиб юзага келган санъат ва адабиётдаги йўналиш. Бу оқим тарафдорлари Антик даврнинг афсона ва ривоятлари, товрот воқеаларига мурожаат қилиб улардан олинган мазмун орқали ўз замондошларининг ахлоқий ва сиёсий муаммоларини санъат ва адабиёт воситасида кўтаришга ҳаракат қилганлар.

Уларнинг асарларида мазмунни мантикий ривожланиб бориши, композицияда мувозаат, аниқ тасвилаш, ҳажмни аниқ андоза асосида ифодалаш, чизикларни умумлашган ҳолда ровон бўлиши талаб этиларди. Ранглар эса асар ғоясини ифодалашда ёрдамчи вазифани бажариши лозим деб ҳисобланган.

Л

Лавкас – рангтасвир ишлаш учун тайёрланган қоришма. У мато, картон каби материалларни устки қисмини махсус суюқ қоришма билан ёпиб чиқиш орқали тайёрланади.

Лессировка – рангтасвирга хос бўлиб, тайёр ишни устини пардозлаш, сайқаллаштириш маъносини англатади. Бунда қуриган тасвир устидан ёрқин ёки ёқимли бўёқ берилади.

Линогравюра – гравюранинг бир тури бўлиб, унда тасвир линолеум парчаси устида ҳосил қилинади. Сўнгра ундан қоғозга расм кўчирилади. Бу тасвир технологиясида график асар кўп нусхада тайёрланиши мумкин.

Лоларўй – ранг номи, лола гулининг рангига ўхшаш ранг.

Ложувард – ранг номи, энг тўқ зангори ранг.

М

Манзара – тасвирий санъатнинг жанрларидан бири. Унда табиат, шунингдек шаҳар кўринишлари тасвирланади.

Маиший (турмуш) жанр – деб кишиларнинг кундалик ҳаёти, турмуши, меҳнатини акс этдирувчи тасвирий санъат жанрига айтилади.

Манера – тасвирий санъатда рассом ёки ҳайкалтарошнинг иш услуби.

Малларанг – ранг номи, лимон мевасининг рангига ўхшаш ранг.

Марина жанри – деб денгиз, дарё кўринишларини ва у ердаги воқеа ва ходисаларни тасвирловчи асарларга айтилади.

Мастехин – юнонча сўз бўлиб, ундан кўпинча ранг тасвирчи рассомлар фойдаланадилар. У андава ўхшаш шаклда ясалади ва сувратда нотўғри қўйилган, политрадаги кераксиз мойбўёқларни сидириб ташлашда ишлатилади.

Маҳобатли рангтасвир – тасвирланувчиларнинг ҳақиқий ўлчовидан катта қилиб ишланган суврат. Улар кўпроқ деворий рангтасвирда кўп қўлланади.

Маҳобатли ҳайкал – тасвирланувчи одам ёки ҳайвонларни ўз ўлчовларидан катта қилиб ишланган ҳайкали.

Мальберт – рассомнинг суврат яратишда ишлатадиган иш асбоби. (дастгоҳ).

Меценат – санъат ҳомийси.

Мойбўёқ – рангтасвирда ишлатиладиган асосий материал (буёқ) бўлиб, у махсус қоричма мой ёрдамида эритиб ишлатилади.

Модернизм – “Модерн” сўзи энг зўр замонавий деган маъносини англатади ва у XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярми

оралиғида Европа ҳамда АҚШ санъати ва адабиётида шаклланган. У академизм, классицизм, реализмни инкор этувчи оқим. Бу оқим вакиллари мумтоз санъатнинг бадиий анъаналаридан воз кечиш, асарларда рассомлар ўзларининг шахсий кечинма ва таасуротларини устун қўйиш лозимлигини асослашга ҳаракат қилдилар. Уларнинг ижодида реал образлар шаклини ўзгартириш, хаттоки йўқотиш, уларни ўрнини турли шакл ва ранглар билан алмаштиришдек қўринишлар ўз аксини топган.

Мовий – ранг номи, эрта тонгдаги соф осмон ранги.

Мозаика – рангтасвирнинг бир тури бўлиб, қаттиқ материаллар ҳисобланган кошин, рангли шиша, мрамор, тош, ёғоч, металл парчаларини текис юзага махсус қоришмалар ёрдамида ёпиштириб яратиладиган тасвирлаш техникаси. Бундай асарлар кўпинча деворга, шифтга, уй полига ишланади.

Мош ранг – ранг номи, мош рангига яқин бўлган ранг.

Мўйқалам – қилқалам, рассомлар ишлатадиган тасвир қуроли. уларнинг жундан ёки синтетик материаллардан тайёрланади.

Мум ҳайкал – асалари мумидан рангли қилиб тасвирланадиган ҳайкал. Кўпинча машҳур шахслар ҳайкали шу йўсинда ишланади. Мум ҳайкалларда ҳақиқий либослар ва турли иш қуроллари ҳам қўлланилади.

Мўъжаз рангтасвир – тасвирланувчиларни кичик ўлчовда ишланган суврати. Улар кўпроқ китоб безагида ишлатилади. Шунингдек улар мустақил санъат асари сифатида, турли қутича ва гулдонлар устига ишланиши ҳам мумкин.

Мусаввир – арабча рассом деган маънони билдиради.

Н

Натура – тасвирлаш учун мўлжалланган одам, ҳайвон, манзара, предмет ва бошқалар ҳисобланади.

Натуршчик – натура вазифасини ўтаётган одам.

Натюрморт жанри – тасвирий санъатнинг жанрларидан бири бўлиб французча жонсиз табиат деган маънони англатади. Мазкур жанрда гуллар, мева ва сабзавотлар, уй – рўзғор буюмлари, санъат ва спорт атрибутлари акс этдирилади.

Нилгун – ранг номи, оч жигар ранг.

Норанжваш – ранг номи, апельсин рангига яқин ранг.

Новвоти – ранг номи, новвот рангига ўхшаш ранг.

Новшадил – ранг номи, ўткир ёрқин яшил ранг.

Нофармон – ранг номи, оч бинафша ранг.

Нюанс – французча сўз бўлиб, нарсаси ва ҳодисалардаги, тасвирдаги нозик, яхши илҳаб бўлмайдиган фарқ маъносини англатади.

НЮ – тасвирий санъат жанрларидан бари бўлиб, унда кишилар, кўпинча аёллар яланғоч тарзда тасвирланади.

О

Оқ – ранг номи, пахта ранги.

Оригинал – асли, асл нусха, асл кўриниш маъносини англатади.

Офорт – французча кислота маъносини англатади, гравюранинг бир тури ҳисобланиб. Унда тасвир аввал кислота ёрдамида металда (мис, кўрғошин) ҳосил қилиниб, сўнгра ундаги тасвир қоғозга кўчирилади.

Оттиск – рус тилидан олинган бўлиб, биронта тасвир ёки матнни босмаҳона шароитида кўп нусхада, одатда қоғоз ёки бошқа материалга кўчирилиши маъносини билдиради.

Олдинга интилувчи ранглар – ранглар даврасида кузатувчи эътиборини тез ўзига тортувчи ранглардир. Улар асосан илиқ ранглар қизил, сариқ, зарғалдоқ, пушти, ва бошқа шу каби ранглар ҳисобланади.

Орқага интилувчи ранглар – ранглар даврасида кузатувчи эътиборидан ўзини олиб қочишга ҳаракат қиладиган ранглардир. Улар асосан совуқ ранглар – зангори, хаворанг, яшил, бинафша каби ранглардир ҳисобланади.

П

Политра – Французча юпка пластинка деган маънони англатади. Улар ёғочдан ишланади. Политралар металл, пластмаса, чинни каби материаллардан ҳам ишланиши мумкин. Политралар бўёқларни аралаштириш учун тайёрланган бўлиб, рангтасвирчи рассомнинг иш қуроли ҳисобланади. Акварел бўёқларни аралаштириш учун бир парча қоғоз ҳам палитра вазифасини ўташи мумкин.

Панно – лотин тилидан олинган бўлиб, мато парчаси маъносини англатади. Паннолар кўпинча мойбўёқ билан мато устига ишланади.

Улар махсус жойга ўрнатиш учун мўлжалланган бўлиб, рангтасвир, рельефли ва нақшли ҳошия билан чегараланган бўлади.

Панорама – юнон тилидан олинган бўлиб, кўриниш маъносини анлатади. Панорамада сувратлар айлана, ярим айлана шаклидаги узун деворга ишланади. Шунингдек, унда рўй бераётган воқеа ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида суврат олдида бутафор тасвирлар, уй макетлари, одам, ҳайвон, табиат шакллари жойлаштирилади. Панорамаларни томошабинлар залдаги махсус ажратилган жойдан туриб кузатадилар.

Панье – мише – француз тилидан олинган бўлиб, эзилган қоғоз маъносини анлатади. Бу услубда тасвир қоғоз, картон каби материаллар сиртида елимли моддалар, крахмал, гипс кабиларни аралаштириш орқали ҳосил қилинади. Бундай тасвирлардан ўйинчоқлар, уй – рўзғор буюмлари, таълим жараёнида дидактик материалларни тайёрлашда фойдаланилади.

Пастель – италиянлар тилидан олинган бўлиб, ҳамир маъносини англатади. Рассомлар қоралама ва график ишларда кенг фойдаланадилар. Пастеллар рангли ингичка бўр шаклида бўлиб, уларни қоғозга ёпишқоқлик хусусиятлари кучли бўлади.

Перспектива – лотин тилидан олинган бўлиб, равшан кўраман деган маънони анлатади. Борлиқдаги барча нарсалар маълум масофадан туриб

кузатилганда улар кузатучига ўлчовлари, ҳажми, ранги ўзгаргандек бўлиб туюлади. Бу ходисани перспектива деб юритилади. Тасвирий санъатни назарий асосларидан ҳисобланган перспектива махсус фан даражасига кўтарилган бўлиб, унинг чизиқли, ҳаво (ранг) ва рельеф (ҳажм перспективаси) турлари бор.

Примитивизм – примитив сўзи содда, оддий маънони англатади ва у XIX аср охири XX аср Европа ва АҚШ санъатида пайдо бўлган. Мазкур оқим вакиллари ўз асарларини, санъатда атайлаб ибтидоий, ўрта асрлар, ҳалқ санъати, болалар ижодига яқинлаштириб расм ишлаганлар. Бу оқимнинг мақсади ўша даврда пайдо бўлган фовизм, кубизм, футуризм каби турли йўналишларнинг тасвирий услубларидан воз кечиш ҳисобланган.

Бу оқимда кўпроқ махсус бадиий таълим олмаган хаваскор ва уларга эргашган рассомлар ижод қилишган.

Плакат – француз тилидан олинган бўлиб, эълон маъносини анлатади. У тасвирий санъатнинг графика турига киради. Плакатлар кишиларни ҳаётидаги энг муҳим бўлган муаммоларни ечимига қаратилади, улар ташвиқот ва тарғибот қилинади. Масалан, тинчлик, экология спид кабилар муҳим муаммолардир. Плакатлар кўпинча катта ўлчовда ва рангли қилиб тасвирланади.

Пластинин – ҳайкалтарошликда ишлатиладиган махсус қоришма. У мум, лой каби модалардан ташкил топган бўлиб, ҳамирсимон юмшоқликда бўлади. Ундан ҳайкалтарошлар ҳайкалларни макетини тайёрлашда фойдаланадилар.

Пластика – юнон тилидан олинган бўлиб, мулойим, гўзал маъносини англатадиган ҳайкалтарошликка доир атама. Унда образлар бўртирилган ҳолда ифодали қилиб, уйғунлик қонунлари асосида яратилган бўлади.

Пластик анатомия – одам ва ҳайвонларнинг аъзоларини ўргатадиган фан. У одам ва ҳайвонларнинг тана тузилиши, мушакларининг шакли, ўлчовлари ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўргатади. Пластик анатомияни билиш медицина ходимлари, портретини рассом ва ҳайкалтарошлар учун нихоятда муҳим.

Пленэр – француз тилидан олинган бўлиб, очик жой, кенг кўриниш маъносини англатади. Кўпинча рассомлар ўз асарлари учун этюд, қоралама, рангламаларни пленэрда бажарадилар. Очик ҳавода этюд, қоралама рангламалар ишлашдан мақсад кундузги табиат ва бошқа объектларнинг ранглари ҳақида аниқ тасаввур этишдан иборат.

Подрамник – рус тилидан олинган бўлиб, суврат ишлаш учун мўлжалланган матони таранг тортиб туришга хизмат қилувчи қурилма. Улар тўртта ёғочни бир – бирига маҳкамланиши орқали тўртбурчак ёки квадрат шаклида тайёрланади.

Портрет – француз тилидан олинган бўлиб, тасвир, аниқроғи одам тасвири маъносини англатади. У тасвирий санъатнинг бир жанри ҳисобланади. Портретда бир ёки бир неча шахс тасвири ишланиши мумкин. Уларда одамларнинг боши ёки белигача бўлган ёки тўлиқ қомати тасвирланиши мумкин.

Постамент – немис тилидан олинган бўлиб, таглик маъносини англатади. Постамент ҳайкални кўтариб турадиган тўрт ёкли призма ёки цилиндр шаклида бўлади. Улар музей ва кўргазма залларида ҳам намоиш этиладиган ҳайкал ёки амалий санъат буюмларини тагига қўйилади.

Постимпрессионизм – лотин тилидан олинган бўлиб, импрессионизмдан сўнгги маъносини англатади. У XIX аср охири XX аср бошларида Францияда пайдо бўлган. Тасвирий санъатдаги неоимпрессионизм, кубизм, фовизм в. б. шу каби оқимларнинг умумий номи ҳамдир. Бу оқим вакиллари давр билан боғлиқ янги бадий тасвирий воситаларни яратишга ҳаракат қилдилар. Постимпрессионистлар бир онни (момент) ифодоловчи таасуротлар ўрнига жўшқин хис – туйғуларга бой шакл ва ранглари кўллашган афзал кўрдилар.

Пропорция – лотин тилидан олинган бўлиб, муносабат деган маъноин англатади. У тасвирдаги ўлчовлар (бўйи, эни, қалинлиги, оч – тўқлиги, катта – кичиклиги в. б.) ўртасидаги нисбатларни назарда тутди.

Полиптих – кўп қисми ёки бир неча қисмли деган маънони англатади. Маълумки дастгоҳли санъат асарлари икки қисмдан иборат бўлса диптих, уч қисмдан иборат бўлса триптих деб аталади. Агарда ўша асарлар тўрт ва ундан ортиқ қисмдан ташкил топса полиптих деб юритилади. Шунинг ҳам ҳисобга олиш лозимки, диптих, триптих, полиптих асарларидаги ғоялар ва мазмун ўзаро боғлиқ ва бир – бирининг давоми ёки тўлдирувчиси бўлади.

Путти – кўпинча Европа рангтасвири ва ҳайкалтарошлигида паришталар рамзи сифатидаги қанотли гўдаклар тасвирidir.

Пушти – ранг номи, оч зарғалдоқ ранг.

Пуантилизм – француз тилидан олинган бўлиб, нуқта маъносини англатади. Бу йўналишдаги рассомлар ўз сувратларини маълум майда шаклдаги (нуқта, квадрат, доира в. б.) ранг доғлари ёрдамида ишлаганлар. Хозирда ҳам бу йўналишда ижод қилаётган рассомлар бор.

Пьедестал – ҳайкал ёки ёдгорлик тагига қўйиладиган таглик супа. Улар куб, призма, цилиндр, кесик конус шаклида бўлиши мумкин.

Пистоқи – ранг номи, писта мағзининг ранги.

Р

Ракурс – одам, ҳайвон, манзара ва бошқа нарсаларнинг уфқ чизиғидан анча юқори ёки пастдан туриб ишланган тасвири. Бунда тасвирланадиган нарсалар кескин қисқариб кўринадилар.

Ранглама – қисқа вақт ичида бўёқлар билан ишланадиган хомаки расм.

Рассом – рангтасвир ва графика турида ижод қилувчи мутахассис.

Ранглар тони – бу уларнинг оч – тўқлиги даражасини англатади. Ранглар тони бўёқларнинг таркибидаги эритманинг оз ёки кўплигига қараб белгиланади. Тўқ ранглар қора, зангори, бинафша бўлса оч ранглар оқ, пути, хаворанг бўладилар.

Ранг туси – бу биргина рангни бир неча даражасидаги бир – биридан фарк килувчи сифатларидир. Масалан қизил, сариқ, яшил, зангори кабилар ранг туси хисобланади. қизил рангни қирмизи, пушти, лоларўй, гулгун каби туслари ҳам бор. Ёки зангори рангнинг хаворанг, мовий, ложувард туслари бўлади.

Ранг тўйимлилиги – бўёқларни ёрқинлигини билдиради. қоришмада кул ранг қанчалику кам бўлса, у шунчалик тўйимли ва ёрқин, аксинча кўп бўлса шунчалик тўйинмаган бўлади.

Ранглар спектри – спектр сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, тасаввур маъносини англатади. Спектрни бошқа турлари каби оптик тури ҳам бор. Оптик спектрда оддий қуёш нурини линзадан ўтказилганда ойна уни турли қизил, сариқ, зангори, яшил в. б. рангларга ажратиб беради. Бу ходисани ранглар спектри деб аталади. Ранглар спектрини табиатда ёмғидан сўнгги осмонда пайдо бўладиган ранглар камалагида ҳам кўриш мумкин.

Рангшунослик – ҳаётда ва санъатда рангларнинг кишилар кайфиятига, уларни хис – туйғулларига таъсирини ўрганадиган фан. Рангшунослик саноат, медицина муаммолари билан ҳам шуғулланади. Тасвирий санъатда рангшунослик фани ранглар ёрдамида тасвирий образлар яратиш, унинг ифодалилигини ошириш масалаларини ечишга ҳаракат қилади.

Ранг (ҳаво) перспективаси – реал борлиқдаги нарса ва ходисаларнинг киши кўзидан узоқлашган сари уларнинг рангларида рўй берадиган ходиса ўзгаришидир. Бунда уларнинг ранглари ҳаво, чанг, туман таъсирида ўз тусини йўқотадилар.

Ранглар гармонияси – гармония сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, боғланиш, мутаносиблик маъносини англатади. Рангтасвир сувратларда ишлатилган турли ранлар бир – бири билан боғланса, ҳамоханг бўлсалар улар ранглар гармонияни ташкил этадилар. Аксинча улар бир – бирларини инкор этсалар, бир – бирлари билан боғланмасалар дисгармонияни келтириб чиқарадилар.

Ранглар қарама – қаршилиги (контраст ранглар) – рангтасвир сувратларда ишлатиладиган рангларни бир – бирларига тескари турлари бор. Улар оч ва тўқ, илиқ ва совуқ, шаффоф ва кир, ёрқин ва хира ранглардир. Уларни қарама – қарши ранглар деб ҳисобланади. Икки қарама – қарши ранг ёнма – ён қўйилганда уларнинг бирининг ёрқинлиги кучаяди, иккинчисиники эса сусаяди.

Ранглар доираси – асосий ранглардан (қизил, сариқ, зангори) ва қўшимча рангларни олинишини кўрсатувчи жадвал. Ранглар доирасида ўн икки ёки йигирма тўрт ранг туси доира чети бўйлаб жойлаштирилган бўлиб, улар илиқ ва совуқ ранглардан ташкил топади. Бир ранг устидан доира марказидаги нуқтадан тўғри чизиқ ўтказилса, чизиқнинг иккинчи учи ўша рангга мутаносиб, мос рангга тўғри келади. Ранг доирасидаги ранглар асосий (қизил, сариқ, зангори), рангларни ўзаро аралаштириш орқали олинади. Асосий уч рангни бир бирига қўшиши орқали биринчи даражали яна уч ранг гуруҳи олинади. Пайдо бўлган ўн икки ёнма – ён турган рангларни қўшиб яна ўн икки ранг олинади. Уларни учинчи даражали ранглар деб ҳисобланади. Натижада ранг доирасида йигирма тўрт ранг пайдо бўлади.

Рельеф – лотин тилидан олинган бўлиб, қабарик, бўртма маъносини англатади. Ҳайкалтарошликда тасвир текислик юзасидан қисман бўртиб чиққан бўлади. Уни бирельф ва горельф турлари бир.

Репродукция – лотин тилидан олинган бўлиб, ҳосил қилиш маъносини англатади. Тасвирий санъатда репродукция деб суврат, график иш ва ҳайкалтарошлик асарларини босмаҳоналар шароитида кўп нусхаларда қоғозда кўпайтирилган тасвирларига айтилади.

Реставрация – санъат асарларини таъмирлаш маъносини англатади.

Ретушь – француз тилидан олинган бўлиб, тасвирни тузатмоқ маъносини англатади. Ретушь қалам шаклида бўлиб, унинг таркиби оддий қаламдан фарқ қилади. Унда турли график ишларни камчиликларини тузатишда фойдаланилади.

Рефлекс – ёнма ён турган нарсалар ва уларнинг тасвиридаги ранг ёки тон жиҳатидан бир бирларига кўрсатадиган акс таъсирларидир.

Реализм – XIX асрнинг ўрталарида Францияда пайдо бўлган. У тасвири ҳақиқатдагидек борликда қандай кўринса шундай ифодалашни назарда тутди. Лекин у фотографиядан фарқ қилиб юқори бадиий, мазмунан бой бўлишни талаб этади.

Ритм – юнон тилидан олинган бўлиб, “оқаман” маъносини англатади. Тасвирий санъатда асарни ифодалилик воситаларидан бири ҳисобланиб, у томошабинга эстетик таъсирини кучайтиришга ёрдам беради. Ритмда сувратдаги деталларни, уларни шакллари, ранглари, ўлчовларини қайтарилиб ёки алмашилиб келиши ритмни ҳосил қилади.

Романтизм – Европа ва Америка маданияти ва санъатидаги ғоявий ва бадиий йўналиш. Бу йўналишдаги рассомларнинг ижодига маънавий – ижодий эркинлик, кучли эҳтирос ва шиддатларга талпиниш, миллий маданият ва фольклорга ўтиш, узоқ юртлар ва халқлар ҳаётини тасвирлаш хосдир.

Уларнинг асарларида ғалати кутилмаган, ўткир драматик воқеалар, инқилобий курашлар, тарихий воқеалар, қахрамонона афсоналар, Шарқнинг қизиқарли кўриниш ва ходисалари ифодаланади. Бу йўналишдаги ижодкорлар ўз асарлари учун кучли эҳтирос ва ҳарактерли шахс образларини танлаб олишган.

Русалка – рус рангтасвирида учрайдиган боши аёл, танаси балиқ тасвири. Сув париси деб ҳам юритилади.

С

Сабза – ранг номи, эрта баҳорда янги ўсиб чиққан ўт – ўланлар ранги.

Салон – тасвирий ва амалий санъатга доир материаллар, иш қуроллари, санъат асарлари сотиладиган дўкон.

Санъатшунос – санъат тарихи, назарияси ва унинг тараққиёти бўйича тадқиқот олиб боровчи мутахассис.

Санъатшунослик – санъат тарихи, унинг муаммолари билан шуғулланувчи фан.

Сомоний – ранг номи, сомон ранги, тилласимон ранг.

Сангина – лотин тилидан олинган бўлиб, қонга ўхшаш маънони англатади. Улар қалам шаклида, ёғочсиз темир оксидли тупроқсимон моддалардан тайёрланади. Уларни қоғозга ёпишқоқлик хусусиятлари кучли бўлади. Расомлар улардан хомаки расм ишлаш жараёнларида кенг фойдаланадилар.

Саноат графикаси – саноатда қўлланиладиган реклама, ёрлиқ, эмблема, бланка, конверт, товар белгилари, этикетка, упаковка ва бошқаларни ифодалайдиган графика тури.

Сариқ – ранг номи, момақаймоқ (қоқи ўт) рангининг номи.

Садаф – ранг номи, оч сарғиш ранг.

Сепия – жигар ранг бўёқ билан ишланган расм, тасвир.

Силуэт – бир ранда, ҳажмсиз қилиб ишланган расм. Уни шарпа тасвир деса ҳам бўлади.

Сийбоб – ранг номи, симоб ранги.

Симметрия – юнон тилидан олинган бўлиб, ўлчовдош деган маънони англатади. Тасвирий санъатда сувратдаги детални ёки нарсани ўртасидан вертикал ўқ чизик ўтказилганда унинг чап ва ўнг томонларини бир – бирига тенглиги кузатилса у симметрик шакл ҳисобланади. Ёки сувратнинг чап ва ўнг ёки юқори ва пастки қисмларидаги ўзаро тенглик ёки ўхшашлик ҳам симметрияни билдиради. Масалан, капалак, симметрик шаклга эга. Симметрияни ўқли ва марказий турлари бўлади. Ўқли симметрияда симметрия ўқи битта бўлса, марказий симметрияда у бир неча бўлиши мумкин.

Символизм – Юнон тилидан олинган бўлиб, рамзий, тимсол маъносини англатади ва у XIX аср охири ва XX аср бошларида Францияда пайдо бўлган бадиий йўналиш. Мазкур йўналишдаги ижодкорларнинг бадиий ижоди асосини сувратда яширинган образ – символлар ташкил этади. Символизм йўналишдаги рассомлар кўпроқ ғайри – табиий кайфият билан суғорилган ярим афсонавий композициялар яратишган. Уларнинг ижодида алоҳида бадиий – тасвирий тилни излаш кўзга ташланади. Буни улар чизиклар ритми, ранглар уйғунлиги ёрдамида амалга оширганлар ва мураккаб символик мазмунни яратишга эришганлар.

Слайд – диапозитив, фотоплёнкага туширилган суврат тасвири.

Совуқ ранглар – яшил, зангори, бинафша рангларни шундай деб аталади.

Соя – нарсаларнинг ёруғлик тушмайдиган қисмида ҳосил бўлган кўриниши. Сояларнинг икки хили бўлади. Улар шахсий соя ва тушувчи соялардир.

Соус – қалам шаклидаги рассомнинг иш қуроли. У ёғочсиз бир рангда бўлиб, ўлчови 4 – 5 см. дан ошмайди. Соусдан рассомлар кўпроқ хомаки ишлар жараёнида фойдаланадилар.

Стек – ҳайкалтарошлик асбоби. Улар ёғоч ёки пластмасса материаллардан тайёрланади. Стеklarни турли шакл ва ўлчовдагилари бўлади. Лой ва пластилин билан ҳайкал ишлашда қўлланилади.

Супермуқова – китоб бадиий безагида ишлатиладиган қоғозга ишланган тасвир. Улар безакли ва рангли ҳолда китобларни ташқи таъсирдан сақлаш мақсадида китоб устига кийдирилади. Супермуқовани сармуқова ҳам дейишади.

Суврат – юксак бадиий савияда ишланган рангтасвир ёки график тасвир.

Сфинкс – қадимги Миср ҳайкалтарошлигида учрайдиган танаси шер боши одам тасвири.

Сюрреализм – француз тилидан олинган бўлиб, ўта реализм маъносини англатади ва у Францияда XX асрда санъатда пайдо бўлган. Бу оқим вакиллари

авангардлик йўналишдаги санъатда ақл – заковат, мантиқ, ҳар қандай табиий – эстетик ва ахлокий ҳиссиётларни тасвирлашга қарши чиқадилар. Улар ўз асарларида ақлий фаолиятдаги, жамият ҳаётидаги шаклланган тизимни тубдан ўзгартиришга ҳаракат қилганлар.

Сюрреализм вакиллари ижодкор онгига илк бор келиб қолган сўз, фикр, турли – туман тасаввурларнинг дастлабки, кутилмаган ҳолатдаги шакли асарнинг асоси бўлиши лозим деб ҳисоблаганлар.

Т

Тарихий жанр – тарихий воқеаларни тасвирловчи тасвирий санъат жанри.

Тасвирий санъат – борликда мавжуд ва мавжуд бўлмаган мавжудот, нарса ва ходисаларни тасвирловчи санъат тури.

Темпера – италянлар тилидан олинган бўлиб, бўёқ қориштириш маъносини англатади. Бу бўёқ сув билан эритиб ишлатилади. У кўпроқ биноларни безагида, рангтасвир ишларда кенг қўлланилади. Таркибида махсус моддалар бўлганлиги сабабли қуёш ва ёруғлик таъсирида ўз рангини ўзгартирмайди, узоқ вақтгача ўз тусини сақлаб қолади.

Тушь – қора сиёҳ. Шу восита билан ишлаган асар ҳам тушь дейилган.

Тўтиё – ранг номи, ёрқин ялтироқ яшил ранг.

Тўтигий – ранг номи, зангори ва яшил бўёқларнинг қўшилишидан олинган ранг.

Тулум – хайвон, қуш, балиқ кабиларни махсус материаллар ёрдамида ўзига ўхшатиб тайёрланган нусхаси.

Тушувчи соя – соялар назариясида улар иккига шахсий ва тушувчи сояларга бўлинади. Предмет танасидаги соя шахсий соя, бир предметдан иккинчи предметга ёки текисликка тушган соя тушувчи соя деб юритилади.

Титул – лотин тилидан олинган бўлиб, ёзув маъносини англатади. Титул варроқ китобларда муқовадан кейин келади. Уларда китоб муаллифи, китобнинг номи, китоб нашр этилган шаҳар, ун нашр этилган йили ёзилган бўлади.

Торс – италянлар тилидан олинган бўлиб, инсон танаси маъносини англатади. қадимда бадий ўқув юртларида талабалар бошсиз, қўлсиз, оёқсиз гипсдан ишланган одам танасини расмини ишлаб чизишни ўрганганлар.

Триптих – юнон тилидан олинган бўлиб, у букланган деган маънони англатади. Аслида у ягона умумий мазмун ва ғояни ифодаладиган уч бўлакдан иборат рангтасвир, ёки графика асари ҳисобланади.

У

Упаковка – санъат графикасининг бир тури бўлиб саноатда ишлаб чиқариладиган молларни махсус идишларга жойлаштирилиб, унинг устига ёзиб қўйиладиган маълумотлардир.

Уфқ чизиғи – юнон тилидан олинган бўлиб, чегаралаш маъносини англатади. У кузатувчининг кўз баландлигида тасаввур этиладиган горизонтал (ётиқ) чизиқ. Очiq кенгликларда у кузатувчи тасаввуридаги осмон билан ерни кесишган жойидаги чизиқни билдиради.

Ф

Фактура – лотин тилидан олинган бўлиб, тузилиши ишлови маъносини англатади. Унда асосан нарсаларни устки қисмининг тузилиши назарда тутилади. Фактура – силлиқ, ғадир – будир, текис бўлиши мумкин.

Фас – тасвирий санъатда расми ишланаётган мавжудот ва нарсаларнинг олдида кўринишидир.

Флейц – катта ўлчовдаги ва кенгликдаги мўйқалам. Улар кўпинча бино ва махобатли рангтасвир ишларини бажаришда ишлатилади.

Фон – лотин тилидан олинган бўлиб туби, асоси, замини маъносини англатади. Тасвирий санъатда фон расмнинг орқа қисмидаги тасвири ёки текис бўялган қисмидир.

Фируза – ранг номи, зангори ёрқин тош ранги.

Фронтиспис – лотин тилидан олинган бўлиб, олди, кўраман маъносини англатади. У китоб титул варағининг чап, муқованинг орқа томонидаги безакли

саҳифаси ҳисобланади. Фронтисписда китоб муаллифининг расми ёки у ҳақда маълумот, китоб мазмуни, ғояси билан боғлиқ иллюстрация берилади.

Фронтал композиция – Фронтал сўзи рўпарасидан, тўғрисида кўриниши маъносини англатади. Бундай композициялар, рангтасвир, графика, рельефи бўлади ва текис юзаларда акс этдирилади. Уларни фақат бир томондан, олд томондан кузатиш мумкин.

Футуризм – лотин тилидан олинган бўлиб келажак маъносини англатади ва у ўз мазмунига кўра кубизмга яқин туради. Футуризм XX аср бошларида Францияда пайдо бўлган авангардизм оқими ҳисобланади. Бу оқим вакиллари келажак санъатини яратишни мақсад қилиб анъанавий маданият ва санатнинг моҳияти ва мазмунини инкор этганлар, катта машиналашган шаҳар ютуқларини, уларнинг ҳаракатини, куч – қувватини улуғлаганлар. Футуристлар ўз асарларида шаклларининг ўзаро кесишуви, сурилиши, тўқнашувларини, мотивларни кўплаб қайтарилишини ифодалаганлар. Бу орқали улар замонавий шаҳарлардаги шиддатли ҳаракатларни тасвирини кўрсатмоқчи бўлганлар.

Х

Хроматик ранглар – атамаси юнон тилидан олинган бўлиб, ранг, бўёқ маъносини англатади. Улар қаторига оқ, қора, кул ранг ранглардан ташқари барча ранглар киради.

Ч

Чизиқли перспектива – деб нарсаларнинг кишилар кўзидан узоқлашган сари уларнинг ўлчовларида рўй берадиган қисқариб кўринишига айтилади.

Чуқур фазовий композиция – бундай композициялар асосан жамоат ва турар – жой биноларини ички қисмини, хусусан йўлак, каридор, фое, уй хонаси кабиларни лойиҳалашда ишлатилади.

Ш

Шахсий соя – тасвирланаётган мавжудотлар танасидаги ёки уларнинг тасвиридаги соя.

Шеду – кадимги Шарқ, Олди Осиё ҳайкалтарошлигида учрайдиган атама. Унда боши одам, танаси буқа тасвирланади.

Шингоб – ранг номи, тилла рангига ўхшаш ранг.

Шмуцтитул – немис тилидан олинган бўлиб, ифлосланиш, сарлавха, титул сўзларини ифодалайди. Ва у китобларини ифлосланишидан сақлашга хизмат қилади. У китобнинг титул varaғи ёки китоб бобидан олдин қўйиладиган қоғоз varaқ. Шумцтитулда китоб номи ёки боб номи, китоб ва нашриёт номи, бадий безаклар ҳам ифодаланади.

Штрихлаш – қалам ёки шу каби иш қуроллари билан расм чизганда қўлланиладиган услуб.

Э

Эслибрис – бир шахснинг кутубхонасига тегишли эканлигини билдирувчи тамға. Унда шахсий кутубхона эгасининг исми ва фамилияси, шунингдек унда бирор тасвирий белги бўлиши ҳам мумкин. Эслибрислар гравюра услубида тайёрланади.

Экспозиция – лотин тилидан олинган бўлиб, кўрсатиш, намойиш этиш маъносини англатади. Тасвирий санъатда музей, бадий кўргазмаларда санъат асарларини томошабинга намойиш этиш тушунилади.

Экспонат – лотин тилидан олинган бўлиб, кўргазмага қўйилган деган маънони билдиради. Тасвирий ва амалий санъатда намойиш этилаётган асар тушунилади.

Экспрессионизм – лотин тилидан олинган бўлиб, ифодалаш маъноисини англатади ва у XIX аср бошларида адабиёт ва санъатда пайдо бўлди. Бу йўналишдаги рассомлар ижодида замонавий цивилизациянинг инқироzi ва инсониятни халокатга етаклаётган воқеалар акс этдирилади. Шунингдек, уларда уруш ва инсонлар ҳуқуқини оёқ ости қилинишга қарши мавзулар ва тасвирий воситалар ишлатилди. Экспрессионизм оқимида ишланган рангтасвир ва график

ишларда (қарама – қарши оч, тўқ, оқ, қора) ранг доғларини кенг қўланилиши асар ғояларини ёрқин ифодалашга ёрдам берган.

Эмблема – юнон тилидан олинган бўлиб, бирон ғояни шартли тасвирлаш маъносини англатади. Масалан, китоб тасвири маънавият ва таълим белгисидир.

Эскиз – француз тилидан олинган бўлиб, хомаки тасвир маъносини англатади. Рангтасвирда у бўлғуси асарни кичик ўлчовдаги хомаки ишланган намунаси. Унда суврат композицияси, мазмуни, ранглари, асосий деталлар тасвирланади.

Эстамп – графикага доир мустақил асар. Улар гравюра услубида кўп нусхада тайёрланади ва иш муаллифнинг рассомнинг кўригидан ўтказилади, зарур бўлган тақдирда уларга қисман тузатишлар киритилади ва иш тагига рассомнинг шахсий имзоси қўйилади. Эстамплар оқ – қора ёки рангли бўлиши мумкин.

Этюд – француз тилидан олинган бўлиб, машқ қилиш маъносини англатади. Этюд рассомни келажакда бирор асар яратишидаги, дастлабки тайёргарлик босқичидир. У тасвирий санъатнинг деярли барча жанрларида ишлатилади. Бир суврат учун кўплаб этюдлар ишланиши мумкин.

Этюдник – рассомнинг иш қуроллари ва материалларни солиб юрадиган қутиси. Унда мўйқалам, бўёқ, қоғоз, картон ва бошқа шу кабилар сақланади. Этюдник рассомга манзара, портрет, этюд ишлаганда молберт вазифасини ҳам ўтайди.

Этикетка – графиканинг бир тури бўлиб, кўпинча у саноатда ишлаб чиқилган моллар ҳақида маълумотлар ёзиб ва уларни мол устига ёпиштириб қўйилади. Намойишга қўйилган ёки музейларда сақланаётган тасвирий санъат асарлари ҳам этикеткалари бўлади. Этикеткаларда асарни яратган муаллифнинг исми ва шарифи, унинг номи, яратилган йили, қандай материалдан ишланганлиги ёзиб қўйилади.

Якуний безак – китоб графикасига мансуб бўлиб, унинг боб ёки фасллари, қисмларининг охирида бориладиган тасвир. Улар нақшли ёки мазмунли бўлишлари мумкин.

Ярим соя – турли – туман мавжудот ва нарсалар танасидаги шунингдек, уларнинг тасвиридаги ёруғ ва соялари ўртасидаги қисми.

Яшил – ранг номи, тўқ барг ранги.

Ў

Ўзбекистон халқ рассоми – Ўзбекистон тасвири санъатини ривожлантиришда кўплаб халқга манзур юксак бадиий савияда асарлар яратишда кўрсатган катта хизматлари учун рассом ва ҳайкалтарошларга бериладиган давлат унвони.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби – Ўзбекистон санъати (музыка, театр, кино, меъморчилик, тасвирий ва амалий санъат в. б.) ривожлантиришдаги катта хизматлари, кўплаб юқори бадиий савияда санъат асарларини яратганликлари учун санъат намоёндаларига давлат томонидан бериладиган унвон.

Қ

қўшимча ранглар – асосий ранглар ҳисобланган қизил, сариқ, зангори, шунингдек оқ ва қора ранглардан ташқари барча ранглардир.

қоралама – қора қалам, ретуш, угол (кўмир), соус, сангина каби иш қуроллари билан тез ва қисқа вақт давомида бажариладиган хомаки расм.

Ҳ

Ҳайкал – ҳайкалтарошлик маҳсули бўлиб, улар лой, тош, ёғоч, темир, мўм каби материаллардан ҳажмли қилиб ишланади. Ҳайкалларни юмалоқ ва рельефли турлари бўлади.

Ҳайкалтарошлик – тасвирий санъатнинг бир тури. Бунда одам, ҳайвон ва қушларнинг ҳажмли тасвири турли материаллар ёрдамида ишланади.

Ҳайкалтарошликда кўпинча тош, ёғоч, лой, гипс, металл каби материаллардан фойдаланилади. Унинг майда пластика, терракота, дастгохли ҳайкалтарошлик, маҳобатли ҳайкалтарошлик, истироҳат боғи ҳайкалтарошлиги, декоратив ҳайкалтарошлик каби турлари бор.

Ҳаво ранг – ранг номи, осмон ранги.

Ҳажмли композициялар – ҳайкалтарошликда амалий санъат ва меъморликда қўлланилади. Бундай композициялар уч ўлчовли бўлиб, уларни ҳар томондан кузатиш мумкин.

Ҳажм (рельф) перспективаси – Ҳар қандай нарсалар киши кўзидан узоқлашган сари фақат ўлчов, ранг жиҳатдан эмас, балки рельеф перспективасига дуч келадилар. Бунда предметлар ўз ҳажмини йўқотиб, юпқа бўлиб кўринадилар.

Адабиётлар рўйхати

1. Авесян О. А. Натура и рисование по представлению. – Москва: Изобразительное искусство. 1985. – 151 с.
2. Алехин А. Д. О языке изобразительного искусства. – Москва: Знание 1983. – 48с. с.
3. Валиулина Н. Рўзи Чориев – Тошкент: ғофур ғулом. 1983. – 95 с.
4. Веймарн Б. В. Живопись молодёх художников Узбекистана. – Тошкент: Творчество. 1985. – 76 с.
5. Веймарн Б. В. Искусство Средней Азии. – Москва: Искусство. 1940.
6. Владимирский Г. А. Перспектива. – Москва: Просвещение. 1969.
7. Вопросё изобразительного искусства Узбекистана Сб. науч. тр. – Ташкент: Гафур Гулям, 1973. – 120 с.

8. Долинская В. Г. Плакат Узбекистана. – Ташкент: Изд – во АН УзССР. 1968.
9. Еремян Р. В. Усто Мумин. – Тошкент: ғофур ғулом. 1982. .
10. Жадова Л. А. Современная живопись Узбекистана. – Ташкент: Гослитиздат. 1962. – 112 с.
11. Живописные мистерии Сергея Алибекова. ||Санъат. – 1999. – №2. – с. 16 – 18.
12. Зиганшина. Н. Рўзибоев. Д: Синтез пластики цвета. ||Санъат. – 1999. – №2. – с. 21 – 23.
13. Из истории живописи Средней Азии. Сб. статей. – Ташкент: Г. Гулям, 1984. – 286 с.
14. История искусства зарубежных стран. Учебник для студентов. – Москва: Изоискусство, 1979. – 170 с.
15. Илхомова. С. Мусаввир Алишер Аликулов портретига чизгилар. ||Санъат. – 2002. – №4. – 34 – 36 б.
16. Каримов. Х. Ўрол Тансиқбоев. – Тошкент: Ёш гвардия, 1978. – 186 б.
17. Каримов Х. Табиат куйчиси (Ў. Тансиқбоев). – Тошкент: ғофур. ғулом. 1970. – 115 б.
18. Краснов Н. В. Беседа об искусстве. – Ленинград: Учпедгиз. 1969. – 41 с.
19. Коллектив. Искусство Советского Узбекистана. 1917 – 1972. – Москва: Сов. Художник. 1976.
20. Коллектив. Из истории живописи Средней Азии. – Тошкент: Гафур Гулям, 1984.
21. Кузин В. С. Вопросы изобразительного творчества. – Москва: Просвещение. 1971. – 144 с.
22. Кузин В. С. Психология. – Москва: Высшая школа. 1982. – 256 с.
23. Кузин В. Наброски и Зарисовки. – Москва: Просвещение, 1970.

24. Левитан. И. И. Письмо. Документъ. Воспоминание. – Москва: Искусство. 1956. – 86 с.
25. Леонардо да Винчи. Книга о живописи. – Москва: Изогиз. 1934. – 382 с.
26. Лук А. Н. Мишление и Творчество. – Москва: Политиздат, 1976. – 144 с.
27. Луконин. В. Г. Искусство Древнего Ирана, Кавказа и Средней Азии. – Ленинград, 1971. – 32 с.
28. Махмудов. Т. Эстетика живописи Узбекистана. – Ташкент: Г. Гулям, 1983. – 224 с.
29. Махмудов. Т. Художественный мир Акмаля Икрамжанова. ||Санъат. – 2002. – №3. – 16 – 18 с.
30. Мирзарахимов. М. Проблемы композиции в живописи Узбекистана. – Ташкент: Шарқ, 2005. – 159 с.
31. Мюнц. М. Рахим Ахмедов. – Сов художник. 1976. – 110 с.
32. Мюнц М. В. Жавлон Умарбеков. – Москва: “Советский художник”, 1979. – 21 с.
33. Набиев М. Рангшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 39 б.
34. Никифоров Б. М. Павел Петрович Бенъков. – Москва: Сов художник. 1967. – 118 с.
35. Ойдинов Н. Рассом ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. – Тошкент: Ўқитувчи. 1997. – 215 б.
36. Ойдинов. Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 126 б.
37. Паустовский К. Исаак Левитан. – Тошкент: Ёш Гвардия. 1985. – 30 с.
38. Перепелкина П. Г. Искусство смотреть и видеть. – Москва: Просвещение. 1982. – 182 с.

39. Полякова Е. А. , Раҳимова З. И. Шарқ миниатюраси ва адабиёти. – Тошкент: ғофур ғулом. 1987. – 283 б.
40. Пугаченкова А. М. Среднеазиатские миниатюры. – Ташкент: ГРЭ, 2003. – 47 с.
41. Рахмонов И. Перспектива. – Тошкент: Ўқитувчи. 1973. – 46 б.
42. Ремпель Л. И. Искусство Среднего Востока. – Москва: Сов. художник 1978. – 164 с.
43. Скульптура и живопись. (Индия). – Москва: Внешторгиздат. 1987. – 25 с.
44. Смирнов Г. Б. Техника Масляной Живописи. – Москва: Просвещение. 1974. – 31 с.
45. Смирнов Г. Б. Живопись. – Москва: Просвещение. 1975.
46. Соловьев С. А. Декоративное оформление. – Москва: Просвещение. 1987. – 24 с.
47. Такташ. Р. Темурғалиб Жамолутдинов. ||Санъат. – 2004. – №1. – 17 – 18 с.
48. Умаров. А. Аҳмедов М. Тасвирий санъат атамаларининг изохли лугати. – Тошкент: ЎзТСМУ. 1998.
49. Умаров А. Р. Чингиз Аҳмаров. – Тошкент: ғофур ғулом, 1979. – 129 б.
50. Умаров А. Абдуллаев Лутфулла. – Тошкент: ЎзССР давлат бадий адабиёт нашриёти. 1963. – 61 б.
51. Усмонов О. Комолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби. – Тошкент: Фан. 1997. – 149 б.
52. Ҳакимов. А. Миф и реальность в искусстве Узбекистана XX века. ||Санъат. – 1998. – №1. – №3. – 20 – 22 с.
53. Хасанов. Р. История изобразительного искусства Узбекистана. Программа для факультативных занятий. – Ташкент, 1986. – 20 с.
54. Шарқ миниатюра мактаблари. – Тошкент: ғофур ғулом, 1989. – 183 б.

55. Шарипова. Г. Гармония цвета и слова. ||Санъат. – 2000. – №4. – 26 – 29 с.
56. Шорохов Е. В. Композиция. – Москва: Просвещение. 1986. – 39 с.
57. Шторина. Л. Национальнўе традиции и современнўй художник. || Санъат. – 2005. – №3. – 4. 36 – 38 с.
58. Эгамбердиев. А. В поисках национального своеобразия. – ||Санъат. – 1999. – №1. – 20 – 21 с.
59. Эгамбердиев А. Зокир Иноғомов – Тошкент: ғофур ғулом. 1969. – 38 б.
60. Эгамбердиев А. Жанровая Живопись Узбекистана. – Тошкент: ғофур ғулом, 1989. – 63 с.
61. Я нги Ўзбекистон санъати. ||Санъат. – 1999. – №4. – 42 – 47 б.

Мундарижа

Кириш _____

1 БОБ. Тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари _____

1. 1 Тасвирий санъатнинг турлари _____

1. 2 Тасвирий санъатнинг жанрлари _____

2 БОБ. Тасвирий санъатнинг назарий асослари _____

2. 1. Композиция _____

2. 2. Рангшунослик _____

2. 3. Ёруғсоя _____

2. 4. Перспектива _____

3 БОБ Қадимги дунё тасвирий санъатидан лавҳалар _____

4 БОБ. Шарқ Уйғониш даври рангтасвири _____

4. 1. Шарқ мўъжаз рангтасвири мактаблари _____

4. 2. Ўрта Осиё мўъжаз рангтасвири _____

4. 3. Камолиддин Бехзоднинг ҳаёти ва ижоди _____

5 БОБ. Ўзбекистон тасвирий санъати _____

5. 1. Ўзбекистоннинг энг қадимги тасвирий санъати _____
5. 2. Ўзбекистоннинг XX аср тасвирий санъати _____
5. 3. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги тасвирий санъати _____
5. 4. Ўзбекистон тасвирий санъатида буюк сиймолар _____
- 6 БОБ. Ўзбекистоннинг машҳур рассомлари
- Беньков Павел Петрович _____
- Икромов Искандар _____
- Тансиқбоев Ўрол _____
- Ахмаров Чингиз _____
- Набиев Малик _____
- Абдуллаев Абдулҳақ _____
- куттимуродов Жўлдосбек _____
- Муҳамедов Телман _____
- Салимжонова Лайло _____
- Жалолов Баҳодир _____
- Жабборов Илҳом _____
- 7 БОБ. Хорижий мамлакатларнинг тасвирий санъати _____
7. 1. Европада Уйғониш даври санъати _____
7. 2. Уйғониш даврининг буюк вакиллари _____
- Леонардо да Винчи _____
- Микеланжило Буонаротти _____
- Рафаэл Санти _____
- Тициан Вечеллио _____
- Рубенс Питер Пауэл _____
- Рембрант Ҳарменс ван Рейн _____
- 8 – БОБ. Тасвирий санъатдаги оқим ва йўналишлар

9 БОБ. Хорижнинг буюк рассом ва ҳайкалтарошлари

Шарден Жан Батист Симеон _____

Брюлов Карл Павлович _____

Айвазовский Иван Константинович _____

Шишкин Иван Иванович _____

Роден Роне Франсуа Огюст _____

Ренуар Пьер Огюст _____

Репин Илья Ефимович _____

Гоген Пол Этен Анри _____

Ван Гог Винсент _____

Левитан Исаак Ильич _____

Матисс Анри Эмил Бенуа _____

Пабло Пикассо _____

Кент Рокуэлл. _____

Сикейрос Алфаро Хосе Давид _____

Гуттузо Ренато _____

10 БОБ. Жаҳонинг энг йирик тасвирий санъат музейлари

Илова. Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати

Адабиётлар рўйхати